

# Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал



## Жамоатчилик кенгаши:

Сирожиддин САЙИД  
Наим КАРИМОВ  
Иброҳим ҒАФУРОВ  
Эркин АЪЗАМОВ  
Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ  
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД  
Абдурахим МАННОНОВ  
Шухрат РИЗАЕВ  
Лазиз ТАНГРИЕВ  
Алишер ҚОДИРОВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ  
Муҳиддин ОМОН

## МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

**Бош муҳаррир**  
Аҳмадҷон  
МЕЛИБОЕВ

## Таҳрир ҳайъати:

Амир ФАЙЗУЛЛА  
Назира ЖЎРАЕВА  
Алимурод ТОЖИЕВ  
Шаҳноза НАЗАРОВА  
Алишер ОТАБОЕВ  
Даврон РАЖАБОВ  
Зилола ЖАЛЛОЛОВА  
Жамила АСҚАРОВА  
Мафтуна  
МУҲАММАДАМИНОВА

## МУНДАРИЖА

### НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. Тонг насимин сойир эткан... (Рус ва инглиз тилларига А.Сендик, Қ.Маъмуров тарж.). .....	<b>3</b>
---	----------

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

XX аср турк шеъриятдан. (Турк тилидан Й.Эшбек тарж.). .....	<b>8</b>
Хитой мумтоз шеъриятдан. (Рус тилидан Т.Али тарж.). .....	<b>45</b>

### НАСР

Л.С.МОНТЕЙРУ. Майизхўр эркак. Роман. (Рус тилидан А.Мелибоев тарж.). ....	<b>15</b>
Ф.ДОСТОЕВСКИЙ. Ака-ука Карамазовлар. Роман. (Рус тилидан И.Ғафуров тарж.). .....	<b>53</b>
Л.ИЗМАЙЛОВ. Ҳажвиялар. (Рус тилидан Ҳ.Сиддиқ тарж.). .....	<b>147</b>
В.ТОКАРЕВА. Бўлмаган нараса ҳақида ҳикоя. (Рус тилидан Ш.Аҳророва тарж.). .....	<b>187</b>

### АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАҒА

И.ҲАҚҚУЛ. Шоирлик маънавий сабот ва садоқатдир. ....	<b>99</b>
Н.КАРИМОВ. XX аср ўзбек адабиёти жаҳон адабиёти контекстида. ....	<b>154</b>

### ДРАМА

Б.БРЕХТ. Сичуандан чиққан меҳрибон. (Рус тилидан Ж.Камол тарж.). .....	<b>106</b>
--	------------

### ЭССЕ

Ҳ.САТТОРИЙ. Тургенев турткиси. ....	<b>162</b>
Муқовамизда. ....	<b>201</b>
Комус. ....	<b>204</b>
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни. ....	<b>206</b>



**АЛИШЕР НАВОИЙ**

(1441–1501)

**ТОНГ НАСИМИН СОЙИР  
ЭТКАН...**

*Тонг насимин сойир эткан гул узоримдур менинг,  
Секритиб майдонга кирган шахсуворимдур менинг.*

*Гард эмас, гардинда балким кўрмасун деб эл кўзи,  
Волиҳу саргашта жони хоксоримдур менинг.*

*Маркабининг наълидин ҳар дам чоқилган ўт эмас  
Ким, кўнгул отлиг заифи беқароримдур менинг.*

*Баски, телмурди кўзум киргайму деб майдон аро,  
Кўз қароси йўқки, доғи интизоримдур менинг.*

*Ул баҳори ҳусн минган қатраафшон бодпой  
Гулишани айи очқали абри баҳоримдур менинг.*

*Чобуки меҳр ўлди бемеҳру ҳарун кўк тавсани,  
Тутманг отинким, эшитмак они оримдур менинг.*

*Йўлида айлай фидо кўз гавҳарин, жон жавҳарин,  
Эй Навоий, етса ул чобук, нисоримдур менинг.*

**(“Ғаройиб ус-сизар”, 349-газал)**

ЛУҒАТ:

**Сойир** – сайр этувчи

**Шахсувор** – 1) чавандоз; 2) севикли ёр, маҳбуба

**Гул узор** – гул юзли, гулчехра

**Волиҳ** – мафтун

**Саргашта** – сарсон, овора; паришон

**Маркаб** – от

**Наъл** – тақа

**Қатраафшон** – қатра сочувчи

**Бодпой** – чопқир, учқур от

**Абр** – булут

**Тавсан** – 1) арғумоқ от, ўйноқи от; 2) саркаш, асов, шўх

**Ҳарун** – қайсар, ўжар

## Байтларнинг насрий баёни

*Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи*

1. Тонг шамолини сайр этувчи қилган менинг гулюзли ёримдир, аслида ушбу шамол майдонга от сакратиб кирган чавандоз ёрим туфайлидир.

2. Унинг ортидан кўтарилган чанг гард эмас, балки ушбу чанг туфайли элнинг кўзи ёримни кўрмасин деб, сарсон бўлган менинг хоксор жонимдир.

3. Отининг тақасидан ҳар замон чакнаган ўт эмас, балки менинг кўнгил отли бир заифи бекароримдир.

4. Ёрим майдонга кирармикан, деб кўзим кўп термулди, сиз кўраётган бу кўзимнинг қораси эмас, балки интизорликнинг доғидир.

5. Ҳусн баҳори (сохибжамол ёрим) минган ўша от ҳаётим гулшанини шод этувчи кўкламимнинг булутидир.

6. Мехрнинг оти бемехр бўлди, осмоннинг оти қайсар бўлди, уларнинг отини менинг олдимда тутмангки, эшитишга ҳам ор қиламан.

7. Эй Навоий, агар ул чобуксувор ёрим йўлдан етиб келса, кўзим қорачиғи ва жоним гавҳарини унинг йўлига нисор этаман.

## Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти

Алишер Навоийнинг мазкур ғазали ишқий мавзуда бўлиб, унда шўх ва бепарво ёрнинг таърифи келтирилган. Ушбу ёр от минишга моҳир чавандоз бўлиб, ғазалда бошдан охиригача унинг йўлига кўз тиккан ошиқнинг руҳий ҳолати: дарду аламлари, изтиробу соғинчлари баён қилинган. Маҳбуба тонг сахардан от миниб майдонга кирганда, тонг шамоли ҳам унинг атрофида сайр қилади:

*Тонг насимин сойир эткан гул узоримдур менинг,  
Секритиб майдонга кирган шаҳсуворимдур менинг.*

Ёр учқур оти билан сайр қилганда, бутун эл унга хайрат билан боқадилар, ҳавода чанг кўтарилади. Лирик қаҳрамон наздида кўтарилган бу тўзон чанг эмас, балки ошиқнинг эл кўзидан рашк қилиб, ўзининг тупроқмонанд паришон жонини унинг йўлига тикканидир:

*Гард эмас, гардинда балким кўрмасун деб эл кўзи,  
Волиху саргашта жони хоксоримдур менинг.*

Кейинги байтларда табиат ҳодисалари ва ёр тавсифи қиёси билан боғлиқ параллелизм давом этади. Ёр ҳар от ўйнатганда, унинг туёғидан ўт чакнайди, лекин ошиқ буни ўт деб эмас, балки ёр кўйида заифи беқарор бўлган кўнгли деб ҳисоблашларини истайди, зеро унинг ишқ ўтида ўзи ҳам ўтга айланган бу зор кўнгли унинг жисмидан чиққудек бесаранжом:

*Маркабининг наълидин ҳар дам чоқилган ўт эмас  
Ким, кўнгул отлиг заифи беқароримдур менинг.*

Маҳбуба гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай қолади. От ўйнатиб, баъзан майдондан узоқлашиб кетади. Шундай пайтда унга интизор ошиқнинг кўзлари телмуриб, майдонни излайди, ёрим яна кўриниб қолармикан деб унинг йўлларига кўз тикади. Ошиқнинг кўзларидаги қоралик корачиқларидан эмас, балки ёрини кутган ошиқнинг интизорлигидан пайдо бўлган доғлардир:

*Баски, телмурди кўзум киргайму деб майдон аро,  
Кўз қароси йўқки, доғи интизоримдур менинг.*

Навбатдаги байтда ажойиб сўз ўйинига гувоҳ бўламиз. Интизорлик шу даражага етдики, ошиқнинг назарида меҳр (қуёш)нинг оти бемеҳр бўлди, осмон арғумоқи қайсар бўлди, энди ошиқ уларнинг отини эшитишни ҳам истамайди. Байтда “тутманг отин” бирикмаси икки маънода: “номини айтманг” ва “отининг жиловини тутманг”, яъни “тўхтатманг” маъноларида қўлланилганки, бу орқали ийҳом санъатининг бетакрор намунаси вуҷудга келтирилган. Шунингдек, “отини тутманг” дейилишининг яна бир сабаби энди уларнинг оти ўзгарди: меҳрнинг оти бемеҳр бўлди, осмон арғумоғининг оти эса қайсар эканлигига ҳам ишора бор:

*Чобуки меҳр ўлди бемеҳру ҳарун кўк тавсани,  
Тутманг отинким, эшитмак они оримдур менинг.*

Ғазал ёр йўлида жонфидалик қилиш истаги ва садоқат туйғулари ила интиҳо топади. Мақтаъда шоир агар ул чобуксувор ёри йўлдан етиб келса, кўз қорачиғи ва жонининг гавҳарини унинг йўлига мумнуният билан нисор этишини таъкидлайди:

*Йўлида айлай фидо кўз гавҳарин, жон жавҳарин,  
Эй Навоий, етса ул чобук, нисоримдур менинг.*

Ғазал рус тилига Анатолий Сендик томонидан таржима қилинган. Мутаржим ғазалдаги радифни сақлаб қолишга ҳаракат қилган, ҳатто уни (“менинг”) сўз бирикмаси (“роза моя”) тарзида ифодалаган. Баъзи байтлар, хусусан тўртинчи байт таржимасида аслиятдан четга чиқиш ҳоллари кўзга ташланади.

Ғазал рус тилига аслиятдан фарқли ўларок 6 байт ҳажмида (мактаъдан аввалги байт тушириб қолдирилган ҳолда) ўгирилганки, бу ҳол мутаржимнинг байтдаги мураккаб сўз ўйинини таржимада бериш масъулиятини ҳис қилгани ва хато қилишдан сақланганлиги билан боғлиқ бўлса керак.

## Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Анатолий СЕНДИК

*Та, что свежей ветерка на рассвете, – роза моя.  
Та, что смелей всех наездниц на свете, роза моя.*

*В прах обратившись, душа моя пылью за ней летит,  
Щурятся люди, за это в ответе роза моя.*

*В облаке пыльном мерцают не искры из-под подков, –  
Сердце спалила мое на две трети роза моя.*

*Долго она меня ждать заставляет, но я дождусь,  
Язв ожиданья боятся лишь дети, роза моя.*

*Прелесть весны на коне ветроногом в росах сверкающих, –  
Вот мою душу поймавшая в сети роза моя.*

*У Навои самоцветы глаз, жизни жемчужина.  
Спешься, прими подношения эти, роза моя.*

## Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Қосимбой МАЪМУРОВ

### SHE WHO'D ME WALK IN A DAWN WIND...

*She who'd me walk in a dawn wind was my flowery beloved.  
A horse rider who galloped into the field was due to my beloved.*

*It isn't dust, but due to dust, folks' eyes see my beloved not.  
It was my dusty soul that was wandering there, believe or not,*

*It was not fire but lightning of my horse-shoe strike.  
Nor is it my soul steed that makes troubles go spike.*




*To see if my beloved enter the field my eyes stared a lot.  
It isn't my eyes' apple that you saw, but my missing spot.*

*That steed my beautiful beloved is riding fast to enjoy,  
Is a spring cloud that presents my life garden much joy.*

*Love's horse turned loveless, persistent was heaven's horse.  
Before me don't hold the horse, to hear I shame even worse.*

*Hey Navoiy, if my horse-rider beloved reaches me so cool.  
I'll sacrifice to her road my eyes' apple and all soul's pearl.*



## XX АСР ТУРК ШЕЪРИЯТИДАН

*Турк тилидан  
Йўлдош ЭШБЕК  
таржимаси*

### **ОШИҚ ВЕЙСАЛ (ШОТИР ЎҒЛИ)**

(1894–1973)

#### **МЕН КЕТАРМАН**

*Мен кетарман, номим қолур,  
Дўстлар мени хотирласин.  
Байрам келур, тўйлар бўлур,  
Дўстлар мени хотирласин.*

*Келмасам қандай кетардим?  
Кундан-кунга ортди дардим.  
Ғариб қолур ёрим, юртим  
Дўстлар мени хотирласин.*

*Жон қафасда қолмас, учар  
Дунё – сарой, қўнган кўчар.  
Ой айланар, йиллар кечар,  
Дўстлар мени хотирласин.*

*Сўлар гуллар, турли чечак  
Кимлар кулмиш, ким кулажаск.  
Мурод ёлгон, ўлимдир ҳақ,  
Дўстлар мени хотирласин.*

*Жон бадандан айрилажаск,  
Мўри вайрон ёнмас ўчоқ.  
Салом бўлсин қучоқ-қучоқ,  
Дўстлар мени хотирласин.*

*Вақт асрдир, оқишом бўлур,  
Кўрки бошга нелар келур.  
Вейсал кетар, номи қолур,  
Дўстлар мени хотирласин!*

### **АҲМАД ҚУДСИЙ ТАЖАР**

(1901–1984)

#### **ҚАЙДАСАН**

*Кечалари бир сас бузар уйқуни,  
Дилни ҳаяжонга кўмар: – Қайдасан?  
Ахтараман йиллар бўйи мен уни,  
Мен ошиқман бу чорловга, бу сасга.*



*Кундузлар судраклаб айлар дарбадар,  
Бу сас шамолларга қоришиб кетар,  
Ва шомлар ёнимда юриб баробар,  
Ногаҳон ҳайқирар менга: – Қайдасан?*

*Барча севгиларни олиб дилимдан,  
Борлигимни ёлғиз унга бердим ман.  
Етсин токи менга бир кун ботиндан,  
То юракдан бир кун менга “Кел” десин.*

## **АҲМАД ҲАМДИ ТАНПИНАР**

(1901–1962)

### **МОВИЙ**

*Мовий-мовий эди осмон,  
Булутлари оппоқ-оппоқ,  
Бепоемлиг ичра нолон  
Не ажаб ёз эди гамнок.*

*Ажаб, гўзал, сўнгра маҳзун  
Нур ёмгири ила узун.  
Бир туркуки гамгин садо  
Ва сен кулсанг гуллар пайдо.*

*Хуш булутлар эди оппоқ,  
Соялари сирли порлоқ;  
Тинмас эди гир-гир шамол  
Гуллар тўшин айлаб хушҳол:*

*Бинафшаранг ойдин... чинор  
Сояси-да қизарган зор,  
Намозгарда боқишлари,  
Саринликнинг ёқишлари...*

*Сабоҳларнинг ойнасида  
Ногоҳ кулар пайдо хусн,  
Икки боқиш орасида  
Айлар мени телба ҳузн.*

*Қайдасан? Ким билсин ҳозир  
Сенингдир яна оқишлар;  
Зинада қадамнинг саси,  
Бандаргоҳда шарпанг бор.*

## **КАМОЛИДДИН КАМУ**

(1901–1948)

### **БИР ЙЎЛОВЧИГА**

*(Хазон йўлчисига)*

*Сочинг яна паришон,  
Бағринг алам-ла вайрон,  
Қайга йўл олдинг ҳайрон,  
Яна бир гурбатгами?*

*Мен ҳам бир қуруқ япроқ  
Каби сен биланман, боқ,  
Зулфингга боғланароқ  
Келдим ишиққа... дардгами?*

*Кўзларинг тўла малол,  
Юзларинг инжа ҳилол,  
Ҳамдард эт, ёнингга ол,  
Дема, хазон... барггами?..*

## КУЗ

*Қуриди энди ўтлар,  
Битмаяпти янгиси,  
Кўллаб қолган сувларда  
Хазон – япроқ жасади...*

*Қайтди яйловдагилар,  
Эриди боғда гуруб.  
Воҳалар яна кенгиш,  
Қоялар яна қаттиқ...*

*Бошим қўлларим аро  
Оғир бўлакча ҳузун,  
Тушмоқда кўзларимга  
Доналари нам кузнинг...*

## ЎРХОН ШОИҚ КЎКЕЙ

(1902–1994)

## ҚОРИШИҚ

*Ерлардан кўкларга тортардим тўрлар  
Шу оққан юлдузлар манимдир, маним.  
Тиззамнинг тубига нўстин ёзардим,  
Жилмайган гуллар-да манимдир, маним!*

*Япроқлар, мевалар, гуллар новдаси  
Кўзларнинг, тилларнинг тўлуғ муждаси,  
Ўрадим ўзимнинг, дарди ниҳоним,  
Бошим туман-туман, дилда фиғоним?*

*Йўлларга тушмишман, қўлсиз-оёқсиз,  
Туркулар тузмишман сўзсиз, туроқсиз.  
Созимни синдириб, сасин олибман,  
Тордан учиб кетган унимдир, уним!*

*Салом, эй бағримга урилган садо,  
Алвидо “нечун”га, “чунки”га видо!  
Бир мушкулот юрган йўлда турибман,  
Сенга ўғрилгандир томоним, ёним!*

*Оташга берибман тўртта фаслни,  
Бир япроққа индирибман тақвимни.  
Кеча бўлиб, сени тушида кўрибман,  
Эл билан кечмас ҳеч куним, оҳ куним!*

*Бахшим мени олиб тортиб кетибди,  
Жайронлари тўла жойга элтибди,  
Сени нишон олиб, ўзни урибман,  
Тинмай оқар қоним, қонимдир маним!*

*Садолар қайтар йўлдан; ўтган кунимдир,  
Саслар тутар йўлга, сўнгим, сўнгидир.  
Заҳарми, асалми, нимадир қордим  
Тотмоқ уни мушкул, у маним, маним!*

## **СЕНИ КУТМОҚДАМАН, УЛ КУН БУЛ КУНДИР**

*Сендан юз йил аввал келиб, дунёда  
Сени кутмоқдаман, ул кун бул кундир...  
Гоҳ гурбатда, гоҳ соғинчда, зиёда  
Сени кутмоқдаман, ул кун бул кундир...*

*Кўзларим йўлларда, йўлим узоқда,  
Гулоб билан ювингандинг қучоқда,  
Муз тўшакда қотдим ёлғиз ётоқда,  
Сени кутмоқдаман, ул кун бул кундир...*

*Бешикларда, йўрғакларда бир жаҳон –  
Оқ гуллар ичинда қуёш – митти жон,  
Кўзларинг сим-сиёҳ, дудоқлар маржон  
Сени кутмоқдаман, ул кун бул кундир...*

*Уйда ўйнардинг ўзинг қўғирчоқми,  
Йироқдан кузатар эдим мароқли,  
Юлдузлардан инма бир гул яноқли,  
Сени кутмоқдаман, ул кун бул кундир...*

*Кўзларинг сўзлайди, тилларим бийрон,  
Садаф лаблар бурни айлайди ниҳон,  
Қиқирласанг гўё жаранглар осмон...  
Сени кутмоқдаман, ул кун бул кундир...*

*Уйғондимки, қарашингда ўзгарши,  
Юраман ўзгача... ҳайратли бу иш!  
Кўрган тушим ўннга ёки айланиш  
Сени кутмоқдаман, ул кун бул кундир.*



Ўлим хаёлингга келмайди севгач,  
Ўйланмас оқибат инжадан инжа...  
На кундузим кундуз, на кечам кеча,  
Сени кутмоқдаман, ул кун бул кундир...

Таъбир этармикин тушми – рўёмни?  
Қабул этди хайрга энди йўярми?  
Умидим бор, шифолайди ярамни,  
Сени кутмоқдаман, ул кун бул кундир...

## **АҲМАД МУҲИЙБ ДИРОНАС**

(1909–1980)

### **СЕРЕНАДА**

Яшил деразадан бир гул от менга,  
Нур-зиёга тўлсин қалбимнинг ичи.  
Келдим фасл каби эшигингга,  
Кўзларимда булут, сочимда қор кўчки.

Очилган бир гулсан сен – япроқ, япроқ...  
Мен ашкимда баҳор келтирдим сенга;  
Тўзонли йўлингдан ўтгандим узоқ,  
Ўлкамдан шарқилар келтирдим сенга.

Шаффоф томчилар билан титраган, оғир  
Ғунчанинг остида букилган ҳар шох.  
Сен учун гуллардан таралган атир,  
Жисминг нилуфар, чиннигул – мунчоқ...

Бир қуш саси келар дудоқларингдан;  
Кўзларинг – кўнглимда очилган наргислар...  
Тўкилган бўсалар дудоқларингдан –  
Оқ акасларда титраган саҳар.

Деразангдан бир гул отганинг замон  
Шуълага тўлгайдир қалбимнинг қаъри.  
Ўтмоқдаман фасл каби дарвозангдан,  
Кўзларимда булут, сочимда қори.

## **НАЖИБ ФОЗИЛ ҚИСАКУРАК**

(1905–1983)

### **БУ ЁМҒИР**

*Бу ёмғир... бу ёмғир... қилган инжа,  
Ўпичдан юшоқдир бу ёққан ёмғир...  
Бу ёмғир... бу ёмғир... бир кун тингунча  
Ойналар юзимни танимас бўлур.*

*Бу ёмғир қонимни бўғувчи илдир,  
Қалбимга огриқсиз санчилган пичоқ.  
Бу ёмғир ерда тош ва менда сўнғак  
Чидагунча майда-майда ёгажак.*

*Бу ёмғир... бу ёмғир... жаннатдан устун –  
Муқаррар қора ўй-тушунчалардан,  
Жинларнинг бошимда ўтказган тўйи  
Сувлардан, саслардан ва кечалардан.*

### **КУТИЛГАН**

*На хаста кутар сабоҳни,  
На қонли шаҳидни мазор,  
На-да шайтон бир гуноҳни  
Сени кутганим қадар.*

*Ўтди, истамам келмогингни;  
Йўқлигингда топдим сени,  
Қолдир ваҳмида шарпангни...  
Келма! Энди нега ярар, не фойдаси бор.*

## **САБОҲИДДИН АЛИ**

(1907–1948)

### **МАЪЮСЛИК**

*Мени энг гўзал кунимда  
Сабабсиз бир қадар олур.  
Бутун умрим қозонида  
Аччиқ бир қуйқаси қолур.*

*Англай олмам қадаримни,  
Бир оташ ёқар теримни,  
Ичим тор кўрар еримни  
Кўнглим тоғларга беланур.*

*На қиш, на ёзни истарман,  
На бир дўст юзни истарман,  
Ҳафиф дард созни истарман,  
Оғриқлар, санчиқлар келур.*

*Ёнима тушар қўлларим,  
Кўринмас бўлур йўлларим,  
Энг севимли амалларим  
Олдимда ўлик кўринур...*

*На бир дўст, на бир севгили  
Дунёдан узоқ бир далли...  
Мени чулгар гам, маҳзунлик  
Бошимда шод савдо ўлур!*

## **МУСТАФО САЙИД СУТЮВЕН**

(1908–1969)


### **САНЪАТ**

*Қаламим – мўйқалам, учи игнадек инжа,  
Оқ қалбим – сиёҳдон, сиёҳи – бўёқдир қора.  
Мўйқалам бўёқдон-ла бағир бериб кўришгач,  
Бармоқларим яқинлашур эртанги лавҳаларга.*

*Гўзаллик-чиркинлик топмоқ, яхши-ёмонни чизмоқ,  
Кўлка узра ҳафталаб уринмоқ зорлик ила.  
Энг юксагу энг настни бўйига кўра тизмоқ,  
Сўнгра кезинмоқ узун йўлларни ёрлик ила.*

*Сўнгра толиқур олдан недир излаган кўзлар,  
Толиқур қаришисида турганлар қатор-қатор  
Мунчоқлар каби инга тизиб ҳам осмоқ истар  
Ўз ақлим-у кўзимни одамларга неча бор.*

*Асрларча бу ҳовуз рангларим билан тўлмас,  
Чашма каби оқса-да қалбимдаги бўёқлар,  
Бу йўқсуллик ичра кўкларга чатсам-да оз  
Яратган лавҳаларим фақат қалбимни ёқлар.*



## *ЛУИШ ДЕ СТАУ МОНТЕЙРУ*

1926 –1993

### **МАЙИЗХЎР ЭРКАК**

Роман

*Рус тилидан  
Аҳмадҷон МЕЛИБОЕВ  
таржимаси*

**К**ўлим билан пайпаслаб, беш дақиқадан бери тинимсиз жиринглаётган будилникни кидираман. Топдим. Ҳар куни тунги столга ста-  
канда сув қўйиб қўйишади. Ўша ердаги китоб билан стаканнинг ораси-  
да экан. Тугмачани босаман. Хонам тинчийди. Энди ухлай олмаслигим  
аниқ. Будилник деганига қуёш чиқадими, ёмғир ёғадими, бунинг сира  
аҳамияти йўқ, ҳар куни соат саккизда жиринглашини канда қилмайди.

Бу ҳол Фернанданинг менга бўлган муҳаббати, черков байрам-  
лари муносабати билан ёзиладиган кечки таом ёки якшанба кунла-  
ри қўшниларнинг уйидан эшитиладиган пианино овози каби шахсий  
хаётимдаги ўзгармайдиган нарсалардан бири.

Начора. Эгнимдаги кийимларни полга ташлаб, оёқларим билан пой-  
абзалимни кидираман. Улар шу ерда – кроватимнинг ёнида бўлиши ке-  
рак. Ташқарида бўлса, қуёш нури деворларнинг ёриғи, чала супурилган  
кўчалар, аёлларнинг юзидаги ажинларга парво қилмай, шаҳарни эгаллаб  
бўлган. Шунақа. Соя бўлса, бу босимга дош бера олмай, ғойиб бўлади.  
Орадан чамаси бир соатлар ўтгач, шаҳардаги энг сўнгги соя Авенидидаги  
дарахтлар ва одамлар ғуж яшайдиган маҳаллаларнинг қалин деворлари  
орқасидагина қолади, холос.

Кунни ваннахонада, ойнага қараб қайсар Фернанда совға қилган “жи-  
лет” билан соқол олишдан бошлайман.

Бошимни чап ва ўнгга буриб, ўзимга қарайман. Хунук башаралигим  
рост. Фернанда бўлса мени севгани-севган. Минг уринмайин, бунинг са-  
бабини тушуна олмайман.

Эҳ. Яна кесиб олдим.

Қутичани очиб, уйланмасимдан анча аввал сотиб олган кварцли тошни  
кидираман. Жойида йўқ. Гумдон бўлибди.

Нима ҳам қилардим. Қонни сочиққа артаман.

Зангорранг сочиқ меники. Исми ип билан тикиб ёзилган. Фернан-  
данинг сочиғи яшил, унинг ҳам исми ёзилган. Социқни қўлимга олиб,

исмимни қидира бошлайман. Йўқ. Бошқа экан. Янги, оҳори тўқилмаган сочиқ. Менинг исмим бўлиши керак жойда “уники” деган оқ ҳарфли ёзувга кўзим тушади. Ёнига осиб қўйилган яшил сочиққа қарайман. У ҳам янги. Оқ рангли ёзувидан биламанки, у Фернанданики.

Демак, сочиқда менинг исмим йўқ. Эндиликда мен “у”ман. Бахтли оилавий жуфтлик деб аталувчи хаёлий иттифоқнинг эркак қисми. Қалай?

Иккала сочиқни полга ташлаб, юзимни юва бошлайман, қулоқларим орқасидаги совун кўпигини артиш ёдимдан чиқмайди.

Ўйлаб кўрилса, оиламизда нималар бўлаётганига сочиқлар айбдор эмас. Уларни полга итқитиш енгилтаклик. Қўлимга олиш учун энгашаман. Ҳар иккиси худди янги келин-куёвлардай, бири-бирига чирмашиб, мен қандай ташлаган бўлсам, шундай ётибди.

Эшик тақиллаб қолди. Кимлигини билмайман.

– Қирсам бўладими?

– Йўқ, бир дақиқа кутиб тур. Бандман.

Ёлғоним иш берди. Эшик очилмади. Фернанда эшик ортида кутиб турибди. Ойнадаги аксимга қараб жилмаяман. Аксим ҳам менга қараб жилмаяди.

Қайтиб кетаётган Фернанданинг оёқ товушларини эшитиш умидида жим тураман. Фойдасиз. У менинг чиқишимни кутиб турибди.

– Қирсам бўлар энди?

– Йўқ. Яна бир дақиқа.

Унитаздаги сувни тўқаман. Фернанда эшитсин деб.

– Мумкинми?

– Мумкин.

Сакраб ўтиб, ваннанинг сувини очаман. Фернанда кирганида юзимни юваётган бўламан – у мени ўполмайди.

Орқага қарамасам-да, кузатиб турибман: Фернанда ваннанинг кирғоғига ўтирди. Менга нимадир демокчи. Юзидаги ифодага қараганда, бирор жиддий гап бўлиши мумкин. Эҳтимол, бизнинг бошқа-бошқа ётиш тўғрисидаги қароримиз ўз таъсирини кўрсатиб, ёнимга қайтмоқчидир?

– Ёдиндан чиқдими, бугун ҳафтанинг бешинчи куни-я.

– Эндигина ўрнимдан турдим. Бешинчи кунлигини эслашга улгурганим йўқ. Нима, бугун балиқ тановул қилинадиган кунми?

– Наҳотки бешинчи куни нима иш қилишинг кераклигини унутган бўлсанг?

– Тўхта, тўхта... Бешинчи кун. Тушлик қилишим, кечки таомни ейишим, ётиб ухлашим керак. Шунақа ишлар-да.

– Бир кунда ҳеч бўлмаса бир марта масхарабозлик қилмасанг бўлармиди...

– Қўлимдан келмайди. Балки ўзинг...

– Ҳазил-хузулингни йиғиштир. Бугун соат олтида Симойншларникида коктейлхўрлик.

– Ҳа, дарвоқе. Кечир, шундай муҳим воқеа ёдимдан кўтарилибди. Симойншларникидаги коктейлхўрлик дунё тарихини ўзгартириб юборади. Яхши ҳамки, эслатиб қўйдинг. Агар мен бормай қолсам, нима бўлишини тасаввур қиласанми ўзи?

– Сен бораман дегандинг.

– Наҳотки?



– Ҳа, шундай.  
– Бу жуда муҳим, чиндан ҳам муҳим.  
– Хўш, борасанми?  
– Билмайман. Эҳтимол, кечгача ўлиб қоларман. Ёки ўғиллик бўларман. Балким, устимдан машина ўтиб кетар. Ким билади дейсан, бориш истаги пайдо бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

– Менга кўнғироқ қилиб, бориш-бормаслигингни айтиб қўйганингда, мен нима қилишимни билган бўлармидим...

– Борди-ю боролмасам, сен ўзинг менсиз ҳам боришинг мумкин. Симоинш сени еб қўймаса керак. Агар у шундоқ қилмоқчи бўлса, дарҳол, “Кечирасан, мен ҳалиги...” дейишинг мумкин.

– “Мен ҳалиги” нима?

– Сен менинг хотинимсан.

– Тўғри, аммо сен бошқача гап айтмоқчи бўлдинг.

– Шу айтганимни айтмоқчи эдим.

Ваннахонанинг эшигини очиб, ташқарига чиқаман. Орқамдан у ҳам чиқади ва тўғри ётоқхонамга киради. Кийина бошлайман. Ички кийимларимни кияётганимда ташқарига чиқиб турса керак деб ўйладим.

– Борасанми, йўқми?

– Қаёққа?

– Симоиншларникига.

– Йўқ, бугун балиқ ейиладиган кун.

– Қачондан бери бундай нарсалар ҳақида ўйлаб қолдинг?

– Шу бугундан.

– Яна қанча ўйлайсан?

– Эртагача.

– Менга айт-чи, Симоиншларникидаги коктейлнинг бугунги балиқ кунига нима алоқаси бор?

– Коктейлда дастурхонга сосиска тортилади.

– Жуда ҳозиржавобсан-да.

– Шунақа туғилган бўлсам нима қилай?

– Нонушта қиласанми?

– Йўқ. Ташқарига чиқиб турсанг бўлармиди. Кийинмоқчиман.

– Чиқиб туришим шартми? Ҳар ҳолда... хотинингман, ахир.

– Майли, қолақол.

Ич кийимимни ечиб, шимимни кияман.

– Бўлди, тайёрман.

Ётоқхонадан чиқиб, Фернанда билан ёнма-ён ташқарига чиқиладиган эшикка яқинлашаман.

– Симоиншларникидаги коктейлхўрликка борадиган бўлдингми?

– Сен менинг боришимини хоҳлаяпсанми?

– Хоҳлаяпман.

– Ундай бўлса, мен бормайман.

Ўзимни бироз енгил ҳис этиб, ташқарига чиқаман. Дўкончага кириб, юз грамм майиз сотиб оламан. Уни чўнтагимга солиб, Шьяду<sup>1</sup> томонга борадиган йўлдан аста одимлайман.

Фернандага имкониятимдаги барча нарсаларни ваъда қилиб бўлдим, мени тинч қўйса, бас. Ишончим комилки, иккимизни бу мавҳум ҳолатдан

<sup>1</sup> Лиссабоннинг эски қисмидаги шаҳарча.

қутқарадиган бирон-бир йўл бўлиши керак. Бўлмаслиги мумкин эмас. Инсоният Ойга парвоз қилишга шай бўлиб турган бир пайтда, менинг ёқтирмайдиган хотиним ёнига, тоқат қилишнинг иложи йўқ ҳаётга, чидаб бўлмайдиган муҳитга қайтишим ақлдан эмас.

Инсон уйидаги муаммоларни ҳал этмай туриб, Ойга қандай қилиб учаркин?

Бўйинбоғни итлар ўйлаб топишмаган. Ҳайвонот боғини арслонлар қуришмаган. Инсон оёқ-қўлини маҳкам боғлайдиган қонунларни нега ўйлаб топди экан-а? Бу қонунлар одамларга хизмат қилиши керак эмасми? Бундай бўлмаса, бошқасини топиш мумкин-ку.

Чўнтагимга қўл солиб, бир дона майиз оламан. Жуда қуруқ. Бир неча донасини оғзимга ташлайман.

Ғирт аҳмоқона ҳолат. Бу қанақа оила бўлди – эр хотин билан бир тўшакда ётмайди, хотин бўлса бир вақтлардаги ҳаяжонли ўпишишларни қўмсагани-қўмсаган. Шу ҳам турмушми? Иккимизга ҳам ярашмайдиган қилиқ. Нима бўлаётганини мундоқ ўтириб, умумахлокий меъёрлар асо-сида ўрганиб чиқилса бўлади-ку?

Менга тавсия қилишган адвокат сиёсатда ном чиқармоқчи бўлган католик экан. Назаримда, нуфузи баланд кишига ўхшайди. Маслаҳати арзонга тушмаса ҳам, у билан гаплашишим керак. Шундай қилишим зарур. Ахир, қолган умримни Фернандадан қочиб юриб ўтказмоқчи эмасман-ку.

Такрор айтаман: бу – иккимизга ҳам тўғри келмайди.

Чўнтагимдаги халтачадан яна бир-иккита майиз оламан. Атрофга назар ташлайман. Бирорта дўкон кўзга ташланмайди. Ишончим комил, шу яқин-атрофда – Мурувват майдонида дўкон бўлиши керак.

Кайфиятим бузила бошлайди. Фернандага адолатсиз муомала қиладиган бўлиб қолдим. Унга нисбатан сурбетларча муносабатда бўлаётиман. Тўғри гапни гапираётим ҳам ўзимни ундан олиб қочаман, айна шу пайтда ўзимдан ҳам қочаман, чунки унга бўлган муносабатимдан уялиб кетаман.

Бизнинг муносабатларимизни белгилайдиган қонунларни Фернанда ўйлаб топмаган.

– Демак, сен менинг боришимни хоҳлайсан, шундайми?

– Хоҳлайман.

– Унда мен бормайман.

Бундай жавоб ғирт адолатсизлик, одобдан ҳам эмас.

Авваллари бундай эмас эдим, ахир. Менга нима бўлди ўзи?

Наҳотки ҳеч қандай ечим бўлмаса? Адолатли, муносиб ечим.

Наҳотки мен қолган умримни беодоб ҳазилларим билан Фернанданинг устидан кулиб ўтказсам, кадр-қимматимни йўқотаётганимни сезмасам?

Мен ўша адвокат билан, албатта, гаплашишим керак. Менинг унга му-рожаат қилишим ҳар жиҳатдан тўғри бўлади. Чунки, бундай ҳолатларнинг содир бўлишига шу адвокат ва унга ўхшаганлар сабабчи. Агар улар ҳеч бўлмаса, менга ёрдам беришса, адолатли иш бўларди.

– Марҳамат, менга икки юз грамм майиз.

– Бир дақиқа, ушбу сеньорнинг харидини тортиб берай.

– Майиз қуруқ эмасми?

– Куни кеча олиб келишди, жуда зўри.

Еб кўраман. Мазаси яхши. Халтачани чўнтагимга солиб, қайтимни оламан.

Соат энди ўн бўлди. Шу яқин-атрофда қаҳва ичиб олсам зўр бўларди.

Эрталаблари бирор юмуш билан ўзимни банд қилишим қийин. Жуда ҳам қийин. Уйда эса қололмайман. Ҳар куни қиладиган ишим: кўчаларда сайр қилиш, ўтган-кетганга назар солиш. Бу лаънати байрамлар тезроқ тугаса-ю, одамлар ишларига қайтишса-чи.

Фернандага нисбатан адолатсизлик қилганим аниқ.

Эҳтимол, унга кўнғироқ қилишим керакдир? Ҳа, шундай қиламан. Кўнғироқ қилиб, Симойншларникига коктейлхўрликка боришимни айтаман. Инсоф билан айтганда, унинг аҳволи меникидан яхши эмас.

Оғзимга бир дона майиз соламан. Аввалгисидан кўра мазалироқ, ширинроқ. Куруқ эмас.

Телефон будкасига қираман. Гапни нимадан бошласам экан-а? Агар эрталабки гапларим учун узр сўрасам, кўнглида умид учқунлари пайдо бўлади, бугун кечқурун бирга ётишимизга ҳаракат қилиб қолиши мумкин. Шуниси чатоқ. Аёл кишининг раъйига қарши боришдан ёмони йўқ. Бу – ўта оғир зарба. Ёш боланинг юзига шапалоқ тортиб юборгандай оғир. Январь ойида юз берган воқеа ҳали-ҳануз кўз ўнгимдан кетмайди. Бечора Фернанда ётоқхонасидан гулли ички кийимида, кунишганича чикдики, унга қараб, бу ёруғ оламда унинг ҳеч кими йўқ, ҳаёт у учун тугаган, деб ўйлаш мумкин эди.

У ўзида бор нарсаларнинг ҳаммасини менга тақдим этиш учун келган эди, мен бўлсам, ҳаммасини рад этдим. Шу воқеани эсласам, ҳалигача баданларим жимирлаб кетади. Бошқа иложим йўқ эди-да. Севгидан эс-хушини йўқотган эр ролини ўйнаганимда-чи? Балким, ёлғонни қойиллатиб, Фернандани йўқ ёрқин келажакка ишонтирганимда бунчалик изтиробга қолмасмидим?

Эҳ, бор-йўғи икки юз грамм майиз олибман-а. Жуда ширин экан. Ярим кило олсам бўларкан. Аммо... ярим килоси халтаси билан чўнтагимга сиғмасди. Кейинги сафар икки юз эллик грамм оламан.

Уйга кўнғироқ қиламан.

– Фернанда, ўзингмисан? (Ўзи бўлмай, ким ҳам бўларди? Эркак киши жавоб берганида, менга зўр дастак бўларди-да).

– Ўзимман.

– Симойншларникига коктейлга боришга қарор қилдим.

– Мени олиб ўтарсан? (Унинг овозида умид пайдо бўлганини сезиб турибман).

– Ўзинг боравер. Ўша ерда учрашамиз. Мен эртароқ, соат олтиларда бораман.

– Уйга келиб қийинмай, шундайлигингча борасанми?

– Ҳа, шундай. Уйга кириб ўтишга вақтим бўлмайди. Кирсам, коктейлхўрликка бормаслигим ҳам мумкин.

– Ҳар эҳтимолга қарши, қора костюмингни тайёрлаб қўяман. Тоза кўйлагинг кроватнинг устида бўлади.

– Шарт эмас. Шундайлигимча боравераман.

– Майли. Аммо кийимларингни, ҳарқалай, тахт қилиб қўяман.

– Кераги йўқ (Баҳслаша бошлаймиз).

– Сен режангни бироз ўзгартиришинг мумкин.

– Мен режамни ҳеч қачон ўзгартирган эмасман.

– Раҳмат. Кўришгунча.

– Кўришгунча.

Асабим ўйнаб кетди. Менга ғамхўрлик қилиш – унинг касали. Бирор ёққа боришимдан олдин костюмимни тайёрлайди. Кечқурун стол устига тарелкада майиз қўйишни ҳам қанда қилмайди. Музлатгичда мен учун яхна ичимликлар доимо шай туради. Бир кунмас-бир кун менинг ўзгариб қолишимга умид қилиб яшайди. Наҳотки, у биз фикримизни ўзгартирадиган бўлсак, севги лаббай деб келиб қолади, деган хомхаёл билан банд бўлса? Ўзича нималарни хаёл қилмайди-я? Бир куни уйга қайтиб, унга “Менинг фикрим ўзгарди, сени яна яхши кўриб қолдим” дейишимни кутади. “Фернанда, азизам, мен яхшилаб ўйлаб кўрдим ва... сени яна севиб қолишга қарор қилдим. Шу дақиқадан эътиборан сени севаман. Йўқ, Фернанда, ҳозир эмас. Аввал мен дўконга кириб, икки юз эллик грамм майиз сотиб олишим керак. Шундан кейин сени, албатта, севиб қоламан...”.

Ўша нуфузли адвокатни топиб, гаплашишим керак.

Маълумотномадан қидириб, исми шарифини топаман. Тўртта телефон рақами бор экан: биттаси Байшеда<sup>1</sup>, иккинчиси аэропортга яқин жойда, бошқаси Кашкайшеда<sup>2</sup>. Тўртинчиси Келуш саройи атрофида. Нуфузли одамлиги билиниб турибди.

Байшедаги рақамни тераман.

– Алло. Бу жаноб...нинг офисими?

– Ҳа, шундай.

– Мен у киши билан учрашув белгиламоқчи эдим.

– Марҳамат.

– Бугун, соат бешда.

– Соат бешда дейсизми?

– Ҳа, шундай.

– Бўлади. Исминини билмоқчимисиз?

– Албатта. Сиз ўзи касаба уюшмасиданмисиз?

– Қанақа касаба уюшмаси? Янглишяпсиз, менинг касаба уюшмасига мутлақо дахлим йўқ. Балким сиз, жаноб адвокат билан шартнома тузган уюшмани кўзда тутаётгандирсиз? Нима бўлганда ҳам, менинг касаба уюшмаси билан алоқам йўқ. Ассоциация дейсизми? Ниманидир адаштиряпсиз. Йўқ, у ҳам эмас. Мен сизларга биринчи марта мурожаат қилмоқдаман. Яхши, албатта бораман.

Котиба ғирт тентакка ўхшайди. Мени касаба уюшмасидан, қандайдир ассоциациядан ёки суғурга компаниясидан деб ўйлади.

Ҳай, майли, аммо бу галги майизга гап йўқ. Яна биттасини оғзимга соламан. Озроқ қолди. Кўпроқ олсам бўларкан.

Зинадан пастга юриб, Ларгу Триндаде Коэлью майдонига тушиб бораман. Кариока кафеси ёпик. Афсус. Бир рюмка виски бўлса зўр кетарди-да.

“Рампа” савдо марказининг пештахталари жуда гўзал. Америка журналларининг муқоваларида акс эттирилган енгил, ташвишсиз ҳаётни эслатади. Чарм костюмлар, тўқима свитерлар, гулли безакдор кўйлақлар.

Шундай пештахталарни яхши кўраман Улар шаҳарни замонавий ва космополитча қилиб кўрсатади. Афсуски, Конкордат келишуви<sup>3</sup> бор-да.

<sup>1</sup> Лиссабоннинг марказий туманларидан бири.

<sup>2</sup> Шаҳар ташқарисида.

<sup>3</sup> Черков ва давлат ўртасида никоҳни бекор қилишни тақиқловчи диний масалалар бўйича келишув.

Бу келишув “Рампа” савдо маркази пештахталари кўринишига мутлақо мос келмайди. Бошқа мамлакатлардан келтирилган тўқима свитерларга ҳам.

Ёғоч билан безатилган офис салобатли кўринади. Қимматбаҳо креслолар малларанг чарм билан қопланган. Келиб-кетувчилар йўқ.

Креслолардан бирига чўкиб, журнални кўлимга оламан. Бундай журналларни ҳеч ким сотиб олмайди. Уларни почта орқали юборишади. Идиш-товоқ ювувчилар ҳам ўқишмайди.

Журнал Республика Президенти жаноби олийларининг Африкага визити ҳақидаги суратлар билан тўла. Қора танли эркак ва аёллар кўлларида байроқ билан Президентнинг машинасини кутиб туришибди. Аёллардан бирининг кўкраги белигача осилиб турибди. Бу суратни цензура қандай ўтказди экан-а, ё жаноб Президентни кутиб тургани учунми? Тушунмайман.

Яна бир-иккита майизни оғзимга соламан. Эрталабдан бери чўнтагимда юриб, эзилиб кетибди.

Яна қанча кутишим керак? Ахир, келиб-кетувчилар йўқ-ку? Жаноб адвокат сусткашмикин? Балким, “Дьяриу де Лижбоа”ни ўқиб ўтиргандир?

Кўрамиз.

Ўрнимдан туриб, тўқишга астойдил берилиб кетган котибага мурожаат қиламан.

– Мени кечирасиз, соат бешдан бери кутиб ўтирибман, беш ярим бўлди. Ортиқ кута олмайман.

– Яна беш дақиқа сабр қилинг. Жаноб адвокат бош директор билан ўта муҳим йиғилиш ўтказмоқда. Тугай деб қолди.

– Афсуски, бошқа кута олмайман. Мен бош директор бўлмасам-да, жуда банд одамман. Мен саноатчиман. Ишимни бошқа ҳеч ким мен учун қилмайди...

– Бошқа кута олмаслигингизни зудлик билан жаноб адвокатга айтаман.

Ўрнимдан туриб кута бошлайман. Муҳим йиғилиш тез орада тугашига ишончим комил.

Котиба қайтиб келди.

– Марҳамат, бу ёққа!.

Айтмабмидим.

Чоғроқ йўлакдан ўтиб, жаноб адвокатнинг хонасига кираман. Хона жуда ҳашаматли, эски замонларнинг оғир мебеллари билан безатилган.

Жаноб адвокат ҳайҳотдай ёзув столида ўтирибди. Кириб келганимга парво ҳам қилмади, кўзини столдан олмай қаерга ўтиришимни кўрсатди.

Ўтирганим йўқ. Бунақанги найрангларнинг кўпини кўрганман.

Адвокат бошини кўтариб менга қаради.

– Марҳамат, ўтиринг.

Ўтирдим.

Адвокат, худди хонада ҳеч ким йўқдай, ёзишда давом этди.

Ўрнимдан турдим.

Адвокат ручкани бир ёнга суриб қўйди.

– Эшитаман.

– Гап никоҳни бекор қилиш масаласида, жаноб адвокат.

– Никоҳни бекор қилиш масаласида дейсизми? Маъзур тутасиз, мен никоҳни бекор қилиш билан шуғулланмайман. Оилавий можароларга аралашимизга шахсий принципларим йўл қўймайди.

Жаноб адвокатнинг фикрини ўзгартиришга ҳаракат қиламан.

– Кечирасиз, гап шундаки, менга бу тўғрида айтишмади. Билганимда сизни асло безовта қилмаган бўлардим. Ўзимнинг ҳуқуқшуносим бор. У менинг фабрикаларим билан шуғулланади. Унинг иши асосан савдо-сотик масалалари бўлгани учун ҳам, ўзимнинг шахсий масаламда дўстимнинг тавсиясига биноан сизга мурожаат қилгандим.

– Фабрикаларим дейсизми? Сиз саноатчи экансиз-да?

– Мен миллий шляпа ишлаб чиқарувчи йирик саноатчилардан бириман, аммо бошқа соҳаларда ҳам манфаатларим бор. Нима бўлганда ҳам, сизни безовта қилганим учун узр сўрайман ва...

– Худо хайрингизни берсин, бир дақиқа. Мен ажралиш масалалари билан шуғулланмайман дедим, бу масалада маслаҳат бера олмайман деганим йўқ. Бошидан бошлаймиз. Никоҳингиз қайси йили рўйхатга олинган?

– 1948 йили.

– Фуқаролик никоҳими?

– Черков никоҳи.

– Ундай бўлса, сиз ҳеч қачон ажраша олмайсиз. Конкордате келишуви тўғрисида эшитмаганмисиз?

– Мен уни ўқиб чиққанман, аммо қонунни айланиб ўтишнинг бирор чораси йўқлигига ишонмайман.

– Чораси йўқ. Сизга очиғини айтиб қўя қолай: бўлганида ҳам, сизга бу тўғрида айтмаган бўлардим.

– Нега энди?

– Негалиги шундаки, мен ажралишларга мутлақо қаршиман.

– Сиз муаммо нимадалигини тушунмаяпсиз, чоғи? Мен сиз ажрашинг деяётганим йўқ, мен ажрашмоқчиман. Шундай экан, принципларингиз дахлсизлигича қолади. Очиғини айтсам, нега энди мен ва хотиним сизнинг принципларингиз учун жабр кўришимиз керак, буни мутлақо тушунмайман...

– Черковда никоҳдан ўтаётганингизда, сиз нима қилаётганингизни яхши билгансиз. Ўшанда нега фуқаролик никоҳини танламагансиз?

– Бунинг бир неча сабаблари бор. Уларни сизга айтишим шарт эмас. Аммо, эътибор берингки, мен католик бўлганим учун ҳам никоҳимиз черковда расмийлаштирилган.

– Католиклар учун ажралиш тақиқланганини билмайсизми?

– Ҳозир диний масалаларда баҳслашишнинг ўрни эмас, деган фикрданман. Аммо, сизни ишонтириб айтаманки, мени масаланинг диний жиҳати эмас, ҳуқуқий жиҳати қизиқтиради.

– Шундай бўлсин ҳам дейлик. Лекин сиз диний қонунлар асосида никоҳдан ўтгансиз...

– Тўғри, шундай бўлган. Аммо католик черкови бағридан чиқишим билан мен ўзимнинг собиқ диним урф-одатларига амал қилишни тақа-тақ тўхтатаман. Нима бўлганда ҳам, мен бугун бу ерга фалсафий нутқ ирод қилиш учун келганим йўқ. Мен хотиним билан ҳуқуқий жиҳатдан ажрашиш учун нима қилишим мумкинлигини тушуниш учун келдим.

– Ҳуқуқий жиҳатдан? Бу билан нима демоқчисиз?

– Демоқчиманки, биз амалда аллақачон ажрашиб бўлганмиз...

– Нима ҳам қила олардингиз. Кутишга тўғри келади.

– Нимани кутишга?

– Кутасиз.

– Ундай бўлса, маъзур тутгайсиз, мен бошқа бир жойга бориб, ўша ерда кута қолай. Сизга қанча тўлашим керак?

– Сиз черков судига мурожаат қилиш эҳтимоли тўғрисида ўйлаб кўрганмисиз?

– Нимага асосланиб?

– Йўли бор. Жуда кўп. Ўйлаб кўриш керак.

– Ундай бўлса, бу иш билан мен учун шуғуллансангиз, сиздан бағоят хурсанд бўлардим.

– Эртага келинг. Йўқ, эртага шанба. Душанба куни. Бўладими? Тушликдан кейин ихтиёрингиздаман... Кўрамиз, нима иш қила олишимиз мумкинлигини. Котибам анкета тўлдиришга ёрдамлашворади. Ички ҳисобот учун керак...

Симойншларни кига етиб келгач, шимимнинг чўнтагини пайпаслаб, икки дона майиз оламан.

Ичкарига кираман. Қўлимга дарҳол бокал тутқазашади.

*Зангор кўйлакли сеньора:* Сиз Годони кўргандирсиз?

*Шу рангли кўйлак кийган бошқа сеньора:* Қайси Годони?

*Биринчи сеньора:* Театрдаги...

*Кулранг костюмли эркак:* Шу кишини кутишяпти.

*Симойнши:* Сизга сосиска таклиф этишга рухсат этинг.

*Қорамтир рангли тўқима кўйлак кийган сеньора:* Жоним билан, аммо... иложим йўқ. Бугун – балиқ ейиладиган кун.

*Мўйловли жаноб:* Ҳа, Годо денг. Мен Родригеш билан бирга эдим... Сосиска дейсизми? Бажонидил.

*Сочини бўяган қиз:* Нуну Гонсалвишдан кейин Португалияда бирорга ҳам ҳақиқий рассом чиқмади. Мана шу бисквитларни тотиб кўринг, жуда ажойиб.

*Ҳаракатлари шубҳали йигит:* Нималар деяпсиз? Алмада-чи? Мариу Эллоу-чи? Виейра да Силва, Соуза-Кордозуларчи?

*Симойнши:* Ким-ким?

*Зангор кўйлакли сеньора:* Ахир, Годо...

*Кўриниши ўта муҳим жаноб:* Бугунги ёшларни тушуниш қийин. Муҳим масалада фикр юрита олишмайди. Миллий тараққиёт режаси нима бўлади? Зайтун дейсизми? Билмадим, қаерда бор экан?

*Ҳаракатлари шубҳали йигит:* Вискининг баҳосига чидаб бўлмайди. Агар вазир бўлганимда борми, янги қонунни қабул қилдирган бўлардим.

*Сочини бўяган қиз:* Бахтимизга бизда энди куч-қувват берадиган воситалар бор. Яқин-яқингача биз Европада шундай воситалар бўлмаган яккаю ягона мамлакат эдик.

*Кулранг костюмли эркак:* Шунча йил бундай воситаларсиз яшабсиз. Уларнинг борлиги хаёлингизга ҳам келмаган бўлса керак? Нега энди бугун уларга эҳтиёж сезиб қолдингиз?

*Зангор кўйлакли сеньора:* Сиз Годонинг ишларига қаранг...

*Кўриниши ўта муҳим жаноб:* Годо қанчалар машҳур бўлмасин, яхши миллий мўйқалам соҳибларининг йўқлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Хорижликларнинг босими – бизнинг авлод учун шармандалик. Висенте яшаган эди-ку...

*Симойнши:* Яна бир қадах, жаноб маслаҳатчи.

*Кўриниши ўта муҳим жаноб:* Яхши ичимликка йўқ дейдиганлардан эмасман. Ташаккур. Ажнабий сўзларнинг тилимизга кириб келиши ғашга тегади-да. Қўлимдан келганида, биласизми, нима қилардим...

Бу беҳуда гапларни тинглар эканман, беш ёки олти марта виски ичдим, икки тарелка сосискани паққос туширдим. Яна денг, балиқ ейиладиган куни. Фернанда ҳалигача келгани йўқ.

*Сариқ қўйлакли қиз:* Эҳ, Парижга қайтишни шу қадар хохлаяпманки. Бу ердаги нарсалар жонимга тегди.

*Ҳаракатлари шубҳали йигит:* Менга келсак, очик айтишим керак: ҳозир фақат Бартокни тинглай оламан. Бошқалари, назаримда, сунъий, инсоний аҳамиятга эга эмас. Сизлар қандай фикрдасизлар?

Суҳбатга қўшилмоқчи бўлдим. Бунинг учун уларнинг ҳар бирига ўхшаб, мен ҳам ўзим ҳақимда ўйлашим керак. Бўйнида йўл-йўл чизиқли галстуги бор эркакка ўхшаб.

*Бўйнида йўл-йўл чизиқли галстуги бор эркак:* Барток менга ёқади, аммо Балдини кўпроқ ёқади.

*Ҳаракатлари шубҳали йигит:* Балдини дейсизми? Фикрингизга қўшиламан. У жуда қизиқарли. Жуда ҳам. Инсоний, очик. Нима демоқчи бўлаётганимни тушунаёпсизми? Унинг ижоди – кенг очилган каттакон эшик, очик майдондаги бутхона. Инсон шарафига яратилган ҳақиқий ибодатхона. Фикримга қўшилсангиз керак?

*Бўйнида йўл-йўл гулли галстуги бор эркакка айланган мен:* Тўла қўшиламан. Оҳангдорлик нуқтаи назаридан унда тушуниш қобилияти кучли.

*Йил давомида учинчи даражали шаҳарчада тўртинчи тоифага мансуб зиёфатларда муттасил қатнашган ёш дипломат:* Мен бу тўғрида жуда кўп ўйлаганман, аммо фикримни сизларникидек аниқ-равшан ифода далай олмаганман.

*Зангор қўйлакли сеньора:* Мен сизга айтаяпман-ку, Годо...

*Симойннинг хотини:* Гофиллигимни тан олишим керак. Балдини тўғрисида мутлақо эшитмаган эканман. Унинг энг муҳим асари қандай номланади?

*Бўйнида йўл-йўл гулли галстуги бор эркакка айланган мен:* Мен сизга айтишим керакки, Балдини ҳеч қачон бирор нарса ёзган эмас. У – италиялик пойгачи, ўзини доимо велосипедда учиб юргандек қилиб кўрсатади.

*Ҳаракатлари шубҳали йигит:* Бир дақиқа, узр, анави ерда қизиқарли бир нарса хусусида гаплашишмоқда.

*Йил давомида учинчи даражали шаҳарчада тўртинчи тоифага мансуб зиёфатларда муттасил қатнашган йигит:* Сўнгги бор Лондонда бўлганимда, у ерда аҳамиятга молик кўп нарсаларни кўрдим.

*Бўйнида йўл-йўл гулли галстуги бор эркакка айланган мен:* Ойнада ўз аксингизни кўргандирсиз?

*Зангор қўйлакли сеньора:* Нахотки ичимизда бирор киши Годони бориб кўрмаган бўлса?

*Ўта муҳим жаноб:* Лондонда бу йигитча нимани топди экан?

*Бўйнида йўл-йўл гулли галстуги бор эркак:* Дипломатларнинг бағажидан давлат сирини топган бўлиши мумкин.

*Ҳаракатлари шубҳали йигит тўртинчи тоифага мансуб зиёфатларда муттасил қатнашган ёш дипломатга бўйнида йўл-йўл гулли галстуги бор*



*эркак хусусида:* Унга мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Мутлақо. Унингча, мен Балдинининг кимлигини билмас эмишман. Балдинига мен шунчаки, кани қаергача бораркин, деган маънода ютқизганман. Ҳаммасидан ёмони, у мени лақиллатдим, деб ўйлаяпти. Мен учун ҳисобга олиб қўйиш зарур бўлган яхшигина сабоқ бўлди: нотаниш одамлар билан ҳамиша эҳтиёт бўлиб гаплашиш керак.

*Париждан қайтиб келган, у ерда ўн тўртта детектив асар ўқиган, 14 та 14-даражали кечки зиёфатларда иштирок этган ёш дипломат:*

– Симоиншларникидаги коктейл – ғаройиб воқеа. Ҳақиқий винегрет. Кимларни учратмайсан-а... Бу ер менга Парижни эслатади.

*Ўта муҳим жаноб:* Дилдан тан олишим керакки, мен дипломатларга ҳамиша қойил қоламан. Табиийки, мен ҳам, имкониятларимдан келиб чиқадиган бўлсак, дипломатман. Сизлар Шарқ ва Ғарбда катта сиёсатнинг муҳим масалаларини ҳал қилишингизга ҳеч нарсани қиёслаб бўлмайди.

*Ҳозиргина вазирликдан қайтиб келган, у ерда кун бўйи Португалияга доир бирорта муҳим ахборотни қўлга киритмоқчи бўлган, охир-оқибат бундай ахборотни “Либерте де Лиль”нинг тўртинчи саҳифасидан топган ёш дипломат:* Менинг вазифам – қилган меҳнатингга арзимайдиган иш. Биров раҳмат демайдиган юмуш. Баъзилар бўлса бизнинг ҳаётимиз нуқул коктейллари дабдабали зиёфатларда ўтади, деб ўйлашади.

*Зангор қўйлакли сеньора:* Эдуардо, сиз чиндан ҳам Парижда Годони кўрдингизми?

*Бўйнида йўл-йўл гулли галстуги бор эркак:* Хўш, Шарқ ва Ғарбда муҳим масалаларни кимлар ҳал қилишар экан?

*Ўта муҳим жаноб коктейль маросимига ҳозиргина кириб келган ёш дипломатнинг елкасига қўлини қўйганча қулиб:* Шундай дедик-қўйдикда. Мен ёш йигитча билан унинг ишлари тўғрисида гаплашдим. У – дипломат.

*Бўйнида йўл-йўл гулли галстуги бор эркак ролини ўйнашдан чарчаган мен ёш дипломатга мурожаат этиб:* Марҳаматингизни аямайсиз деган умиддаман, йигитча. Сиздан илтимос, шу ойнанинг охиригача Ғарбда бирор масалани ҳал қилмай турсангиз.

*Ёш дипломат қулиб:* Сизга ваъда бераман.

*Сухбатдошлардан узоқлашаман.*

*Ёш дипломат ўта муҳим жанобга мурожаат қилиб:* Бунақа нусхаларни жиним ёқтирмайди. Улар ўзларини ҳаммадан ақлли деб ўйлашади, бошқаларни мазах қилишади. Ҳаммани танқид қилишади, мундоқ ўйлаб кўрсангиз, ўзлари бирор ишнинг уддасидан чиқишмайди.

*Ўта муҳим жаноб ўзининг бутун ҳаётини тажрибасини ошкор қилувчи табассум билан:* Ёш дўстим, менингча, уларнинг ўзларини бундай тутишларига сабаб – ҳасад. Дипломатия борасида бирор малакага эга бўлишмагани учун, ғазабларини ошқора тўкиб солишади. Тушуна-япсизми?

*Ёш дипломат маънос қулганича:* Балким сиз ҳақдирсиз. Аммо жиддий ўйлаб кўрилса, бу – жуда қайғули.

Чўнтагимдан бир дона майиз оламан. Регламент бузилди деяверинг. Мен ўзимга ўзим одамларнинг олдида майиз емасликка сўз бергандим. Бундай тақик ҳам керак. Мен баъзида ўзим учун ғирт аҳмоқона қоидаларни жорий қиламан. Кимдир бир кунда неча дона сигарета чекишини аввалдан

белгилаб қўяди, яна кимдир қалин китобнинг ҳеч бўлмаганда бир кунда бир саҳифасини ўқиб чиқиш мажбуриятини олади. Мен эса одамлар олдида майиз емайман.

*Сочи бўялган қиз:* Бу ердаги иккита дўстим касбингизни билишга жуда ҳам қизиқишмоқда. Балким, уларга айтиб берарсиз?

*Бўйнида галстуги бор эркакка айланишдан воз кечган мен:* Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ. Мен шляпа ишлаб чиқараман. Шляпа-па.

*Сочи бўялган қиз:* Шляпа?

*Мен:* Ҳа, сеньорина, шляпа. Бошга кийиладиган кийим бор-ку, ўша.

*Сочи бўялган қиз:* Аммо ҳозир ҳеч ким шляпа киймайди.

*Мен:* Шунинг учун ҳам, хурматли сеньорина, фабрикални сотиб, унинг ўрнида соч бўёқ ишлаб чиқарадиган янгисини қурмоқчиман.

*Фернанда (Мен унинг кириб келганини сезмабман):* Мен сени қидириб юрибман. Марияни зинада солдат йигит билан... кўриб қолишибди. Ишдан бўшатишимга тўғри келди. Шунинг учун кеч қолдим.

*Мен:* Буни сен қандай эшитдинг?

*Фернанда:* Менга айтишди.

*Мен:* Бу ишга сенинг нима алоқанг бор?

*Фернанда:* Менинг ихтиёримга берилган хизматкорлар ҳақида ўйлашим керак-ку, ахир?

*Мен:* Уларни сенга ким берди? Агентликми? Нима бўлганда ҳам, ишдан бўшатиш ғамхўрлик эмаслигини билишинг керак.

*Фернанда:* Уфф, яна ўз билганингдан қолмайсан-а. Бир дақиқа бўлсада, мундай одамларга ўхшаб гаплаша оласанми ўзи?

*Мен тантанавор руҳда:* Нимани гаплаша олишимни? Сенинг фикрларингга мослаб гаплашишимни? Бемалол. Жуда гаплашаман-да. Марҳамат, эшит: бизнинг мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар шу қадар кўпки, кўзи ожизлар ёки ҳасадгўйларгина уларни сезмасликлари мумкин. Дунёнинг етакчи мамлакатлари биз кўп бор такрорлаб келаётганимиз – Россия томонидан келаётган хавфни сезмас эканлар... Буюк давлатлар ҳамманинг кулгисига сабаб бўлаётган эски муаммолар, масалан, ҳар бир кишининг алоҳида озодлигига эришиш нияти гирдобида қолиб кетаётган эканлар, биз жуда илгарилаб кетдик, мангу барҳаёт кадриятларга асосланган янги, мутлақо янги тузумни жорий қилдик...

*Ўта муҳим жаноб суҳбатга қўшилади:* Кечирасиз, сизларнинг шахсий суҳбатингизга қўшилганим учун узр. Қулоғимга бу жанобнинг бир гапи чалиниб қолди. Мен ҳам шу фикрдалигимни унга айтиб қўйишим керак. Ҳозир бундай доно фикрларни ҳар куни ҳам эшитавермайсан.

*Фернанда:* Агар сиз бирор ақли гап эшитмоқчи бўлсангиз, сал нарироққа боришингизга тўғри келади. Бу ерда ақли гапнинг сояси ҳам йўқ.

*Муҳим жаноб Фернандага:* Мен кимдир танқид қилиш фикридан йироқман, аммо, фикримча, сиз янглишяпсиз. Эътибор беринг, бу жаноб ҳозир бир неча ҳақиқатларни ошкора айтдики, буни бошқа жойда, таасуфки, камдан-кам эшитиш мумкин.

*Яна бўйнида йўл-йўл гулли галстуги бор эркакка айланган мен:* Мен айтган ҳақиқатларга хотиним ишонмайди. Мен ҳозир унга зинапояда солдат билан қўлга тушган хизматкор аёлни ишдан бўшатиш шарт эмаслиги-

ни айтдим. Фикримча, бизнинг бурчимиз қуйи табақа вакиллари Г'арб кадрятларига яқинлашиш руҳида тарбиялашдан иборат. Сиз, эҳтимол, бошқача ўйларсиз?

*Муҳим жаноб:* Менми? Йўқ, сизнинг фикрингизга тўла қўшиламан. Ҳа, шундай. Бу масалада фикримиз бир экан. Анъанавий кадрятларимизни сақлаб қолишимиз зарур. Бироқ биз ғарб цивилизациясини ривожлантиришимиз, бунинг учун Мўғулистонга қарши ягона иттифоқимизни шакллантиришимиз, маънавий бирликни кучайтиришимиз керак. Бу бирлик шундай бўлиши керакки, бизни бир-бири билан апоқ-чапоқ бўлиб кетган сариқ ва қизил хавфдан асрасин.

*Мен:* Фикрингизни тўла маъқуллайман. Ижозатингиз билан айтишим мумкинки, бундай иттифоқ ҳозирнинг ўзидаёқ бор. Ишончим комил – барча ғарбий миллатлар бир-бирига айнан ўхшаш кадрятларни ҳимоя қиладилар. Шахс эркинлиги, халқнинг ҳукумат ишларига аралашishi каби принципиал масалаларда ягона нуқтаи назарга эгадирлар.

*Муҳим жаноб:* Жуда тўғри. Фақат кўзи ожизларгина...

*Фернанда менга:* Чарчамадингми?

*Мен:* Нимадан чарчашим керак?

*Фернанда:* Айтаётган аҳмоқона гапларингдан.

*Мен:* Аҳмоқона гаплар дейсанми? Мен бирор аҳмоқона гап айтдимми?

*Фернанда:* Ўзингни гўлликка солма. Худди билмагандай гапирасан-а.

*Зангор кўйлакли сеньора:* Бу ерда кимдир Годони кўрдими?

*Мен:* Мен кўрдим, сеньора. У ҳозир шу ерда эди. Ҳожатга бориб келай деб кетди. Ҳозир келиб қолади.

*Фернанда зангор кўйлакли сеньорага:* Сеньора, Худо хайрингизни берсин, эримнинг алмойи-алжойи гапларига эътибор берманг. У доимо шунақа ҳазил гапларни гапиради, ўзича ҳаммани кулдирияпман деб ўйлайди.

*Зангор кўйлакли сеньора кулиб:* Ҳечқиси йўқ. Бундай одамларни яхши биламан. Улар ривожланишнинг антиинтеллектуал босқичида бўладилар. Бу – бошқа табиий босқичларга ўхшаган босқич. Аммо, эрингиз бу ерда ҳозир бўлганлар қатори маданиятли одам бўлиши ҳам мумкин.

*Мен:* Нималар деяпсиз, сеньора. Менинг маданиятим нари борса чўнтагимга сиғади, холос. Фақат шу маънодагина мен бу ердагилар билан тенглашишим мумкин.

*Фернанда:* Оббо, яна бошляяпсанми?

*Муҳим жаноб:* О, бу жуда ғаройиб фикр. Сизнинг чўнтакка сиғадиган маданият ҳақидаги ҳазилингиз роса жойига тушди-да... Ҳаёлимга сиз кўзда тутган кўплаб муҳтарам жаноблар келди. Уларнинг маданияти иқтисодий манфаат билан боғлиқ.

*Мен:* Ўзингиз кимсиз?

*Муҳим жаноб:* Менми?

*Мен:* Ҳа, нима иш билан машғулсиз, касбингиз нима?

*Муҳим жаноб кулиб:* Мен ҳаётда мустақил деб ҳисобланадиган кишилар тоифасига кираман. Тасарруфимдаги мол-мулкдан келадиган даромад ҳисобига яшайман. Давлатга ҳам, хусусий корхоналарга ҳам қарам эмасман. Яқинда, кечки таом пайти, вилоятимиз губернаторини қаттиқ танқид қилиб, кутилмаганда жанжал чиқишига сабаб бўлдим. Кўрдингизми, мен мустақил одамман. Сиёсий партияларга ҳам бўйсунмайман.

*Мен:* Сизга ҳавасим келди. Мен ҳам мустақил бўлишни жуда-жуда хоҳлайман.

*Муҳим жаноб:* Менинг назаримда, ҳозир эшитганимнинг ўзи сизнинг мустақиллигингиздан далолат.

*Мен:* Бошқа чорам йўқ бўлганидан кейин, шу-да.

*Муҳим жаноб:* Сиз “имконим даражасида” демокчимисиз?

*Мен:* As you wish<sup>1</sup>.

*Муҳим жаноб:* Сиздан хорижий тиллардаги сўзларни ишлатмасликни илтимос қиламан. Бу жуда зарарли, фойдасиз ва, фикримча, ватанпарварлик эмас. Сиз маърифатли инсон сифатида менинг португал тилини соф сақлаш ҳақидаги ҳаракатларимни қўллаб-қувватлайсиз, деб ўйлайман.

*Мен:* If you say so<sup>2</sup>

Фернанданинг кўлидан ушлаб, сал четроққа ўтамиз. Иложи бўлса, бу ердан тезроқ кетсам, аммо бунинг иложи йўқ. Фернанда шундоқ ҳам кеч келди, яна бироз қолиши тайин. Ҳеч кимни безовта қилмаслик учун меҳмонхонани айланиб ўтаман. Симойнш кўриниши, костюми ва юзидаги ифодасидан кам деганда музей директорига ўхшаш бир жаноб билан суҳбатлашмоқда.

*Мен:* Муҳтарам дўстим, аввало, таклиф учун ташақкур, аммо бу ажойиб даврани тарк этишимга тўғри келади. Бағоят мазмунли кеча бўлди. Мазза қилдим. Таассуфки, бундай коктейлли кечалар ҳар куни ҳам бўлавермайди.

*Симойнш:* Хоҳлаган пайтингиз, бирор сабаб бўлмаса ҳам, келаверинг.

Бир-биримизга кўл берамиз. Фернанда хайрлашгунича жуфтакни ростлаб қоламан. Эшик олдига етиб келиб, мени тўхтатади.

*Фернанда:* Шунақа худбинсанки... Мендан мен билан бирга кетасанми ё бироз вақт қоласанми, деб сўраганинг ҳам йўқ. Балким...

*Мен:* Қолмоқчи бўлсанг, қолавер, ҳеч ким сенга халақит бераётгани йўқ. Аммо, айтиб қўяй: кечки таомга мени кутма.

*Фернанда:* Қаерда овқатланмоқчисан?

*Мен:* Ҳозирча билмайман. Дўстларим билан учрашувимиз бор.

Ҳамма билан хайрлашиб, ташқарига чиқаётган муҳим жаноб олди-мизга келиб суҳбатимизни бўлди. Пальтоларимизни кутиб турар эканмиз, Фернанда дугонаси билан бир нималарни гаплашди. Муҳим жаноб билан бирга лифтга кирамиз.

*Муҳим жаноб:* Бундай коктейллар жуда ҳам муҳим-да. Турли қарашларга эга, турлича қатламларга мансуб кишилар учрашади. Муҳим янгиликлардан хабар топиш мумкин. Мен ҳамиша одам ўзини ўзи яккалаб қўймаслиги, яқин кишилар билан мулоқот қилиб туриши зарурлиги тўғрисида гапираман.

Муҳим жанобнинг сўзлари менга олис-олислардан келаётган товушларга ўхшаб кетади, баъзи сўзларнинг маъносини тушунмайман ҳам. Фернандага дўстларим билан учрашувимиз бор деб нега айтдим? Унга тўғрисини айтсам бўлмасмиди? Оддий турмушимиздаги оддий бир гапни рўйи-рост айтиш жуда қийин-да ҳозир.

Ҳамма жим. Жимлик бу муҳим фикрларни олис-олисларга олиб кетади. Муҳим жаноб ҳам, Фернанда ҳам менинг бирор нарса дейишимни кутишмоқда. Балким, улар мендан бирор нарсани сўрашар? Билмадим.

<sup>1</sup> Қандай тушунсангиз, шундай тушунаверинг.

<sup>2</sup> Нима десангиз шу.

Чўнтагимдан бир дона майиз олиб, оғзимга соламан. Йирик, ширин, курукшаб кетмаган.

*Мен:* Соат неча бўлганини билмоқчиман.

Хайрият, лифт тўхтади.

Махсус кийимли ҳайдовчи муҳим жанобнинг машинаси эшигини очади. “Балким, сизларга бирор ёрдамим тегиб қолар”, дейди у бизларни уйимизгача олиб бориб қўйиши мумкинлигига ишора қилиб.

– Дўстим. Худо хайрингизни берсин. Уйимиз бу ердан икки қадам нарида. Бунинг устига, мен ҳеч қачон автомобиллардан фойдаланган эмасман,– дейман.

*Муҳим жаноб:* Нега энди?

*Мен:* Негаки, бу автомобиллар Португалияда ишлаб чиқарилмаган. Хорижликларнинг усти ялтироқ нарсалари. Менга ўзимизда ишланган анъанавий транспорт воситалари маъқул. Сиз маърифатли инсон сифатида, менинг чинакам португалча транспорт воситаларини ҳимоя қилиш, аждодларимиз анъаналарига қайтиш билан боғлиқ ҳаракатларимни қўллашингиз керак. Шундай эмасми?

Муҳим жаноб менга сўзсиз тикилади. Кейин, бир сўз ҳам демайди. Фернандага қараб табассум қилади-да, терс ўгирилиб, машинасига ўтиради.

Унга ҳеч нарса демасам бўларкан. Афт-ангорига қараганда, жуда ҳам муҳим жаноб. Қора смокинг, шими депутатларникидай, қоматига мос. Вазирлар юрадиган қора “кадиллак”. Ким билади, эҳтимол у менга Фернанда билан ажрашишимга ёрдам берган бўлармиди?

Ўзимни ўзим тушунмай қоламан. Ҳаётимнинг маълум вақтини бемаъни ҳазилларга сарф қиламан. Аҳмоқона ишларимдан астойдил хафа ҳам бўлмайман.

Бундай ҳаёт тарзида ўзимни ўзим йўқотиб қўймайманми?

Нимани йўқотаяпман?

*Фернанда менга юзланиб:* Мендан хафа бўлмасанг ҳам бўлади. Коктейлда қолмоқчи эдим, сенсиз.

– Нега энди қолмадинг?

– Шунинг учун қолмадимки, мен ўз бурчимни бажардим. Бир ўзинг кетганинда, у ердагилар ўртамиздаги муносабатларни ёмон деб ўйлашлари мумкин эди.

– Аслида ҳам шундай эмасми?

– Эр-хотинлик одобига риоя қилиш керак.

– Нима ҳам дердим, риоя қиламиз.

– Ўзингни жабрланувчидай кўрсатишга ҳаракат қилма. Биринчидан, жабрланувчи менман. Чунки менда бошқа чора йўқ, агарки... ҳа, майли, умуман олганда, чиндан ҳам мен учун бошқа йўл йўқ. Иккинчидан, уйда мен бир ўзим қоляпман, сен бўлса дўстларинг билан юрганинг юрган.

– Фернанда, қандайдир одоб қоидаларига риоя қилгандан кўра, ҳақиқатнинг юзига тик қарасак тўғри бўлмайдими? Шундай қилсак, ўзимизга нисбатан муносиб иш қилган бўлмайми?

– Йўқ. Сен яхши биласанки, мен сенга эътиқодим қонунларига асосан турмушга чиққанман. Ўлсам ўламанки, сендан ажралмайман. Никоҳимизни тиклашга умидим бор экан, бу аҳдимдан қайтмайман. Вақт ўтиб, сен менинг ҳақлигимни тушунасан. Нима бўлганда ҳам, сен мендан



кўра яхшироқ биласан: қонун бўйича ҳеч нарса қила олмайсан. Мен ҳам адвокат билан гаплашдим.

– Хўш, у сенга нима деди?

– Хавотирга тушманг, эрингиз ҳеч нарса қила олмайди, деди.

Чўнтагимдан бир дона майиз олиб, оғзимга соламан. Ёнимиздан ўтаётган таксини тўхтатиб, эшигини очаман.

– Фернанда, сенга нима дейишни ҳам билмайман. Худо ҳаққи, сени тушуниш қийин.

– Бирор нарса дейишинг шарт эмас. Фақат кечки таом пайти бугун балиқ ейиладиган кунлигини унутма.

– Кечки таом пайти? Қанақасига балиқ ейдиган кун бўларкан? Ақлдан оздингми? Наҳотки сен ҳалигача ҳеч нарса тушунмаган бўлсанг?

Такси йўлга тушади. Фернанда машинанинг очиқ орқа ойнаси орқали мен билан хайрлашади. Қайрилиб, бош ирғаб қўяман.

Озодлик авенидаси орқали пастга тушаман. Жуда ғалати ном. Кинояга ўхшайди. Бошқа ном куриб қолганми? Бугун ярим кунини бемаъни ҳазил-хузул билан ўтказган, қонун йўли билан хотинидан ажраша олмаётган, мени мутлақо қизиқтирмайдиган, бугунги кунимга алоқаси йўқ ўтмишга боғланиб қолган Мен Озодлик авенидасидан пастга тушиб бор-япман.

Шу пайт хотиним ишдан бўшатмоқчи бўлган хизматкор аёлни, ишдан бўшаса ҳам Фернанданинг ҳукми остида қолаётган бекани, кап-катта инсонни кўргим, у билан бирга Озодлик авенидасидан пастга тушиб боришни хохлаб қолдим. Мен бу аёлга ҳеч қачон жиддий эътибор берган эмасман. Исми Мария бўлса керак. Бир куни уни кўчада солдат билан валаклашиб турганини кўргандим.

Озодлик авенидаси.

Бу пайтда шаҳар ўзгача қиёфага киради. Окшом кўнгани йўк, аммо кун ниҳоясига етган. Баҳслашим мумкин: вақтинг бу чегараси бизнинг ҳаётимизга ўхшаб кетади. Ниманингдир рамзи. Борди-ю шоир бўлганимда, бу икки чегара ўртасидаги муносабатнинг руҳий ҳолатидан, шубҳасиз, бир нималар топган бўлардим.

Бу муносабатни қандай англаш мумкин?

Баъзан менда шундай ҳолатлар бўладики, маъносини тушунтириб беришим қийин. Бундай пайтлари шу вақтинчалик ҳолат сабабми ёки ўзим шундайманми, ё Симойншларникида бироз ичганимданми, худди ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборадиган ихтиро қилиш арафасида тургандай бўламан. Атрофимдаги ҳамма нарса: уй-жой, одамлар, автомобиллар кўзимга янада тиниқ кўриниб кетади. Шаҳар кўзимга табиий қиёфада, ҳеч бир муаммосиз кўринади. Одамлар ёлгонлардан чарчаб, тирикчилик важида йиллар давомида бетўхтов ўйнаётган ролларидан ҳориб-толиб кўчаларга чиққандай бўлади. Улар менинг ёнимдан бир сўз ҳам демай, оёқлари остига қараганча жимгина ўтиб борадилар, баъзилари ёзув машинкаларини, уч нусхали ҳужжатларни, бошлиқларнинг ёқимсиз нигоҳини унутишларига ёрдам берадиган бирор хорижий ахборотни топиш илинжида окшом газеталарини ўқишади.

Озодлик авенидаси.

Одамлар тўдаси унинг зинасидан юқорига кўтарилади. 1935 йили унаштирилган, маошлари ҳисобига номигагина бўлса-да, ижара уйи

кидириб умр ўтказаётган, расман қайд этилмаган никоҳлари маъно-мазмунини аллақачон йўқотиб бўлган эркак ва аёллар қўл ушлашиб ўтишади. Бошқалар эса авенида зиналаридан пастга ошиқишади. Поезд уларни Лиссабоннинг чеккасида жойлашган Синтру ёки Амадору худудларига олиб кетиши мумкин.

Эртасига эрталаб улар иш жойларига кечикмаслик учун яна шу поездга ўтириб, шаҳар марказига ошиқишади.

Бу ҳолат, табиийки, одамларни толиқтиради. Улар чарчаган, хаёлпараст бўлиб қолишган. Чарчоқ кучи шундайки, ўзларини кимларгадир ўхшатиб кўрсатиш учун ўйнаётган ролларини ёдларидан чиқариб қўйишган.

Шундоқ ёнгинамдан чарм костюм кийган ўрта ёшлардаги аёл ўтади. Костюми анча қиммат турса керак. Кунни у газеталарнинг фақат сарлавҳасига кўз югуртирадиган, зинадан пастга тушаётганида қўни-қўшниларга янада салобатли кўриниш учун маънодор жилмаядиган йирик ва, албатта, бой саноатчининг хотини сифатида ўтказди. Қўшнилари билан, гарчи, бирортасининг номини аниқ айта олмаса ҳам, худди биладигандай гаплашди.

Жуда фаромуш. Уйда бошқалардан кўра қўли узун сеньора эканлигини унутиб қўйган. Банкирлардан бири турмуш ўртоғига Ареейру кирғоғида қурилаётган уй харажатларига шерик бўлишини таклиф этгани ҳам ёдида эмас. Билгани шуки, у бугун ҳеч бир иш билан машғул бўлмайди. Эри кўнғироқ қилиб, кечки овқатга келмаслигини айтади... У бугун ҳам радиостанциялар охирги эшиттиришини эфирга узатиб бўлгач, бир ўзи, ёлғиз уйқуга ётиши ҳақида ўйлайди.

Анави жаноб бўлса, қадам олишидан аниқки, бош директорлигини аллақачон унутиб қўйган. Қорнини бироз тортиши, кўкрагини ростлаб юриши ҳам ёдидан чиққан. Бу ҳам майли, кўзларини маънодор очиши керак, шундай қилса, одамлар уни ғоят муҳим нарсаларни ўйлаб бораётган кишидай қабул қилишади. У яна ҳеч қачон бефарқ бўлмаслиги лозимлигини, ходимлари бош директорнинг ошиб кетса ўзлари даражасида фикрлашини билиб қолмасликларини ҳам унутган.

Хорғин кишилар ҳимоясиз бўлишади. Улар бамисоли очиб қўйилган китобдай.

Мен эса муҳим ихтиро муаллифига айланиш арафасида тургандайман. Ўзимни бу ҳолатдан сақлашим керак. Шу ҳолат такрорланаверса – мен мутасаввуфга айланаман, муқаддас Иосиф само саройлари сирлари ва қутқуларини менга ошкор қиладигандай кўкка қараб туравераман.

Такси тўхтатаман. Бирорта барда, эҳтимол “Дон Кишоти” да овқатланарман.

Чўнтагимдан бир дона майиз оламан. Қуруқшаб, еб бўлмайдиган даражада эзилиб кетибди. Наҳотки у ҳам чўнтагимда қолиб кетиб, у ёқ-бу ёққа сурилаверганидан чарчаса? Барибир уни еб қўйишимни билиб, жонидан тўйган бўлса?

Барнинг мижозлар жойлашадиган мосламасига суяниб, ярим меъёр виски буюраман. Барменнинг касб маҳоратига доир табассумига мен ҳам шундай жавоб қиламан.

Ёнимга нотаниш қиз ўтиради. Менга тикилиб қарайди. Кўзимни ундан узишга ҳаракат қиламан, аммо иложи бўлмайди. Мен яна бўйнида йўл-йўл гулли галстуги бор эркакка айланишни истамайман.



– Меҳмон қилсангиз бўлармиди?

– Албатта.

Қиз менинг розилигимни худди оғзимдан беихтиёр чиқиб кетгандай, ўз хоҳишим билан айтгандай қабул қилади. Менга китоб дўкони витринасидаги очиқ китобга қарагандай қарайди. У ҳозир бу очиқ китобни варақлайди-да, сарлавҳаси ва рассомнинг муқовага ишлаган ҳаётбахш суратлари китоб мазмунига мослигини текшириб кўради.

Қиз мен тўғримда нималарни ўйлаётган экан? Тахмин қиламан: “Костюми яхши тикилган, ипак кўйлаги ҳам ёмон эмас. Демак, меҳмон қила олади”.

– Сиз бироркимни кутаяпсизми?

– Ҳамма ҳам кимнидир, ниманидир кутади.

Қиз ўзини сал нарироққа олади, аммо узоқлашмайди. У мени бирорта касбдошини кутаётганимдай тушунди, ўзгаларнинг ҳудудига бостириб киришни хоҳламади. Касб этикаси!

– Нега куляпсиз?

– Сиз мени бирорта аёлни кутяпти деб тушунганингиздан куляпман.

– Нима, кутмаяпсизми?

– Йўқ, мен ҳеч қачон кутган эмасман.

– Ўзингиз кутяпман деб айтдингиз-ку.

Фирт аҳмоқона суҳбат бошланди. Фоҳишалар ўз табиатларидан келиб чиқиб, ҳеч нарсага ишонмайдилар. Йўқ, бундай эмас. Буни касблари тақозо этади.

– Мен сиз билан ҳазиллашмоқчи бўлдим. Ўзим билан ҳам. Бугун кайфиятим унча эмас. Шу боис, ўзимни файласуф қилиб кўрсатмоқчи бўлдим. Аммо олим эмасман. Менинг файласуфлигим шунчаки ҳазил-хузулдан иборат.

Фоҳиша менга янада кўпроқ ишонқирамай қарайди. Аммо менинг жавобимдаги айрим сўзларга эътибор беради.

– Кайфиятингиз жуда ҳам ёмонми?

– Жуда ҳам дея олмайман. Ҳар ҳолда, кечагига нисбатан ёмон эмас, эртага бўладиганидан ҳам.

– Ҳаммаси ўтиб кетади. Мана кўрасиз, ўтиб кетади. Коктейль буюрсам майлими?

– Майли.

Бармен унинг стаканини тўлдириб, ичига бир-икки бўлак муз солади.

Чўнтагимдан бир дона майиз оламан. Қиз менга ажабланиб қарайди.

– Чўнтагингизда сақич таблеткалари борми?

– Йўқ.

– Ҳа, “Candies”ми?

– У нима экан?

– “Candies”ни билмайсизми? Американинг мевали обакидандони-ку!

– Билмас эканман, аммо “Candies” эмас.

– Унда нимани кавшаяпсиз?

– Дори. Ёмон кайфиятни яхшилайдиган таблеткалар.

– Сиз шу ерда овқатланасизми?

– Ҳа, шу ерда.

– Мен биланми?

Жавоб қайтармайман. Яна ярим меъёр виски буюраман.



Қизнинг ёнига ёши бир жойга бориб қолган аёл келиб ўтиради. Ўн йиллар аввал, мингларча эркаклардан олдин кўҳликкина бўлгани аниқ. Қора шахло кўзлари маъноли боқади.

Мен билан суҳбатлашиш нияти бор.

– Зе яхши юрибдимми?

– Ким?

– Зени сўраяпман. Сиз унинг дўсти эмасмисиз?

Танишишнинг янги усули чиқибди-да.

– Зе исмлилар жуда кўп. Қайси бирини сўраяпсиз?

– О Зе Педру. У мени сизга таништирган эди.

Эсладим. Зе Педру – Рибатежулик<sup>1</sup> ер эгаси, у билан гоҳ-гоҳ бирга овқатланиб турамиз. Бу аёлни ҳам эсладим. У биз билан Байрру Алтуда<sup>2</sup> овқатланган эди.

– Ҳа, эсладим. Анчадан бери сизни кўрмадим.

– Мен у билан ажрашдим.

– Билмаган эканман.

– Шундай бўлиб қолди. Бир министрни деб ундан воз кечдим.

– Министрни деб?

– Ҳа, министрни.

Қиз менга тушунтиради: гап ҳукуматимиз аъзоси устида эмас, Жанубий Америкадаги давлатлардан бири ҳукуматининг аъзоси устида бормоқда.

– Дугонамни виски билан сийласангиз дегандим...

Министрнинг маъшуқаси бу фикрга эътироз билдиради.

– Таклиф учун раҳмат. Аммо уни қабул қила олмайман. Ким билан-дир ичсам, министрға ёқмайди. Хушторим оддий одам бўлганида борми, ҳаммаси бошқача бўларди-да.

У бармен томонга ўгирилиб, ўзига бир нима буюради.

Мен бўш столлардан бирига ўтаман. Қиз менга эргашади.

– Мусиқали автомат учун бир эскудо топилмайдими?

Унга сўраган пулини узатаман. Орадан бироз ўтгач мусиқа янграй бошлайди. Испанларнинг машҳур кўшиғи “Самба” бўлса керак, деб ўйлагандим, йўқ, у эмас экан. Бошқа испан кўшиқларидан деярли фарқ қилмайдиган оддий ашула.

Кабарэ ва барларда кўп ҳам бўлавермайман. Аммо бундай жойларга кам келсам ҳам, у ердаги шароит, асосан кимлар келишини яхши билиб олганман. Бу ерда шунақа нарсалар борки, масалан...

– Кўшиқ сизга ёқдими?

– У “Мусаффо осмон” деб номланади.

– Ёмон эмас.

– Нега энди ёмон эмас. Жуда ҳам зўр.

Раққоса қиз кескин бурилиб, менга қарайди.

– Испания сизга ёқадими?

Бундай саволга жавоб қайтариш шарт эмас. Раққоса ўйинни давом эттирганча, мендан узоқлашади ва дугонаси ёнига бориб, у билан суҳбатни давом эттиради.

Қанчадан-қанча одамларда меники каби муаммолар бўлса керак. Францияда ажрашиш мумкинми? Мумкин эмас. Бордию португалияликлар Францияга бориб, ўша ерда ажрашишлари мумкин бўлганда эди, че-

<sup>1</sup> Португалия жанубидаги вилоят.

<sup>2</sup> Лиссабоннинг қадим мавзеларидан бири.

гарадаги ўтиш йўлаклари одамларни сиғдира олмасди. Шундай қилиш мумкин бўлганида, мен бу ҳақда, албатта, билган бўлардим.

Худо ҳар кимга ўзига яраша муаммо беради.

Яна ноҳақман. Ҳе, жин урсин. Бу ишга Худонинг нима дахли бор? Агар Худо бор бўлганида, кўл-оёғимизни боғламаган, эркимизни ўзимизга кўйиб берган бўларди. Одамларнинг ўзи кейинчалик ўзларини Худо берган эркинликдан маҳрум қилишди. Хўш, қайси одамлар? Менми? Бу тўғрида менинг гапиришим ўринли эмас. Шундай саволлар борки, уларни ўзимга беришим ҳам ўта ўнғайсиз. Боғлиқлик масаласида менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ, албатта. Аммо, шундай бўлса-да, атрофимда бўлаётган менга бевосита тааллуқли воқеаларда менинг маълум масъулиятим ҳам борлигини ҳис этаман. Ҳа, масъулиятни. Наҳотки?

Яна виски буюраман.

Ўзимни ўзим ерга уриш фикридан йироқман, аммо менга Худо номидан гапириш, яратган эгамнинг ишларига қайсарлик билан аралашиб учун шуҳратпарастлик, такаббурлик етишмайди. Бўёқчи бўёқчилигини, сувоқчи сувоқчилигини қилиши керак. Бўёқчининг ишига сувоқчи аралашса, яхши бўлмайди...

Кўришиб турибдики, мен мижғов одамга айланиб бормоқдаман. Аммо бу мулоҳазалардан заррача фойда йўқ. Беҳуда гаплар. Худо мени кўллайди деган фикрдан йироқман. Чунки Худодан жуда узоқдаман, у тўғрисида нимани ҳам билардим. Билганларим Папанинг билганларидан кўп эмас. Шунга ҳам шукур дейман-у, лекин камлигини тушунаман.

Ақл бовар қилмайди. Ўзим билан ўзим тортишиб ётибман. Яна қаерда денг – барда. Одамлар мендан кўра ростгўйроқ. Улар Худо ҳақида газеталарда ёзишади, уйда, черковда гапиришади, аммо, барга кираётиб, бу гапларни ташқарида – машинада, ҳайдовчининг ёнида қолдиришади-да, аёллар, футбол ҳақида, сиёсат деб аталадиган мавзуларда мириқиб суҳбатлашишади. Худо тўғрисида ҳеч нима дейишмайди. Улар, ўйлашимча, фикрларини менчалик очиқ ифодалашмайди, аммо қарашлари менинг қарашларимдан кўра изчилроқ, бунинг устига, мижғов ҳам эмаслар. Ва яна улар Худо нима учун зарурлигини яхши тушунишади. Мен бўлсам, бирор динга эътиқод қилмаганим учун Худо ҳақида ўзим билан ўзим сўзлашаман...

Бу дунёда тарбияли одамлар қилмайдиган ишлар ҳам кўп: улар хотинларини маъшуқалари билан таништирайдилар, биров эшитса-ю эшитмаса латифабозлик қилмайдилар, кечки таомга ажрашиб кетган эр-хотинларни таклиф этишмайди, ёмон нарсалар ҳақида ўйлашмайди, янада муҳим, дуч келган жойда Худо ҳақида баҳс очишмайди. Жанубий Африкада шерларни Крюгер паркида сақлашганидай. Шерлар у ердан ташқарига чиқишмайди.

Нега мен шундай кишиларга ўхшамайман? Нега тарбияли, одобли одам бўлолмайман?

Мен ўтирган стол ёнига иккита қорачадан келган қизлар келиб ўтиришади. Америкада ишлаб чиқарилган сигаретани буркситиб, ўзаро бир нималар тўғрисида валақлашишни бошлашади. Биттаси ўрнидан туриб мусиқали автоматга танга ташлайди. Яна “Cielito Lindo” мелодияси янграйди. Испанларнинг кўплаб кўшиқлари, фадулари, буқалар жанги, “Макарена”си ҳам фоҳишабозлик билан боғлиқ. Бунга шубҳам йўқ. Мен-

да бу боғлиқликда ўзига хос мантиқ бор, шундай бўлиши керак, бошқача бўлиши мумкин эмас, дегандай мулоҳаза пайдо бўлади. Бугун яна муҳим бир ихтиро арафасида тургандай сезаман ўзимни. Афтидан, мен ўзимни қийнаётган кўп саволларга жавоб топганга ўхшайман.

Яна виски буюраман. Қўшни столда ўтирган қизларнинг суҳбатига кулоқ тутаман. Улар қаердан нима харид қилиш дурустлиги ҳақида сўзлашишмоқда эди.

– “Рей даш Мейяш” магазинида чиройли арзон ички кўйлак сотишмоқда.

– Бўлса бордир, аммо мен ҳозир арзон нарса ҳам сотиб ололмайман. Икки ҳафтадан бери менга беш юзни нақд санайдиган бирорта мижоз учрамади.

– Менинг аҳволим ҳам шу, дугонажон. Шанбагача бирорта африкалик бойваччани илинтирмасам, ижара ҳақини тўлай олмайман...

– Африкалик бойваччалар ҳақидаги сафсаталарга ишонма. Бир гал мен Луандалик бир қасанғи билан эрталабгача қолиб кетдим. Биласанми, у ярамас менга қанча берди? Бор-йўғи юз эскудо. Бу эркакларнинг эс-хуши жойидами ўзи? Шу пулга қандай яшаб бўлади?

– Мен бўлсам, Африкага кетворишни ўйлаб юрибман.

– Мен ҳам шу фикрдаман, аммо... кўрқаман. Қийналиб қолсак керак. Харажати кўп. Кейин... у ерга боришимиз билан орқага қайтариб юборишса-чи?

– Нималар деяпсан? У ерда бизни кутишмоқда. Агар бу ердан Африкага аёллар боришмаганида, мижозларнинг куни қора танли мулатка қизларга қоларди. Кейин... биласан, бу дурагайлاردан кутулиш қийин. Сиёсий муаммолар келиб чиқиши ҳеч гап эмас. Амелия ёдингдами? Унда ҳамма нарса – уй, машина, бошқа нарсалар дейсанми, ҳаммаси жамулжам. Дугонажон, бизнинг келажагимиз Африкада! Вой, жуда чалғиб кетдик-ку...

– Оқ-қора танли эр-хотинлардан туғилган мулаткалар тўғрисида сира ҳам ўйламаган эканман. Агар чуқурроқ ўйлаб кўрсак... Агар у ёққа оқ танли қизлар боришмаганида, ошқора беҳаёлик, расвогарчилик бўлиши тайин эди.

Қизлардан бири кутилмаганда мен томонга ўгирилиб, суҳбатларини эшитиб ўтирганимни сезиб қолди. Майин табассум қиламан. Қўлимга вискили стаканни олиб, ўзимни ҳеч нарсани эшитмагандай кўрсатишга ҳаракат қиламан, аммо бунга эплай олмайман. Танишишимга тўғри келади.

– Биз Африка тўғрисида сўзлашиб ўтирибмиз...

– Африка тўғрисида? Бу жуда қизиқарли мавзу.

– Африкага бормоқчимиз. Келажагимиз ўша ерда деган фикрдамиз. Сизнингча ҳам шундайми?

– Аниқ бир нарса дейишим қийин. Аммо, келажакнинг борлиги рост бўлса, у, албатта, қаердадир бўлади.

– Бундан чиқадими, келажакнинг бўлмаслиги ҳам мумкин экан-да?

– Билмадим. Отамнинг келажаги – менинг бугуним. Шундай экан ва, ҳаммаси бугунгидай давом этаверса, ўғлимнинг келажагини кўра олма-япман.

– Фарзандларингиз борми? Менинг қизим бор, тўрт ёш. Расмини кўрсатайми?

Қиз менинг жавобимни кутмай ҳам, ҳамёнидан қизининг суратини олиб, менга узатади. Пляжда олинган сурат. Жингалак сочли қизалоқ объ-



ективга кулиб қараб турибди. Олдинда кимнингдир сояси. Соя қўлини кўтариб турибди. Афтидан, сураткаш кизалоқни ўзига қаратиш учун шундай қилган бўлса керак.

– Қизим менга ўхшайдими?

– Албатта. Сиз Африкага қизингизни ҳам олиб кетасизми?

– Ҳали ўзимнинг ҳам боришим аниқ эмас. Ҳозирча режа. Борадиган бўлсам, албатта, қизимни ҳам олиб кетаман. Келажагимиз ўша ерда. Менинг ҳам, қизимнинг ҳам. Дарвоқе, болаларингиз борми?

– Йўқ.

– Уйланган бўлсангиз керак?

– Ҳа, уйланганман.

– Уйланган бўлсангиз, албатта, болаларингиз бўлади. Турмуш қурганимда, менинг ҳам камида иккита болам бўларди...

– Болаларни яхши кўрар экансиз-да?

– Албатта.

Бу бемаъни суҳбатни давом эттириш керакми-йўқми, билмайман. Нима зарурати бор? Бар мижозлар билан тўлди. Қандай тўлганини сезмай ҳам қолибман. Бурчакда учта ўспирин ошиқ ўйнашмоқда. Ҳар икки сўзларининг бири – сўкиниш. Ўзларини балоғат ёшида деб кўрсатишмоқчи. Буфет пештахтаси ёнида пластинка сотувчи магазин эгаси малла сочли қиз билан мусиқий янгиликларни муҳокама қилмоқда.

Нариги бурчакда – мусиқали автомат ёнида соч турмаги ҳайҳотдай қиз вокзал олдидаги француз провинциал меҳмонхонаси ошпази тайёрлаган пудингни паккос туширмоқда. Турмакнинг бош қисми тўқ сарикка бўялганидан гротеск услубидаги қурилишни эслатади.

Бардаги барча эркаклар клеткали кулранг костюм кийишган. Баъзиларининг ёнида “Уэльс шаҳзодаси” номи билан машҳур жундан тўқилган пиджак. Улар ҳам кулранг. Барга шундай костюм кийган бир йигит кириб келди. Бу ерда ҳозир бўлган барча қизлар билан ёппасига саломлашиб, столга ўтирди-да, қаҳва буюрди.

Хафсаласизлик билан мен ҳам кечки таомга буюртма бераман. Овқатланиш ёки овқатланмасликнинг фарқи қолмагандай. Аммо бирор егулик истеъмол қилмасам бўлмайди. Овқатланиш ҳар ўтган куннинг моҳиятини белгилайди. Таомлар кунни тонг ва оқшомдан ажратиб туради.

Буюртма бериб ҳам бўлган эдимки, барга Комбрилик доктор Мартинш кириб келди. У ўрта даражадаги икки-уч ўқув юртлари ректорлари кенгашининг аъзоси. Хотини орқали шу корхоналарнинг акцияларига эгалик қилади. Унинг келишини билганимда, бошқа жойда овқатланар эдим.

Бу одамдан қутулиш қийин. У худди оч арслон бир бўлак гўштга ташлангандай, ёнимга яқин келди.

– Сиз ҳам шу ерда экансиз-да, дўстим? Бунинг учун сизни асло қоймайман. Кўряпсизки, мен ҳам шу ерданман. Иш кунидан сўнг барда бирор соат ўтиришнинг ёмон жойи йўқ.

– Бу ернинг доимий мижози эмасман. Баъзан озроқ ичиш учун кириб тураман. Бугун дам олиш куним эди.

– Сизга шерик бўлсам бўладими?

– Марҳамат.

– Ўғилчамни кутиб турибман. Ҳадемай келиб қолади. Қарши бўлмасангиз, сиз билан бирга овқатлансак.

– Бемалол.

Мартинш ўзидан икки ҳисса енгил вазнли мижозга тўғри келадиган стулга жойлашади.

– Эшитгандирсиз, Дэлгаду<sup>1</sup> Бразилияга кетди.

– Ҳа, шундай.

– Сиз бунга нима дейсиз?

Вой маккор-ей, фикримни билиб олмоқчи.

– Мендан нима эшитишни хоҳлар эдингиз?

– Бор ҳақиқатни. Уни эшитиш жуда қийин бўлиб кетди.

Генерал шифтга тикилганча, бир зум жим бўлиб қолади. Кейин эса, елкаларини силкитиб, ўзи яхши тушунмайдиган сиёсатга доир барча нарсаларни нари сургандай, официанткага виски буюради.

Бироз ўтгач аста гап бошлайди:

– Нима бўлаётганини тушуниш биз кекса авлод учун ҳам қийин бўлиб қолди. Асосий хавф ёшлар билан боғлиқ: улар бу мамлакатда нималар бўлганини билишмайди, эслашлари ҳам қийин.

– Йўғ-е.

– Сиз билиб қўйишингиз керак: мен айна шу муаммо мавжудлиги учун ҳам бу ерга келдим. Ўғлим университетни битирди. Сиёсат билан кизиқади. Мен билан иши йўқ. Унинг миясидан хомхаёл нарсаларни чиқариб ташлаш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилишга тайёрман.

– Хомхаёл нарсаларни?

– Ҳа, шундай, дўстим. Бойлар ва камбағаллар, ҳаётдан хурсандлар ва омадсизлар ҳамиша ҳам бўлади. Ўғлим бетайин таниш-билишлари билан эмас, мен билан бирга бўлиши керак. Бу бетайинлар...

– Ўғлингиз қандай тоифага мансуб?

Бу ёшда қўлидан нима иш келарди? Ўзим университетни тугатганим-да ким эдим? Социалистми, демократми, билмадим, ёшлар йигирма ёши-да ким бўлишни ҳавас қилишса, мен ҳам ўша ҳавасларнинг ҳаммасини орзулаганман.

– Қачон демократ бўлишдан воз кечгансиз?

– Қачон воз кечгансиз дейсизми? Шу ҳам савол бўлдики? Мен сизга айтиб қўяй – принцип нуқтаи назаридан қараганда, мен ҳеч қачон демократ бўлишдан воз кечмаганман. Тушунапсизми? Аммо, буниси энди аниқ – биз демократияга тайёр эмасмиз. Агар биз Англияда яшаганимиз-да эди, бошқача бўлиши мумкин эди, ҳолбуки биз Португалияда яшаймиз. Қачонлардир демократия ҳам бўлади, ҳозирча эса бунга эрта. Бошқа жиҳатдан қарайдиган бўлсак, Худодан астойдил сўрайманки, бу ўзгариш менинг ҳаётлигимда бўлмасин. Бу ҳам бир фикрда. Тасаввур қилинг: рафиқангиз ҳар куни бозорга қатнашга, кечки таомдан кейин идиш-товоқни ювишга мажбур. Агар бу юмушларни тараққиёт деб тушуниш керак бўлса, борди-ю шундай тушунча мавжуд бўлса, бундай тараққиёт менга керак эмас. Демак, тараққиёт мендан йиллар давомида эришган нарсаларимни тортиб олиш экан-да? Агарки бугунги ёшлар мен каби эзилиб меҳнат қилганларида борми, улар, ишончим комилки, тараққиёт ҳақида камроқ сафсата сотган бўлардилар.

– Сафсата сотишадими?

<sup>1</sup> Умберту да Силва Делгаду (1906-1965) – Португалия Ҳарбий ҳаво кучлари генерали, А.Салазар режимига қарши мухолифат лидери. Махсус хизмат агентлари томонидан ўлдирилган.

- Дўстим, сиз қандай дунёда яшайсиз ўзи?
- Шу дунёда.
- Ишониш қийин. Тўғри тушунинг, биродар: мен ҳеч кимни ҳимоя қилаётганим йўқ, хужум ҳам қилмоқчи эмасман.
- Тушунаман, ҳаммасини тушунаман.
- Официант шўрва олиб келди. Бу гал омадим келди – шўрва пакетчалардаги ярим тайёр маҳсулотлардан пиширилган эмас. Аста овқатлана бошлайман. Мартинш давом этади.
- Ишонинг, такрор айтаманки, мен ҳеч кимни ҳимоя қилмоқчи эмасман, ҳеч кимга хужум қилиш ниятим ҳам йўқ. Мен ҳар қандай режимни қабул қилишга тайёрман, хотиржам ишлашимга қўйиб беришса бўлди.
- Балким мавзуни ўзгартирармиз?
- Дўстим, менинг сўзларим сизни ранжитган кўринади. Ишонинг...
- Кўнглингиз хотиржам бўлсин, сиз мени ранжитганингиз йўқ. Мен шунчаки, суҳбатимиз мавзусини ўзгартирайлик дедим, чунки бундай гаплардан асло фойда йўқ. Иккинчидан, мен оддий одамман, сиёсатдон эмасман.
- Менга фақат бу сўзнинг бошқа маъноси ҳам бор, деб айтманг.
- Мен айтмоқчиманки, ҳали чинакам сиёсатдон даражасига етмаганман, баъзи соҳалар бўйича етарли маълумотларга эга эмасман. Қўйингчи, мавзуни ўзгартирганимиз маъқул.
- Иккимиз ҳам жимиб қолдик. Шўрвани ичиб бўлдим. Мартинш бўлса бир сўз ҳам демай, менга жим қараб турибди. Суҳбатни тиклашга тўғри келади.
- Агар биз театр пьесасида иштирок этаётган бўлганимизда, учинчи персонаж кириб келиб, вазиятни юмшатиши лозим бўлган пайт келди, деб ўйлайман. Қани энди, ўғлингиз кела қолса.
- Бир масалада мурувватингиз зарур.
- Марҳамат.
- Сизга айтганимдек, мен бу ерга ўғлим боис келдим. Мен унинг ўзини доно қилиб кўрсатиб, ижтимоий қайта қуриш ғоялари билан қизиқишини, умрини шу беҳуда ишга сарфлашини мутлақо хохламайман. Мен учун унинг соғлом вояга етиши муҳим. Ўғлимни Лондонга жўнатиш ҳақида ўйладим, аммо бундай қилсам, аҳвол баттар ёмонлашишидан кўрқдим. Ўйлаб-ўйлаб, унга шу ерда... гўзал бир маъшуқа топиб беришга, бу билан бемаъни хаёлларидан чалғитишга қарор қилдим. Ишончим комилки, у тез ўзгаради. Ўйнашини усти очик машинада сайр қилдириш, квартирасининг ҳақини тўлаш унга маъқул келади. Бунга эриша олсам, хомхаёллари ёдидан чиқиб ҳам кетади. Шу ишда менга ёрдам беришингизни илтимос қиламан. Бизнинг суҳбатимизга бирорта жонон қиз келиб қўшилиши керак. Аммо... мен отаман, ўзингиз тушунасиз... Қизлардан бирини столимизга таклиф этсам, қаршимасмисиз?
- Менга барибир.
- Ўғлимга бу қиз сиз билан келган, деб айтсам бўладими? Уни мен олиб келдим деб айта олмайман-да.
- Буниси қизиқ бўлди-ку. Майли, нима деб айтсангиз айтинг, фақат ўғлингиз у қизни менинг маъшуқам деб тушунмаса бўлгани. Ўғлингизга бу қиз бу ернинг мижозларидан бири, деб айтинг.
- Ташаккур. Бориб, қизлардан бирини таклиф этай.

– Менга қаранг, Мартинш. Бу ердаги қизлар ўғлингизга тўғри келармикин? Менинг бу ишга дахлим йўқ, аралашини мутлақо истамайман. Аммо... бардаги қизлар тўғри танлов эмаслигига аминман.

– Сизнингча, беш дақиқа ичида бошқа тузукроқ қизни қаердан топишим мумкин?

– Билганингизни қилинг.

Официант овқат олиб келди. Мартинш Африкага боришни режалаштириб турган сарғиш соч қизлар ёнига кетди. Улардан бири сумкачасини қўлига олиб, пиджагини елкасига ташлаганича Мартиншга эргашиди. Официантга ҳисоб-китобни олиб келишини айтдим.

Йигитчани хомхаёллардан реал ҳаётга қайтариш операциясини амалга ошириш тайёргарлиги бошланди.

Кулгим қистайди, аммо кулишим керак эмас. Буни биламан. Ўзим билан ўзим ҳар куни нималар биландир курашаман. Нима билан. Қани энди билсам...

Малла соч қиз шеригидан кўра чиройлироқ. Бу ўша – тўрт ёшли қизчаси бори.

– Мен сизга ёқмадим деб ўйлагандим. Сухбатимиздан кейин бир оғиз сўз ҳам айтмадингиз.

– Гап бунда эмас. Менда ҳам эмас. Бу ерга ҳозир бир йигитча келади. Унинг кўнглини овлаш керак. Бу ишни мендан кўра сиз яхшироқ бажарингингизга аминман.

– Мусикий автомат учун бир эскудо сўрасам майлими?

– Бемалол. Официантга қайси пластинкани қўйишни айтсангиз бас. У автоматни ёқади.

– Бирорта дурустроқ қўшиқ эшитгим келяпти, масалан, “Cielito Lindo”. Сизга ёқадими?

– Менга барибир. Официантга айтсангиз бўлди.

Шу пайт барга Мартиншнинг ўғли кириб келди. Кўзга ташланадиган жойи йўқ, оддий йигитча. Столимиз олдига келиб, отасига рўпара бўлди. Мартинш ўғлини менга таништирди. Қўл бериб кўришамиз. У менинг ўнг томонимга ўтиради. Мартинш баланд овозда гап бошлайди.

– Хўш, ўғлим, айт-чи, бугун қандай ишлар билан банд бўлдинг? Биз сени роса ярим соат кутдик. Энди келмасанг керак деб ўйлагандим...

– Банд эдим.

– Биламан, ишонаман. Қандай иш билан банд эдинг? Хоҳламасанг айтма. Мен сени тушунаман. Биз энди қаридик. Қариялар ҳеч вақони билишмайди, улар билан гаплашмаса ҳам бўлади. Сизлар бўлса... ҳамма нарса ни биласизлар. Ёшлигимизда биз ҳам шундай эдик. Мана энди, ёшимиз бир жойга борганида ўшанда отам ҳақ эканига амин бўляпман. Нима иш билан машғул бўлганингни айтгинг келмаса, айтма. Мана, даврамизда сеньора ўтирибди.

Йигитча қизга ўгирилиб, унга қўлини узатади.

– Хўш, ўғлим, бугун нима иш қилдинг. Фикрдошларинг билан учрашдингми? Гапириб бер.

– Ота, менинг ҳеч қандай фикрдошларим йўқлигини биласиз-ку. Кинога бордим.

– Нима кино кўрдинг? Ҳеч ким тушунмайдиган кинолардан бирини томоша қилгандирсан-да?



– “Муқаддас Луиш” да бўлдим.

– Шундай демайсанми, у ерда ҳамиша яхши кино кўрсатишади.

Йигитчага ёрдам бериш маъносида нимадир демоқчи бўламан, аммо нима дейишни билмайман. Таомномани узатаман. Мартинш уни кўлимдан олиб, баланд овозда ўқий бошлайди.

Мартиншнинг ўғли билан таниш эмасман, танишиш ниятим ҳам йўқ, аммо отаси жонимни ҳалқумимга олиб келди-да. Бу ердан тезроқ кетишим керак. Бу масхарабозлик ўзим билан боғлиқ воқеаларга қўшилиб, кайфиятимни баттар бузади. Тўхташ керак! Нега энди мен ўзимнинг муаммоларим тўғрисида ўйлаб қолдим. Уларни бировга юктириш керак эмас. Ўз номингга сотиб олган самолёт билетини бировга бериб юбориш мумкин бўлмагандай. Мен шоир сифатида маҳзун туйғуларим билан ўралашиб қолгандайман. Маҳзун туйғуларни шахсий муваффақият деб тушуниш ўта хавфли. Улар тўғрисида эҳтиёт бўлиб, майин оҳангда гапирган маъқул.

Эҳтиёт бўлишим керак эди, мана энди, ҳаммаси расво бўлди. Сувараклар тўғрисидаги шеърларимни кимларгадир муҳим бир воқеадай мажбурлаб ўқиётгандай, ўз ёғимга ўзим қоврилиб ётибман. Нима бўлса бўлди, ўзимни ўзим қўлга олишим, ўзимни ўзимдан халос қилмоғим зарур. Ҳа, мен учун айни оғир бу пайтда шундай қилишим керак. Ўзимга ўзим бошқа томондан қарамасам бўлмайди. Танг аҳволга тушиб қолганига иқрор бўла олмайман. Тангликнинг ўзи йўқлигидан эмас, албатта. Борди-ю мен бу ҳолатни бўйнимга олсам, бу иқрор таназзулим билан келиша бошлаганимнинг далолати бўлади. Ўзимни ўзим бошқара олмасам, танг аҳволдалигим ва унинг оғриғи тўғрисида бошқаларга ўзим сайрайман. Кейин маҳзун сатрлар битаман, хонанишинлик бошланади, дуч келган одамга ўзим ҳақимда гапириб, жонларига тегиб кетаман.

Таназзулни тан олиш билан унга муҳаббат қўйишнинг ораси бир қадам. Таназзулни тумов ёки ўпка шамоллаши каби касалликдай тузатиш мумкин. Одамлар эътибор бермайдиган тангликлар бора-бора кичик исён билан тугайдиган романтик кайфиятга айланади. Романтик исён эса жамми инқилобларнинг душмани.

Ҳа, эҳтиёткор бўлиш керак.

Кулоғимга малла сочли қизнинг овози эшитилади.

...мен ҳар кун кинога бораман. Бирорта премьерани ўтказиб юбормайман. Баъзан бормаган пайтларим ҳам бўлган. Чунки ҳамма киноларни кўриб бўлганман-да... Кино ҳақидаги журналларнинг ҳаммасини сотиб оламан. Мен учун кинодан ҳам муҳим нарса йўқ. Кинога бормаган кунимни йўқотдим деб ҳисоблайман.

Доктор Мартинш ўғлини суҳбатга қўшмоқчи бўлади.

– Ўғлим ҳам киноси яхши кўради. Кино унинг энг яхши машғулоти. Шундай эмасми, ўғлим?

Йигитчага раҳмим келади. У отасининг сўзларига кулиб қўйди, аммо бир сўз ҳам демади. Унга ёрдамлашиш маъносида суҳбатга қўшиламан.

– Мен бўлсам, кинодан безганман. Бошқа ҳеч иш қолмаганида бораман, аммо ҳар сафар ҳафсалам пир бўлади.

– Ҳафсалам пир бўлади дейсизми? Буни тушунишим қийин. Фильмлар ҳар хил бўлади. Сюжетлари ҳам. Уларнинг ҳеч бўлмаса бир-иккитаси сизга ёқмаганига ишонгим келмайди.



Сухбатга қўшилдим-у, йигитчани гапиртира олмадим. Тушуниб турибманки, Мартинш билан малла сочли қиздан бошқа ҳеч ким гапирмайди.

Официант менга қаҳва, бошқаларга шўрва олиб келади.

Мартинш овқатлана бошлайди ва винолар рўяхатини олиб келишни илтимос қилади. Менга ўгирилиб:

– Университетни тугаллаганмисиз?– деб сўрайди.

– Йўқ, бир йил қолганда ўқишни тўхтатганман.

– Дўстим, бу бориб турган аҳмоқлик-ку! Бундай деяётганим учун узр, аммо ғирт аҳмоқлик. Бир йил қолганда-я... Майли, аммо саволимга жавоб беринг: фабрикангизнинг ишлари дурустми?

– Шикоят қилишимга асос йўқ.

– Ниҳоят, кайфиятни кўтарадиган жавоб эшитдим. Ҳозир ҳамма шикоят қилади. Эшитсангиз, ҳаммасида асос бордай. Бу энди – касаллик. Биз ёш бўлганимизда автомобил, телевидение, кино деган нарсалар бўлмаган. Бори ҳам футбол, у ҳам бўлса... Турмуш тарзимиз қандай бўлганини гапирмай қўя қолай. Ўшанда мана бундай барларга кириш, саёҳатга чиқиш ёки университетни битиргач, бир йил мазза қилиб дам олиш учун кимда пул бор эди? Ҳеч кимда. Вискини биринчи марта уйланганимдан кейин ичганман. Энди бўлса дуч келган одам сувдай сибириб ётибди. Самиргани майли, аммо нукул ҳаётдан нолийди. Бугун биз қурама бир даврда яшамоқдамиз-да. Ёшлар ўқишни хошлашмайди – шунақа қилиқ чиқаришган, хотинлар эрларига ташланиб қолишади – бу ҳам бугунги куннинг бир кўриниши. Баъзилар думбаларини ликиллатиб кун кўришади, уларга бир нима деб кўринг-чи...

Мартиншни ҳаяжон босди. Хайрият, малла соч унинг сўзини бўлди.

– Сеньор, бу ерда аёллар борлигини унутманг.

– Аёллар? Менинг гапларимга уларнинг нима алоқаси бор? Нима, думбаларини ликиллатишмайдимиз? Ликиллатишмайди деб айтишлар-чи? Шунақа ликиллатишадик...

Сухбатнинг бу томонга бурилиши асабимга тегади. Ҳисоб-китоб қилишни сўрайман. Официант зални кесиб ўтиб, паст овозда бармен билан қанча тўлашим кераклигини аниқлайди.

Барга Риулик паст бўйли, хўшпа семиз, юзи қизил маркиз кириб келади. У жуда бой, бойлик тўплашида черковнинг хиссаси бор. Унинг биргина кўчмас мулки 40 минг контуга<sup>1</sup> тенг экан. Уни яхши биламан. Уйда бўлганман. Оиласи маркизлик мақомини яқинда, либерал урушлар натижасида олди. Аммо... уйини кўриб, бундай демайсиз. Уйда, аниқроғи, холлдаги стол устида Морраснинг<sup>2</sup> биргина китоби турибди. Уни ҳам совғага олган. Сабаби, у уйининг деворларини бежаб турган картиналарда кимлар, нималар тасвирланганини ҳам билмайди. Ҳар гал уйига борганимда, дарвоқе, унинг отаси менинг отам каби битта клубга аъзо бўлишган, маркиз мени бир неча дақиқа кутиб туришга мажбур этади. Кейин қулимсираб, зинадан пастга тушиб келади.

Бир гал унинг уйда Морраснинг чиройли муқовали ва, афтидан, ҳали ҳеч ким варақлаб ҳам кўрмаган китобини кўриб қолдим. Либерал урушлар пайтида дворянлик даражасига мушарраф бўлган янги зодагонлар Морраснинг чинакам мухлислари. Бу одамда кишини ўзига тортадиган хислат ва ақл бор...

<sup>1</sup> Конту – минг эскудо.

<sup>2</sup> Шарл-Мари-Фотиус Моррас (1868-1952) – француз публицисти, танқидчи ва шоир.

Маркиз барда мени кўриб, биз томонга юрди ва сўрашиш учун қўлини узатди. Саломлашдик. Ёнимга келиб ўтирди. Унга Мартинш ва унинг ўғлини таништираман.

Малла сочни таништирмайман. Бунга хожат йўқ, улар шундоқ ҳам таниш. Эски кадрдонлардай, бир-бирларига табассум ҳадя қилишди.

– Сизни анчадан бери кўрганим йўқ. Нималар билан машғулсиз? Мануэл, менга Лузу суви билан виски олиб кел. “Old Rarity”, биласан-а? Сиз, дўстим, анчадан бери кўринмайсиз? Нима ишлар қилмоқдасиз?

– Оддий ишлар.

– Хотинингиз Роза...

– Фернанда.

– Ҳа, албатта. Фернанда демокчи эдим, узр, Роза деворибман. Жуда қизиқ бўлди. Тез-тез шунақа адашиб тураман. Сиз ҳам адашсангиз керак-а? Мен билан бирга виски ичарсиз?

Маъқул ишорасини қиламан. Ўзидан паст кишиларнинг номларини ҳамиша адаштириб юрадиган димоғдорларни яхши биламан. Профессинал аристократларга хос хусусият. Маркизга эса бунинг мутлақо дахли йўқ. У дўстларининг ҳам, душманларининг ҳам номларини ёдида сақлай олмайди.

– Янги машинани аста чиниқтиряпман. Кеча сотиб олдим. Жуда зўр.

– Қандай машина?

– “Мерседес 300 XL”. Юришини бир кўрсангиз эди. Бошқариш осон эмас. Кўйиб берсангиз, учиб кетгудай. Яхши ҳамки, малакали ҳайдовчиман. Ҳайдовчиликда менга бас келадиган одамни топиш қийин, шундай бўлса ҳам, зўрға эплейман бу қурмағурни. Зуваласи пишиқ машина. Кўргандирсиз?

– Бундай машина қанча турар экан?

– Қиммат. Жуда ҳам қиммат. Аммо, пул деганни баъзан ўзинг учун аямаслик ҳам керак. Ҳаёт деганлари фақат меҳнатдан иборат эмас, қария. Мундоқ ўйласанг, пул ўзи яна нима учун керак? Бу тўғрида ҳам ўйлаш зарур. Мен кўп айтганман – бизнинг алоҳида мажбуриятларимиз бор. Ҳа, алоҳида. Балким сизларнинг фикрингиз бошқачадир. Айтмоқчиманки, биз бошқаларга ҳам даромад қилишлари учун имконият яратмоғимиз ва рассомларга ёрдам бермоғимиз зарур. Нега десангиз, бу машина – чинакам санъат асари. Эндиликда одамларда аввалгидек, ўрта асрлардагидек маблағ йўқ. У пайтлари таниқли одамлар рассом ва ҳайкалтарошларга ҳомийлик қилишган... Шунақа ажойиб, саховатпеша оилалар бўлганки... Уларни... рассом ва бошқа истеъдод эгаларини доимо қўллайдиган одамларни, ишончим комилки... сизлар яхши биласизлар. Бугун бундай бўлишнинг, таассуфки, иложи йўқ. Афсус, минг афсус. Йирик музейларга, масалан, Мадриддаги музейга кириб кўринг – ўз вақтида одамлар санъат кишиларини қандай қўллашганини кўзингиз билан кўрасиз. Энди эса бундай эмас... Майли, нима бўлганда ҳам, менинг “Мерседес”им – ҳақиқий санъат асари. Соатига 230 километр тезликда ҳаракат қила олади. Ҳай-ҳайлаб, ховрини зўрға босиб тураман. Мануэл, яна виски. Ҳа, шунақасидан. Раҳмат.

Доктор Мартинш бу баландпарвоз гапларни маркиздан кўзини узмай эшитди. У нималарни ўйлаб турганини сезяпман. Сухбатга қўшилади.

– Савол берганим учун узр. Жаноби олийлари, сиз мени қизиқтириб қўйдингиз. Машинангиз қанча бензин сарфлайди?

- Сарфлайди?
- Қанча бензин кетади демоқчиман.
- Кўп эмас. Бу ҳайдовчига ҳам боғлиқ. Ўйлашимча, 15 литр. Аммо аниқ айта олмайман, машинани куни кеча сотиб олдим, деб айтдим-ку.
- Ҳа, бу ажойиб машина бўлиши керак. Эҳ, қани энди мен ҳам шундай машина сотиб олсам...
- Бундай машиналар ҳамма учун ишлаб чиқарилмаган. Ҳақиқий машинани тушунадиганлар учун. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Мўъжиза.
- Бир кўрсам дегандим. Жаноби олийлари, сиз бугун бу ерга уни миниб келдингизми?
- У шу ерда. Майдонда турибди. Уни сизларга кўрсатиш менга завқ бағишлайди. Овқатланиб бўлгач, ҳаммамиз биргаликда кўрамыз. Сиз машиналарни ёқтирасизми?
- Мен аъло сифатли ҳамма нарсани яхши кўраман.
- Мен ҳам. Сифатли картина, машина, вино дейсизми... ҳаммаси, яна бошқа нарсалар менга жуда ёқади.
- Сизда зўр картиналар бўлса керак-а?
- Ҳа, бир нечта бор. Кўп деёлмайман. Борларининг ҳаммаси сифатли. Сиз тасвирий санъатга қизиқасиз шекилли?
- Ҳа, сифатлиларига қизиқаман.
- Менга ўхшар экансиз. Яқинда Луврда уйимдаги картиналардан бирига ўхшайдиган суратни кўриб қолдим. Икковини бир киши чизган бўлиши керак. Мендаги суратга имзо чекилмаган. Аммо кўнглим тўқ, асл нарсаларни аниқ ҳис қиламан. Шу боисдан ҳам музейларга бориб тураман. Лувр зўр-да. У ерда кўп нарсаларни кўриш, ўрганиш мумкин. Дарвоқе, сиз Луврга бориб турасизми?
- Ҳа, 54-йилнинг ёзида борган эдим, дейман.
- Мен тез-тез бораман. Ҳар сафар Мадридда бўлганимда, албатта, бораман.
- Мадридда?
- Шундай. Тасвирий санъатга қизиқсангиз, картиналаримни бориб кўришингиз керак. Коллекциям камтарона, фавқулодда зўр нарсалар йўқ, аммо кўришга муносиб.
- Уйингизга таклиф этганингиздан хурсандман, агар, иложи бўлса, ўзим билан бирга ўғлимни ҳам олволардим. У санъатни жуда севади. Оилавий севамиз. Хотинимга ҳам картиналарингиз маъқул келишига ишончим комил.
- Келишиб олишимиз керак. Мануэл, виски.
- Қачон боришимиз мумкин?
- Нима қачон?
- Уйингизга қачон боришимиз мумкин, деяпман.
- Яқин кунларда. Ташриф қоғозингиз борми? Менга берсангиз, ўзим кўнғирок қилардим.
- Кунини аниқ қилиб олганимизда яхши бўларди-да...
- Ҳозир бунинг иложи йўқ. Айтганимдек, “Мерседес”имни чиниқтиряпман. Уйда қачон бўлишимни билмайман. Эртага Португа бораман. У ерда тунаб, кейинги куни қайтиб келаман.
- Мартинш ҳамёнидан ташриф қоғозини олиб, марказга узатади.

– Миннатдорман. Коллекциянгизни кўриб, жаноб маркиз, ундан бахраманд бўлишимдан хурсандман.

– Овқатланиб бўлган бўлсак, бориб “Мерседес”ни кўришимиз мумкин.

– Марҳамат, жаноб маркиз.

Ўрнимиздан туриб, ташқарига чиқамиз. Маркизнинг машинаси майдонда кўр ташлаб турибди. Мартинш маркизнинг машина техникаси тўғрисидаги шарҳларини диққат билан эшитади. Машина фаралари, юкхона, двигател тўғрисида савол беради. Машина рулига ўтиради, ўрnidан туриб ташқарига чиқади, яна ўтиради. Креслони синаб кўриш учун яна...

– Ҳайратимни изҳор қилишга рухсат бергайсиз, жаноб маркиз. Сизга ҳавасим келади. Мана буни машина деса бўлади. Қанийди, менда ҳам шундай машина бўлса, аммо ҳайдашни билмайман-да. Ҳайдовчилик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Мартиншнинг ўғли жим. Бирор нарса сўрамайди ҳам. У сал нарироқдан отасининг хатти-ҳаракатларини қизиқиш ва, айни чоғда, ижирганиш билан кузатиб турибди. Аммо... кўзларида нозиклик бор. Болаларда отоналарига нисбатан бўладиган, таассуфли ҳолатларда ҳам йўқолмайдиган нозиклик.

Бечора Мартинш. Ўғли уни худди очик китобдай тушунади...

Маркиз машинасига ўтирар экан, менга ўгирилади:

– Менинг учун ҳам тўлаворсангиз дегандим, Зудлик билан Кашкайшга боришим керак.

– Жаноб маркиз. Хафа бўламан... Сизни мен таклиф қилдим. Уйингизда меҳмон бўлганимда, вискини бемалол ичаман. Бугун эса мен тўлайман. Гап бўлиши мумкин эмас.

Барга қайтиб кирамиз. Гап-сўз йўқ. Ҳисоб-китобни олиб келишларини айтаман. Стол устида Мартинш маркизга узатган ташриф қоғози турибди. Ҳаммамиз жиммиз. Мартинш ўрnidан туриб, стол орқасига ўтди. У оғир нафас олаётганини сезиб турибман. Кўриниши даромадли шартномага имзо чеккан ёки азалий орзусини амалга оширган кишини эслатади. Нигоҳи аввалига бар деворларига сайр қилади, кейин ўғли, малла соч қиз олдида бир зум тин олади, сўнг стол устига турган маркизга берган ташриф қоғозига кўзи тушиб, ўнғайсизланади. Қоғозни мен ҳам кўриб турибман-да, асабийлашаётганини яширмай гап бошлайди:

– Графлар, маркизлар, герцоглар... Бу ярамастар нима учун кераклигини ҳеч қачон тушунган эмасман. Ўзларини минг хил қиёфада кўрсатишади, аслида эса саводлари ҳамин қадар. Улар сафини жиддий тозалаш керак... Бу сўтаклардан кутулишнинг йўли– инқилоб.

Ташқарига латофатли оқшом қўнган.

Юқорилаб борадиган кўча бўйлаб уйимга яқинлашаман. Олдимдан бир ишчи хиргойи қилганча ўтади:

*Оқшом қўнди, менинг шамол дўстим...*

Чўнтагимга қўл солиб, майиз қидирман. Бир дона ҳам қолмабди.

*(Давоми келгуси сонда)*

## ХИТОЙ МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИДАН

*Рус тилидан  
Турсун АЛИ  
таржимаси*

### ЛЮ ЧЖЕНЬ

*“Амакиваччамга бағишлайман”  
туркумидан*

\* \* \*

*Қарағай<sup>1</sup> тебранар  
Қояда ёлғиз,*

*Далада шамоллар эсар шитоб,  
тез,  
Нақадар  
қахрли увуллар довул,*

*Синдирмоқчи бўлар  
Қарағайни ул!*

*Қиш келар,  
Бешафқат қиров ҳам, муз ҳам,  
Қарағай барига  
чидайди бардам.  
У писанд қилмайди  
аёзни нечун?  
Қарағай сарв,  
кучли бўлгани учун!*

### СЕ АН

#### НАСТАРИН ЧОРБОҒИ

*Қадимги донолар  
давридагидек  
Бизлар ҳам  
навбахор сайри истадик.  
Қирлар, адирларга  
талпинди юрак,  
Бойчечак қидирдик,  
лола изладик.*

*Дарахтлар осмонга  
бўй чўзди бирга,  
Яйловлар тўшалди  
яланғоч ерга<sup>2</sup>.  
Булутлар ўрлади  
кўкка тутундек,  
Пилдираб музларни  
эритди жилга.*

<sup>1</sup> Қарағай – қарағай ва сарв образи қадимий Хитой шеъриятида кўп учрайди. Ирода, рухий барқарорлик ва нурунийлик тимсоли ҳисобланади (изоҳлар таржимонники).

<sup>2</sup> “Дарахтлар осмонга бўй чўзди бирга, Яйловлар тўшалди яланғоч ерга: Ушбу сатрда ҳавасларига берилган, нафс ботқоғига ботган, кўнгли кир, худбин кимсалар қарама-қарши қўйилиб тасвирланган.

Фаровон кунларга  
айлаб шукрона,  
Ёнма-ён ўтирдик  
жам бўлиб яна.  
Осмонни тўлдириб  
булутлар кўчди,  
Шамол қанотлари  
қайиқни кучди.<sup>1</sup>

Чорбогда биз  
шароб ичиб қувондик,  
Буюк Фу Си ҳамда  
муҳтарам Тан<sup>1</sup>дек.  
Дунёда ҳамманинг  
қисмати бирдир –  
Хоҳ гўдак боладир,  
хоҳ қари чолдир.

## ГУ КАЙЧЖИ

### ЙИЛНИНГ ТЎРТ ФАСЛИ

Баҳор ёмғиридан  
кўл тўлди лим-лим,  
Ёзнинг тоғларида  
ажиб сукунат.

Кўзги тўлин ойдан  
нур ёғди сим-сим,  
Қишида қарагайлар  
яшинагай фақат.

## СЕ ЛИНЪ ЮНЬ

### УМРНИНГ УФҚИ

Юрагимда қайғу,  
уйқум келмайди.  
Уйқу ҳам қуволмас  
гамимни ҳаргиз!  
Ойнинг ёғдусида  
қор ялтирайди,

Совуқ шамол эсар  
ёввойи, ёвуз.  
Вақт жуда тез ўтар –  
кутмайди асло,  
Умримнинг уфқида  
ботаман аста.

## БАО ЧЖАО

### ҚАЛАНДАР СЮГА ЖАВОБИМ

Қишлоқда гуручдан  
олишгай шароб.  
Хризантема гулларин  
кўмди қалин ўт.

Ҳар ҳолда дилларда  
эзгулик сероб!  
Қани, ҳей, хўжайин,  
бизларга май тут!

<sup>1</sup> Буюк Фу Си ҳамда муҳтарам Тан: Фу Си – афсонавий қахрамон. Хитойликларнинг аждодларига овқат пиширишни, тўр билан балиқ овлашни ўргатган, никоҳ қоидаларини, мусиқий уйғунлик қонунини кашф этган. Хитой ёзувида иероглиф хатини жорий этган. Чэн Тан – Тан Ин сулоласининг (милoddан аввалги 1728 -1698 йилларда ҳукмронлик қилган) асосчиси. Афсоналарга кўра, Тан даврида мис қазиб олинган ва қайта ишлов берилган.

Етти йиллик қурғоқчиликда Тан ўзини қурбонликка келтирмоқчи бўлган.

Нефрит қадаҳларга  
май қуйма ҳеч ҳам:  
Куз қуёши ором  
бахш этар жонга.  
Олтиндан ясалган  
қимматбаҳо жом  
Меҳр бера олмас  
бадбахт инсонга.

## “ҚАДИМГА ТАҚЛИД” ТУРКУМИДАН

Кўлда сув ўтлари  
саргаймас ҳамон,  
Ҳозлар учиб кетди  
жанубга томон.  
Кузги чирилдоқлар  
музиқа чалар,  
Тунда сочин ёяр  
ёлғиз аёллар.  
Уйларига қайтган  
навкарлардан мен  
Сўрадим, нечуксан,  
ёрижоним сен.  
Узоқ чегарада  
жанг кетар ҳамон,

Оғир хўрсинаман  
боқиб шарқ томон.  
Белимнинг боғичи  
кенг бўлиб кетди,  
Юзим сўлди,  
ҳижрон жонимдан ўтди.  
Шум толеим бунча  
аччиқ ва тахир,  
Тун чўзилган сайин  
ўртанар бағир.  
Сандиқчамда кўзгум  
чанг босиб қолди,  
Цин<sup>1</sup> узра тортанак ошиён солди.

\* \* \*

Хон мулкида ажойиб  
тоғлар тизмаси бордир.  
Чўққиларнинг бошлари  
кўкка етган, сервиқор.  
Қуёшга терс қоялар  
саратонда ҳам қордир,  
Гулишан водийлар ҳусни  
кузда ҳам мисли баҳор.  
Тонгда кўрдим булутлар  
чўққилар аро парқу,  
Тун-кечалар тинмайди  
маймунлар қичқириги.

Йўл азобин чекапман  
ўртар мени гам-қайғу,  
Юрагимда жароҳат,  
бедаво дард оғриги.  
Шийпончада май бериб,  
меҳмон қилсинлар мани,  
Висолингни соғинсам  
май ичаман атайин.  
Иродамиз тош каби  
қаттиқ бўлсайди қани,  
Феълимиз ипак мисол  
бўлсайди юмиоқ, майин.

<sup>1</sup> Цин – қонунсимон қадимий музиқа асбоби. Одатда беш ёки етти торли бўлиб, торларини тепага қаратиб, тиззага қўйиб чалинган. Қадимда ва ўрта асрларда ушбу чолғу Хитойда жуда оммавий бўлган. Бу чолғуни кўпинча аёллар чалган.

## СУШИ

### ТОҒЛАРГА КЎЗ ТАШЛАГАНИМДА

*Мабодо қайиқдан ташлаб қолсанг кўз  
Тулпорлар шаклида гўёки тоғлар.*

*Ажиб бир уюрдек чўзилиб кетган,  
Юз йилқи – елаётган юз чўққи каби.*

*Олдинда сафлари эмас бир текис,  
Гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ – кўзинг ўйноқлар.*

*Ортидан, ортидан бу отлар гўё  
Ўтлоққа ошиқар қимтиниб лаби.*

*Тепага қарадим, анов сўқмоқда,  
Тоғ энишин илон изи чирмаган.*

*Сўқмоқда юрар дайдиб бир киши,  
Чулдирар, атрофда нуқул қоялар.*

*Қўлимни силкитиб, оғзимни очдим,  
Бирров сўзламоққа шайдо бўлиб ман,*

*Жанубга учарди бир гала қушдек  
Елканим заминга солмай соялар!*

### ҚИСҚА ШЕЪР

*Бу ўлкага энди келгандим етиб,  
Шамол турди, ёмғир қуйди сўнг шаррос.*

*Сўққабош дарбадар, топарманми, айт,  
Азим бу дунёдан бирор бошпана?*

*Қўлимдан келсайди кўкдан булутни  
Бошимга кийволиб юрардим, холос,*

*Оддий йўл чакмони менга бўларди,  
Тупроқни устимга буркасам бешак!*



## ҒАРБИЙ ЎРМОН ИБОДАТХОНАСИ ДЕВОРИДАГИ БИТИК

*Тогнинг юзига боқ – чўққилар тўмтоқ,  
Ёнидан қарасанг – найазор гўша.*

*Ўзига қараб юр – тобора баланд,  
Изингга қайтганда чўқар тоғ қадди.*

*О, йўқ, қиёфасин ўзгартмас тоғлар,  
Моҳияти шудир, тоғ ўша-ўша,*

*Эврилиш эса-чи шунгадир боғлиқ,  
Тоққа қайдан боқсанг – шундоқ бўлади!*

## СИХУ КЎЛИ СОҲИЛИДА ШАРОБ ИЧАРМАН

*Бир лаҳза ёришиди сувга лиммо-лим  
Кўлнинг кенгликлари, тиниди олам.*

*Бирдан қуйиб берган ёмғир қаърида  
Элас-элас гўё кўрингай тоғлар.*

*Сиху кўлининг-чи ажиб манзарин  
Ойжамол Си Ши<sup>1</sup>га қиёслаб бу дам,*

*Атир-упасиз ҳам, чинакамига  
Гўзаллик бўлмогин туйдим шу чоғлар.*

## ГУЛСАФСАРЗОР

*Баҳор ифорини эсди таратиб,  
Кунчиқардан ичи қисилган шамол.*

*Деразалар узра сирғалади Ой,  
Ҳавода баҳорий ифордир, холос.*

*Қўрқаман-да, боғда гулсафсарлар ҳам  
Қоқ тунда гафлатда тўнғмиш бемалол,*

*Шам ёқиб, мафтуни бўлдим ногаҳон,  
Нақадар гўзалдир гулдаги либос.*

<sup>1</sup> Си Ши – милoddан аввалги V асрда яшаган соҳибжамол аёл. Юэ подшоси билан жангда енгилган маҳалда Си Шини подшога тортиқ қилган, ўз навбатида, гўзал аёл билан банд бўлиб, у давлат ишларини унутган. У подшоси пировардида ҳалокатга йўлиққан. У подшосидек азалий рақиби устидан ғалаба қозонган Юэ подшоси Си Шини кўлга чўктириб юборган, чунки у бу маҳлиқо аёлни ўта хавфли ўлжа деб ҳисоблаган. Си Ши Хитой мумтоз шеърятда ва шеърхонлар орасида аёл гўзаллиги тимсоли бўлиб қолган.

## БАҲОР ТУНИ

Минг олтин қуймасига лойиқдир, ишон,  
Тун сарҳадидаги бир лаҳза ҳам шояд.

Хавода, теграм узра гуллар хуш бўйи,  
Ойдан-да ястанани соялар маҳзун.

Хобхоналардан таралар майиндан майин  
Эркатои най навоси ёқимли гоят.

Олис чодирчаларнинг бағрида эса  
Бор нарсани қаърига тортган қора тун.

Олтин тоғ ибодатхонаси ёнидан сузиб ўтяпман

Киндик қоним томган қишлоқ ортидан  
Янзицзян дарёси бошланар, шундоқ.

Амалдор бўволдим – қисматда боркан,  
Қайиргача суздим қайиқда, мана.

Дедиларки менга тўлқинлар бунда  
Арслон бўйи келар турганда мундоқ,

Совуқ кунларда-чи уларнинг изи  
Қумзорга нақш солиб чекинар яна.

Дарё киндигида бир қоя бордир,  
Илондек тўлғонар шамолда рўё.

Бир-бир йўқолади, қалқади тагин  
Шерёл тўлқинларга қасдма-қасд, адаш.

Мен эса қояга тирмашиб ўктам,  
Жонажон юртимни кўргимдур гўё,

Шимолга кўз солгум, жанубга боққум,  
Қоялар занжирин кўрарман яккаш.

Оқишомда кулбамни эслайман маҳзун,  
Аммо қайтмоққа-чи “топилмас эшак”.

Изидан боқаман нақадар олис  
Пучмоқларга Қуёш олиб кетар бош.

Сал шамол эсса-чи, атроф қувнайди,  
Дарё яшинаб кетар шамолдан бешак,

Шафақ балиқдайин, думи – қирмизи,  
Танга босган танда ялтирар кўзёи.

Мана, энди дарё узра порлар Ой,  
Нурига чулганар атрофда бирров.

Зулматнинг иккинчи посбонидан-чи,  
Ойсиз кечаларда Кўк ҳам зимистон.

Ногаҳон қоядан, дарё тўшидан  
Тогларга ташланди ҳайбатли олов,

Гулдиради жимжит соҳиллар ноҳос,  
Қаргалар ваҳмда қагиллар чунон.

Қачон, ўзи, ҳукмрон эрур сукунат,  
Ташишида тушунмай қолибман, қаранг.

Иблис эдими у? Ё бирор инсон?  
Бу излар кимники? Ким келди, ўзи?

Дарё киндигидай турган қоядан,  
Тоққа етиб бўлмас ҳаттоки аранг,

Ақлим шошиб қолди, Дарё маъбудди  
Очиб қўймагунча дарбадар кўзин.

О, Дарё маъбудди, сенга ташаккур,  
Англадим, серташиши бу дунё аро,

Мен ҳам қоя мисол ёлғиз қолганман,  
Ўртамизда оқар бир азим дарё!

## ЛУ Ю

### ҚАТТИҚ ХЎРСИНАМАН

Ичим тўлиб кетди, хўрсинаман, оҳ,  
Кўнглимни шод этмас бу азим дунё.

Мақсадсиз кечган саргардонликлар  
Сўнгида кўринмас бирорта мурод!

Замҳарир кунлар келибди, мана,  
Кўриниб қолгандай йилнинг адоғи.



Дарранда, парранда чинқиради, боқ,  
Кузатиб қўймоқда шом қўнган чоғи.

Эски карвонсарой кифтига учар  
Қалин тўкилмоққа бошлаган хазон.

Минг-минг чақиримча нарида ватан,  
Бошимга оппоқ соч қўнибдир бу он.

Элас-элас келган тўлқинлар саси,  
Ё қишлоқ четида силкинар кир дор.

Оёғим етган бу ўлкани эса,  
Қоплон, арслонлар айлабдир макон.

Эски бир чегара увати узра  
Бунда чириб ётар саноқсиз мурдор.

Бунда чайилгандир қонга майсалар,  
Танти шаҳид кетган мардлар бегумон!

Афсус, минг-минг афсус, йироқман ҳозир  
Қадрдон далалардан – ўксиёди дилим.

Мотам тутаётган ватан ҳақида  
Неларни сўзласам бўлади, ўзи?

Мана, неча йилки тортар азият,  
Машиша, фитналар, бормайди тилим.

Ҳам маъзур тутасан бунда ҳаттоки  
Кучли одамларнинг ёши қийнар кўзин.

О, йўқ! Қўлда китоб экан дея қараманг,  
Камситманг, ўкситманг, ўтга дўнаман.

Ғанимларга қарши жангга шайланиб,  
Туёқдан ўт чақнар отга қўнаман!





## **ФЕДОР ДОСТОЕВСКИЙ**

(1821–1881)

### **АКА-УКА КАРАМАЗОВЛАР<sup>1</sup>**

Тўрт қисмли, эпилогли роман

*Рус тилидан  
Иброҳим ҒАҒУРОВ  
таржимаси*

**Иккинчи қисм**

**БЕШИНЧИ КИТОБ**

### **PRO VA CONTRA<sup>2</sup>**

I

#### **ТИЛ БИРИКТИРИШ**

Хохлакова хоним Алешани ўзи қарши олди. У шошилиб турарди, бир кори ҳол рўй берганга ўхшарди: Катерина Ивановна иситмалаши охирида “ҳушидан кетиб қолди, ундан кейин жуда қаттиқ ҳолдан тойди, у узала тушиб ётди ва алаҳлай бошлади. Ҳозир иситмаси яна кўтарилди, Герценштубега одам жўнатишди, холаларига хабар беришди. Холалар дарров етиб келишди, Герценштубедан ҳали дарак йўқ. Ҳамма унинг хонасида кутяпти. Нимадир бўладиганга ўхшайди, у эса ўзига келгани йўқ. Ортиқ иситмада!”

Буларни Хохлакова хоним жуда кўрқиб кетгандек бўлиб айтди: “Бу жуда жиддий, жуда жиддий!” – деб кўшиб кўярди у ҳар бир сўзига, худди илгари кизнинг бошидан кечган воқеалар гўё унчалик жиддий бўлмагандай. Алеша унинг сўзларини қайғуриб эшитди, унга ўзининг бошидан кечирганларини баён қилмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганди, аммо у бошданок эшитгиси келмади, вақтим йўқ деб баҳона қилди, Лисенинг олдида ўтириб туринг, мени ўша ерда кутинг, деди.

– Лисе, жондан азиз Алексей Федорович, – Алешанинг қулоғига яқин келиб шивирлади у, – Лисе мени ҳозир қаттиқ таажжубга солиб қўйди,

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши 8, 9, 10-сонларда.

<sup>2</sup> Тарафдор ва қарши (лот.).

бир чеккаси ийдирди ҳам, аммо қалбим уни кечиради. Тасаввур қилинг, кеча сиз кетишингиз билан у чин дилдан пушаймон бўла бошлади, кеча ва бугун унинг устидан кулдим деди. Аммо ахир у кулгани йўқ, фақат ҳазиллашди, холос. Аммо шунчалар қаттиқ пушмон бўлдики, йиғламоқдан ортиқ, мен ҳайрон бўлдим. У ҳеч қачон менинг устимдан кулганда ҳам бунақа ўкинмасди, ҳазил-хузулга оларди. Сиз биласизми, у менинг устимдан тинмай кулгани-кулган. Мана энди жуда жиддий бўлиб қолди, энди ҳаммаси жуда жиддий бўляпти. У сизнинг фикрингизни жуда қадрлайди, Алексей Федорович, агарда сизга қийин бўлмаса, ундан хафа бўлманг, таъна қилманг. Мен ўзим уни жуда қаттиқ аяйман, нега деганда, у бирам ақлли-ей – ишонасизми бунга? У менга ҳозир нима деди денг, сиз унинг болаликдаги дўсти бўлган экансиз – “болалик чоғларимнинг энг айрилмас дўсти” – буни ўзингиз тасаввур қиласизми, энг айрилмас дўстим дейди-я, унда мен-чи? Унинг бу борадаги ҳиссиётлари жудаям жиддий ва ҳатто хотиралари, вой, бунинг сўзлари, жумлаларини айтинг, ҳеч одамнинг ақлига келмайдиган сўзларни қаёқдан топади денг. Кеча яқинда қарағай ҳақида айтган сўзини қаранг: боғимизда унинг илк болалик пайтлари бир қарағай бўларди, балки ҳозир ҳам тургандир, ўтмишга айланмаган. Қарағайлар одам эмас, Алексей Федорович, улар узоқ ўзгармайдилар. “Ойи, дейди, тушимда қарағай менга қарағай”, – яъни у қарағай-қарағай деб бошқача қилиб айтди, бу ерда чалкашлик бор, “қарағай” бемаъни бир сўз, аммо у менга бу тўғрида шунчалар ҳайратомуз сўзларни айтдики, буни сизга ифодалаб ҳам беролмайман. Эсимдан ҳам чиқариб қўйдим. Хўп, яхши қолинг, кўришгунча, мен ҳеч ўзимга келолмаяпман, нима бало, эсим оғаяптими. Оҳ, Алексей Федорович, мен умримда икки маротаба эс-хушимни йўқотганман, мени даволашган. Ёсенинг олдига боринг. Унинг кўнглини кўтаринг, сиз чиройли қилиб бунинг уҳдасидан чиқасиз. Ёсе, – деб чақирди у эшикка яқинлашиб, – мана, сен хафа қилиб қўйган Алексей Федоровични топиб келдим, у ҳечам хафа эмас, ишон менга, аксинча, у нега бундай деб ўйлаганингга ҳайрон!

– Mersi, татам, келаверинг, Алексей Федорович.

Алеша ичкарига кирди. Ёсе қандайдир хижолат чеккандай кўринар ва бирдан дув қизариб кетди. У, чамаси, нимадандир уялар ва доим шундай пайтларда бўладигандек, тез-тез бутунлай бошқа нарса ҳақида гапира кетди, худди ушбу дамда айни ана шу бошқа нарса бутун ўй-хаёлини банд қилгандай.

– Ойим менга ҳозир бирдан икки юз рубль пул билан сизга берилган топшириқни... гапириб берди, Алексей Федорович... шўрлик қашшоқ зобит... уни жуда ёмон таҳқирлаган, камситган эканлар... биласизми, ойим жуда тушуниб бўлмайдиган қилиб, узоқ-юлуқ гапиради... аммо мен эшитиб ўтириб йиғладим. Нима бўлди, қандай бўлди, ўша пулни бердингизми, нима кечди энди ўша бечоранинг аҳволи?..

– Ҳамма гап шунда-да, беролмадим, энди бунинг тарихи узун жуда, – жавоб берди Алеша, ўз томонидан айни шу пулни беролмагани учун ташвишга ботгандай бўлиб, ҳолбуки, Ёсе Алешанинг ҳам шу тобда бошқа томонга боқаётганлиги ва афтидан, у ҳам бутунлай бошқа нарса ҳақида сўйлашга уринаётганлигини яхши сизди. Алеша стол ёнига ўтирди-да, ҳикоя қилишга тушди, аммо биринчи сўзлариданоқ тортинишни бас қилди ва ўз навбатида Ёсенинг бутун диққат-эътиборини тортди. У фавқулодда таассу-

ротларини жуда кучли ҳиссиёт таъсирида, аён ва батафсил ҳикоя қилди. У илгарилар ҳам Масковда бўлган чоғларида, Лисенинг болалик пайтларида унинг олдига боришни яхши кўрар, унга ўзининг бошидан ўтганларни, ўқиган китоблари, ўтмиш болалик воқеаларини сўйларди. Гоҳида ҳатто икковлари биргаликда орзу-хаёлларга берилишар, биргаликда бутун-бутун қиссалар тўқишар, улар кўпинча қувноқ ва кулгили бўларди. Мана шу тобда икковлон бирдан бундан икки йил аввалги Масков ҳаётига шўнғиб кетгандай бўлдилар. Лисе унинг ҳикоясидан жуда қаттиқ таъсирланди. Алеша қайноқ бир меҳр билан унинг кўз ўнгида “Илюшечка” сиймосини гавдалантирди. Анави афтода инсон пулларни ерга улоқтириб, қандай уларни жон-жаҳди билан топтаганлигини батафсил, бир бошдан гапириб берганида, Лисе қўлларини бир-бирига қарсиллатиб уриб, ортиқ ҳаяжон ичида қичқириб юборди:

– Сиз бермадингизми пулларни, қочиб кетишига йўл қўйдингизми! Вой худойим-ей, орқасидан чопмадингизми, унга етиб олмадингизми?..

– Йўк, Лисе, орқасидан бормаганим қайтага яхши бўлди, – деди Алеша, ўрнидан туриб хона ичида ташвишга ботганча юра бошлади.

– Нимаси яхши, қанақасига яхши? Энди улар очликдан ҳалок бўлишади!

– Ҳалок бўлишмайди, чунки бу икки юз рубль барибир уларнинг қўлига бориб тегади. У барибир уни эртага олади. Эртага, албатта, олади, – деди Алеша ўйга ботиб хонани айланаркан. – Буни қаранг-да, Лисе, – бирдан кизнинг қошида тўхтаб деди у, – мен ўзим бу ерда битта хато қилдим, аммо хато қилганим ҳам хайрли бўлди.

– Қанақа хато ва нимаси хайрли?

– Гап шундаки, бу кўрқок, бўшанг ва иродасиз одам. Уни турмуш абгор қилган, аммо ўзи оққўнгил. Мен ҳозир ўйлаб ўйимнинг охирига етолмайман: у нимага бирдан хафа бўлиб қолди-ю, нимага пулни оёғи остига ташлаб тепкилади, нега деганда, гапимга ишонинг, у охирги сониягача пулни топтаб ташлайман деб асло ўйламаганди. Назаримда, у бу ерда жуда кўп нарсалардан қаттиқ озор чеккан... Унинг аҳволида бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди... Биринчидан, у менинг олдимда пулни кўриб жуда суюниб кетди ва буни мендан яширолмади. Агар пулга унчалик хурсанд бўлмаганда, буни кўрсатмасди, бошқаларга ўхшаб олифтагарчилик қилар, пулни оларкан турли нағмалар кўрсатар, унда пулни ерга отиб урмасди, ҳозир эса жуда хурсанд бўлганини ошкор қилиб қўйди. Кейин бундан ёмон ўқинди. Оҳ, Лисе, у ростгўй ва яхши одам, бунақа ҳолларда бутун ишқал мана шунда! Ўшанда у гапираётганда, овози зўрға-зўрға чиқди, худди ичига тушиб кетгандай, яна лаби-лабига тегмай сўзлайди, доим ҳиқиллаб шундай бир кулади, балки ҳиқиллаб йиғлагандир... рост, у йиғлади, у шунчалар хурсанд бўлиб кетган эди... қизларини гапирди... бошқа шаҳарда унга иш беришларини айтди... Юрагини очиб олдимда ёзди, кейин бирдан менга юрагини бутунлай очиб кўрсатгани учун қаттиқ уялиб кетди. Ўшанда мени жуда ёмон кўрди. У жуда ориятли камбағаллардан. Яна хафа бўлганининг бир чеккаси, мени ўзига дарров дўст деб билгани, менга жуда тез ишонгани бўлди, унгача дам менга ташланиб, дўқ-пўписа қилиб турганди, кейин бирдан пулга кўзи тушгач, мени яхши кўриб қучоқлай кетди. Бағрига босиб, қўллари билан силаб, пайпаслади. Худди айни мана шундай ҳолда бутун хўрликни ҳис қилиши керак эди, мана шунда мен бир хато қилиб қўйдим бехосдан: унга агар бу пул етмаса, яна беришади, бошқа

шахарга кетишга ҳам етади, мен ўзим ҳам сизга хоҳлаганча пул бериб тура оламан дедим. Мана шу уни бирдан лол қилиб қўйди: нега мен ҳам ёрдам бераман деб бурнимни тикдим? Биласизми, Lise, хўрланган одам учун энг ёмон яна бир хўрлик – ҳамманинг унга ўзини валинеъмат деб кўрсатиши... мен буни эшитганман, устозим менга гапириб берган. Мен буни қандай ифодалашни билмайман, аммо буни кўпинча ўзим ҳам кўрганман. Мен ўзим ҳам ахир шундай сезаман. Энг муҳими, у энг сўнгги дамгача, пулни топтайман деб ўйламаган эса-да, лекин барибир буни ҳис қилган, бунга шак-шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳам, хурсандчилиги жуда шоён эди, бу ҳис қилишдан, олдиндан ҳис қилишдан... Мана, бу ҳаммаси шунчалик чаток бўлмасин, лекин барибир яхшиликка. Мен ҳатто шундай ўйлаяпманки, энг яхши деганда ҳам, бундан яхши барибир бўлмайди...

– Нега, нега бундан яхши бўлмайди? – хитоб қилди Lise Алешага жуда хайрон бўлиб қараб.

– Чунки, Lise, у агар тепкиламаганда ва пулни олганда эди, уйга боргач, бир соат ўтар-ўтмай хўрлиги келиб йиғларди, албатта, шундай бўларди. Йиғлаб-йиғлаб эртасига ҳали тонг ёришмай олдимга етиб келарди ва эҳтимол, пулни олдимга улоқтириб, сўнг боягидай топтаган бўларди. Энди эса, гарчи ўзини “хароб” қилганини билса ҳам, ғоятда мағрур ва тантанавор ҳолда кетди. Бундан чиқадики, энди эртадан қолдирмай унинг пулни олишига ҳеч қандай монелик қолмади. Чунки у ўзининг номусли одам эканлигини исботлади, пулни улоқтирди, оёғи остига олиб тепкилади... У тепкилаётган пайтида, мен яна пулни қайтариб олиб келишимни билгани йўқ. Ҳолбуки, унга пул ҳаддан ташқари керак. У жуда ҳам мағрур бўлгани билан барибир ахир қандай ёрдамдан маҳрум бўлганини ўйлаб ўкинади. Кечаси буни янада қаттиқ ўйлайди, тушига кириб чиқади ва охири эртага эрталабдан менинг олдимга югуради ва узр-маъзур сўрайди. Мен эса шунда унга дейман: “Сиз жуда мағрур одам экансиз, сиз буни исботладингиз, энди буни олинг ва бизни кечиринг”. Ана шунда у олади!

Алеша қандайдир тўликиб: “Ана шунда у олади!” – деб айтди. Lise чапак чалиб юборди.

– Оҳ, рост, мен энди тушундим! Оҳ, Алеша, сиз бунинг ҳаммасини қаердан биласиз? Ҳали ёшсиз, аммо юракда нима борлигини биласиз... Мен ҳеч қачон бунақасини ўйлаб тополмасдим...

– Энг, муҳими, энди уни ишонтириш керак, унинг биздан пул олганига қарамасдан биздан ҳам, ҳеч кимдан ҳам кам жойи йўқ, – тўликиб-тошиб сўзида давом этарди Алеша, – кам жойи бўлмаса ҳам, ҳатто ортиқ жойи бор...

– “Ортиқ жойи бор” – жуда гўзал, Алексей Федорович, аммо гапиринг, гапираверинг сиз!..

– Яъни мен ундай демоқчи эмасдим... ортиқ жойи ҳақида... аммо ҳечқиси йўқ, чунки...

– Оҳ, ҳечқиси йўқ, ҳечқиси, ҳечқиси, ҳечқиси! Кечиринг, Алеша, азизим... Биласизми, мен шу пайтгача сизни хурмат қилмагандим... яъни, хурмат қилганман ўзимга тенг кўриб, энди энг олий даражада хурмат қиламан... Азизим, жаҳлингиз чикмасин бу сўз ўйинларига, – туйғуси жўшиб деди у. – Мен кулгили кичкина қизчаман, аммо сиз, сиз... Кулоқ солинг, Алексей Федорович, бизнинг, йўқ, яхшиси, сизнинг, йўқ, бизнинг бу мулоҳазаларимизда... ўша бечора, бахтсиз кимсага нисбатан ижирғаниш, камситиш йўқми... ахир биз сўрамасдан унинг ички дунёсига кириб боряп-



миз, гўё ўзимизча баланддан келгандай бўляпмиз, а? Энди у пулни қабул килади деяпмиз, а?

– Йўқ, Lise, камситиш йўқ, – худди бу саволни кутгандай қатъият билан жавоб берди Алеша, – бу ёққа келаётганимда буни ўзим ҳам ўйлаган эдим. Ўзингиз ўйланг, бу ерда қандай камситиш бўлиши мумкин биз ўзимиз худди унга ўхшаган бўлсак, ҳамма худди унга ўхшаган бўлса. Чунки ахир биз худди шундоқмиз, яхшироқ эмасмиз. Агарда яхши бўлганимизда ҳам, барибир унинг ўрнида шундай бўлардик... Мен, Lise, сизни билмайман-у, ўзимча, мен кўп томондан жуда майда одам бўлсам керак деб ўйлайман. У эса майда эмас, аксинча, жуда нозик, назокатли... Йўқ, Lise, уни ҳеч қандай камситиш йўқ! Биласизми, Lise, менинг устозим бир гал айтганди: одамлар кетидан худди болаларнинг кетидан юргандай юриш керак, баъзилар кетидан эса худди касалдек, худди касалхонада юргандек юриш керак...

– Оҳ, Алексей Федорович, оҳ отагинам, келинг, одамлар кетидан улар касалдек юрайлик!

– Келинг, Lise, фақат менинг ўзим унча тайёрмасман, мен гоҳида жуда сабрсизман, бошқа бир пайтларда кўзим ҳам яхши илғамайди, одамларни ажратолмайман. Сиз эса бошқачасиз.

– Оҳ, ишонмайман! Алексей Федорович, мен нақадар бахтлиман!

– Сизнинг шундай дейишингиз қандай яхши, Lise.

– Алексей Федорович, сиз жудаям яхшисиз, аммо баъзан жуда ҳам назокатли... ҳолбуки, бошқа бир ёқдан қаралса, назокатлига ҳам ўхшамайсиз. Боринг, эшикка қаранг-чи, астагина қия очиб қаранг-чи, ойим қулоқ солиб турмаганмикин, – шивирлади тўсатдан Lise қандайдир жонсарак бўлиб шоша-пиша.

Алеша бориб эшикни қия очди-да, ҳеч ким йўқ, деб жавоб берди.

– Бу ёққа келинг, Алексей Федорович, – давом этди Lise тобора қаттиқроқ қизариб, – қўлингизни беринг, ана шундай. Қулоқ солинг, мен сизга юрагимдаги гапни айтишим керак: кечаги хатни мен ҳазиллашиб эмас, жиддий ёзгандим...

У шунда кўзларини юмди. Бу дил изҳоридан у жуда уялаётгани кўриниб турарди. У бирдан шахд билан Алешанинг қўлини ушлади-да, уни уч марта ўпди.

– Оҳ, Lise, қандай яхши! – хитоб қилди Алеша. – Сиз уни жиддий ёзганингизга ишончим комил эди.

– Ишончи комил экан, қаранг! – қиз унинг қўлини нари сурди, бироқ ўз қўлидан қўйиб юбормади, у лоладай қизариб кетган, қисқа-қисқа, бахтиёр кикирларди, – мен унинг қўлини ўпармишману у кишим фақат “қандай яхши!” дер эмиш. – Аммо унинг бу таънаси ўринсиз эди, Алешани қаттиқ хаяжон чулғаган эди.

– Мен сизга доим ёқсам дердим, Lise, аммо буни қандай қилишни билмайман, – амал-тақал ғўнғиллади у ва батамом қизарди.

– Алеша, азизим, сиз совуққон ва журъатлисиз. Буни қаранг-ей. У мени ўзига қайлиқ қилиб танлармиш-да, кейин парвойи фалак юраверармиш! Жиддий хат ёзганимга ишончи комил эмиш, вой ўргилай-ей. Аммо бу бетамизлик, холос!

– Ишонганим, нима, ёмон бўлибдими? – бирдан кулиб юборди Алеша.

– Оҳ, Алеша, аксинча, қандай яхши, – нафис бир бахтиёрлик билан боқди унга қиз. Алеша ҳамон қўлини қиз қўлида тутиб турарди. Тўсатдан у эгилди ва қизнинг дудокларидан ўпди.

– Бу нима қилганингиз? Сизга нима бўлди? – чинқирди Lise. Алеша бутунлай ўзини йўқотиб қўйди.

– Мени кечиринг, мен... ёмон тентакман-да... Мени совуққон дедингиз, шунга... тентаклик қилдим...

Lise кулиб юборди ва юзини қўллари билан ёпди.

– Яна шунақа чопонда! – кулги аралаш деди у, аммо бирдан кулишдан тўхтади ва ўта жиддий тортди.

– Бўпти, Алеша, биз ҳали бўсаларни бир чеккага йиғиштириб турамиз, чунки буни ҳали иккаламиз ҳам билмаймиз, ҳали узоқ кутишга тўғри келади, – хулосага келди у бирдан. – Яхшиси айтинг, менга ўхшаган тентак жиннини, касал варамни нимага оляпсиз, ахир сиз шундай ақлли-хушли, ўйлайдиган, фикрлайдиган зийрак киши бўлсангиз? Оҳ, Алеша, мен жудаям бахтлиман, нега деганда, мен сизга ҳечам арзимайман!

– Тўхтаг, Lise. Мен яқинда монастирдан бутунлай кетаман. Ундан кейин уйланиш керак бўлади, мен буни биламан. Ул устоз ҳам шуни буюрган. Сиздан яхшиси бормикин? Сиздан бошқаси менга тегармикин? Мен буларни ҳўб ўйлаганман. Биринчидан, сиз мени болалик пайтларимдан биласиз, иккинчидан, менда бўлмаган қобилиятлар сизда тўлиб-тошиб ётибди. Кўнглингиз ҳам менинг кўнглимдан қувноқроқ, асосийси, сиз мендан маъсумроқ, тозароқсиз, мен эса нималарга дучор бўлмадим... Оҳ, сиз билмайсиз, мен ҳам ахир Карамазовман! Нима бўпти, сиз куласиз, ҳазиллашасиз, менинг устимдан ҳам куласиз, майли, кулаверинг, мен бундан жуда хурсандман... Аммо сиз худди жажжи қизчадай куласиз, ўзингизча эса кўп азоб чеккансиз...

– Нима азоб чекибман? Бу нимаси?

– Шундай, Lise, мана бояги саволингиз: анави бахтсиз кишига биз мабодо камситиш назари билан қарамаяпмизми, нега ўзимизча унинг юрагини ковлаб ётибмиз, ана шу саволнинг ўзи азобдан туғилган... биласизми, мен буни яхши ифодалай олмайман, аммо кимда шундай саволлар туғиларкан, у дард чекишга қобил. Сиз бундай аҳволда ўзингиз ҳам кўп нарсаларни ўйласангиз керак...

– Алеша, қўлингизни менга беринг, нега тортиб олаверасиз, – деди Lise бахтиёрликдан овози қандайдир ичига чўкиб кетган қўйи. – Қулоқ солинг, Алеша, монастирдан чиққанингиздан кейин қандай кийим киясиз, қандай костюмда юрасиз? Кулманг, жаҳлингиз чиқмасин, бу мен учун жудаям, жудаям муҳим.

– Костюмни ҳали ўйлаганим йўқ, Lise, лекин қандай десангиз шундай кийинаман.

– Мен қорамтир-мовий баркут пиджак, оқ пике нимча, юмшоқ кулранг тивит шляпа кийсангиз дегандим... Айтинг-чи, боя сизни яхши кўрмайман деганимда, кечаги хатимни тан олмаганимда бунга ишондингизми?

– Йўқ, ишонмадим.

– О, бемаза одам, тепса тебранмас.

– Буни қаранг, мен чамаси... мени яхши кўришингизни биламан, аммо мени яхши кўрмаслигингизга ўзимни ишонгандек қилиб кўрсатдим, сизга ўнғайроқ, қулайроқ бўлсин дедим...

– Ундан ҳам ёмон! Энг ёмони ва энг яхшиси шуки, Алеша, мен сизни жуда яхши кўраман. Боя сиз келишингиздан олдин ўзимга фол очдим: ундан кечаги хатни сўрайман, агар у ёнидан бемалол чиқариб берса (ундан буни

доим кутиш мумкин), унда мени бутунлай яхши кўрмайди, ҳеч нарсани сезмайди, шунчаки тентак, валакисаланг бир бола, унда мен ўлдим. Аммо сиз хатни ҳужрада қолдирибсиз, бундан кўнглим жойига тушди, сиз мени сўрайди деб хатни ҳужрада қолдиргансиз, тўғрими, хатни қайтариб бергингиз келмаган, тўғрими? Шундайми? Ахир тўғрими?

– Оҳ, Lise, асло ундай эмас, ахир хат доим ёнимда, ҳозир ҳам, боя ҳам ёнимда, мана чўнтагимда, мана, мана.

Алеша кулиб хатни чиқарди ва узокдан кўрсатди.

– Фақат уни сизга бермайман, мана кўлимда, кўринг.

– Вой? Сиз боя алдадингизми, роҳиб бўла туриб ёлғон гапирдингизми?

– Балки, алдагандирман, – куларди Алеша ҳам, – сизга хатни бермаслик учун алдадим. У мен учун жуда азиз, – деб кўшиб кўйди у жўшиб ва кизариб кетди, – бу абадулабад, уни ҳеч қачон ҳеч кимга бермайман!

Lise унга завқ-шавқ билан тикилиб турарди.

– Алеша, – тилёғламалик қилди яна қиз, – эшикка қаранг-чи, ойим тинглаб турмаганмикин?

– Яхши, Lise, мен қарайман, лекин қарамаган яхшироқ эмасмикин, а? Онангиздан шубҳаланиб ўтирсак яхши бўладими?

– Нега шубҳаланиб? Нимаси шубҳаланиб? Қизининг гап-сўзларига қулоқ солиб турган бўлса, бу унинг ҳақи, пасткашлик эмас, – гезариб деди Lise. – Ишончингиз комил бўлсин, Алексей Федорович, мен ўзим она бўлганимда ва менинг ҳам шундай қизим бўлса, унда, албатта, кўз-қулоқ бўлиб тураман, гап-сўзларига ҳам қулоқ соламан.

– Наҳотки, Lise? Бу яхшимас-ку?

– Оҳ, худойим-ей, бунинг нимаси ахир пасткашлик. Агар киборларнинг оддий суҳбати бўлса-ю, мен уни яширинча эшитсам, бу албатта пасткашлиқдир, бу ерда ўзининг тукқан қизи бир йигит билан хонада ёлғиз қолади-ю... Қулоқ солинг, Алеша, биз никоҳдан ўтканимиздан кейин, билиб кўйинг, мен ҳам сизни тергаб юраман, яна шуни ҳам билиб кўйингки, мен барча хатларингизни очиб, ҳаммасини ўзим ўқийман... Буни олдиндан айтиб кўйяпман...

– Ундоқ бўлса, албатта... – ғўлдиради Алеша, – фақат бу яхшимас...

– Оҳ, намуноча ижирганасиз! Алеша, жоним, ҳали ҳеч нарса бошланмасдан дарров жанжаллашиб ўтирмайлик, яхшиси, мен сизга бир ҳақиқатни айтгай, бировнинг гапини пойлаб эшитиш жуда ёмон, албатта, бунда мен ноҳақман, сиз ҳақсиз, аммо фақат мен барибир пойлаб эшитаман.

– Эшитаверинг. Менинг нимами ҳам кўриб, эшитардингиз, – кулди Алеша.

– Алеша, менга бўйсунасизми? Буни ҳам олдиндан ҳал қилиш керак.

– Жоним билан, Lise, сиз айтганча бўлади, аммо бу энг муҳим нарсаларга тегишли бўлмайди. Энг муҳим нарсаларда агар сиз рози бўлмасангиз, унда мен бурчим нимани буюрса, шуни адо этаман.

– Шундай бўлиши керак. Яна билиб кўйингки, мен энг асосий нарсаларда сизга бўйсунисга тайёрман, аммо бошқа ҳаммасида сизга риоя қиламан, буни ҳозир қасам ичиб айтаман. Ҳамма вақт ва бир умр сизнинг айтганингизни қиламан, – деб қичқирди шавқ билан Lise, – ўзимни бахтли санайман, бахтли санайман! Буям камлик қилса, сизга қасам ичаманки, мен ҳеч қачон гап пойламайман, ҳеч қачон, бирон марта ҳам, биттаям хатингизни очиб ўқимайман, чунки сиз ҳақсиз, мен ноҳақман. Лекин мен



пойлаб гап тинглашни жуда яхши кўраман, буни ўзим ҳам биламан, лекин барибир буни қилмайман, чунки сиз буни пасткашлик деб ҳисоблайсиз. Сиз менинг хомий фариштамсиз... Менга қаранг, Алексей Федорович, нега сиз шу кунларда, кечаям, бугунам бунчалар маъюссиз, мен биламан, сизнинг ташвиш, югур-югурингиз кўп, аммо яна кўриб тураманки, сиз яна бошқача бир тарзда маъюс бўлиб юрасиз, бунинг бир сири борми, а?

– Ҳа, Lise, сири ҳам бор, – ғамгин деди Алеша. – Буни сезганингизга қараганда, ростданам мени яхши кўрасиз, шекилли.

– Нимадан бу маъюслик? Нима ҳақда? Билса бўладими? – ботинмайгина илтижо қилди Lise.

– Кейин айтаман, Lise... кейин... – хижолат чекди Алеша. – Ҳозир балки тушуниш ҳам қийин бўлади. Эҳтимол, ўзим ҳам тушунтириб беролмасман.

– Сизни яна акаларингиз, отангиз ҳам қийнашса керак дейман?

– Ҳа, акаларим, – деб қўйди Алеша ўйга ботиб.

– Мен акангиз Иван Федоровични ёқтирмайман, Алеша, – деди бирдан Lise.

Бу сўз Алешани бироз ҳайрон қилиб қўйди, аммо бунга тўхталиб ўтирмади.

– Акаларим ўзларини нобуд қилишяпти, – гапни улади Алеша, – отам ҳам шундай. Ўзлари билан бирга бошқаларни ҳам тортиб кетишяпти. Яқинда Паисий ота айтмоқчи, “карамазовча заминий куч, заминий, шиддатли, бебошвок”. Бу куч-қувватнинг устида худойимнинг иродаси ҳокимми, йўқми, билмайман. Фақат шуни биламанки, мен ҳам Карамазовман... Мен роҳибман, роҳибманми? Мен роҳибманми, Lise? Сиз ҳозиргина мени роҳиб деманингизми?

– Ҳа, айтдим.

– Мен эса, мана, худога балки ишонмасман.

– Сиз ишонмайсиз, нима бўлди сизга? – оҳиста, эҳтиёткорлик билан деди Lise. Аммо Алеша бунга жавоб бермади. Унинг тўсатдан айтилган ушбу сўзларида алланечук сирли ва ҳаддан ташқари шахсий, эҳтимолки, унинг ўзига ҳам ноаён, аммо ҳозир уни жуда қийнаётган алланарса мавжуд эди.

– Мана энди, булар бари оздек менинг дунёдаги энг яқин кишим ёруғ оламни тарк этипти. Мен бу одам билан қандай боғланганим, юрагим қандоқ туташлигини агар билсайдингиз, агар билсайдингиз, Lise! Мана мен энди ёлғиз ўзим қоляпман... Мен олдингизга келаман, Lise... Бундан сўнг бирга бўламиз...

– Ҳа, бирга, бирга! Энди доим бир умр бирга бўламиз. Бу ёққа қаранг, мени ўпиб қўйинг, сизга майли, рухсат.

Алеша уни ўпиб қўйди.

– Бўлди, энди боринг, худо ёрингиз бўлсин! (Қиз уни чўқинтирди). Тезроқ унинг қошига боринг, жони узилмасдан. Мен сизни кўп ушлаб қолдим. Мен бугун сиз билан унинг учун ибодат қиламан. Алеша, биз бахтли бўламиз! Бахтли бўламизми, бўламизми?

– Бўламиз, шекилли, Lise.

Алеша Lise олдидан чиқиб Хохлакова хонимга учрамай ва у билан хайрлашмай уйдан кўчага юрди. Аммо эшикни очиб пиллапояга чиққан ҳам эдики, аллақаяқдан Хохлакова хонимнинг ўзи пайдо бўлди. Оғзидан чиққан биринчи сўзиданоқ атай уни шу ерда кутиб турганини Алеша фаҳмлади.

– Алексей Федорович, бу жуда ёмон. Болаларча бемаъни гаплар ҳаммаси, беҳуда. Сиз бунга жиддий эътибор бермассиз ахир... Бемаънилик, бемаънилик, бемаънилик! – ташланди у Алешага.

– Фақат бунга унга айтманг, – деди Алеша, – у қаттиқ ҳаяжонга тушади, бу унга ҳозир зарарли.

– Ақлли одамдан ақлли сўз эшитяпман. Уни касал деб аяб, раҳмингиз келиб айтган сўзларини маъқуллаб турдингиз, тўғрими, уни қийнамаслик учун қарши бормадингиз, шундайми, сизни шундай тушунсам бўладими?

– О, ундаймас, йўқ, ундаймас, мен у билан бутунлай жиддий гаплашдим, – қатъият билан деди Алеша.

– Бу ерда жиддийликка ўрин йўқ, ақлга тўғри келмайди, кейин биринчидан, мен сизни энди сира ҳам уйимда қабул қилмайман, иккинчидан, мен бу ердан кетаман, уни ҳам ола кетаман, билиб қўйинг.

– Нима кераги бор, – деди Алеша, – ахир бунгача ҳали узок, балки ҳали бир ярим йиллар кутишга тўғри келади.

– Оҳ, Алексей Федорович, бу гапингиз тўғри, албатта, бир ярим йил ичида сиз ҳали неча-неча марта у билан уришиб, ярашасиз. Аммо мен жуда бахтсизман, жуда бахтсизман! Майли, бу бемаъниликдир, аммо миямга урди, жоним чиқиб кетди. Энди мен охирги кўринишдаги Фамусовга ўхшайман, сиз Чацкийсиз, у эса Софья, тасаввур қиласизми, мен атай бу ерга, пиллапояга келиб сизни кутиб турибман, анави асарда ҳам ҳамма мудҳиш нарсалар пиллапояда рўй берганди<sup>1</sup>. Мен ҳаммасини эшитдим, зўрға чидадим. Анов васвасалару бу кеча рўй берган алаҳсирашларнинг бутун сабаби мана қаерда экан! Қизига севги, онасига ўлим. Тобутга кириб ёт. Энди, иккинчи, ҳаммадан муҳими, у сизга қандай хат ёзди, уни менга ҳозир кўрсатинг, ҳозир!

– Йўқ, қўйинг. Катерина Ивановнанинг соғлиғи яхшими, айтинг, мен билишим керак.

– Алаҳлаб ётибди, кўзини очгани йўқ, холалари шу ерда оҳ-воҳдан бўшамаяптилар, менга қойил қолишяпти, Герценштубе келиб жуда кўрқиб кетди, уни нима қилишни билмадим, чорасини тополмадим, доктор чақиртирсаммикин деб турувдим. Уни менинг каретамда олиб кетишди. Энди буларнинг ҳаммаси қолиб, устига манави хат ҳақидаги гап. Рост, ҳали яна бир ярим йил вақт бор экан. Барча азизу авлиёлар, пиру муршиду устозлар ва жон талвасасида ётган авлиё чол ҳурмати менга ўша хатни кўрсатинг, Алексей Федорович, мен онаман ахир! Шундай кўлингизда тутиб туринг, мен ўқиб оламан.

– Йўқ, Катерина Осиповна, кўрсатмайман, қизингиз рухсат берса ҳам кўрсатмайман. Мен эртага келаман, агар хоҳласангиз сиз билан кўп нарсалар ҳақида гаплашиб оламиз, энди – яхши қолинг!

Алеша пиллапоядан кўчага отилди.

## II

### ГИТАРА ЧАЛГАН СМЕРДЯКОВ

Унинг вақти йўқ эди. У боя Lise билан хўшлашаётгандаёқ бир фикр миясидан ярқ этиб ўтди. Аёнки, акаси Дмитрий ундан яшириниб қочиб юрибди, уни қандай қилиб усталлик билан қўлга туширса экан? Вақт алламаҳал бўлиб қолган, соат тушдан кейинги учлар эди. Алеша бор ву-

<sup>1</sup> А.С.Грибоедовнинг “Ақллилик балоси” комедияси (1824) қаҳрамонлари. У ерда ҳам воқеа пиллапояда бўлиб ўтади.

жуди билан жони талвасада ётган валийнинг қошига, монастирға интилар, аммо биродари Дмитрийни кўриш иштиёқи бошқа ҳамма нарсадан устун чиқди: тобора яқинлашиб келаётган муқаррар ҳалокат Алешанинг бутун ақли-хушини эгаллаб олганди. Бу фалокатнинг ўзи нималиги-ю шу дамда акасига айтмоқчи бўлган гап-сўзларини, эҳтимол, унинг ўзи ҳам билмасди. “Майли, валинёнматимнинг жони узилганда мен ёнида бўлмай, аммо ҳар ҳолда ўзимдан бир умрга кутқариш керак бўлганда кутқармадим, шундоқ ёнидан ўтиб кетдим, уйимга шошилдим, деб хафа бўлиб юрмайман, ич этимни емайман. Шундай қилсам, унинг улуғ ўгитини адо этган бўламан...”

Унинг режаси биродари Дмитрийнинг устидан беҳосдан чиқиш эди, бунинг тадбири эса айнан бундай эди: у кечагидек ўша четан девордан ошиб ўтади, боққа киради ва шийпонда ўтириб кутади. “Агар у ерда бўлмаса, – хаёл қиларди Алеша, – Фомага ҳам, уй бекаларига ҳам билдирмай шийпонда кечгача ҳам яшириниб ўтиради. Агар у ҳамон Грушеньканинг келишини пойлаётган бўлса, шийпонга ҳам қадам ранжида қилса ажабмас...” Алеша режасининг тафсилотлари тўғрисида ҳар қалай узоқ ўйлаб ўтирмади, лекин бугун монастирға боролмайдиган бўлиб қолса ҳам, уни амалга оширишга аҳд қилди...

Ҳаммаси ҳамирдан қил суғургандай осон рўй берди: у четан деворнинг кеча ошиб ўтган жойидан ичкарига кирди ва биқиниб-писиб шийпонга жойлашди. Уни кўриб қолишларини хоҳламасди: уй бекалари ҳам, Фома ҳам (агар у шу ерда бўлса) акасининг тарафини олишлари, унинг тайинлаганларини бажаришлари ва оқибатда, Алешани боққа киритмасликлари ёхуд акасини унинг сўраётганидан огоҳлантириб қўйишлари мумкин эди. Шийпонда ҳеч ким йўқ эди. Алеша кечаги жойига ўтирди-да кута бошлади. У шийпонга назар солди, у кўзига кечагидан кўра эскироқ ва қандайдир ғоятда кўримсиз бўлиб туюлди. Кун кечагидек очик эди. Кўк стол устида, афтидан, кеча ичилган коньякдан тўкилган доғ қолганди. Кутиш дамлари ҳар қачонгидай зерикарли, бундай пайтда каллага арзимаган ва пуч хаёллар пайдар-пай келади, мисолига, нима учун у бу ерга кириб айнан худди кечаги жойига ўтирди, нега бошқа жойга эмас? Охири у жуда маънос бўлиб қолди, ноаёнлик хавотирга соларди. Лекин чорак соат ўтмай шу яқин атрофда бирдан гитара овози эшитилди. Ундан йигирма қадамча нарида, шундан узоқ эмас, бутазор орасида аллакимлар ўтирар ё энди келиб ўтиришганди. Бирдан Алешанинг лип этиб эсига тушди, у кеча акасининг олдидан шийпондан чиқиб кетаётганида деворнинг сўл томонида – буталар орасида эски, пастак, кўкка бўялган боғ ўриндиғига кўзи тушгандай бўлганди. Бундан чиқди, ҳозир ўша ўриндиқда аллакимлар ўтирарди. Кимикин улар? Бир эр киши гитара чалиб, баланд ширали овозда кўшиқ айта бошлади:

*Жондан ортиқ оҳанрабоси  
Мен ёримга бўлдим мубтало  
Худойим, раҳм айла бизга  
Менга ҳам унга!  
Менга ҳам унга!  
Менга ҳам унга!*

Овоз тинди. У қаролча ингичка ва қаролча эшилиб-буралиб чиқди. Бошқа бир аёл овози ботинмай ва эркаловчи овозда карашмали қилиб деди:

– Нега ҳеч биз томонларга келмайсиз, Павел Федорович, нега биз бечораларга тескари қарайсиз?

– Наилож, – деб жавоб берди эркак овози ўзига ярашган, пишиқ-пухта виқор билан, афтидан, эркак баланддан келар, аёл ноз-фироқ қиларди. “Эркак – бу Смердяковга ўхшайди, – ўйланди Алеша, – ҳар ҳолда овоз ўшаники, аёл эса боғ эгасининг қизимикин Масковдан келган, этаги судралиб юрадиган узун кўйлак кияди, суyoқ ош пишганда Марфа Игнатьевнанинг олдига боради...”

– Оҳанги ширин бўлса ўлгудай шеърни яхши кўраман, – давом этарди аёл овози. – Давомини айта қолинг?

Эркак овози яна куйлади:

*Шоҳона бу тожу тахтим –  
Ёрим бўлгай саломат доим.  
Худойим, раҳм айла бизга  
Менга ҳам унга!  
Менга ҳам унга!  
Менга ҳам унга!*

Ўтган гал янаям чиройлироқ чикувди, – деди аёл овози. – Сиз тожу тахт ҳақида куйловдингиз: “Жононам бўлгай саломат доим”. Шундай ширин эшитилувди, бугун унутганга ўхшайсиз.

– Шиғир бемаъни, – шарт деди Смердяков.

– Оҳ, ундаймас, мен шеърни яхши кўраман.

– Шиғирни дейсизми, мутлақо бемаъни. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ким дунёда қофияли қилиб гапиради? Агар биз бошликларнинг буйруғи билан қофияли қилиб сўйлай бошласак, нималарни ҳам сўйлай олардик? Шиғир ҳеч нарса эмас, Марья Кондратьевна.

– Ҳамма нарсага ақлингиз етади, қаердан бунча ақлли бўлгансиз? – эр-каланарди борган сари аёл овози.

– Сабий эканимдан пешанамга ёзилган бўлсайди, нималар қилмасдим, нималарга улгурмасдим. Мен тўппончадан шартта отиб ташлардим кўзимга қараб туриб мени аблаҳ деган одамни, чунки мен отасиз Лизадан туғилдим, улар менга Масковда ҳам юзимга солишарди, омон бўлгур Григорий Васильевич бутун дунёга дoston қилган-ей. Григорий Васильевич менга сен мавлудга қаршисан деб дашном қилади: “Сен унга бўҳтон ёғдирдинг”, дейди. Майли, бўҳтон бўлса бордир, аммо мен ўзимни она курсоғидаёқ ўлдирсалар минг бора рози эдим, факат ёруғ дунёга келмасам кошкийди. Бозорда қулоғимни қоқиб қўлимга беришади, сизнинг онангиз ҳам ёмон фаросатсизлик қилиб, онасининг сочлари бошида чигал думалоқ бўлиб юрарди, бўйи *ками-и* билан икки газга етмасди, деб юради менга. Нега энди албатта *ками-и* билан дейиш керак, икки газдан камроқ деб қўя қолса бўлмайдами? Содда, ҳаммага ўхшаб айтса тили кесиладими? Кўзимда ёшим билан юрагимни бўшатсам дейман, ахир бу эр одамнинг кўз ёши, эр одамнинг туйғулари. Рус мужиги маълумотли одамга қарши кек сақлай оладими? У саводсиз, оми бўлгани учун ҳеч қандай ҳиссиёти ҳам йўқ. Мен энг сабий болалигимдан бери шу “ками-и” деган сўзни эшитсам, бошимни деворга ургим келади. Мен бутун Россияни ёмон кўраман, Марья Кондратьевна.

– Агар сиз ёш ҳарбий юнкер ё ёш гусар суворий бўлганингизда, ҳеч қачон бундай гапирмасдингиз, қиличингизни қинидан суғурардингиз-у бутун Россияни ҳимоя қилишга отланардингиз.

– Мен ёш ҳарбий гусар бўлишни асло истамасдим, Марья Кондратьевна, бироқ барча аскарларнинг йўқотилишини хоҳлайман.

– Душман бостириб келса, ким бизни ҳимоя қилади?

– Э, умуман кераги йўқ. Ўн иккинчи йилда французлар императори Наполеоннинг Россияга буюк босқини бўлган, у ҳозиргисининг отаси бўлади, ўшанда ана шу французлар бизни ўзларига тобе қилсалар яхши бўларди: ақлли миллат бу аҳмоқ халқни ўзига бўйсундириб ва қўшиб оларди. Унда бутунлай бошқа тартиб-интизомлар бўларди.

– Уларнинг ўзларида, нима, биздан яхши эмишми? Мен бизнинг битта олифта йигитимизни уларнинг учта ёш инглиз йигитига алиштирмайман, – жуда майинлик билан деди Марья Кондратьевна, чамаси, кўзларини жуда ҳам хумор сузиб.

– Кимга нима ёқади.

– Сизнинг ўзингиз ҳам худди муҳожирга ўхшайсиз, жуда олийжаноб мусофир киши, уялиб кетаётган бўлсам-да барибир буни сизга айтяпман.

– Агар билмоқчи бўлсангиз, бузуқчиликда улар ҳам, бизникилар ҳам бир-бирларидан қолишмайдилар. Ҳаммаси муттаҳам, фақат у ердагилари локланган амиркон этик кийишади, бизнинг аблаҳ эса қашшоқликда сасийди ва буни яхши деб билади. Кеча Федор Павлович тўғри айтди, рус халқини калтаклаш керак. Барча болалари билан бирга жуда жиннисанги одам-да.

– Сиз ўзингиз айтувдингиз, Иван Федоровични ҳурмат қиламан деб.

– Ҳолбуки, у киши мени сассиқ қарол деди. У кишим мени исён кўтарди деб ўйлайди, у кишим бу борада хато қилади. Агар ҳамёнимда етарли пул бўлсайди, аллақачон мен бу ерда қорамни кўрсатмасдим. Дмитрий Федоровичнинг ахлоқи ҳам, ақл-идроқи ҳам, қашшоқлиги ҳам ҳар қандай қаролдан баттар, кўлидан ҳеч бир маънилик иш келмайди, шунга қарамай иззат-ҳурматда. Майли, мисолига мен фақат шўрва пиширишни эпларман, аммо омадим чопса, Масковда Петровкада қаҳвахона-ресторан очишим мумкин. Чунки мен махсус тайёрлайман, Масковда хориждан келганларини ҳисобга олмаганда, уларнинг биронтаси махсус тайёрлай олмайди. Дмитрий Федорович иштонсиз, ширлатон, ҳолбуки, у энг зўр графнинг ўғлини мабодо дуэлга чақирса, у албатта, чиқади, ҳолбуки, нимаси бор, мендан нимаси ортик? Унинг мендан фарқи шуки, ўлардай аҳмоқ. Қанча пулларни бефойда хавога совуриб юборди-я-ей.

– Дуэлда жуда мароқли бўлса керак, – деб қўйди бирдан Марья Кондратьевна.

– Нимасини айтасиз?

– Жасоратига қойил қоласанда киши, айниқса, жўжаҳўроз зобитчалар юзма-юз туриб бир-бирларини парақлатиб тўппончадан отиб турсалар-ей. Ана, томоша. Ох, қанийди қизларни томоша қилгани қўйсалар, бирам хоҳлайманки томоша қилишни.

– Ўзи тўппонча тўғрилаб турса-ку, баҳарнав, унинг ўзининг башарасини мўлжалга олиб турсалар-чи, аҳмоқликнинг бундан ортиғи бўлмайди. Тирақайлаб қочиб кетасиз, Марья Кондратьевна.

– Нахотки сиз қочиб кетардингиз?



Бироқ Смердяков жавоб беришни лозим кўрмади. Бир дақиқа жимликдан сўнг яна нағма овози келди, яна жарангдор овоз охириги байтларни куйлади:

*Қанча елиб-югурмай бетин,  
Ташлаб кетгум барибир бир кун,  
Лаззат олгил ҳаётдан бутун!  
Ва пойтахтда яшагил, зотан,  
Ўпка қилма бу ўғитни тут!  
Афсус ема, бу ўғитни тут!  
Ҳеч бош эгма, бу ўғитни тут!*

Тўсатдан кутилмаган иш содир бўлди: Алеша бирдан аксириб юборди, скамейка жимиб қолди. Алеша ўрнидан туриб ўша томонга борди. Ҳақиқатан, Смердяков экан: ясанган-тусанган, упа-элик сурган, сочлари жингалакланган, оёқда локланган ялтироқ ботинка. Гитара скамейкада ётарди. Нозанин эса боғ соҳибининг қизи – Марья Кондратьевна, у оч мовий кўйлақда, этаклари икки газ узунликда, нозанин жуда ёшгина кўринар, ўзи кўркамгина бўлса ҳам юзи кулчадай дум-думалоқ, унга хуснбузарлар тошганди.

– Биродар Дмитрий тезда келиб қолармикин? – иложи борича хотир-жамлик билан сўради Алеша.

Смердяков скамейкадан оҳиста кўзгалди, Марья Кондратьевна ҳам ўрнидан турди.

– Нима, мен Дмитрий Федоровичдан хабардор бўлишим керакмиди, агар у кишимнинг қоровули бўлиб ишлаганимда бошқа гап эди? – оҳиста, дона-дона қилиб, менсимагандай жавоб берди Смердяков.

– Мен шундай ўзим сўрадим билмасмикинсиз деб? – тушунтирди Алеша.

– Мен у кишимнинг қаердалигини билмайман, билишни ҳам истамайман-ей.

– Уйда нималар бўлаётганидан хабар қилиб туришингизни акам менга ўз оғзи билан айтганди, Аграфена Александровна келса, унга етказишга ваъда берган экансиз.

Смердяков кўзини унга оҳиста, тап тортмай тикди.

– Сиз ўзингиз бу ерга қандай кириб қолдингиз, нега деганда, бу ернинг дарвозаси бир соат олдин лўкидонга беркитилган? – сўради у Алешага тик боқиб.

– Мен эса тор кўчадан девор ошиб шийпонга келдим. Бунинг учун сиздан кечирим сўрайман, – Марья Кондратьевнага қараб деди у, – тезлик билан акамни кўрмоқчи эдим.

– Оҳ, сиздан хафа бўлишнинг ўрни йўқ, – чўзилиб деди Алешанинг узрхоҳлик қилганидан мамнун бўлиб Марья Кондратьевна. – Дмитрий Федоровичнинг ўзлари ҳам ҳар маҳалда худди шундай қилиб шийпонга келиб ўтирадилар, биз билмай ҳам қоламиз, у киши шийпонда ўтирган бўладилар.

– Мен уни зарур иш билан қидириб юрибман, уни албатта кўришим керак, қаерда бўлиши мумкинлигини сиздан билсам девдим. Унга керакли жуда муҳим бир иш чиқиб қолди.

– У киши бизга ҳеч нарса демайдилар, – тамтамланди Марья Кондратьевна.

– Мен бу ерга танишлар олдига келаман, – яна гапга тушди Смердяков, – лекин у кишим тўхтамай хўжайин ҳақида сўрайвериб, суриштиравериб юрагимни сиқиб юбордилар: нима бўляпти, нима қиялпти, ким келяпти, ким кетяпти, яна айтадиган нима гапларинг бор? Икки марта мени ўлдираман, деб дўк қилдилар.

– Нега энди ўлдиран экан? – ҳайрон бўлди Алеша.

– У кишимдан ҳамма нарсани кутиш мумкин, кеча ўзингиз ҳам кўрдингиз. Агарда, дейдилар, Аграфена Александровнани ўтказиб юборсам ва у киши бу ерда ётиб қолсалар, – аввало, сени тирик қўймайман, дейдилар. Мен ул кишимдан ёмон кўрқаман, агар ундан ҳам баттарроғидан кўркмасам, шаҳар ҳокимларига арз қилардим. Худо билади, нималар қилмайдилар-ей.

– Ҳали уларга айттилар: “Сени ҳовончага солиб янчаман”, дедилар, – кўшиб қўйди Марья Кондратьевна.

– Ҳовончада бўлса, унда бу қуруқ гап, холос... – деди Алеша. – Агар уни ҳозир учратсам, шу тўғрида унга айтардим...

– Айтишим мумкин бўлган ёлғиз бир нарса шулки, – бирдан ўйланиб қолди Смердяков. – Мен бу ерда кўни-кўшничилик, таниш-билишчилик важдан бўлиб тураман доим, келмаслигимнинг ҳам иложи йўқ, қандай қилиб келмайин? Бошқа бир тарафдан, Иван Федорович бугун ҳали тонг ёришмасдан мени у кишимнинг Кўлбўйидаги уйига жўнатдилар, оғзаки айтадиган гаплари бор экан; Дмитрий Федорович бугун майдондаги қовоқхонага албатта келсин, бирга тушлик қиламиз, дедилар. Бордим, Дмитрий Федорович уйда йўқ эканлар, соат саккиз бўлиб қолганди. “Яқинда шу ерда эди, чиқиб кетди”, – дейишди уй эгалари. Улар худди тил бириктирганга ўхшайдилар ўзаро. Мана ҳозир, балки худди мана шу пайтда улар Иван Федорович билан қовоқхонада ўтирган бўлсалар керак, зеро, Иван Федорович овқатланиш учун уйга келмадилар, Федор Павлович эса бир соат илгари ёлғиз бир ўзлари овқатландилар ва ҳозир дам олиб ётибдилар. Аммо сиздан қаттиқ ўтиниб сўрайман, уларга бу гапларни мен айтганимни ва умуман, мени асло айта кўрманг, зеро, илло-биллога келтирмай ўлдириб қўядилар-ей.

– Биродарим Иван Дмитрийни бугун қовоқхонага чақирибдими? – тез сўради Алеша.

– Худди шундай-ей.

– Майдондаги “Пойтахт шаҳар” қовоқхонасигами?

– Худди ўзи.

– Бўлиши мумкин! – хитоб қилди Алеша қаттиқ ҳаяжонланиб. – Сиздан миннатдорман, Смердяков, бу муҳим янгилик, ҳозир ўша ёққа бораман.

– Айтиб қўйманг-ей, – деди унинг изидан Смердяков.

– О, йўқ, мен қовоқхонага худди бехосдан боргандай бўламан, хавотир олманг.

– Йе, қаёққа кетяпсиз, шошманг, сизга эшикни очиб берай, – қичқириб қолди Марья Кондратьевна.

– Йўқ, бу ер яқинроқ, девор ошиб ўтаман.

Хабар Алешани ларзага солди. Шитоб билан қовоқхонага йўл олди. Унинг уст-бошида қовоқхонага кириш одобдан саналмасди, аммо ичкарига кирмай сўраш, чақиртириш мумкин эди. Бироқ у қовоқхонага яқинлашиши билан деразалардан бири очилди-да, акаси Иваннинг боши кўриниб, пастга қараб қичқирди:

– Ҳой, Алеша, ҳозир менинг олдимга кириб кетолмайсанми? Жуда хурсанд бўлардим.

– Майли, кираман, фақат манави кийимда билмайман қандай...

– Мен алоҳида хонадаман, ичкарига кир, мен ҳозир тушаман...

Бир дақиқадан сўнг Алеша акасининг ёнига ўтирди. Иван ёлғиз ўзи овқатланаётган экан.

### III

## АКА-УКАЛАР ТАНИШУВИ

Аммо Иван ўтирган жой алоҳида хона эмас экан, у тўсиқлар билан ўралган ойна олдидаги жой эди, лекин тўсиқ ортидан уларни ҳеч ким кўрмасди. Бу пойгакдаги биринчи хона бўлиб, ён тарафдаги деворга буфет қўйилганди, бу ердан хизматкорлар дам-бадам ўтиб туришарди. Хўрандалардан фақат истеъфодаги ҳарбий бир чол ўтирар ва бурчакда чой ичарди. Аммо қовоқхонанинг бошқа хоналарида одатдагидай ғала-ғовур, хитоблар, кичқириқлар эшитилар, пиво шишалар пўкиллашиб очилар, бильярд соққалари қарсиллаб урилар, арғанун садолари янграрди. Иван бу қовоқхонага кунда-шунда эмаслигини Алеша билар, умуман, у бундай ичкилик, емакхоналарга кўпам қизикмасди, бу ерга фақат биродар Дмитрий билан учрашгани келган экан-да, ўйланди Алеша. Бироқ биродар Дмитрийдан дарак йўқ эди.

– Сенга балиқ шўрва ё бошқа бир овқат буюрай, фақат чойнинг ўзини ичмассан ахир, – деб қичқирди Иван, афтидан, Алеша билан кўришиб қолганидан жуда мамнун бўлиб. У овқатланиб бўлиб, энди чой ичаётганди.

– Балиқ шўрва чақир, чой ҳам айт, жуда очикдим, – қувноқ деди Алеша.

– Э, олча мураббо-чи? Бу ерда бор. Эсингдами, кичкиналигингда Поленовникида олча мураббони яхши кўрардинг?

– Э, эсингда экан. Мураббо ҳам айт, ҳозир ҳам яхши кўраман.

Иван хизматкорни кўнғироқ чалиб чақиртирди, балиқ шўрва, чой ва мураббо буюрди.

– Ҳаммаси эсимда, Алеша, сени ўн бир ёшингача эслайман, ўшанда мен ўн бешга кирган эдим. Ўн беш ва ўн бир ёш шундай фарқ қиладики, бу йилларда ака-укалар бир-бирлари билан ҳеч қачон яқин ўртоқ бўлишмайди. Билмадим, сени яхши кўрганмидим, йўқми. Масковга кетганимдан кейин дастлабки йиллар сени ҳеч эсламадим. Кейин сен ўзинг Масковга келганинда биз, чамаси, бир марта қаердадир учрашганмиз. Мана бу ерда эса тўрт ойдан бери яшайпман-у шу пайтгача холи ўтириб икки оғиз гаплашмадик. Мен эртага кетяпман, бу ерда ўтириб ўйладим уни қандай кўрсам, хайрлашсам деб, мундай қарасам, ўзинг ўтиб боряпсан.

– Мени жуда кўрдинг келганмиди?

– Жудаям, сен билан азал-абад яхшилаб танишиб олсам, ўзимни ҳам сенга танитсам дейман. Сўнг хайрлашсак. Менимча, айрилиш олдидан танишиш ҳаммасидан ҳам яхшироқ. Мен шу уч ой ичида менга қандай қараганингни кўрдим, кўзларингда қандайдир туганмас бир интизорлик бор эди, менинг худди мана шу нарсага тоб-тоқатим йўқ, шунинг учун ёнингга яқин бормадим. Аммо охири мен сени ҳурмат қилишни ўргандим:

оёқда маҳкам турган экансан. Билиб қўй, мен ҳозир кулаётган бўлсам ҳам, аммо жиддий гапим. Ахир, сен мустаҳкам турибсан, тўғрими? Мен мана шунақа маҳкам турганларни, улар нимада турмасинлар, яхши кўраман, улар сенга ўхшаш кичкина болакайлар бўлса ҳам майли. Охири сенинг интизор кўзингга тўғри қарашга ўргандим, ёқтирмаганим бекор бўлди, аксинча, сенинг мунтазир кўзингни яхши кўриб қолдим... Сен, чамаси, мени негадир яхши кўрасан, а, Алеша?

– Яхши кўраман, Иван. Биродаримиз Дмитрий сени муқобир дейди. Мен эса сени жумбоқ дейман. Сен ҳозир ҳам мен учун топишмоқсан, аммо ниманидир сенда англаб етдим, шу бугун эрталаб!

– Нима экан у? – кулди Иван.

– Жаҳлинг чиқмайдими? – кулди Алеша ҳам.

– Қани?

– Англаб етганим шуки, сен бошқа барча йигирма тўрт яшар йигитларга ўхшаган бир йигитсан, худди шундай ёш, навқирон, тоза ва ажойиб боласан, ҳали оғзидан она сути кетмаган нанна боласан! Хафа бўлмадингми?

– Аксинча, ўхшадини топдинг ва қойил қилдинг? – жўшқин ва қувноқ қичқирди Иван. – Ишонасанми, мен анов куни қиз ҳузурида кўришганимиздан сўнг шу йигирма тўртга чиқсак ҳам оғзимиздан она сути кетмаганлиги ҳақида кўп ўйладим, сен ҳозир аниқ топдинг ва гапингни ҳам шундан бошладинг. Ҳозир шу ерда ўтириб, биласанми, ўзимга ўзим нима дедим: мабодо мен ҳаётга ишонмасам ҳам, ўз севгилимдан кўнглим қолган, нарса-ҳодисаларнинг тартиб-интизомига ишончим йўқолган, аксинча, теварак-атрофдаги барчаси тартибсиз, лаънатланган ва балки иблисона бошбошдоқ эканлигини ҳатто англаган бўлсам ҳам, мени инсоний умидсизликнинг барча даҳшат-вахшатлари чулғаган эса-да, мен барибир яшашни истайман ва токи май тўла бир косани қўлга олибман, охирги том-чисигача ичиб тугатмай уни лабимдан бўшатмагайман! Дарвоқе, ўттизга кирганда, балки, ҳаммасини ичиб адо қилмасам-да, косани улоқтиргайман ва четга чиққайман... билмадим, қайга боргайман. Аммо шуни жуда яхши биламанки, ўттиз ёшимгача менинг ёшлигим ҳаммасини енгади, ғолиб чиқади – ҳар қандай умидсизлик, ҳаётга ҳар қандай нафрат чекилгай. Мен ўзимдан кўп марта сўраганман: мендаги бу қутурган, ўша бешарм ҳаётга ташналикни енгадиган умидсизлик дунёда бормикин ва шундай қарорга келганманки, чамаси, бундайи йўқ... яъни, ўттиз ёшгача дейман, ундан кейин эса, ўзим ҳам истамайман, менга шундай бўлиб туюлади. Баъзи сил-варам, мишиқи ахлоқпарастлар, айниқса, шуаро мана шу ҳаётга ташналикни, кўпинча, қабихлик деб атайдилар. Бу қисман карамазовча хусусият, ана шу ҳаётга ташналик, бу рост, ҳеч нарсага қарамасдан, у сенда ҳам бор албатта, лекин нега энди у қабих бўларкан? Алеша, бизнинг сайёрамизда марказга интилувчи куч ҳали даҳшатли даражада кўп. Яшагинг келади ва гарчи мантиққа зид бўлса ҳам, мен яшаяпман. Майлига, мен нарса-ҳодисотлар тартиботига ишонмай, аммо менга баҳор нафасига тўла елимшак куртаклар қадрдон, азиз менга зангори осмон, баъзан нега севишингни аниқ билмасанг ҳам, баъзи бир одамлар азиз ва қадрдон, узок вақтлардан бери ишонмай кўйганинг баъзи инсон жасорати, фидокорлиги азиз ва қадрдон, уни кўхна хотира каби ардоқлайсан, юракдан севасан. Ана сенга балиқ шўрва келди, е, жонинг саломат бўлсин. Шўр ва жуда мазали, зўр тайёрланган. Мен Европага бормоқчиман, Алеша, шу ердан

кетаман, ахир мен биламан, фақат мазористонга кетаётирман, аммо энг, энг азиз қабристонга, ана шундай! У ерларда азизу мукаррам марҳумлар ётибдирлар, ҳар бир қабртош у ерда алангали ҳаётдан дарак беради, ўз жасоратига эҳтиросли ишонч ҳақида ҳикоя қилади, ўз ҳақиқати, ўз кураши ва ўз фанига эътиқоддан ҳикоя сўйлайди, мен олдиндан биламан, ерга тиз чўкаман-у шу тошларни ўпаман, уларни тавоф қилиб йиғлайман, шу билан бирга булар энди фақат тош, фақат қабр эканлигини биламан, ортиқ нима бор бунда. Менинг кўз ёшларим тушкунликдан эмас, кўз ёшларимни тўкиб ўзимни бахтли сезаман, холос. Кўнглим эриганлигидан эрийман. Баҳорнинг ширали япроқларини севаман, зангори осмонни яхши кўраман, шу холос!<sup>1</sup> Ақл не, мантиқ не, бунда ичинг билан, курсоғинг билан севасан... Менинг бу сафсатамдан бирон нарса англаяпсанми, Алешка, ё тушунмаяпсанми? – бирдан кулиб юборди Иван.

– Яхши тушуняпман, Иван, ичинг ва курсоғинг билан севсанг – сен буни жуда чиройли айтдинг, сен шунчалар яшашни хоҳларкансан, мен бундан беҳад қувонаман, – хитоб қилди Алеша. – Ўйлайманки, барча ҳаммадан олдин ёруғ дунёда ҳаётни севиши керак.

– Ҳаётни унинг маъносидан кўра кўпроқ севиш жоизми?

– Албатта, шундай, сен айтмоқчи, мантиқдан олдинроқ севиш жоиз, албатта, мантиқдан олдин, ана ўшандагина мен унинг маъносини англайман. Бу анчадан бери менга шундай туюлади. Ишнинг тенг ярми адо этилган, Иван ва қўлга кирган: сен яшашни севасан. Энди сен иккинчи ярмини адо этиш учун интилишинг керак, шунда сен халос бўласан.

– Дарров халос қилиб кўйдинг, мен ҳали, эҳтимол, ҳалок бўлмаганман! Сен иккинчи ярми деганинг, у ўзи нима?

– Сенинг майитларингни тирилтириш зарур, улар, эҳтимол, ҳеч қачон ўлмаган бўлсалар ҳам керак. Қани, энди чойингни бер. Мен гаплашиб олаётганимиздан хурсандман, Иван.

– Кўриб турибманки, сен қандайдир илҳом кучоғидасан. Мен сенга ўхшаган... муридлардан professions de foi<sup>2</sup> эшитишни ўлардай ёқтираман. Метин одамсан, Алексей. Монастирдан кетмоқчи эмишсан, ростми?

– Рост. Устозим мени очик дунёга чиқ деяпти.

– Яна, ишқилиб, очик дунёда кўришарканмиз, ўттизга чиққунча учрашамиз, ўшанда мен косадан лабимни узаётган бўламан. Мана, отамиз косадан етмишга киргунча ҳам айрилмоқчи эмас, саксонгача ҳам қарши эмас, ўзи айтди, гапи жуда жиддий, аммо ўзи масхарабоз, лаззатпарастликдан айрилгиси йўқ, ҳатто тош устида бўлса ҳам... гарчи ўттиздан кейин шундан бошқа ҳеч нарсанинг устида, эҳтимол, туриб бўлмас... Аммо етмишгача бу тубанлик, яхшиси, ўттизгача: ўз-ўзингни алдаб, лақиллатиб, “олийжаноблик туси”ни сақлаш мумкин. Бугун Дмитрийни кўрмадингми?

– Йўқ, кўрмадим, аммо мен Смердяковни кўрдим. – Шундан сўнг Алеша акасига наридан-бери батафсил қилиб Смердяков билан кўришганини гапириб берди. Иван кутилмаганда жуда хавотирланиб эшитди, баъзи бир нарсаларни ҳатто қайта-қайта сўраб олди.

– У мендан фақат бу нарсаларни биродар Дмитрийга асло айтмасликни сўради, – кўшиб кўйди Алеша.

Иван хўмрайди ва хаёлга ботди.

<sup>1</sup> Баҳорнинг ширали япроқлари... – ифода Пушкиннинг “Яна эсар совуқ шамоллар” шеърідан олинган.

<sup>2</sup> Имон-эътиқод иқрори (франц.).

- Смердяков туфайли қовоқ соляпсанми? – сўради Алеша.
- Ҳа, шундан. Наридан турсин, ростдан Дмитрийни кўрмоқчи эдим, аммо энди кераги йўқ... – рўйихуш бермай деди Иван.
- Сен ҳақиқатан, тез кетмоқчимисан, ака?
- Ҳа.
- Дмитрий билан отам нима бўлади? Охири нима билан тугайди? – ташвишга ботиб сўради Алеша.
- Яна дийдиёни бошладингми? Мен нима қилишим керак? Нима, мен акам Дмитрийга қоровулманми? – жаҳл билан сўзни кесди Иван ва яна бирдан аччиқ кулди. – Одам Атонинг ўғли укасини ўлдириб қўйиб, худога нима деб жавоб берди, а? Балки ҳозир сен шуни ўйлаётгандирсан? Бирок, худо урсин, мен бу ерда ростдан ҳам уларни кўриқлаб ўтиролмаман-ку? Ишларни битирдим, энди кетаман. Нима, мени Дмитрийга рашк қиляпти деб ўйлайсанми, уч ойдан бери унинг қайлиғи гўзал Катерина Ивановнани тортиб олиш ғамида юрган эканманми? Э, шайтон, менинг бошқа ишларим кўп эди. Ишларни тугатдим, энди кетай. Боя ўзинг кўрдинг, ишларни саранжом қилдим.
- Боя Катерина Ивановна олдидами?
- Ҳа, унинг олдида, биратўла ҳал қилдим. Хўш, нима бўпти? Дмитрий билан менинг нима ишим бор? Дмитрийнинг бунга алоқаси йўқ. Фақат ўзимнинг Катерина Ивановнага дахлдор ишим бор эди. Сен ўзинг билсанки, Дмитрий аксинча, ўзини худди мен билан тил бириктиргандай тутди. Мен ундан заррача ҳам сўраган эмасман, унинг ўзи кизни тантанали суратда топширди ва қўлади. Бу ҳаммаси ғирт кулгига ўхшайди. Йўқ. Алеша, йўқ, мен ўзимни ҳозир қандай қушдай енгил сезаётганимни сен билсайдинг! Мен мана шу ерда овқатланиб ўтириб, ишонасанми, шампан сўрамоқчи бўлдим, эркинликка чиққанимнинг илк дамларини байрам қилсаммикин дедим. Туф-ей, ярим йилча бўлиб қолди-я – мана бирдан бирваракай кутулдим. Кеча бу хаёлимга ҳам келмагани, агар жазм қилсанг, бир зумда тугатса бўларкан!
- Сен ўз севгингни айтяпсанми, Иван?
- Севги десанг, ҳа, мен ойимқиз, институт талабасини севиб қолдим. Дардини чекдим, у ҳам дард чекди. Устида ўтирдим... бирдан ҳаммаси учиб кетди. Мен боя завқ-шавқ билан гапирдим, олдидан ташқари чиқдим-у, ҳоҳолаб кулиб юбордим – ишонасанми. Йўқ, мен чиндан айтяпман.
- Сен ҳозир ҳам буни кулиб айтяпсан, – деди Алеша унинг бирдан ҳушчақчақ юзига зеҳн солиб қараб.
- Мен ахир қаердан билай уни мутлақо севмаслигимни! Ҳо-хо-хо! Севмас эканман-да... Ҳолбуки, у менга жуда ёқарди! Мен нутқ ирод этаётганимда ҳам, уни ҳали севадигандай эдим. Биласанми, ҳозир ҳам жуда ёқади, ҳолбуки, уни ташлаб кетиш жуда осон экан. Сен мени олифтагарчилик қиляпти, деб ўйлаяпсанми?
- Йўқ. Фақат бу, эҳтимол, севги эмасдир.
- Алешка, – қотиб кулди Иван, – севги ҳақида кўпам чўзилаверма! Сенга ярашмайди. Боя, боя, тозаям кўпирдинг-да, ҳай! Бунинг учун сени ўпиб қўйишим керак эди, унутибман... У менга қанчалар азоб берди-я! Ҳақиқатда алам-изтироб устида ўтирдим. Оҳ, у биларди менинг севишимни! Дмитрийни эмас, мени севарди, – ҳушчақчақлик билан таъкидларди Иван. – Дмитрий фақат алам-изтироб. Мен ҳали унга айтганларимнинг ҳаммаси

рост. Аммо гап шундаки, унинг учун энг муҳим нарса – балки ўн беш ёхуд йигирма йил керакдир, ана шунда у Дмитрийни бутунлай севмаслиги ва фақат менигина севиши, азоб беришини англаб етар. Балки шу бугунги сабоққа қарамасдан, у ҳеч қачон буни англаб ҳам етмас. Майли, шуниси яхши, ўрнимдан турдим-у то абад кетдим. Айтмоқчи, унинг аҳволи қандай? Мен кетгач, у ерда нима бўлди?

Алеша унга қиз жазавага тушгани, ҳушини йўқотгани ва алаҳлаётганини гапириб берди.

– Хохлакова алдамаяптими?

– Чамаси, йўқ.

– Сўраб кўрамиз. Жазавадан ҳеч ким ҳеч қачон ўлган эмас ҳар қалай. Майли, жазава ҳам бўлсин, аммо худо аёл зотига жазавани севгани учун юборган. Мен ҳеч у ерга бормайман. Яна бошимни тикиб нима қилдим.

– Бироқ сен боя унга сени у ҳеч қачон севмаганлигини айтдинг.

– Атай қилдим. Алешка, мен шампан чақирай, менинг эркинлигим учун ичамиз. Йўқ, сен билсайдинг, мен нақадар хурсандман!

– Йўқ, ака, яхшиси, ичмайлик, – деди бирдан Алеша, – бунинг устига кўнглимга сиғмаяпти.

– Ҳа, анчадан бери маънос ўтирибсан, анчадан бери кўриб турибман.

– Албатта эртага эрталаб кетасанми?

– Эрталаб? Мен эрталаб деб айтганим йўқ... Дарвоқе, балки эрталабдир.

Ишонасанми, фақат отам билан овқатланмаслик учунгина бу ерга келдим, у жуда жонимга тегди. Мен ёлғиз унинг ўзидан аллақачон кетган бўлардим. Сен нега менинг кетишимдан ташвишга тушиб қолдинг. Кетгунимча ҳали қанча вақтимиз бор иккаламизнинг. Бутун бир мангу замон, мангулик!

– Эртан кетсанг, бунинг нимаси мангулик?

– Сен билан икковимизга бунинг нима алоқаси бор? – кулиб юборди Иван, ахир ўз гапимизни ҳали бемалол гаплашиб улгурамиз, бу ерга ўзимизни гаплашамиз деб келмадикми? Нега ҳайрон бўлиб қараяпсан? Айт, биз нега бу ерда кўришдик? Катерина Ивановнанинг севгиси, қария отамиз ва Дмитрий ҳақида гаплашганими? Ё хорижними? Россиянинг машъум қисматиними? Император Наполеонними? Шунгами, шунинг учунми?

– Йўқ, бунга эмас.

– Нимагалигини, демак, ўзинг биласан. Бошқаларга бир нарса, биз – оғзидан сути кетмаганларга бошқа нарса, биз ҳаммадан бурун мангу масалаларни ҳал қиламиз, бизнинг ташвишимиз шу. Бутун навқирон Россия ҳозир фақат абад-азал нарсаларни муҳокама қиляпти. Айнан ҳозир барча қари-қартанглар бирдан амалий масалаларга шўнғиб кетишди. Сен мана шу уч ой нега менга интизор бўлиб термулдинг? Мени савол-сўроққа тутмоқчи бўлдинг: “Худого ишонасанми ёхуд ишонмайсанми?” – сизнинг уч ойлик интизорликларингизнинг ҳаммаси шу билангина боғлиқ эмасми, Алексей Федорович, ахир шундай эмасми?

– Балки шундайдир, – жилмайди Алеша. – Сен энди менинг устимдан кулмаётгандирсан, ака?

– Нега куларканман? Менинг кўзимга уч ойдан буён зор-интизор термулаётган суюкли укажонимни нега хафа қиларканман. Алеша, кўзимга тик тўғри қара, ахир мен худди сенга ўхшаган кичкина боламан, фақат мурид эмасман, холос. Ахир рус болалари ҳозиргача қандай кун кечириб келишди? Айримларини айтаман-да? Мана, мисолига, ушбу сассиқ қовоқхона,

болалар шу ерга тўпланишади, бурчакда ўтириб олишган. Илгари бир умр бир-бирларини билишмаган, қовоқхонадан чиқишади-ю яна қирк йил бир-бирларини билишмайди, хўп, шу қовоқхонада вақт топиб бирга ўтиришгач, нимани гурунглашади булар дейсан? Дунёнинг ишларини-да, асло кам эмас: худо борми, мангулик нима? Худога ишонмайдиганлари эса, улар социализм билан анархизм борасида гап сотишади, инсониятни қайтадан янги бўлақлар ва қисмларга ажратиб чиқишади, айлантириб келсанг, бу яна ўша узун кулоқнинг кори бади, яна ўша-ўша саволлар, фақат энди тескарисига ағдарилган. Кўплаган, кўплаган жуда иктидорли рус болалари бизнинг замонамизда фақат азалий масалаларни гаплашиб ўтиришади. Ахир шундаймасми?

– Шундай, ҳақиқий руслар учун худо борми, мангулик не ўзи ёки ўзинг айтгандай, тескарисига қўйилган саволлар, албатта, булар энг биринчи саволлар, ҳаммасидан олдинги, бу ўзи шундай бўлиши ҳам керак, – деди Алеша акасига ҳамон ўшандай осуда ва синовчан жилмайиб боқаркан.

– Гап бундоқ, Алеша, баъзан рус кишиси бўлишнинг унчалик ақлли жойи ҳам йўқ, лекин ҳозир рус болалари шуғулланаётган масалалардан кўра ҳам аҳмоқона нарсани топиш қийин. Аммо мен Алешка деган битта рус болақайни ёмон яхши кўраман.

– Гапнинг нишабини жуда қойил қилиб тўғриладинг, – кулиб юборди Алеша.

– Хўп, қани айт, нимадан бошлаймиз, ўзинг изн бер – худодан бошлайликми? Худо мавжудми, шундайми?

– Нимани хоҳласанг шундан бошла, тескари томондан бўлса ҳам майли. Ахир кеча отамникида худо йўқ деб айтдинг, – синчков тикилди акасига Алеша.

– Мен кеча отамникидаги тушлик пайтида атай сенинг қитиқ патингга тегдим, кўзларингда қандай ўт ёнганини кўрдим. Аммо ҳозир яна сен билан гаплашишга қарши эмасман ва буни жуда ҳам жиддий айтяпман. Мен сен билан яқинлашсам дейман, Алеша, чунки менинг дўстларим йўқ, бир синаб кўрмоқчиман. Қани, ўзинг бир тасаввур қил, балки мен ҳам худони дерман, – кулди Иван, – бу сенга кутилмаган бир нарсами, а?

– Ҳа, албатта, аммо бу яна бир ҳазил эмасми?

– “Ҳазил”. Кеча қариянинг хузурида ҳам мени ҳазиллашяпти деб айтишди. Биласанми, ҳазратим, ўн саккизинчи асрда бир кўҳна гуноҳкор ўтган, у агар худо бўлмаса, уни ўйлаб топиш керак эди деган, *s’il n’existait pas Dieu il faudrait l’inventer*. Ва ҳақиқатан инсон худони ўйлаб топди. Ҳей, энг ғаройиби ва энг ажойиби бу худонинг ҳақиқатан мавжудлиги эмас. Ажойиблиги шундаки, бундай фикр – худонинг зарурат эканлиги ҳақидаги фикр мана шунчалар ваҳший ва бадбахт махлуқ ва ҳайвон одамнинг калласига келиб қолганлиги, ул шу қадар муқаддас фикр, шу қадар жозибали, шу қадар доно ва шу қадар инсон учун шараф. Менга келсак, мен анчадан буён буни ўйламай қўйганман: худони одам яратгани ёки одамни худо? Албатта, мен бу масалада рус болаларининг замонавий аксиомаларини қовлаштириб ўтирмайман, уларнинг бари ялписига Европа олимларининг фаразларига асосланади, чунки у ерда нимаики фараз бўлса, рус боласига келиб у ўша захоти аксиомага дўнади, яна бу фақат болалардагина эмас, афтидан, уларнинг профессорларида ҳам шундай, чунки бизда рус профессорлари ҳам, кўпинча, энди яна ўша рус болаларининг ўзидир. Ана



шунинг учун барча фаразларни четлаб ўтаман. Ахир эндиликда сен билан иккимизнинг вазифамиз нима? Вазифа шуки, мен сенга иложи борича тезроқ ўз моҳиятимни тушунтириб беришим керак, яъни мен қандай одамман, нимага эътиқод қиламан, нимага ишонаман, умидим нимадан, ахир шундайми, шундайми? Шунинг учун мен эълон қиламанки, мен худони тўғри ва содда қабул қиламан. Аммо шуни ҳам қайд этиб ўтаман, агар худо бор бўлса ва агар у ҳақиқатан ерни яратган бўлса, унда бизга очик маълумки, уни Эвклид геометрияси асосида яратди, инсон ақлини эса фақат маконнинг уч ўлчови тушунчасида бино қилди. Шу билан бирга ҳозир ҳам шундай геометр ҳамда файласуфлар борки, улар ичидаги энг ажойиблари ҳам, борлиқ коинот ва ундан кўра ҳам кенгроғи – бутун борлиқ фақат Эвклид геометрияси асосида яратилганига шубҳа билдирадilar, улар ҳатто шундай орзуларга журъат қиладиларки, Эвклид бўйича икки ёнма-ён чизик ер юзида ҳеч қачон туташмаса, улар айтадиларки, балки чексизликда қайдадир туташар. Мен, тақсирим, шундай фикрга келдим. Мен агар ҳаттоки шуни ҳам тушунолмасам, унда худони қандай тушунаман? Камина камтарлик билан тан оламанки, бундай масалаларни ҳал қилоладиган менинг ҳеч қандай қобилиятларим йўқ, менинг ақлим эвклидча ақл, заминий ақл, шундай экан, бу дунёга дахлдор бўлмаган нарсаларни қандай ечайлик. Сенга ҳам, дўстим Алеша, ҳеч қачон буни ўйламасликни маслаҳат бераман, айниқса, худо тўғрисида: у борми ёки йўқ? Буларнинг ҳаммаси фақат, уч ўлчов тушунчаси асосида яратилган ақлга мутлақо хос бўлмаган нарсалардир. Хуллас, худони мамнуният билан қабул қиламан ва бу ҳам етмагандай, унинг ҳикмати ҳамда мақсадини, гарчи бизга бутунлай номаълум бўлса-да қабул қиламан, тартиб-низомига, ҳаётнинг маъносига ишонаман, мангу мувозанат ва уйғунликка ишонаман, зеро, ҳаммамиз унга гўё қуюлажакмиз, Сўзга ишонаман, коинот унга интилади худога интилгандай ва унинг ўзи худодир ва ҳоказо ва ҳоказолар ва у ёғи чексизлик. Бу борада сонсиз-саноксиз сўзлар тўқилган. Чамаси, мен яхши йўлга чиқиб олдим, шекилли, а? Ана шу, ўзинг тасаввур қил, мен охир-оқибатда худонинг бу оламини қабул қилмайман ва гарчи унинг мавжудлигини билсам-да, аммо тан олмайман мутлақо. Мен худони эмас, сен буни яхши тушуниб ол, худо яратган оламини қабул қилмайман ва қабул қилишга рози бўлмайман. Яна шуни ҳам айтгай, мен бир сабий каби имоним комилки, азоб-уқубатлар, жароҳатлар битиб кетади, ўрни текисланади, инсон зиддиятларининг бутун аламли заҳархандаси, худди сариқ саробдай, камқувват ва кичкина заррадай инсоннинг эвклидча ақлининг худди қабиҳ бир бўҳтони каби йитиб, йўқолиб кетажак, ниҳоят олам якунида, мангу уйғунлик оннда рўй беради ва аллақандай беҳад қимматбаҳо нарса пайдо бўладики, у барча қалбларга кифоя қилади, барча норозиликларни қондиришга етади, одамлар қилган барча зулмлар, жабру жафолар, барча тўқилган қонлар кафоратига етади, одамлар ҳаётида рўй берган барча кўргиликларни оқлаш ва кечиришга етади, – майли, майли, бўлсин булар ҳаммаси, юзага чиқсин, аммо мен-чи, мен буларни қабул қилмайман ва қабул қилишни истамайман! Майлига, ёнма-ён тўғри чизиклар охир бориб бирлашсин ва буни мен ўз кўзим билан кўргайман: кўраман-у ана, бирлашди дейман, э, барибир қабул қилмайман. Мана, менинг моҳиятим, Алеша, мана менинг дафтарим. Буларни мен сенга жиддий қилиб айтдим. Мен атай сен билан гапимизни шундай бошладимки, бундан кўра ҳам аҳмоқона бошлашнинг иложи йўқ эди, аммо уни менинг

икроримгача етказдим, чунки худди мана шу нарсанинг ўзи сенга керак. Сенга худо ҳақидаги гапнинг кераги йўқ эди, сенга суюкли аканг ниманинг доғи-фироғида яшаётганини билишинг керак эди, холос. Айтдим, қўйдим.

Иван ўзининг узундан-узок нутқини бирданига қандайдир алоҳида ва кутилмаган ҳиссиёт билан тугатди.

– Нега энди “бундан кўра аҳмоқонароқ бошлашнинг иложи бўлмагани учун” деб бошладинг? – сўради Алеша акасига ўйчан термулиб.

– Лоақал русизм кайфияти учун: шу мавзулардаги русларнинг суҳбатлари ҳаммаси ортиқ даражада аҳмоқона бўлади. Э, иккинчидан эса, яна қанча аҳмоқроқ бўлса, шунча амалий ишга яқин бўлади. Қанча аҳмоқроқ – шунча равшанроқ. Аҳмоқлик қиска ва лакма, ақл эса ликиллайди ва беркинади. Ақл қабих, аҳмоқлик эса тўғри ва ҳалол. Мен ишни умидсизликкача олиб бордим, уни қанчалар аҳмоқонароқ қилиб кўрсатган бўлсам ўзимга шунчалар фойдалироқ.

– Нега “дунёни қабул қилмаслигинг”ни менга тушунтириб бероласанми? – сўради Алеша.

– Э, албатта, тушунтираман, сир эмас, гапни шунга қараб олиб бораётгандим. Азиз укажоним, сени сира йўлдан урмоқчи, аҳди паймонингдан кечтирмоқчи эмасман, мен, эҳтимол, ўзимни сен билан даволамоқчи бўлаётгандирман, – кутилмаганда кичкина мулойим боладек жилмайди Иван. Алеша ҳеч қачон унинг бундай табассумини кўрмаганди.

#### IV

### ИСЁН

– Мен сенга бир нарсани икром қилишим керак, – деб бошлади Иван, – ўз яқинларингни қандай севиш мумкинлигини мен ҳеч қачон тушуниб етган эмасман. Айнан яқинларингни, менимча, севишнинг иложи йўқ, узок қариндошлар бундан мустасно. Мен қаердадир бир куни “Иоанн Милостивий” (бир валий) ҳақида ўқигандим, унинг олдига оч ва совқотган бир ўткинчи келиб уни иситиб қўйишни сўраганда, у билан бир кўрпага кириб ётибди, кучоқлаб олибди ва ёмон бир касаллик туфайли йиринглаган, сасиган оғзига оғзини қўйиб нафас ура бошлабди. Имоним комилки, у буни сохта азоб-изтироб билан қилган, елкасига бурч органи, ўзини қандайдир ва нима учундир жазолаш учун қилган. Одамни севиш учун у одам ўзини яшириши лозим, агар башарасини жиндак яна кўрсатса ҳам, тамом – севги ўлади.

– Валий Зосима бу ҳақда менга бир неча марта айтганди, – деди Алеша, – у одамнинг қиёфаси кўпгина тажрибасиз одамларга яхши кўришга йўл қўймайди, деб айтарди. Лекин инсониятнинг севгиси худди Исо Масих севги-муҳаббатидек қўп, буни мен ўзим биламан, Иван...

– Аммо мен-чи, ҳозирча буни билмайман, тушунмайман ва менга ўхшаган одамлар сон-саноксиз. Аммо масала шундаки, бу одамларнинг ёмон хусусиятларидан келиб чиқадими ё уларнинг табиати ўзи шунақами, билиш қийин. Менимча, Исо Масихнинг одамларга муҳаббати ер юзид ақл бовар қилмайдиган мўъжиза. Рост, Исо Масих биз учун худо. Аммо биз ўзимиз худо эмасмиз-ку. Мисол учун, олайлик, мен жуда теран риёзат чека

оламан, лекин бошқа биров ҳеч қачон менинг қанчалар риёзат чекаётганимни билолмайди, чунки у бошқа биров, мен эмас, бунинг устига инсон бошқа бировнинг риёзатини камдан-кам тан олади (риёзат гўё унвондай). Нега тан олмайди, сен нима деб ўйлайсан? Мисолига, шунинг учунки, менадан ёмон хид келади, юзимда аҳмоқлик нишонлари кўп, чунки мен бир маҳаллар унинг оёғини босиб олганман. Бунинг устига азоб ва азоб: нафсониятимга тегадиган азоб, мисол учун, очлик, эҳтимол, менинг валинеъматим бунга рози бўлар, лекин азоб сал юқорироқ кўтарилса, мисол учун, ғоя туфайли азоб чекилса, йўқ, у бунга фақат камдан-кам ҳолларда рози бўлади, чунки у менга шундай қарайди-ю, башарам, мисол учун, қандай бир ғоя дея азоб-укубат чекаётган одамнинг башарасига ўхшамаётганлигини кўради, унинг хаёлида бундай одамнинг башараси бошқача бўлиши керак эди. Ана энди у ўзининг менга қилаётган яхшиликларидан маҳрум этади, ҳолбуки, унинг юраги эзгулик билан тўла. Қашшоқлар ва айниқса, олийжаноб қашшоқлар ҳеч қачон ташқарига чиқмасликлари жоиз эди, садақани газеталар орқали сўрашлари маъқул эди. Мавҳум маънода яқинларингни ҳали, эҳтимол, севиш мумкиндир, шунда ҳам гоҳо-гоҳо узокдан туриб, аммо яқиндан буни ҳеч қачон қилиб бўлмайди. Агар ҳаммаси сахнада, балетда бўлсайди бу бошқа гап, бу ерда қашшоқлар ипак увалалар, йиртиқ тўр кўйлақларда пайдо бўлишади ва чиройли ракс тушиб садақа сўрашади, буни ҳали томоша қилса бўлади. Ҳа, томоша қилса бўлади, лекин барибир яхши кўриб бўлмайди. Аммо етар бу ҳақда. Сенга фақат ўз нуқтаи назаримни баён қиляпман, холос. Мен умуман инсониятнинг азоб-укубатлари тўғрисида сўйламоқчи эдим, лекин яхшиси фақат болаларнинг азоб-укубатларига тўхтала қолайлик. Бу менинг далилларимни ўн мартага қисқартиради, аммо майли фақат болалар ҳақида яхшироқ. Аммо бунисининг менга фойдаси йўқроқ, албатта. Бироқ назаримда, биринчидан, болаларни яқиндан ҳам, ҳатто исқиртлари, ҳатто башараси хунукларини ҳам (лекин менимча, болакайларнинг юзи, чамаси, ҳеч қачон хунук бўлмайди) севиш мумкин. Иккинчидан, мен катталар ҳақида шунинг учун ҳам гапирмайманки, улар ғоятда баттарин бўлишлари ва севиш учун арзимасликлари билан бирга улар учун ажру оқибат ҳам бор: улар олма едилар, яхшилик ва ёмонликни билдилар ва мисоли “худо каби” бўлдилар. Ҳамон олма едилар. Аммо болакайлар ҳеч нима емадилар ва ҳали ҳануз поку мусаффордирлар. Сен болаларни севасанми, Алеша? Севасан, биламан, шунинг учун нега фақат улар ҳақида сўзлаётганим сенга яхши тушунарли бўлади. Чунки улар ҳам ер юзида жуда ёмон азоб чекаётган эканлар, бу албатта, фақат оталари жадига, улар олма еган оталар туфайли жазоланганлар, аммо ахир бу мулоҳаза бошқа бир оламдан, у ер юзида инсон қалбига тушунарли эмас. Бегуноҳ одам бошқа одам туфайли азоб-укубат чекмасин, яна шундай бегуноҳки! Менга қойил қолсанг арзийди, Алеша, мен ҳам болакайларни жуда яхши кўраман. Ўзинг учун билиб қўй, шафқатсиз, хирси кучли, йиртқич карамазовлар ҳам баъзан болаларни жуда яхши кўрадилар. Болалар ҳали болалик чоғларида, дейлик, етти ёшгача одамлардан жуда фарқ қиладилар: гўё бутунлай бошқа хилқат ва бошқача феъл-табиат. Мен қамоқда ётган бир қароқчини билардим: у кечаси одамларнинг уйларига тушиб, талон-тарож қилиб, битта қолдирмай болаларгача сўйиб ваҳшийликлар қилган. Аммо қамоқда ўтириб болаларни негадир яхши кўрарди. Доим дарчадан қамоқхона ҳовлисида ўйнаб юрадиган болаларни томоша қиларди. У

битта кичкина болакайни ўз дарчаси остига келишга ўргатди ва бола у билан дўстлашиб қолди... Билмайсанми, буларнинг ҳаммасини нима учун айтяпман, Алеша? Негадир бошим оғрияпти, юрагим сиқилиб кетяпти.

– Сен қизиқ бўлиб кетяпсан, – деди ташвишланиб Алеша, – эс-хушинг ўзингда эмасга ўхшайди.

...– Ҳайвон ҳеч қачон одамдек шафқатсиз бўлмайди, одам шафқатсизликда жуда ёмон моҳир, уста бўлиб кетган. Йўлбарс босади, ғажийди, фақат шуни билади. Унинг хаёлига одамларнинг қулоқларига миҳ қоқиб осиш, азоб бериш келмайди...

– Ака, нимага керак булар? – сўради Алеша.

– Ўйлашимча, иблис ўзи йўқ нарса бўлса ҳам, уни одам яратган ва ўзига қараб, ўз сиймосидан улги олиб яратган.

– Худди шунингдек, худони ҳам.

– Сен сўзларни жуда ғалати айлантириб олиб келиб боғлар экансан, худди “Ҳамлет”даги Полонийга ўхшаб, – кулиб юборди Иван. – Оғзимдан тутилдим, майли, ҳечкиси йўқ. Одам худони ўзига ўхшатиб яратган бўлса, яхши экан. Сен нега буларни гапиряпсан, деб сўрадинг, биласанми, мен ўзимга маъқул нарсаларни газеталар, ҳикоялардан йиғиб, тўплаб юраман, яхши кўраман турли хангамалар, латифаларни, анча нарсаларни йиғиб қўйганман. Кўпроқ ўзимизнинг туриш-турмушимиздан коллекция қилганман. Бизда одамларни миҳга қоқишни хаёлга келтириб бўлмайди, биз ҳар қалай европаликлармиз, аммо таёқ, аммо қамчи – булар ўзимизнинг нарсалар ва уларни биздан ҳеч ким тортиб ололмайди. Чет ўлкаларда энди, чамаси, бутунлай таёқ билан уришмайди, ахлоқлари бошқача бўлиб қолдими ё шунақа қонунлар чиқдими, одам одамни калтаклашга ҳам журъат этмайди, лекин улар ўзларини бошқа бир нарса, худди биздагидек, соф миллий нарса билан тақдирлашди, бу кўринишдан шу қадар миллийки, унинг бизда ҳатто имкони йўқ, аммо агарчи у бизда ҳам аста-секин ўзлашиб боряпти, айниқса, бизнинг олий табақалардаги диний ҳаракатлар бошланган даврдан эътиборан. Менинг француз тилидан таржима қилинган қизиқ бир рисола китобим бор, у бундан беш йил бурун Женевада йигирма уч ёшдаги ёвуз одамхўр Ришар деган жиноятчининг қатл қилингани ҳақида ҳикоя қилади, у қатл этилмасдан олдин тавба қилиб, насроний динига кирган. Ришар аллакимнинг никоҳдан ташқари туғилган фарзанди бўлган, уни олти яшар пайтида ота-онаси Швейцариядаги тоғлик чўпонларга *тортиқ қилиб юборишган*, уни чорва боқиб юрсин деб, ўстириб катта қилишган. У худди ваҳший ҳайвондек ўсган, чўпонлар унга ҳеч нарсани ўргатишмаган, аксинча, етти ёшидан пода бокқани чиқаришган, қор-ёмғир, совукда, уст-боши юпун, қорни нонга тўймай пода кетидан юрган. Катталар бунга на ачинишган, на оқибатини ўйлашган, ўзларини шунга ҳақли деб билишган, зеро, Ришар уларга худди буюм каби ҳады этилган, унинг қорнини тўйдиришни хаёлларига ҳам келтиришмаган. Ришарнинг ўзининг гувоҳлик беришича, у худди Инжилдаги адашган бола каби ўша йилларда семиртириб сотиш учун чўчқаларга бериладиган емни ейишга ҳам зор бўлган, чўчқалар олдидан ўғирлаб еганда, уни калтаклашган, хуллас, унинг болалик ва ўсмирлик чоғлари мана шундай ҳасратда ўтган, куч-қувватга киргач, ўзи ўғрилиқ қилган. Кейин Женевада мардикорлик қилган, топган пулига ичган, қутурган ваҳшийдек кун кечирган, охири бир қари одамни тунаб, ўлдирган. Уни тутиб, суд қилиб, ўлимга ҳукм этишган. Ҳеч нарсага

карашмаган, аяб ўтиришармиди. Қамоқхонада унинг атрофини дарҳол турли-туман Исо Масих биродарлари, шунақа ташкилотларнинг аъзолари, пасторлар, хайрия-саховат хонимлари ва казо-казолар ўраб-чирмаб олишган. Уни қамоқда ўқиш ва ёзишга ўргатишди, Инжилни тушунтиришди, насихат қилишди, ишонтиришди, миясига қуйишди, арралашди, эзишди ва мана ниҳоят у тантанали суратда ўз қилган жиноятига иқроф бўлди. Тавбасига таянди, ўзи судга хат ёзди, мен ваҳшийман деди ва ниҳоят худо менинг кўнглимга шуъласини солди, бошимдан карамини ёғдирди. Бутун хайру саховатга пешво Женева, бутун такводор Женева тўлқинланди. Бутун кори хайрга мураббий, имонёр Женева унинг қошига, қамоққа ёпирилиб борди, Ришарни ўпишди, қучишди: “Сен бизнинг азиз биродаримизсан, сенга худонинг карами ёғилди!” Ришарнинг дили мумдай эриб, нуқул йиғлади: “Ҳа, бошимга худонинг карами ёғилди. Илгари болалигимда, ўсмир пайтларимда чўчкалар емишини есам қувонардим, энди менга ҳам худойимнинг карами ёғилди, дилимда худо ўламан!” – “Шундоқ, шундоқ, Ришар, дилда худо билан ўл, сен инсон қонини тўқдинг, энди дилингда худо билан ўл. Худойимдан беҳабар бўлгансан, сен бунга айбдор эмассан, чўчкалар емишини егансан, улар емишига ҳавас қилгансан, улар емини ўғирлагансан (бу жуда яхши эмас, негаки ўғрилиқ мубоҳ эмас), аммо сен кон тўқдинг, шунинг учун ўлишга мустаҳиқсан”. Мана, ниҳоят, охири кун келди. Ҳолдан тойиб, эзилиб Ришар йиғлайди ва нуқул шу сўзларни такрорлайди: “Бу менинг ҳаётимдаги энг яхши кун, мен худойим ҳузурига йўл оламан!” – “Ҳа, – деб қичқиришади пасторлар, судьялар ва эҳсонпараст хонимлар, – бу сенинг энг бахтиёр кунинг, зеро, сен худойим ҳузурига боряпсан!” Булар ҳаммаси Ришарни олиб бораётган шармандали жазо араваси ортидан от-аравада, яёв қатлгоҳ сари юради. Ана, қатлгоҳга етдилар: “Жон таслим қил, эй биродаримиз, – деб қичқиришади Ришарга, – дилда худо билан ўл, зеро, сенга ҳам худонинг карами ёғилди!” Ана биродарларнинг бўсаларига кўмилган Ришарни қатлгоҳга чиқаришди, бошини жодига қўйишди ва карам ёғилган бошини биродарларча шартта узишди. Бу жуда қизиқ ҳодиса. Рисола аллақандай хайр-эҳсонпараст олий табақа руҳонийлар томонидан рус тилига ағдарилган ва рус халқи маърифат олсин деб газета ҳамда бошқа нашрларга текин тарқатиш учун жўнатилган. Ришар ҳақидаги нарсанинг яхшилиги шундаки, у миллий. Бизда гарчи биродаримизнинг бошини у бизга биродар ва бошига худойимнинг карами ёғилгани учун калласини қирқиш расм бўлмаган эса-да, лекин қайтараман, бу нарсалар бизда ҳам бор ва унчалар ёмон эмас. Бизда калтаклаб, қийнаб роҳатланадилар, бу тарихий, жуда яқин ва бевосита асосга эга. Некрасовнинг бир шеъри бор, унда мужик отнинг кўзига қамчи билан уради, “маъсум ва бегуноҳ кўзига”<sup>1</sup>. Ким кўрмаган бундай нарсани, бу русизм-ку. Шоир ҳаддан ортиқ юк ортилган ориқ от лойга ботган аравани тортолмай қолганини тасвирлайди. Мужик отни қутуриб уради, қутурганидан нима қилаётганини ҳам билмайди, тасирлатиб, оғритиб ураверади, ураверади: “Кучинг етмаса ҳам торт, ўлиб қолсанг ҳам торт!” Қирчанғи зўр бериб уринади, тортади, ниҳоят, ваҳшийлашган мужик отнинг кўз ёшлари оқаётган маъсум кўзларини қамчилайди. От охири чидолмай оғир кескин бир силтаниб аравани ботқоқдан тортиб чиқаради, ёнламасига қандайдир тортади, бутун вужуди дир-дир титрайди, гандираклаб оёқлари

<sup>1</sup> Некрасовнинг “Қош қорайгунча” шеъри назарда тутилмоқда.

кийтонглайди, нотабийи ва аламангиз ҳаракат қилади – Некрасовда бу ғоятда даҳшатли. Бироқ бу биргина от номли махлуқ, отни уришнинг айби йўқ. Бизга қамчи тарихдан қолган мерос. Аммо ахир одамларни ҳам калтаклаш мумкин-ку. Мана, қаранг, илм-маърифатли бир зиёли жаноб ўз хоними билан бирга етти яшар қизчаларини қаттиқ таёқлашади. Мен буни дафтаримга батафсил ёзиб олганман. Отаси хурсанд, у бир неча қамчилар бир қилиб ясалган таёқ “аччиқроқ бўлади” дейди ва қизчасини шу “аччиқ таёқ” билан уриб жазолайди. Мен, чамамда, шунини яхши биламанки, мана шундай қамчибозлар ҳар зарбадан шунчалар роҳатланиб, лаззат олишадими, ҳар бир навбатдаги зарбалари уларга янада завқлироқ туюлади ва ўз лаззатларида чўққига чиқишади: бир дақиқа уришади, ниҳоят, беш дақиқа, ўн дақиқа, яна ортиқроқ, яна ортиқроқ, яна аламлироқ уришади. Бола додвой қилади, боланинг алоҳа овози ичидан чиқмай қолади, ҳиқиллаб бўғилади: “Дада, дада, дадажон, дадажон!” Бу иш қандайдир уят йўллар билан судгача боради. Адвокат ёлланади. Рус кишилари аллақачон бизда адвокатни “аблакат – сотилган диёнат” дейишади. Адвокат ўз миждасини ёқлаб қичқиради: “Бу иш ўзи шунақа одми, жўн, оилавий хонаки иш, отаси қизчасини уришибдими, шунга ҳам суд-қозихонами!” Унга ишонган суд маслаҳатчилари ҳамжиҳатликда оқлов ҳукми чиқаришади. Азоб берувчи оқлангани учун йиғилганлар ўқиради. Э-эх, мен ўша ерда бўлмабман-да, азоб берувчи золимнинг номига стипендия ташкил этиш ҳақида пақ этиб таклиф киритиб юборардим!.. Хўб ғаройиб хангамалар. Аммо болакайлар борасида менда бундан ҳам антиқароқлари бор, рус болачиқлари тўғрисида жуда кўп, кўп нарсалар йиғганман, Алеша. Кичкина, беш яшар жужук қизчани ота-онаси ёмон кўриб қолишибди, “ҳурматли, мансабдор, ўқиган, билган, иззатли одамлар” экан. Кўрдингми, мен яна бир қарра ишонч билан айтаман, инсоният орасида кўпларда ўзгача бир хусусият бор экан – бу болаларни, фақат болаларни қийнаш, уларга азоб бериш иштиёқи. Инсониятнинг бошқа барча аъзоларига мана шу золимлар жуда яхши, ҳурмат-эътибор билан муомала-муносабатда бўлишади Европанинг инсонпарвар ва маърифатпарвар кишилари сифатида, аммо болаларни қийнашни севишади, шу маънода ҳатто болаларни яхши ҳам кўришади. Бунда болакайларнинг ҳимояланмаганлиги золимларни қутуртиради, боланинг фариштадай ишонувчанлиги, сиғиниб, қочиб, паноҳ излаб борадиган жойининг, ҳимоячисининг йўқлиги – мана шулар золимнинг ҳаром қонини жунбушга келтиради. Ҳар қандай одамда ваҳший махлуқ яшириниб ётади, бу ўта баджаҳл ҳайвон, уни лаззатпарастлиги қутуртиради, азобланаётган қурбонининг дод-фарёд, қичқириқлари уни қутургандан қутуртиради, у занжирдан бўшалган итдай болага ташланади, бу ҳайвонда бузукликда орттирилган барча касалликлар жўш уради, бод, жигар санчиғи ва ҳоказолар. Шу беш яшар шўрлик қизалоқни маълумотли, саводхон ота-онаси ҳар турли қийноқларга солишади. Қизчани уриб, савалаб, тепкилаб, негалигини ўзлари ҳам билмай бутун вужудини моматалоққа айлантиришади, ниҳоят қийноқларнинг энг авж, нозик нуқтасига ҳам чиқишади: уни кечаси қаҳратон совуқда тун бўйи холижойга қамаб кўйишади, бу кечаси ёзилишга чиқмаганлигининг жазоси экан (ахир, беш яшар маъсум уйқуда ётган қизалоқ қандай қилиб сўраб ёзилгани чиқсин) – шу айби учун болакайнинг бутун юзига унинг нажасини чаплаб суртишади, нажасни оғзига

тикиб ейишга мажбур қилишади, шуни она, ўз онаси қилади! Шўрлик бола бадрафхонада бақириб, дод деб ётганда, шу она ўз хобхонасида бемалол ухлаб ётади! Тушунармикинсан буни, ўзининг нима аҳволга тушганлигини яхши англолмайдиган бола қоронғи ва совуқ хожатхонада кичкина муштчалари билан ҳолсиз кўкракчаларига тинмай уради, қонли кўз ёшларини шашқатор оқизиб, худойимга маъсум ёлворади, мени ҳимоя қил, ўз паноҳингда асра, дейди, сен бу бемаънилиқни тушунасанми, дўстим, биродарим, эй, худойимнинг юмшоқ, итоатгўй бандаси, укажоним, биласанми сен ўзинг, бу бемаънилиқ нима учун керак ва нима учун яратилган! Инсон шусиз ер юзида яшолмасди, шусиз яхшилик ва ёмонлиқни билолмасди дейишади. Бу ахир шунчалар қимматга тушаркан, унда яхшилик ва ёмонлиқни билишнинг нима кераги бор? Э, ахир бутун билиш олами ўша болақайнинг худога ёлворишлари, кўз ёшларига етмайди. Мен катталарнинг азоб-уқубатларини айтмаяпман, улар жаннат мевасидан тоттишди, э, жин чалсин уларни, шайтон етаклаб кетсин уларни, аммо манавилар, манави болалар! Мен сени қийнаб қўйдим, Алешка, хаёлинг жойида эмас. Хоҳласанг, бошқа гапирмайман.

– Майли, мен қийналишни хоҳлайман, – зўрға овози чиқиб деди Алеша.

– Унда яна битта жуда қизиқ воқеани айтиб берай, уни шу яқин кунларда “Архив” дами ёки “Мозий” да, аниқлашим керак, қаерда ўқиганим ёдимдан кўтарилди, ўқиган эдим. Воқеа крепостной ҳуқуқнинг оғир замонларида, аср бошида бўлиб ўтган экан. Яшасин халқларга эрк, озодлик берган! Аср бошида жуда бой, алоқалари кўп генерал, доврүкли помешчик ўтган бўлиб, у хизматдан бўшаб, тинч турмушда яшай бошлагач, ўзларига тобе одамлар устидан энди барча ҳуқуқларни, ҳатто ҳаёт ва ўлим ҳуқуқини қозондим деб ўйлашгача борадиган (рост, ўша замонларда бундайлар, афтидан, у қадар кўп эмасди) кимсалар тоифасидан экан. Бўлган шундай одамлар. Генерал ўзининг кенг-мўл мулкларида истиқомат қила бошлабди, унинг ҳукм-ҳиккасига икки минг йирик жон тобе экан, у дабдаба-асъасага зўр берар, яқин қўшниларига сиғинди ва нонхўр, масхарабоз деб қарар, уларни эзар, сиқиштираркан. Итхонасида юзлаб итлар ва итбоқарлар бўларкан, улар мундирлар кийиб, отларда хизмат қилишаркан. Бир куни хизматчининг саккиз яшар боласи ҳовлида ўйнаб юриб, ўзи билмаган ҳолда тош отиб генералнинг сеvimли овчи итини чўлок қилиб қўйибди. “Нега суюкли итим чўлоқланыпти?” – сўрабди генерал. Унга мана шу бола тош отиб оёғини яралаб қўйибди, деб айтишибди. “Э, бу ҳали сенми, – деб унга бошдан-оёқ қарабди генерал, – ушланглар уни!” Болани онасининг бағридан тортиб олиб, кечаси билан қамаб қўйишибди, эртасига тонг азонда генерал асъадабдаба билан овга отланибди, унинг атрофини сиғиндилар, нонхўрлар, итлару итбоқарлар, овчи қушлар, шикор бегилар қуршаб олишган. Барча хизматкорлар, қароллар ибрат учун ҳовлига олиб чиқилган, ҳаммадан олдинда айбдор боланинг онаси турган эмиш. Болақайни қамалган қазноқдан олиб чиқишибди. Оғир, совуқ, туманли куз куни, ов бароридан келадиган кун. Генерал болақайни ечинтиришга буюради, уни қип-яланғоч ечинтирадилар, бола бечора қалт-қалт қалтирайди, қўрқиб юраги кинидан чиқиб кетган, тилига калима келмайди... “Ҳайда уни!” – қичқиради генерал. “Қоч, қоч!” – қичқиришади итбоқарлар болага, бола қочади... “Бос уни!” – буйруқ беради генерал ва орқасидан барча овчи итларни бўшатади. Итлар онанинг кўз ўнгида болақайни бир зумда парча-парча қилиб ташлашади!.. Генерал-

ни, чамаси, ҳомийлар қарамоғига олишади. Хўп... нима қилиш керак уни? Отилсинми? Ахлоқ таомилига кўра отилсинми? Гапир, Алешка!

– Отилсин! – секин сўзлади Алеша, юзи қандайдир илжайишдан қийшайиб акасига боқди.

– Қойил! – бўкирди Иван қандайдир завқи жўшиб, – сенки шундай деяпсанми, демак... Вой, сен кимёгар! Юрагингда жинқарчанг бор эканда-ей, вой, Алешка Карамазов-ей!

– Бемаъни гапириб қўйдим шекилли, лекин...

– Ана шу лекини бор-да, укам... – кичкирарди Иван. – Эй, муридвачча, билиб қўй, ер юзида бемаънилик жуда ҳам керак. Олам бемаънилик билан барқарор, усиз балки ер юзида ҳеч нарса рўй бермасди. Биз билганимизни биламиз!

– Сен нимани биласан?

– Мен ҳеч нарсани тушунмайман, – деди Иван худди алаҳлагандай, – мен энди ҳеч нарсани тушунишни ҳам истамайман. Мен фақат далил билан қоламан. Мен талай вақтдан бери тушунмасликка қарор қилдим. Агар мен бирон нарсани тушунмоқчи бўлсам, ўша ондаёқ далилга хиёнат қиламан, шунинг учун фақат далил билан қолишга қарор қилдим...

– Сен нега мени имтиҳон қилияпсан? – изтироб билан аламли кичкирди Алеша, – менга буни айтасанми, йўқми охири?

– Албатта, айтаман, гапни шунга олиб келяпман. Сен менга жуда қадрлисан, сени қўлдан чиқаришни истамайман. Сени Зосимангга бериб қўймайман.

Иван бир дақиқа жим қолди, унинг чехрасига маъюслик чўқди.

– Менга қулоқ сол, фақат болалар ҳаётидан мисол келтирганимнинг сабаби – аёнроқ бўлсин дедим. Бутун ер юзига – пўстидан тортиб ўзагигача сингиб кетган жамики инсониятнинг кўз ёшлари ҳақида мен бир оғиз ҳам сўз айтмадим, мен мавзуйимни атай торайтирдим. Мен канаман ва ўзимни ҳар қанча камситиб бўлса ҳам айтаман, булар нега бари шундай қурилганини асло тушуниб етолмайман. Бундан шу нарса келиб чиқадики, одамларнинг ўзлари айбдор: уларга жаннат ато қилинган эди, улар эркинликни хоҳлаб қолишди ва ўзлари бахтсиз бўлишларини била туриб, самолардан оловни ўғирлашди, демак, уларга ачиниб, раҳм қилиб ўтиришнинг асти ҳожати йўқ. О, менинг наздимда, заминий Эвклидча ақлимга кўра фақат шуни биламанки, азоб бор, айбдорлар йўқ, ҳаммаси бир-биридан оддий ва тўппа-тўғри келиб чиқади, ҳаммаси оқиб ўтади ва бир-бирига мутаносиб бўлади, аммо бунинг бари Эвклиднинг улоғи, холос, ахир мен буни биламан, ахир мен шу бўйича яшашга ҳеч қачон рози бўлмайман! Айбдорлар йўқлигини билганим билан бундан менга нима фойда, мен қасдимни олишим керак, акс ҳолда ахир мен ўз-ўзимни қириб битираман. Қасос ҳам қаердадир ва қачондир чексизликда эмас, балки шу ерда, шу заминнинг ўзида ва мен уни ўзим кўришим керак. Мен эътиқод қўйдим, мен ўзим кўрмоқни истайман ва агарда ўша соатда мен мабодо ўлган бўлсам, унда майли мени тирилтирсинлар, зеро бул ҳаммаси менсиз рўй берса, бундан жуда хафа бўлардим. Мен ўзим, ўзимнинг ёвузликларим, азоб-укубатларим билан кимларнингдир муносиб келажак ҳаётига ўғит бўлиш учун риёзат чекканим йўқ ахир. Мен оху ҳамда арслон бемалол ётгани ва боши кесилган мақтул ўрнидан туриб уни ўлдирган қотил билан қучоқлашганини ўз кўзларим билан кўришни истайман. Ҳамма бирдан нима учун шундай



бўлиб қолганини билган кезде, мен шу ерда бўлишни истайман. Ер юзидаги барча динлар мана шу истакка таянади, мен эса ишонаман. Лекин бироқ, мана шу болапақирлар, мен ўшанда уларни нима қиламан? Бу мен ҳал қилолмайдиган савол. Юзинчи бора такрорлайман – саволлар жуда кўп, аммо мен фақат болапақирларни олдим, чунки бунда мен айтмоқчи бўлган нарса беҳад равшан. Кулоқ сол, риёзат чекиб мангу уйғунликни сотиб олиш учун ҳамманинг риёзат чекиши керак бўлса, бу ерда болапақирлар нима қилиб юрибди, илтимос, менга шуни айтиб бер? Нима учун улар ҳам азоб-уқубат чекишлари керак эди, ҳеч буни тушуниб бўлмайди, уларга азоб чекиб эвазига уйғунлик сотиб олишнинг нима ҳожати бор? Нимага улар ҳам хомашё ичига тушиб қолишди ва ўзларини кимларнингдир келажак уйғунлигига ўғит қилишди? Одамлар орасида гуноҳ ишлардаги ҳамжиҳатликни мен тушунаман, қасосда ҳам ҳамжиҳатликни тушунаман, аммо гуноҳ ишларда болалар билан ҳамжиҳатлик қилиб бўлмайди-ку, агар улар оталарнинг барча ёвузликларида – мабодо улар ҳам ҳамжиҳат бўлса ва бу ҳақиқат чин бўлса, унда бу ҳақиқат бу дунёнинг ҳақиқати эмас ва мен уни тушунмайман. Балки баъзи ҳазилвонлар барибир болақайлар катта бўлишади ва турли гуноҳлар қилиб улгуришади дер, лекин ана қаранг, у ўсмади, уни итлар талаб ўлдирди. О, Алеша, мен куфрга кетаётганим йўқ! Самодаги ва ер тубидаги барча нарсалар ягона ҳамду сано сасига айланиб, жамики тириклик ва тирик бўлганлар: “Сен ҳақсан, худойим, зеро сенинг йўлларинг очилди!” – деб ҳайқириб нидо солса, коинот қанчалар ларзага тушишини мен тушунаман ахир! Ўша она ўз ўғилчасини итларга талатиб ўлдирган золим билан кучоклашса-ю, ҳар учовлари кўзларда ёш билан: “Сен ҳақсан, худойим”, деб сурон солсалар, ана унда, албатта, маърифат тожи кўтарилади ва ҳамма нарса ўз ўрнига тушади. Аммо тиниш белгиси худди мана шунда, мен худди ана шуни тушунмайман, қабул қилмайман. Токи ер юзида яшарканман, ўз ўлчовимни оламан. Кўряпсанми, Алеша, ахир балки, ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб қолиши мумкинки, уни кўрадиган кунгача мабодо яшасам ёки қайта тирилсам, унда мен ҳамма билан бирга онаизорнинг боласини қийнаб ўлдирган билан кучоклашганига қараб: “Сен, ҳақсан, худойим!” – деб ҳайқирган бўлардим, аммо мен ўшанда ҳайқиришни истамайман. Вақт борида ўзимни четга олиб муҳофаза қиламан ва шунинг учун олий уйғунликдан воз кечаман. У ўша бадраф-хонада азоб берилган, кичкина муштчалари билан хаста кўксига уриб худойимга қутқар деб ёлворган болақайнинг бир томчи кўз ёшига арзимайди асло! Арзимаслиги шундаки, унинг кўз ёшлари ажрини топмади. Улар ажрини топиши керак, акс ҳолда ҳеч қандай уйғунлик бўлмагай. Лекин нима, нима билан ювасан уни? Бунинг иложи борми? Наҳот қасос муҳаққак? Лекин қасос олишнинг менга нима кераги бор, менга золимлар тушадиган дўзахнинг нима ҳожати бор, азоб еб ўлгандан сўнг дўзах нимани тўғрилай олади? Дўзах бўлгач, унда уйғунлик нима қилади: мен кечириш ва бағримга босишни истайман, мен одамларнинг бошқа қийналишларини истамайман. Агарда болаларнинг азоб-уқубатлари ҳақни сотиб олиш учун бошқа барча азоб-уқубатлар миқдорига қўшилган бўлса, унда олдиндан дадил айтаманки, ҳақнинг баҳоси ҳеч нарсага арзимайди. Боласи азоблаб ўлдирилган она золим билан кучоклашишини асло истамайман! Онанинг золимни кечириши сира мумкин эмас! Агар хоҳласа, майли ўзи учун кечирсин, чексиз оналик азобига дучор бўлгани учун майли золимни ке-

чирсин; аммо фарзандининг чексиз азоб-уқубатини кечиришга ҳақи йўқ, агар бола кечирганда ҳам, онанинг бунга ҳақи йўқ! Мабодо шундай экан, агар уларнинг кечириши мумкин бўлмаса, унда қайда уйғунлик? Бутун дунёда бормикин шундай одам – кечира оладиган ва унга ҳақи бўлган? Истамайман уйғунликни, инсониятга бўлган муҳаббат боис истамайман. Мен, яхшиси, ажри чиқарилмаган азоб-уқубатлар билан қолишни истайман. Майли, мен ажри чиқмаган азоб-қийноқлар билан қолай, майли, мен сўнмаган қаҳру ғазаб ўти билан қолай, майли гарчи мен бунда ноҳақ бўлай. Бу уйғунлик деганга жуда ҳам катта баҳо қўйишибди, кириш учун бунча пулни ҳамёнимиз кўтармайди. Шунинг учун мен кириш учун олган чиптани тезда қайтариб бераман. Агар мен виждонли одам эсам, уни зудлик билан қайтаришга мажбурман. Мен шундоқ қиялман. Мен худони инкор қилаётганим йўқ, Алеша, фақат унга чиптани чуқур ҳурмат билан қайтариб бераётирман.

– Бу исён, – деди секин Алеша нигоҳини ерга тикиб.

– Исён? Сендан бунақа сўзни эшитишни истамасдим, – юракдан чиқариб деди Иван. – Исён қилиб яшаб бўладими, мен эса яшагим келади. Ўзинг менга тўғриси айт, сенга айтяпман – жавоб бер: тасаввур қил, сен ўзинг инсоният тақдири биносини қуряпсан, мақсадинг алал-оқибат одамларни бахтиёр қилиш, ниҳоят, уларга тинчлик-хотиржамлик ато этиш, бироқ бунинг учун албатта битта жажжи жужуқни азоб-уқубат, қийноқларга дучор қилиш керак, у кичкина муштчалари билан кўкрагига тинимсиз уриб худога нола қилади, ана шу бегуноҳ сабийнинг кўз ёшлари устига ўша бинони қураармидинг, шу иморатнинг меъмори бўлмоққа рози бўлармидинг шундай шароитда, айт, ёлғон гапирма!

– Йўқ, рози бўлмасдим, – оҳиста деди Алеша.

– Сен яна шу фикрга ҳам қўшиласанми, сен биносини кураётган одамлар қийнаб ўлдирилган кичкина жужуқнинг бегуноҳ қони эвазига бахт-иқбол топишга рози бўлишармикин, мабодо, шундай бахтни қабул қилишса, азал-абад у билан қолишармикан?

– Йўқ, бундай бўлмаса керак. Ака, – деди бирдан кўзлари чараклаб Алеша. – Сен ҳозиргина бутун дунёда кечира оладиган ва кечиришга ҳақли бўлган бирон-бир хилқат бормикин? – деб айтдинг. Бироқ бундай хилқат бор ва у ҳаммасини, ҳаммани ва жамики қилмишларни кечира олади, чунки у ўзининг бегуноҳ қонини ҳаммага, жамики қилмишларга ато қилган. Сен уни эсингдан чиқардинг, ҳолбуки, иморатнинг суянчи ул ва унга хитоб қилурлар: “Сен ҳақсан, худойим, зеро, сенинг йўлларинг очилди”.

– Э, бу “ягона бегуноҳ” ва унинг қоними! Йўқ, уни унутмадим ва ҳайрон бўлдим уни нега анчадан бери тилга олмадинг деб, зеро барча баҳсу муноқашаларда, одатда, сиз тоифадагилар уни ҳаммадан бурун илгари суришади. Биласанми, Алеша, сен кулма, мен бир йилча олдин бир поэма тўқигандим. Агар мен билан яна ўн дақиқа ўтиришга рози бўлсанг, уни сенга ҳикоя қилиб берардим?

– Сен поэма ёздингми?

– О, ёзганим йўқ, – кулди Иван, – ҳаётим бўйи ҳатто иккитагина шеър ёзмаганман. Аммо бу поэмани тўқидим ва эслаб қолдим. Ўт-олов бўлиб тўқидим. Сен биринчи ўқувчим, тўғрироғи, тингловчим бўласан. Нега энди муаллиф биттагина бўлса ҳам тингловчисидан фойдаланмаслиги керак экан, – кулимсиради Иван. – Ҳикоя қилайми, йўқми?

- Кулоғим сенда, – деди Алеша.  
 – Поэмам “Буюк инквизитор” деб номланган, тасқара бир нарса, аммо сенга айтгим келяпти.

## V

## БҮЮК ИНКВИЗИТОР

– Ахир бу ерда ҳам дебочасиз иложи йўқ, яъни адабий муқаддимани айтаман, туф-ей! – кулди Иван, – мен ҳам шоирми! Биласанми, асаримда воқеалар ўн олтинчи асрда бўлиб ўтади, у пайтларда мактабда ўқиб юрган вақтларда буларни билгандирсан, ҳа, ўша пайтларда бадий асарларда олий самовий кучларни заминга олиб тушиш расм бўлганди. Мен Данте ҳақида гапирмаёқ кўя қолай. Францияда суд ходимлари, монастирларда эса роҳиблар бутун томошалар кўрсатишган, уларда саҳнага Биби Марям, фаришталар, авлиёлар, Исо Масих ҳамда худонинг ўзини ҳам олиб чиқишган. Буларнинг ҳаммасига жуда содда қарашган. Виктор Гюгонинг “Notre Dame de Paris”<sup>1</sup> асарида Людовик XI замонида француз шахзодаси шарафига “Le bon jugement de la tres sainte et gracieuse Vierge Marie”<sup>2</sup> номида шаҳар ҳукумати саройида текин маърифий томоша қўйилади, бу ерда модар худо ўзи пайдо бўлиб, bon jugement<sup>3</sup> ўқийди, Масковда ҳам Петр подшодан илгариги замонларда, айниқса, Қадимги Аҳдга асосланган драматик томошалар вақти-вақти билан қўйилиб турган, аммо драматик томошалардан ташқари олам пучмоқларида кўплаб қиссалар ва “маснавийлар” сайр қилиб юрар, уларда ўрни-ўрнида авлиёлар, фаришталар ва самовий мавжудотлар тасвирланарди. Бизнинг монастирларимизда ҳам таржималар қилишар ва татарлар замонидан қолган дostonларни қайта кўчиришарди. Мисол учун, “Модар худонинг азоб-уқубатли сулуклари” (юнончадан ўгирма) деган монастир дostonи бўларди, у суратлар билан безатилган ва жасоратда Дантедан қолишмасди. Модар худо дўзахга киради, унинг бу ердаги азоб-уқубатли сайру сулукига малойик Микойил раҳбонлик қилади. Биби Марям гуноҳкор бандалар ва уларнинг қандай қийноқларга тушганлигини кўради. Нафсиламрга, у ерда олов бўлиб ёнаётган кўлда ғаройиб бир зинокорлар тоифаси бор: улар олов кўлга тушиб, кейин ундан ҳеч чиқолмайдилар ва уларни “худо унутди” – бу фавқулодда теран ҳамда қудратли ифода. Ниҳоят, хайратидан лол, кўзида ёш Биби Марям худойимнинг тахти қошида тиз чўқади ва барча дўзахийларни афв этишни ёлвориб сўрайди. Унинг худо билан савол-жавоби хориқулодда қизиқ. У ёлворишдан, илтижо қилишдан тўхтамайди, чекилмайди, худойим унга ўғлининг миҳ қоқилган кўл-оёқларини кўрсатиб, қандай қилиб уни қийнаганларни кечирай, – деганда, Биби Марям барча авлиёлар, барча азоб чекканлар, барча фаришталар ва малойиклардан ўтиниб ўзи билан бирга тиз чўқиб худованддан барчани баробар кечиритишни илтижо қилади. Унинг илтижоси билан худойим дўзах қийноқларини ҳар йили улуғ жумадан бошлаб то муқаддас учлик кунигача тўхтатишга амри фармон беради, гуноҳкор бандалар шу замон дўзахда туриб худойимга шукрона айтиб

<sup>1</sup> “Париж Биби Марям ибодатхонаси” (франц.).

<sup>2</sup> “Муқаддас ва боқарам Биби Марямнинг раҳм иродаси” (франц.).

<sup>3</sup> Раҳм иродаси (франц.).

нола қиладилар: “Сен ҳақсан, худойим, ҳукминг ҳақ”. Ана, менинг асарим ҳам ўша замонларда дунёга келганда, шунга ўхшаган бир нарса бўларди. Асаримда сахнада худо кўриниш беради, рост, у ҳеч нарса деб гапирмайди, фақат кўриниш бериб ўтади. У ўз шоҳлигида пайдо бўлишини айтиб аҳд қилганига ўн беш аср ўтди, пайғамбар шу сўзларни ёзганига ўн беш аср бўлди: “Мен тезда зоҳир бўлгум”. “Ўшал кун ва соатни ҳеч ким билмас, ҳатто ўғил ҳам, фақат ёлғиз парвардигорим биладур”, у ҳали ер юзида экан, шу сўзларни айтиб ўтмиш. Аммо инсоният уни аввалгидек ишонч-эътиқод билан зорланиб кутади. Бу ишонч органидан-ортиб боради, зеро ўн беш аср бўлди самолардан инсониятга гаров нишонлар тушмай кўйганига:

*Ишонгил, не дейди юрак,  
Самолардан тушмас гаровлар<sup>1</sup>.*

Фақат юрак деганига ишонмоқ керак! Ўша замонларда, рост, кўп мўъжизалар ҳам бўлган. Мўъжизакор даволаган авлиёлар ўтган, маноқибларда ҳикоя қилурларки, шундай такводорлар бўлганки, улар қошига само маликаси тушган. Аммо шайтон тинч ётмайди ва инсоният ўша мўъжизаларнинг ҳаққониятига шубҳаланиб қаради. Худди ўша пайтда шимолда, Германияда даҳшатли бир бидъат пайдо бўлди<sup>2</sup>. “Шамчирок мисоли” (яъни черков) улкан бир юлдуз “сув манбаларига тушди ва сувлар тахир бўлиб қолди”<sup>3</sup>. Мана шу бидъатлар худога куфрони неъмат қилиб, мўъжизаларни инкор эта бошлади. Аммо садоқати том бўлганлар янада алангалироқ ишонч-эътиқод қилдилар. Инсоният кўз ёшлари худди аввалгидек уни деб тўкиладилар, уни кутурлар, уни севарлар, унга умид боғларлар, унинг учун риёзатлар чекиб, унинг учун жонларини берурлар худди аввалгидек. Мана неча асрлар инсоният машъала бўлиб ёлворади ва илтижо қилади: “Худойим, бизга намоён бўл”, неча асрлар унга ёлворди ва чексиз ҳамдardлик билдириб, ибодат айлагувчилар ҳузурида пайдо бўлишни истади. Бунгача ҳам у гоҳо такводорлар, риёзатмандлар, авлиё дарвешларни ер юзидаёқ зиёрат қилган, бу уларнинг маноқибларида ёзиб қолдирилган. Бизда ўз сўзларининг ҳақиқатига чуқур ишонган Тютчев деган шоир шундан дарак бериб ёзган экан:

*Хоч остида эзилиб,  
Бутун сени, она-ер,  
Осмон шоҳи эгилиб  
Дуо ўқиб ўтди кўр<sup>4</sup>.*

Мен сенга айтсам, бу худди мана шундай бўлган. Мана, ниҳоят у бир онга бўлсин халойиққа кўринмоқни ирода этди, азоб-уқубатлар чекаётган, дардининг охири кўринмаган, уфунат-гуноҳ ичида қовурилган, аммо болаларча маъсум, уни севадиган халойиққа кўринмакни истади. Асаримда воқеа Испанияда, Севильяда, инквизиция таъқибининг энг даҳшатли

<sup>1</sup> Шиллернинг “Тилак” шеърдан иқтибос.

<sup>2</sup> Муаллиф Реформация (XVI асрда Фарбий Европада католик черкови ва папа ҳокимиятига қарши олиб борилган диний шаклдаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар) йилларини назарда тутмоқда.

<sup>3</sup> Парча Янги Аҳднинг сўнги қисмларидан олинган бўлиб, унда охирзамон ҳақида башорат қилинади.

<sup>4</sup> Ф.Тютчевнинг “Камбағал қишлоқлар, шўрлик табиат” шеърдаги сўнги сатрлар.

чоғларида кечади, у чоғларда парвардигор шарафи учун ҳар кунни улуғ гулханлар гурилларди<sup>1</sup>.

*Улуғ гулханлар ичра  
Бидъатчилар ёқилди.*

О, албатта, бу унинг ўз ваъдасига кўра бутун самоларни шарафлаган ер юзига тушиши эмасди, унинг кўриниши “машрикдан мағрибга қадар порлаган чақмоқ” каби юз бермишди. Йўқ, у бир зумгагина бўлсин, ўз сабийларига кўринишни истади ва кофирлар ёнаётган ерга тушди. У ўзининг чексиз раҳм-шафқати билан яна бир карра одамлар орасидан ўтиб борди, ўн беш аср илгари у одамлар орасида худди шундай қиёфада уч йил юрмишди. У “ғарамлар гуриллаб ёнган” жануб шаҳарига тушиб келди, худди мана шу ерда шу кунлар арафасида қирол, сарой, валломатлар, кардиналлар ва латофатли сарой хонимлари, бутун Севильянинг кўпдан-кўп аҳолиси иштирокида буюк инквизитор кардинал томонидан “улуғ гулхан”да ялпи юздан ортиқ кофир *ad majorem gloriam Dei*<sup>2</sup> ёқилмиш эди. У оҳиста, сездирмай пайдо бўлди ва бирдан ҳамма – жуда қизиқ бу – уни таниди. Бу асарнинг энг таъсирли жойларидан бири бўлиши мумкин эди, ахир қизиқда, нега уни бирдан танишди. Халойиқ энгиб бўлмас куч билан унга томон интилади, уни ўраб олади, атрофда издиҳом кучаяди, ҳамма унга эргшиб боради. У издиҳом орасидан чексиз ҳамдардликнинг маъсум табассуми билан жимгина ўтиб боради. Унинг юрагидан муҳаббат қуёши ёғду сочади, кўзларидан Нур, Маърифат ва Куч-қудрат шуълалари ёғилади. Ва одамлар бошига қуюлиб, уларнинг қалбларида жавобан муҳаббат уйғотар ва ларзага соларди, у одамларга қулочини ёзади, дуо қилади, вужудидан, либосларидан ҳатто шифобахш куч уфуради. Издиҳом ичидан болалик чоғларидан кўр бўлиб қолган бир чолнинг нидоси эшитилади: “Парвардигор, менга шифо ато қил ва мен сени кўргайман”, ва мана шунда унинг кўзларидан қалқон тушгандай, нобино уни кўради. Халойиқ кўз ёшларини тўқади ва унинг қадами теккан ерларни ўпади. Болалар унга пешвоз чиқиб гуллар сочади, қўшиқлар куйлайдилар ва: “Салламно!” – деб нола қиладилар. “Бу унинг ўзи, унинг ўзи, – такрорлайди ҳамма, – бу унинг ўзи бўлиши керак, ундан бошқа ҳеч ким эмас”. У Севилья жомеси олдида тўхтади ва худди шу дамда ибодатхонага оппоқ бола тобутини йиғи-сиғи қилиб олиб кирадилар, унда обрўли бир одамнинг етти яшар қизчасининг жасади, жасад гулларга қўмилган. “У қизчангни тирилтиради”, – деб қичкиришади издиҳомдагилар қизчанинг онасига. Тобутчани қаршилаб чиққан ибодатхона падари ҳайрон бўлиб боқади ва қошларини чимиради. Бирдан ўлган қизча онасининг фарёди ёйилади. У кўкдан тушганининг оёқларига ўзини ташлайди: “Агар бу сен ўзинг бўлсанг, унда менинг боламни тирилтир!” – нидо қилади у қўлларини унга томон ёзиб. Одамлар тўдаси тўхтади, тобутчани жоме олдига, унинг пойига қўйишади. У ҳамдард боқади, комидан яна ўша сўзлар оҳиста эшитилади: “Талифа куми” – “Қизча тур ўрнингдан”. Қизча тобут ичида туриб ўтиради, табассум қилиб ҳайрон

<sup>1</sup> Инквизиция – лот. тергов, текшириш, назорат. Рим католик черкови сиёсатида XII-XV асрларда пайдо бўлган муассаса. Кофир, диндан қайтган, тафриқачи, бидъатчи, мажусий деб топилган кимсалар таъқиб, тазйиқ остига олинган, судланган, оловда ёндирилган. Инквизиция трибунали неча минглаб одамларни ўтда ёқишга ҳукм қилган.

<sup>2</sup> Худойимнинг шарафи учун (лот.). Иезуитлар шиори.

боқиб атрофга термулади. Унинг қўлида бир даста оқ атиргул, у тобутда шу гулларга кўмилиб ётганди. Халойиқ тўлқинланади, бақир-чакирлар янграйди, хўнграб йиғлаган товушлар эшитилади, мана шу дамда жоме олдидан майдон бўйлаб бирдан кардиналнинг ўзи – буюк инквизитор ўтади. Бу тўқсонга кирган мўйсафид, бўйи баланд ва тик, башараси куруклашган, ич-ичига ботган кўзларидан йилт-йилт учкунлар сачрайди. О, кеча у Рим дини душманлари ўтга ташланганда эгнига кийган ва халқ олдига чиққан асъасали-дабдабали кардинал либосларида эмас бугун, йўқ, бугун унинг устида қалин, эски роҳиб жандаси. Унинг ортидан бироз масофа нарида тундбашара ёрдамчилари, куллари ва “муқаддас соқчилар” борадилар. У издиҳом олдидан тўхтаб, узоқдан тикилади. У ҳаммасини кўрди, у тобутни қандай қўйганларини кўрди, қизчага жон ато бўлиб, ўрнидан турганини кўрди ва унинг башараси тундлашди. У қуюқ оқарган қошларини чимиради, нигоҳида ёвуз ўт чакнайди. У қўлини олдинга чўзади ва соқчиларга кўкдан тушганни тутишни буюради. Унинг куч-қудрати мана шунчалар ва халойиқ унга шу қадар тобе бўлиб, ўрганиб, бўйсуниб қолганки, дарҳол соқчиларга йўл бўшатади ва улар шу тобда атрофга бирдан чўккан оғир сукунатда, кўкдан тушганни тутиб олиб кетадилар. Тўда дарҳол ҳаммаси бирдай бўлиб мўйсафид инквизитор олдидан ергача эгилиб таъзим этади, мўйсафид оғиз очмай тўдани алқаб, нари кетади. Соқчилар туткунни ушлаб қадим муқаддас қозихона иморатидаги тор, қоронғи кунгурадор турмага элтиб қамаб қўяди. Кун ўтиб, Севильяга қайноқ зулматли, дим тун чўқади. Ҳавода “лавр ва лиму ифорлари анқийди”. Қуюқ зимистон бағрида бирдан турманинг темир эшиги очилади ва буюк инквизитор мўйсафиднинг ўзи қўлида шамдон кўтариб секин кириб келади. У бир ўзи, турма эшиги унинг орқасидан дарров ёпилади. У ичкарига кираверишда тўхтаб ва узоқ, бир ёки икки дақиқа кўкдан тушганнинг юзига тикилиб қарайди. Ниҳоят, оҳиста унга якин келади, шамдонни стол устига қўяди ва дейди: “Бу сенми? Сенми? – Аммо жавоб ололмай тез қўшимча қилади: – Жавоб берма, индама. Нима ҳам дердинг? Нима дейишингни мен жуда яхши биламан. Илгари айтганларингга қўшимча қилиб айтишга ҳеч қандай ҳақинг ҳам йўқ. Нега бизга халақит бергани келдинг? Зотан сен бизга халақит бергани келгансан ва буни ўзинг биласан. Аммо эртага нима бўлишини биласанми? Сенинг кимлигингни мен билмайман, билишни ҳам хоҳламайман: бу ўша сенми ёки фақат унга ўхшаган кишими, аммо мен эртагаёқ сени бидъатчиларнинг энг баттарини деб ҳукм чиқараман ва ўтда ёндираман, бугун сенинг оёғингни ўпган халқ эртага менинг бир ишорам билан сен ёнаётган гулханга ўтин қалашга шошилади, биласанми буни? Ҳа, сен балки буни билсанг керак”, – деб қўшиб қўйди чуқур ўйга толиб, у шу пайт ичида бир зум ҳам ўз асирдан кўз узмади.

– Мен унча тушунмаяпман, Иван, бу нима эканлигини? – доим жим эшитиб турган Алеша кулимсиради, – чексиз, интиҳосиз фантазиями ёки мўйсафиднинг хатоси, қандайдир ақл бовар қилмайдиган *qui pro quo*?<sup>1</sup>

– Охиргиси деявер, – кулиб юборди Иван, – сени замонавий реализм жуда эркалатиб юборган ва сен ҳеч қандай фантазияни қабул қилолмасанг, – иста *qui pro quo*, майли шундай бўла қолсин. У ҳақиқат, – яна кулди у, – мўйсафид тўқсонга кирган, у аллақачон ўз ғояси учун эси оғиб қолган. Асир эса уни ўз ташқи кўриниши билан ларзага солгандир, эҳтимол.

<sup>1</sup> “Бири ўрнига бошқаси”, чалкашлик, англашилмовчилик (*пот.*).

Ниҳоят, балки бу унинг алахлашидир, тўқсонга кирган мўйсафиднинг ўлим олдидаги хаёлот, кеча юзта бидъатчини ўтда куйдирган кимсанинг иситма аралаш талвасалари. Аммо сен билан бизга барибир эмасми, qui pro quo нима-ю, интихосиз фантазия нима? Ҳамма гап шундаки, мўйсафид кўнглидагини айтиши керак, тўқсон йилнинг сўзини айтади ва тўқсон йил индамай келган, гапирмаган сўзларини энди оғиз очиб сўзлайди.

– Асир ҳам индамайдими? Унга қараб туриб ҳеч нарса демайдими?

– Ҳатто ҳамма ҳолларда шундай бўлиши керак ўзи, – яна кулди Иван.  
– Мўйсафиднинг ўзи унга олдинги айтганларингга қўшимча қилишга ҳақнинг йўқ, дейди. Агар истасанг, мана шунда Рим католик динининг асосий хусусияти мужассам, назаримда, жуда нари борганда, шундай: “Яъники, бари сенинг томонингдан папага берилган, демак, барчаси энди папада, сен эса бошқа келмасанг ҳам бўлаверади, жиллакурса вақт-соати келгунча халақит берма”. Шу маънода иезуитлар фақат гапирибгина қолмай, балки ёзадилар ҳам. Буларни уларнинг илоҳиётшунослари асарларида ўзим ўқиганман. “Сен ўзинг келган ул оламдан бизга биронта сирни маълум қилишга ҳақнинг борми? – деб сўрайди ундан менинг мўйсафидим ва унинг ўрнига ўзи жавоб беради, – йўқ, ҳақнинг йўқ, аввал айтганларингга қўшимча қилолмайсан ва одамларни эркинликдан маҳрум этолмайсан, ер юзида юрганингда сен бу эркинлик учун қаттиқ тургандинг. Сен яна янгидан хабар берадиган нарсалар одамларнинг динга ишонч эркинлигига таҳдид солади, зеро худди мўъжиза каби пайдо бўлади, улар динининг эркинлиги эса сенга бундан бир ярим минг йил аввал ҳаммадан, ҳаммасидан қимматлироқ эди. Сен бот-бот айтмасмидинг ўша чоғларда: “Сизни эркили қилишни истайман”. Мана энди сен бу “эркли” одамларни кўрдинг, – қўшиб қўяди мўйсафид ўйчан кулимсираб. – Ҳа, бу иш бизга жуда қимматга тушди, – давом этти у “кўкдан тушган”га жиддий боқиб, – аммо бу ишни сенинг номинг билан охирига етказдик. Биз бу эрк туфайли ўн беш аср азият-азоб чекдик, лекин энди бу тугади, азал-абад тугади. Сен ишонмайсанми бутунлай тугаганига? Нега менга бунча маъсум қарайсан ва ҳатто ғазабингга олмайсан? Аммо билиб қўй, энди ва айнан ҳозир бу одамларнинг эркин эканликларига ишончлари ҳар қачонгидан мустаҳкам, нафсиламрга улар ўз эркинликларини ўзлари олиб келиб итоат билан оёқларимиз остига қўйдилар. Аммо бу ишларни биз қилдик, сен шуни истаганмидинг, шундай эркин орзу қилганмидинг?

– Мен яна тушунмаяпман, – унинг ҳикоясини бўлди Алеша, – у киноя қилиптими, қуляптими?

– Асло. Улар охир-оқибат эркинликни енгиб чиқиб, одамларни бахти-ёр қилишга муяссар бўлганликларини ўзи ва ўзи қабиларнинг хизмати қилиб кўрсатяпти. “Зотан фақат эндиликда (яъни, у ўз инквизициясини гапиряпти) биринчи маротаба одамларнинг бахти борасида фикрлаш имконияти туғилди. Инсонга исёнкорлик хос, ахир исёнкорлар бахтли бўла оладиларми? Сени огоҳлантиришган, – дейди яна мўйсафид унга, – огоҳлантиришлару кўрсатмалардан сенинг асло камчилигинг бўлмаган, аммо сен огоҳлантиришларни тингламадинг, сен одамларни бахтли этгувчи бирдан-бир йўлни рад этдинг, аммо хайриятки, сен кета туриб ишни бизнинг қўлимизга топширдинг. Сен аҳду ваъда қилдинг, ўз каломинг билан тасдиқладинг, сен бизга боғлаш ва ечиш ҳуқуқини бердинг ва эндиликда, албатта, бу ҳуқуқни тортиб олишни хаёлингга ҳам келтирмайсан. Нега бизга халақит бериш учун келдинг?”

– “Огоҳлантириш ва кўрсатмалардан камчилигинг бўлмаган” дегани нима? – сўради Алеша.

– Мўйсафид айтмоқчи бўлаётган асосий нарса ана шунда-да.

“Даҳшатли ва ақлли рух, ўз-ўзини йўқотиш ҳамда йўқлик руҳи, – давом этди мўйсафид, – буюк рух биёбонда сен билан сўйлашди ва бизга китоблардан маълумки, гўёки у сени “васваса”га солган. Бу шундайми? У сенга уч саволда дарак берди ва сен рад қилдинг, булар китобларда “васвасалар” деб аталмишдир? Нафсиламрга, агар қачонлардир ер юзида хақиқий момақалдирок мўъжизаси юз берган эса, бу худди ўшанда, ўша уч васваса кунида рўй берганди. Баайни ушбу уч саволнинг пайдо бўлишида мўъжиза намоён эди. Фақат синамоқ ва мисол келтирмак маъносида мабодо ўйлаб кўриш мумкин бўлсайди, айтайлик, кудратли руҳнинг ушбу уч саволи китоблардан йўқолган ва уларни яна китобларга киритиш, тиклаш, янгидан ўйлаб топиш ҳамда тўқиш керак бўлса-ю бунинг учун бутун ер юзидаги донишмандлар – ҳукмдорлар, олий руҳонийлар, алломалар, файласуф, шоирларни йиғиб, уларга топшириқ берилсаки, қани сиз ҳам учта савол тузинг ва улар воқеа-ҳодисанинг салмоғи, аҳамиятига мос-мувофиқ бўлсин, шу билан бирга учта сўзда, фақат учта инсоний иборада инсоният ҳамда борлик оламнинг тарихини ифодалаб берсин дейилса, – сен ўйингга келтира оласанмики, бир жойга жамланган бутун заминнинг фикру дониши ўша биёбонда берилган уч саволнинг кучи ва теранлигига тенг, ўхшаш бирон нарса топа олармиди? Ёлғиз ўша саволларнинг ўзиданок, уларнинг дунёга мўъжиза янглиғ келганиданок уларни жорий инсон ақли яратмаганлигини англаш мумкин, уларни мангу азаллик ва мутлақ кудрат яратган. Зотан, ушбу уч саволда инсониятнинг бутун кейинги тарихи бир яхлит ҳолда жамланган ва башорат қилинган ҳамда бунда уч сиймо мужассамдирки, инсон табиатининг барча ечиб бўлмайдиган тарихий зиддиятлари уларда жамулжам бўлмишдир. У замонлар булар ҳали унча билинмасди, зеро, келажак номаълум эди, аммо эндиликда орадан ўн беш аср ўтгач, кўриб турибмизки, бу уч саволда ҳаммаси олдиндан кўрилган, башорат қилинган ва ҳамма томондан оқланган эканки, энди уларга на бирон нарсани кўшиб, на бирон нарсани олиб ташлаб бўлади.

Ўзинг ўз танангга ўйлаб кўр, ким ҳақ: сенми ёки ўшанда сендан уч савол сўраганми? Биринчи саволни эсла, унинг маъноси шундай: “Сен оламга чиқмоқчисан, кўлингга эса ҳеч вақо йўқ, қандайдир эркинлик ваъда қилмоқчисан, одамлар табиатан бевош ва ғаламис, улар ўз содда фаҳм-фаросатлари билан сен айтаётган эркинликни англаб етолмайдилар, ундан жуда ҳайикадилар ва кўрқадилар, зотан инсон ва инсоният жамияти учун ҳеч нарса ва ҳеч қачон эркинликдан кўра чидаб бўлмайдиганроқ нарса бўлмаган! Мана шу шипшийдам ҳувиллаган жазирама саҳродаги манов тошларни кўряпсанми? Уларни ўзинг нонларга айлантир ва инсоният сенинг орқангдан худди пода каби миннатдор бўлиб итоат билан чопиб боргай, гарчи у мангу музтардир ва сен кўлингни тортишинг билан уларга нон тегиши тўхтагай”. Аммо сен инсонни эркинликдан маҳрум қилишни истамасдинг ва бу таклифни рад этдинг, агар итоатгўйлик нон ризққа боғлиқ ва нон эвазига сотиб олинган бўлса, унинг нимаси эркинлик бўлмай, деб фикр айладинг? Сен инсон ёлғиз нон билангина тирик эмас, деб эътироз этдинг, аммо билурмисан, мана шу заминий нон деб сенга қарши замин руҳи кўзғалгай, сен билан жангга киргай, сендан ғолиб чиққай, барча унга



эргашгай ва тинмай хитоб айлагай: “Ким ушбу махлукқа менгзайдир, у бизга самодан олов берди!” Сен билурмисан, асрлар ўтгай ва инсоният ўз донишмандлиги ҳамда илму фани тили билан жинойтлар йўқ, демак, гуноҳлар ҳам йўқ, фақат очлар бор, деб хайқиргай. “Тўйдир, сўнг улардан яхшилиқни талаб қил!” – сенга қарши кўтарган байроқларига шу сўзларни ёзгайлар ва шунинг бирла сенинг эҳроминг барҳам топгай. Эҳроминг ўрнида бошқа эҳром қад кўтаргай, яна қайтадан қўрқинчли Бобил минораси сарбаланд бўлгай ва гарчи бу худди аввалгидай битмай, чала қолса ҳам, аммо барибир сен бу янги минорадан сақлансанг, одамларнинг азоб-укубатларини минг йилга қисқартирсанг бўлурди. Зеро, улар минг йил ўз миноралари билан азоб кўриб, охирида яна бизга келурлар! Ўшанда улар бизни ер остидан, мағораларда яшириниб ётган ҳолда (чунки биз яна қувғинлар ва азоб-укубатларга гирифтор қилинган бўламиз) топулар ва бизга фарёд ила нидо қилурлар, “Бизни тўйдиринг, ахир бизга осмондан олов ваъда қилганлар уни бермадилар”. Ана ўшанда уларнинг минорасини биз қуриб охирига етказгаймиз, зеро бинони қорин тўйғизган битқаргай, фақат биз сенинг номинг ила тўйдиргаймиз ва сенинг номинг ила ёлғон айтгаймиз. О, ҳеч қачон, ҳеч қачон улар биз бўлмасак ўзларини тўйдиролмаслар! Улар ўз эркинликларида қолар эканлар, ҳеч қандай илм-фан уларга нон беролмас, аммо охир-оқибат шу билан тугайдиким, улар ўз эркинликларини оёқларимиз тагига келтириб ташлагайлар ва бизга шундай дегайлар: “Яхшиси бизни қул қилинг, лек бизни тўйдиринг”. Охир-оқибат улар эркинлик ва заминий нон ҳеч бир кимса учун биргаликда ақлга тўғри келмаслигини англаб етгай, зотан, ҳеч қачон, ҳеч қачон бир-биридан уларни ажратиб бўлмас! Улар ҳеч қачон эркин бўлолмасликларига ҳам ишонч ҳосил қилурлар, негаки кучлари кам, бузук, майда ва ғаламисдирлар. Сен уларга самовий ризқ ваъда қилдинг, аммо яна қайтараман, у мангу оч, мангу ожиз, мангу бузук ва мангу ношукур одам қавмининг кўз ўнгида заминий ризқ бирла тенг бўла олурми? Агарки самовий ризқ учун минглаб, ўн минглаб одамлар сенинг ортингдан эргашиб борса, унда миллионлаган ва ўн миллионлаган махлуқларнинг ҳоли не кечгай, улар самовий ризқ деб заминий ризқдан ҳеч қачон воз кечолмаслар? Ёки сенга фақат ўн мингларча улуғ ва қудратлиларгина қадрлими, қолган денгиз кумлари каби сон-саноксиз миллионлаганлар, ожизлар, лекин сени севгувчилар эса улуғ ва қудратлилар учун хомашё бўлиб қолурларми? Йўқ, бизга ожизлар ҳам қадрлидирлар. Улар бузук ва ғалаёнчилардир, аммо охир-оқибат улардан итоатгўйлар чиқур. Улар бизга ажабланиб, хайрат билан қарайдилар ва бизни худо деб биладилар, чунки биз уларга бошчилик қилиб, эркинликка чидаш ва ҳукмронликка рози бўлдик – ниҳоят эркин бўлиш уларга шу қадар ёқмай қолди! Аммо биз сенга итоатда эканимизни ва сенинг номингдан ҳукмронлик қилаётганимизни айтаемиз. Биз уларни яна алдайемиз, чунки сени энди ўз ичимизга қўймаймиз. Шу ёлғонда бизнинг азобимиз мужассам, зеро, биз ёлғонлайемиз. Биёбондаги биринчи масала шундан иборат, эркинлик учун мана сен нимани рад этдинг, эркинликни ҳаммадан юқори қўйдинг. Нафсиламрга, ушбу масалада бу дунёнинг энг буюк синоати яширинганди. “Нон”ни қабул қилиб, сен яккашахс хилқат бўлмиш инсониятнинг мангу ва умумжам ҳасратига жавоб берган бўлардинг, жавобинг бутун инсониятни бирга олганда ҳам кифоя қиларди, бу: “Кимга сажда қилайлик?” – деган масала. Эркин бўлиб қолган одамга тезроқ кимга таъ-

зим қилиш керак дея, бош урадиган кимсани топишдан ҳам кўра битмас-туганмас, аламли ташвиш йўқ. Бироқ инсон шак-шубҳадан мутлақо холи бўлган ва ҳамма бирдан баробар сиғинишга розилик билдирадиган нарсани қидиради. Ва бу сиғиниш, албатта, *ҳаммага бирдан ва баробар* бўлиши керак. Сиғинишга ана шундай нарса қидирилади. Мана шу сажда, сиғинишда *умумга тааллуқли бўлиши* эҳтиёжи ҳар бир одам, якка шахс ва умуминсониятнинг энг асосий қийноғидир, бу кейинги минг йилликлар бошларидан бери шундай. Умумий сиғиниш ва сажда боис улар ўзаро бир-бирларини кириб келдилар. Улар худоларни яратишар ва бир-бирларига таҳдид солишарди: “Худоларингизни йўқотинг ва бизнинг худоларга сиғининг, акс ҳолда сизлар ҳам, худоларингиз ҳам ўлимга дучор бўлуризи!” То киёмат қадар шундай бўлур, дунёда худолар қолмаганда ҳам шу такрорланур: санамлар қошида юз тубан қулашур. Сен инсон табиатининг ушбу асосий асрорини билардинг, билмаслигинг мумкин эмасди, ҳаммани сенинг қошингда тиз чўктиришга шубҳасиз мажбур этадиган, сенга таклиф қилинган ягона мутлақ байроқни рад этдинг, бу – заминий нон байроғи эди ва сен уни эркинлик ҳамда самовий ризқ учун рад қилдинг. Ундан сўнг нима қилганингни ўзинг кўр. Яна ҳаммаси эркинлик учун. Сенга айтаман: бу бадбахт хилқат эркинлик тухфаси бирлан дунёга келади, одам боласининг ушбу тухфани тезроқ бировни топиб, бериб юборишдан ортиқроқ серазоб ташвиши йўқ. Аммо одамларнинг эркинлигини фақат уларнинг виждонини тинчлантирадиган зотгина эгаллай олади. Нон мисолида сенга, шубҳасиз, башорат ато этилмишди: нон бердингми, инсон сиғинади, зеро нондан кўра шубҳадан холи бошқа нарса йўқ, аммо агар айни бир вақтда яна кимдур унинг виждонини сендан ташқари эгаллаб олса – о, унда у ҳатто сенинг нонингни ташлаб юборади ва унинг виждонини эгаллаганнинг кетидан боради. Бу масалада сен ҳақ эдинг. Зотан инсон борлигининг асрори фақат яшашдагина эмас, балки нима учун яшашдадир. Нима учун яшаши кераклигига одамда мустаҳкам тасаввур бўлмаса, инсон яшаши истамайди, ер юзида қолишдан кўра ўзини нобуд этишни афзал кўради, теварак-атрофи нонга тўлиб-тошиб ётганига ҳам қарамайди. Бу шундай, аммо кейин нима бўлди: одамларнинг эркинлигини эгаллаш ўрнига улар эркинлигини янада оширдинг! Ёки сен унутдингми, тинчлик ва ўлим одам учун яхшилик ва ёмонликни билишда эркин танловдан кўра қимматлироқдир. Одамга унинг виждон эркидан кўра мафтункорроқ нарса йўқ, уқубатлироқ нарса ҳам йўқ. Инсон виждонини азал-абад тинчлантиришнинг мустаҳкам негизлари ўрнига сен нимаики ғаройиб, фавқулодда, фолангиз ва мубҳам нарса бўлса одамларнинг кучи етмайдиган ҳаммасини олдинг, шунинг учун уларни бунини бутунлай севмагандай қилдинг, – яна ким эди бу: уларга ҳаётини бағишлаш учун келган одам! Одамлар эркини забт этиш ўрнига, сен бу эркини кўпайтирдинг ва инсоннинг кўнгил мулкини азал-абад азоб-уқубатларга тўлдирдинг. Сен инсоннинг эркин муҳаббатини истадинг, ўзингга асиру мубтало бўлиб ортимдан эркин эргашсин дединг. Метин-мустаҳкам кўхна қонун ўрнига энди инсон эркили қалби билан нима яхши-ю нима ёмонлигини ўзи ҳал қиладиган бўлди, сени раҳнамо сиймо деб таниди, аммо наҳот ўйлаб кўрмадинг, агар унга эркин танлов деган оғир юк ортиб эзилса, у охир-оқибат сенинг ўзингни ҳам, ҳақиқатингни ҳам рад қилгай ва гумон остига олгай? Улар охир-оқибат ҳақиқат сенда эмас, деб ҳайқиргайлар, уларни сен қилган каби азоб ва ҳаросонликда ташлаб

кўймаслик керак эди, зеро, сен уларга чексиз-интиҳосиз ташвиш ва ечиб бўлмас тугунлар қолдирдинг. Шундай қилиб, сен ўзинг ўз шоҳлигингни вайрон қилиш негизини барпо этдинг ва бунда ўзингдан бошқа ҳеч кимни айблама. Нафсиламрга, сенга шу таклиф этилганмиди? Ер юзида уч куч бор, мана шу ёлғиз уч куч – ўша куч-куввати бетайин исёнчиларнинг виждонини уларнинг бахти учун азал-абад енгиш ва асир этишга қодир куч булар: мўъжиза, асрор ва обрў. Сен унисини ҳам, бунисини ҳам, учинчисини ҳам рад этдинг ва ўзинг бунда ибрат кўрсатдинг. Қудратли ва мислсиз донишманд руҳ сени эҳромнинг чўққисига ўтказиб: “Агар худонинг ўғли эканингни билмоқчи бўлсанг, унда ўзингни пастга ташла, зеро, бу борада “фаришталар уни тутиб кўтариб кетгайлар” деб айтилган, йиқилмассан, йўқолмассан ва худонинг ўғли эканингни билгайсан, шунда ишонч-имонингни тасдиқдан ўтказгайсан”, деди. Аммо сен буни эшитгач, таклифни рад этдинг, бўйсунмадинг ва ўзингни пастга ташладинг. О, сен бу ҳолда худди худо каби мағрур ва улуғвор сифат касб этдинг, аммо одамлар-чи, бу ожиз, исёнкор қавм бу – уларми худолар? О, сен ўшанда ўзингни пастга ташлаш учун бир қадам ташлаб, пастга ташлайдигандек қилиб кўрсатиб, худойимни васвасага солардинг, сен ўшанда буни тушундинг, унга ишончингни буткул йўқотардинг ва ерга тушиб парча-парча бўлиб кетардинг, ҳолбуки, ерга халоскор бўлиб келгандинг, ана ўшанда сени васвасага солган қудратли, донишманд руҳ шод-хуррам бўларди. Аммо қайтараман, кўпми сенга ўхшаганлар? Сен одамларнинг ҳам шунга ўхшаш васвасасини кўтаришга кучлари етиш-етмаслигини бир дақиқа бўлсин ўйлаб кўрдингми? Мўъжизани рад этиш учун инсон табиати шундоқ қурилганми ва ҳаётнинг даҳшатли дамларида, ўзининг энг асосий, энг даҳшатли, кўрқинчли, азобли қалб савол-сўроқлари билан қолган дамларда наҳот фақат юракнинг эркин ихтиёри билан қолса? О, сен билардинг, жасоратинг битикларда сақланиб қолгай, замонлар қаърларига ва заминнинг сўнгги чекларига етгай ва сенга эргашиб инсон ҳам мўъжизага муҳтожлик сезмай, худо билан бирга бўлгай. Аммо сен билмасдинг, инсон салгина бўлсин мўъжизани рад этса, ўша заҳоти худодан ҳам юз ўгиргай, зеро, инсон худони қидиргандай бўлса-да, аслида, мўъжизалар излайди. Шундай, инсоннинг мўъжизасиз яшашга кучи етмагач, ўзига ўзи янги мўъжизаларини яратади ва агарчи юз карра исёнчи, кофир, бидъатчи бўлганда ҳам, энди фолбинларнинг афсунлари, аёлларнинг сеҳргарликларига топинади. Сени хўрлаб, мазах-масхара қилиб, ғашингга тегиб: “Михланган хочдан туш ва биз сенга байъат келтиргаймиз”, деб қичқирганларида, сен бут оғочдан тушмадинг. Тушмаганингни сабаби шу эдики, сен яна инсонни мўъжиза билан қул қилишни истамадинг, сен мўъжизакор динни эмас, эркин динни ортиқ даражада хоҳладинг. Қулнинг даҳшатли куч олдида азал-абад кўрқинчларидан туғилган ҳайратларини эмас, сен эркин муҳаббатни ортиқ истадинг. Аммо бу ерда одамларга юксак баҳо бериб ҳукмлар ўқидинг, зотан, албатта, улар қуллардир, гарчи исёнкорлардир. Атрофга қара ва фикр қил, мана, ўн беш аср ўтди, бор уларни кўр: сен кимни ўз юксаклигинга кўтардинг? Қасам ичаманки, инсон сен ўйлагандан кўра ожиз ҳамда тубан яралган. У сен қилган, сен қилган ишни ҳам қилоладими? Уни шунчалар эъзозлаб, гўё унга ҳамдардлик кўрсатмагандай бўлдинг, чунки ундан ҳаддан ортиқ кўп нарсаларни талаб қилдинг, яна уларни сен ўзингдан чандон ортиқ севгансан-а! Уни бунчалар эъзозламасанг, ундан бунча кўп нарса талаб

қилмасдинг, бу эса севгига яқинроқ эди, зеро, унинг юки енгилроқ бўларди. У ожиз ва қабих. У ҳозир дам сайин бизнинг ҳокимиятимизга қарши ялпи исён қилмоқда ва исёнидан ғурурланмоқда, нима бор экан бунда? Бу мактаб ўқувчиси ва ёш боланинг ғурури. Булар синфда ғалаён қилиб, муаллимни ҳайдаб чиқарган мишиқи болалар. Аммо уларнинг хурсандчилиги узоққа бормайди ва бу уларга жуда қимматга тушади. Улар эҳромларни ағдартўнтар қилишади ва ер юзини қонга ботиришади. Аммо тентак болалар охир-оқибат шуни англаб етишадики, улар исёнчи бўлганлари билан қурбикудрати заиф исёнчидирлар ва ўз исёнларига ўзлари чидаш беролмайдилар. Улар аҳмоқона кўз ёшларини тўкиб, ниҳоят шуни бўйниларига оладиларки, уларни исёнчи қилиб яратган ҳеч шак-шубҳасиз улар устидан мириқиб кулган. Улар буни аччиқ алам устида айтгайлар ва айтмишлари шаккокликдан бошқа нарса бўлмагай, бундан улар яна бешбаттарроқ бахтсиз бўлгайлар, зотан, инсон табиати шаккокликни кўтармайди ва охир-оқибат табиатнинг ўзи ундан ўч олади. Хуллас, ғаламислик, саросима, бадбахтлик – одамларнинг эндиги ёзмиш қисматлари шу; сен уларнинг эрки учун қанчадан-қанча жонбозликлар қилганиндан сўнг бўлаётган хангама бу! Буюк пайғамбар ўз мажозларида айтадики, биринчи тирилишнинг барча қатнашчиларини кўрганман дейди, улар ҳар бир қарн-ақрондан ўн икки мингдан эди. Аммо агар уларнинг сони шундоқ бўлса, улар мисоли одамлар эмас, балки худолар эди. Улар сенинг хочу бутингга чидашди, улар ўн йилларча саҳроларда оч юриб чидашди, чигирткалар ҳамда томирларни ейишди ва албатта, мана – эрк фарзандлари, эркли муҳаббат дея, сенга бўлган улуғвор ва эркин фидокорликларини марғур кўрсатмоғинг мумкинди. Аммо эсла, улар бор-йўғи бир неча минг эди, булари ҳам илоҳлар эди, қолганлари-чи? Бошқа заиф одамларнинг айби нима, бошқа қудратли кимсалардек чидаш бермаганими? Шунчалар даҳшатли тухфаларни сиғдиришга қурби етмаган ожиз қалбнинг айби нимада? Э вох, наҳотки сен ҳақиқатан ҳам фақат танланган одамлар, сара одамлар учун келган бўлсанг? Аммо агар шундай бўлса, бу ерда асрор бор ва биз уни тушунмаймиз. Агарки асрор экан, унда биз асрорни тарғиб эткали ҳақлимиз ва уларга қалбларининг эркли қарори ҳамда муҳаббат муҳим эмас, балки улар кўр-кўрона бўйсунилари керак бўлган асрор – ҳатто бу виждонларини четлаб ўтса ҳам – муҳимлигини ўргатишимиз керак. Биз ана шундай қилдик. Биз сенинг жасоратингни тўғриладик ва уни *муъжиза, асрор ва обрў* асосига қурдик. Шунда одамлар яна хурсанд бўлишди бизни пода каби бошлаб кетишяпти деб ва қолаверса, уларга шунчалар кўп азобуқубатлар еткизган даҳшатли тухфа уларнинг қалбларидан охири олиб ташланганидан енгил тортган эдилар. Биз шундай қилиб ва шунга ўргатиб тўғри қилдикми, айт? Наҳот биз инсониятни севмаган, унинг ожизлигини тоқат билан англамаган бўлсак, унинг оғир юкини муҳаббатимиз билан енгиллатмадикми, ночор ва ночиз табиатини ҳисобга олиб лоақал журму гуноҳга рухсат бермадикми, у бунга биздан изн-ижозат олмадимми? Нега энди бизга халақит бергани келдинг? Ва нега сен менга индамай, мунтазир бўлиб кўзларинг билан маъсум боқасан? Зарданг келсин, мен сенинг севишингни хоҳламайман, чунки ўзим ҳам сени яхши кўрмайман. Сендан мен нимани яширай? Ким билан гаплашаётганимни мен билмайманми? Сенга айтмоқчи бўлаётганларим ҳаммаси ўзингга маълум, буни кўзингда ўқияпман. Бизнинг асроримизни сендан мен яшираманми? Балки сен уни

айнан менинг оғзимдан эшитмоқчидирсан, унда эшит: биз сен билан эмас-миз, биз у биланмиз, мана шу бизнинг асроримиз! Биз узоқ вақтдан бери у биланмиз, сен билан эмас, бунга саккиз аср бўлди. Роса саккиз аср илгари биз ундан сен қахр билан рад этган нарсани олдик, бу ўша у сенга таклиф этмиш охирги тухфа эди, сенга заминнинг барча шоҳликларини кўрсатмишди: биз ундан Румони, қайсар қиличини олдик ва фақат ўзимизни замин шоҳлари деб эълон қилдик, ягона шоҳларимиз дедик, лекин шундай бўлса ҳам ҳамон ўз ишимиз аъмолларимизни тўла охирига етказиб улгурмадик. Бироқ ким айбдор? О, э вох, бу иш ҳозирга довур фақат бошланган, холос, аммо у бошланди. Узоқ вақт унинг тугалланишини кутишга тўғри келади, замин ҳам кўп азоб-укубатларни бошдан кечиради, аммо биз эришгаймиз, қайсарлар бўлгаймиз, ана ўшанда бутун жаҳонда одамларнинг бахт-саодати ҳақида фикр юритамиз. Нафсиламрга, сен ҳали ўша чоғлардаёқ қайсарнинг шамширини олсанг бўларди. Нега сен ушбу охирги тухфани рад этдинг? Қодир руҳнинг ушбу учинчи ўғитини қабул қилиб, сен инсон дунёга келиб нимани қидирса, барига эришардинг, яъни кимга сифинмоқ, виждонни кимга топширмоқ ва ниҳоят, ҳамма учун баробар ҳамда умумий, ҳар қандай шак-шубҳадан холи чумоли уясида бирлашмоқ ва жаъм бўлмоқ, зеро, умумжаҳон миқёсида бирлашиш эҳтиёжи одамларнинг учинчи, охирги азоб-укубатидир. Инсоният доим яхлит ҳолда жам бўлиб яшашга интилган. Тарихи улуғ буюк халқлар кўп бўлган, аммо бу халқлар қанча юқори бўлсалар, шунчалар бахтсиз ҳам эдилар, зеро, одамларнинг жаҳон миқёсида бирлашишлари эҳтиёжини бошқалардан кўра кучлироқ англрдилар. Улуғ жаҳонгир фотиҳлар Темур ва Чингизхон ер юзидан қуюн каби елиб ўтдилар, заминни эгалламоқчи бўлдилар-да, бироқ улар ҳам ғайришуурий тарзда инсониятнинг жаҳоний бирлашишга бўлган умумэҳтиёжини ифодаладилар. Оламни ва қайсарнинг қирмиз камзулини қабул қилсанг, умумжаҳон шоҳлигига асос солар ва дунёга тинчлик, хотиржамлик ато этардинг. Одамларнинг виждонига эгалик қилувчилар ва уларнинг нонларини ўз қўлларида сақловчилардан бошқа яна ким одамларга эгалик қила оларди. Мана, биз қайсарнинг шамширини олдик, шундан сўнг сендан юз ўғирдик ва унинг ортидан кетдик. Э вох, ҳали яна кўп асрлар эркин ақл, илм-фанлари, одамхўрликлари боисидан бебошликлар замонлари ўтади, чунки улар бизсиз ўз Бобил минораларини кўтариб, охир-оқибат одамхўрлик билан тугатадилар. Аммо ана ўшанда бизга махлук судралиб келади, оёқларимизни ялайди, пойимизга қонли кўз ёшларини тўкади. Шунда биз махлукқа миниб оламиз ва косайи давронни кўтарамиз, унга “Асрор!” деб ёзилган бўлади. Бироқ мана шунда, фақат мана шунда одамлар учун тинчлик ва бахт-саодат шоҳлиги бино бўлгай. Сен ўз саҳобаларинг билан мағрурсан, аммо улар фақат саҳобалардир, биз эса жами одамларни тинчлантиргаймиз. Бу ҳали ҳаммаси эмас: ҳали бу танланган саҳобаларнинг қанчалари, танланганлар сафига кириши мумкин бўлган куч-қудрат эгалари сени кутавериб ниҳоят ҳолдан тойгай, сўнг ўз руҳий куч-қувватлари ҳамда юрак ҳароратларини бошқа жабҳаларга элтгай ва охирида ўзларининг эркин байроқларини сенинг устингга ўрнатиш билан тугатурлар. Аммо бу байроқни сен ўзинг кўтардинг. Бизда эса ҳамма бахтли бўлур ва бошқа ҳеч қачон исён кўтармаслар, бир-бирларини қирғин қилмаслар, у сенинг эркинлигингда ялпи шундоқ бўлди. О, биз уларни ишонтиргаймизки, улар ўз эркинликларидан бизни деб воз кечсалар ва

бизга бўйсунсалар, фақат ўшандагина яна эркин бўлурлар. Шунда нима экан, биз ҳақ бўлиб чиқамизми ё алдаймизми? Улар ўзлари ҳақ эканликларига ишонч ҳосил қилурлар, зеро, сенинг эркинлигинг уларни қуллик ва ҳаросонлик даҳшатларига қанчалар гирифтор айлаганлигини ёдга олурлар. Эркинлик, эркин ақл ва фан уларни шундай чиқиб бўлмас чангалзорларга олиб кириб кетадики, шундай мўъжизалар ва ечиб бўлмас асрорларга рўпара қиладики, уларнинг бўйсунмас ҳамда қаҳри қаттиқлари ўзларини ўзлари кириб юборурлар, бошқа бўйсунмас ва кучи ночорлари бир-бирларини кириб ташларлар, қолган учинчилари – камқувват ва бахти қоралари бизнинг пойимизга ўрмалаб келиб, дод-фарёд кўтарурлар: “Ҳа, сиз ҳақ чиқдингиз, фақат сиз унинг асроридан хабардор эдингиз, шунинг учун биз сизнинг бағрингизга қайтамиз, бизни ўз-ўзимиздан, ўзлигимиздан қутқаринг”. Улар биздан нонларини оладилар ва яна шуни ҳам равшан кўриб турадиларки, биз уларнинг ўз нонлари, ўз қўллари билан топган нонларни улардан олиб, уларнинг ўзларига тарқатамиз, бунда ҳеч қандай мўъжиза йўқ, улар биз тошларни нонларга айлантормаганимизни кўргайлар, ҳақиқатан ҳам, ноннинг ўзига эмас, балки уни бизнинг қўлимиздан олаётганликларига хурсанд бўлурлар! Зеро, ҳеч қачон уларнинг эсларидан чиқмагайки, илгари, бизсиз уларнинг ўзлари топган нонлари қўлларида фақат тошга айланарди, улар бизга қайтганларидан сўнг эса, унда ўша тошлар уларнинг қўлларида нонларга айланди. Абадулабад бўйсунмоқ нима эканлигининг кадрига улар беҳад, беҳад этгайлар! Одамлар то шуни тушуниб етмагунларича бахтсиз бўлурлар. Ким ҳаммадан кўпроқ мана шу тушуниб етмасликка сабабчи бўлди, айт? Ким подани ажратиб ташлади ва уни англашилмас йўлларга сочиб юборди? Аммо пода яна йиғилгай ва тагин бўйсунгай, энди абадулабад шундай бўлгай. Ана ўшанда биз уларга осуда, итоатли бахт ато этгаймиз, улар ночор яратилмишлар, шундай ночорлар бахтига муносибдирлар. О, биз ниҳоят уларни мағрурланмасликка ишонтиргаймиз, зеро, сен уларни юксалтдинг ва бу билан ғурурланишга ўргатдинг; биз уларга исботлаб бергаймизки улар камқувватдирлар, улар мисоли сабий болалардир, аммо болалар бахти ҳаммасидан ширинроқ бахтдир. Улар журъатсиз, ювош бўлиб қолурлар ва бизга термилиб, кўрқиб суйкалиб турурлар, жўжалар она товукқа шундай суйкалурлар. Улар биздан ҳайратланар ва ваҳмага тушар, биз шундай қудратли ва ақлли эканлигимиздан фахрланур, шундай минг-миллионлаган подани бўйсундирганимиздан лол қолур. Улар бизнинг ғазабимиз қошида ожиз қалтираб тургайлар, ақллари журъатини йўқотгай, кўзлари худди аёллар ва болаларники каби доим ёшланиб оққай, аммо улар бизнинг имо-ишорамиз билан жуда осон ўйин-кулгига, нурафшон қувонч ва болаларнинг бахтиёр ашулаларига берилгайлар. Ҳа, биз уларни ишлашга мажбур қиламиз, аммо меҳнатдан озод соатларда биз улар ҳаётини худди болалар ўйинидай ташкил этамиз, болалар қўшиқлари, жўр овозлар янграйди, маъсум рақслар бошланади. О, биз гуноҳга ҳам изн берамиз, улар камқувват, ожиз ва улар бизни гуноҳ қилишга рухсат этганимиз учун худди болалардай яхши кўрадилар. Биз уларга айтамызки, агар гуноҳ бизнинг ижозатимиз билан рўй берган эса, унда ҳар қандай гуноҳ ювилиши мумкин, ижозат этганимизнинг боиси, биз уларни севамыз, майли, шундай ҳам бўла қолсин, биз бу гуноҳларнинг жазо-оқибатини ўз устимизга оламиз. Ҳа, ўзимизга оламиз, улар эса бизни валинеъмат деб бошларига кўтаргайлар, худойим

олдида гуноҳларимиз ўз ажрини топди, деб суюнгайлар. Уларнинг биздан яширадиган ҳеч қандай сирлари бўлмас. Биз уларга аҳли аёллари, маъшуқалари билан яшаш ва ё яшамасликларига, бола туғиш ва туғмасликларига ижозат бергаймиз ва ё ман этгаймиз – булар уларнинг қанчалар итоаткор эканликларига боғлиқ ва улар бизга жон-жон деб бўйсунгайлар, итоат этгайлар. Ўзларига энг қаттиқ азоб берган сир-синоатларини кўтариб бизга келгайлар ва биз уларга барига рухсат бергаймиз, улар хурсанд бўлиб бизнинг қароримизни қабул қилгайлар, чунки бизнинг қароримиз уларни буюк ташвишлардан, шахс ва эркли инсон кийноқларидан қутқаргай. Ва ҳамма бахтли бўлгай, миллионлаган хилқатлар бари бахтиёрлик нашъасин сургай ва бундан уларнинг юз минглаб бошқарувчилари мустаснодир. Зеро, биз, фақат биз – асрорни сақловчилар бахтсиз бўлгаймиз. Минглаган, миллионлаган саодатманд гўдаклар бўлгай ва ўз устига яхшилик ҳамда ёмонликни билишнинг тавқи лаънати олиган юз минглаган азоб чекувчилар бўлади. Улар омонатларини сокин топширурлар, сенинг номинг учун осуда сўнурлар ва тобут ортида ўлим топгайлар. Аммо биз асрорни асрагаймиз. Уларни самовий ва мангу ажр-окибат билан сийлагаймиз. Зеро, у дунёда бирон нарса бўлганда эди, у албатта, уларга ўхшаганларга аталмасди. Нақл қилурлар ва пайғомлар айтурларки, сен келгайсан ва яна ғолиб бўлгайсан, ўз атовли саҳобаларинг, мағрур ҳамда кудратлиларинг билан келгайдирсан, аммо биз улар фақат ўзларини қутқардилар, биз эса барчани қутқардик деймиз. Нақл қилурларки, махлуқ устида ўтирган ва ўз қўлларида *асрорни* ушлаган фоҳиша шарманда бўлгай, яна камқувватлар исён кўтаргайлар, фоҳишанинг қирмизи камзулини парчалаб йиртгайлар ва “манхус” лошини урён қолдиргайлар. Аммо ўшанда мен ўрнимдан туриб сенга минглаган миллионлаган бахтиёр сабийлар, гуноҳ нималигини билмаган сабийларни кўрсатгайман. Биз – уларнинг бахти учун гуноҳларини ўзимизга олганлар – қошингда туриб айтагаймиз: “Қўлингдан келса ва ҳақдинг сиғса бизни ҳукм қил”. Билиб қўй, мен сендан кўркмайман. Билиб қўй, мен ҳам биёбонда юрганман, мен ҳам чигирткалар ва томирларни еганман, мен ҳам эркинликни алкаганман, сен одамларни у билан ёрлакагансан, мен ҳам сенинг саҳобаларинг қаторида, кудратли ва кучли зотлар сафида бўлишга ҳозирлик кўрганман, улар “сафларини тўлдиришни” истаганман. Аммо кўзим очилди ва телбаликка хизмат қилишни истамадим. Мен қайтдим ва *сенинг жасоратингни тузатганлар* тўдасига қўшилдим. Мен мағрурлардан нари кетдим ва итоатгўйларга эргашидим, шу итоатгўйлар бахтини кўзладим. Мен сенга айтаётган нарсалар рўй беради ва бизнинг шоҳлигимиз тикланади. Сенга такрорлайман, сен ўзинг эртагаёқ кўргайсан: итоатгўй ва мўмин пода менинг биринчи ишорам билан сен ёнаётган оловга ўтин ташлагай, сени бизга ҳалақит бергани келганинг учун гулханда ёндиргайман. Зеро, бизнинг гулханзимизга ҳаммадан кўра кўпроқ сен сазоворсан. Эртага сени ёқаман. Dixi<sup>1</sup>

Иван тўхтади. У ҳикоя қиларкан, қизишиб кетди, жўшиб сўйлади; гапини тугаллаб, бирдан табассум қилди.

Алеша орага гап қўшмай тинглар, охиrhoғига бориб ғоятда ҳаяжонга тушди, у акасига бир нималар демоқчи бўлар, аммо афтидан, яна ўзини тутар, сўнг занжири узилиб кетгандай бирдан гапга тушиб кетди.

– Бироқ... ақл бовар қилмайди! – қичқирди у қизариб. – Сенинг достонинг Исонинг мадҳияси... сен эса уни қораламоқчи эдинг. Эркинлик

<sup>1</sup> Мен айтдим (*лот.*).

ҳақидаги гапингга ким ишонади? Уни шундай, шундай тушуниш керакми. Православиёда шунақа тушунча борми... Бу Румо, аммо Румонинг ҳам ҳаммаси эмас, бу ёлғон – католикларнинг энг ашаддийлари, инквизиторлар, иезуитлар! Сенинг инквизиторингга ўхшаган фавқулудда одамнинг бўлиши мумкин эмас. Бошқаларнинг гуноҳини ўз устига олиш нима дегани? Одамларнинг қандайдир бахти учун алланечук тавқи лаънатни бўйнига олган асрор эгалари кимлар? Уларни ким қачон кўрган? Биз иезуитларни биламиз, улар ҳақида ёмон фикр билдиришади, аммо сен тасвирлаганлар уларга ўхшамайди-ку? Умуман бошқа, улар бутунлай бошқача... Улар келажак умумжаҳон замин шоҳлигининг Румога тегишли қўшинлари, холос, императори бор – Румо олий руҳоний раҳбари бор... Уларнинг идеали шу, аммо бунда ҳеч қандай асрор ва юксак маҳзунлик йўқ... Энг оддий ҳокимиятга эга бўлиш, нопок йўллар билан топилган бойлик, хузур-ҳаловат, қулга айлантириш... яна бир крепостной ҳуқуқ, помешчик бўлиш истаги... Уларнинг турган-битгани мана шулар. Улар, эҳтимол, худога ҳам ишонмайдилар... Сенинг дардли инквизиторинг бошдан-оёқ тўқима...

– Э, тўхта, тўхта, – куларди Иван, – нега бунча қизишасан. Тўқима дейсан-да, майлига! Албатта, тўқима. Аммо бир гапни айтай, наҳотки сен кейинги асрлардаги католикларнинг бутун ҳаракатлари нопок бойлик, хузур-ҳаловатга эришиш, ҳокимиятга эга бўлиш учунгина қилинган дея ўйласанг? Наҳот Паисий ота сенга шундай деб ўргатаётган бўлса?

– Йўқ, йўқ, аксинча, Паисий ота ҳатто бир куни сенга ўхшаб гапирди... аммо, албатта, ундай эмас, ундаймас, – бирдан ҳуши ўзига келди Алешанинг.

– Сенинг “ундаймас” деганингга қарамасдан, бу жуда қимматли маълумот. Мен айнан сендан сўраяпман, нега сенинг инквизитор ва иезуитларинг фақат ношойиста моддий бойликлар йиғиш учун мувофиқлашдилар? Нега улар ичида улўғ дард билан ёнган, ўртанган, инсониятни чин муҳаббат билан севган биронта ҳақиқий фидойи йўқ? Бу шўрлик исёнчилар ичидан ўша минорани охиригача қуриб битирадиганлар чиқармикин? Улўғ донишманд идеалист ўз уйғунлигини мана шундай ўрдақлар учун орзу қилдимикин? Менинг инквизиторим буларнинг ҳаммасини англаб ўз йўлидан қайтди... ва ақлли одамларга бориб қўшилди. Наҳотки шундай бўлиши мумкин эмас?

– Кимга қўшилди, қайси ақлли одамларга? – жазаваси тутгандай хитоб қилди Алеша. – Уларнинг ҳеч қанақа бундай ақллари йўқ ва ҳеч қандай асрору сир-синаотлари ҳам йўқ... Фақат худосизлик, уларнинг бутун сирини шу. Сенинг инквизиторинг худога ишонмайди, унинг бор-йўқ сирини шу!

– Нарин борса шундай! Ниҳоят фаҳминг етди. Ҳақиқатан шундай, ҳақиқатан ҳам бутун сир мана шунда, аммо шунча одамларни ўлдирган кимса учун бу азоб эмасми, у одамзотга муҳаббатидан асло даво топмадику, биёбонларда чигиртка ва томир еб ҳақиқатни топмади-ку?..

– Сен худога ишонмайсан, – деди Алеша оғир қайғуга ботиб. Назарида акаси унинг устидан мазах қилиб кулаётгандай туюлди. – Нима билан тугайди сенинг достонинг? – сўради у бирдан нигоҳи билан ер чизиб, – ё у тугадими?

– Мен дostonни шундай тугатмоқчийдим: инквизитор гапдан тўхтаб, ўз асирининг жавобини кутади. Асир индамайди, бу инквизиторга оғир ботади. У асир унинг сўзларини жон-дилдан, кўзига доим тик қараб, афтидан, эътироз билдиргиси келмай тинглаганини кўрмишди. Мўйсафид қандай бўлмасин, жуда аччиқ ва даҳшатли бўлса ҳам, тутқуннинг бир нарса



дейишини кутганди. Бироқ тутқун мўйсафидга индамай яқинлашиб, унинг консиз, сўлғин дудоғидан ўпди. Бор жавоб шу. Мўйсафид титраб кетди. Лабларининг икки чети жимирлашди, у эшикка юрди, уни очиб, айтди: “Бор, боравер, бошқа келма... ҳеч қачон йўлама... ҳеч қачон, ҳеч қачон!” У тутқунни қора тун зулмати қоплаган мадойинга чиқариб юборди. Тутқун ғойиб бўлди.

– Мўйсафид-чи?

– Бўса унинг юрагини ёндирди, аммо у олдинги ўз фикрида қолди.

– Сен ҳам у билан биргасан-да, а, сен-да? – алам ичида деди Алеша.

Иван қулди.

– Э, бу беҳуда бир гап, Алеша, бефаҳм бир талаба йигитнинг, умрида икки қатор шеър ҳам ёзмаган лакаловнинг тушуниб бўлмайдиган нарсаси. Нега унга бунча жиддий қарайсан? Мени тўғри уларнинг олдида кетяпти деб ўйламаяпсанми ишқилиб, яъни унинг жасоратини тузатадиганлар хузурига? О, худойим, менинг нима ишим бор! Мен ахир сенга боя айтдим-ку, ёшим ўттизга етса бас, у ёғи – чапараста!

– Янги бош кўтарган куртаклар-чи, муқаддас қабрлар-чи, зангори осмон-чи, суюкли маъшуқа-чи! Ахир қандай яшайсан, уларни қандай яхши кўрасан? – ғам-алам билан деди Алеша. – Кўксингдаги бу жаҳаннам билан, бошингда ёнган бу дўзах билан на илож қилурсан? Йўқ, сен уларга кўшилиш учун кетаётирсан... ундай бўлмаса агар, сен ўзингни ўзинг ўлдирасан, чидолмайсан!

– Ҳаммасига чидайдиган шундай куч бор! – совуқ иршайиб деди Иван.

– Қандай куч?

– Карамазовлар кучи... карамазовча тубан куч.

– Бу бузукликка ботмоқ, қалбни палидлик чоҳига ташламоқ-да, ҳа, шундай, шундай?

– Балки, шундай ҳамдир... фақат ўттизга киргунимча, балки, ундай бўлмас, кейин...

– Қандай қилиб ундай бўлмайди? Бунга эришиб бўладими? Сенинг бундай фикр юритишингда бунинг иложи йўқ.

– Яна ўша карамазовчасига-да.

– Бу ҳаммасига йўл қўйилади деганими? Ҳаммасига йўл қўйилади, шундайми, шундайми?

Иван тўрсайди ва бирдан қандайдир ғалати ранги ўчди.

– Э, бу кечаги сўз қулоғингда қолган экан-да, Миусов ранжиб қолувди ундан. Биродаримиз Дмитрий бирдан ўртага соддалик қилиб кўшилиб, гапни чуватувди, – оғзини қийшайтириб тиржайди Иван. – Ҳамонки сўз оғиздан чиқдими, майли, “йўл қўйилса” қўйилар. Рад этмайман. Митенькиннинг таҳрири ҳам чакки эмас.

Алеша унга индамай қараб турарди.

– Укажон, мен кетаётганим учун дунёда бир укам бор деб ўйловдим, – кутилмаганда тўлиқиб деди Иван, – энди кўриб турибманки, бу кўнгилда ҳам менга жой қолмабди, азиз дарвеш қардошим. “Йўл қўйилади” деган гапдан воз кечмайман, хўш, нима бўпти, шуни деб мендан юз ўгирасанми, а, а?

Алеша ўрнидан турди, унга яқин борди ва лабларидан жим, охиста ўпиб қўйди.

– Адабий ўғрилиқ! – қичқирди Иван бирдан димоғи чоғ бўлиб, – буни сен дostonимдан ўғирладинг! Аммо ташаккур. Тур, Алеша, кетдик, сенинг ҳам, менинг ҳам вақтимиз бўлди.

Улар ташқарига чиқиб, қовоқхона остонасида тўхташди.

– Алеша, менга қара, гап бундай, – деди Иван қатъият билан, – агар мен ростдан ҳам куртак ёзган япроқчаларга арзисам, уларни севаман ва сени эслайман. Менга сенинг борлигинг кифоя ва ҳаётда ҳали яшагим келади. Сенга шу етадими? Хўп десанг, буни сенга муҳаббатимнинг изҳори деб бил. Ана энди сен ўнга кетасан, мен сўлга – ва бас, етар, билдингми, етар. Яъни мен эртага жўнаб кетмаганимда ҳам (чамаси, кетсам керак) ва биз қаердадир яна кўришиб қолсак, унда ҳозирги мана шу мавзуларда менга асло оғиз очма. Қаттиқ илтимос қиламан. Биродар Дмитрий борасида ҳам мен билан бошқа ҳеч қачон сўз очма, жуда илтимос қиламан, – деб қўйди у бирдан зардаси қайнаб, – ҳаммасини гаплашдик, ҳаммаси очиқ-ойдин бўлди, шундайми? Сенга эса ўз томонидан бунинг учун бир ваъда бераман: мен ўттизга кириб у ёғини “чапараста” қилсам, сен ўшанда қаерда бўлмагин, мен барибир, албатта, сен билан дардлашгани келаман... агар Америкадан бўлса ҳам келаман, сен буни билиб қўй. Атайлаб келаман. Ўшанда сени кўриш менга ҳам жуда қизиқ бўлади, қани, қандай бўларкинсан сен азамат? Кўрдингми, қандай тантанавор бу ваъда. Биз ҳақиқатан ҳам етти ёки ўн йилга хайрлашамиз. Хўп, бор энди ўша Pater Seraphicus олдига, ахир у ўлим тўшагида ётибди, ўлиги устида бўлмасанг, ҳали мени ушлаб қолди деб, жаҳлинг чиқади. Кўришгунча хайр, мени яна бир қарра ўпиб қўй, шундай, ана энди бор, йўлингдан қолма...

Иван бирдан ўгирилиб ўз йўлидан кетди, энди орқасига қарамади. Бу худди кеча акаси Дмитрий Алеша хузуридан кетганга ўхшарди, гарчи кеча вазият бутунлай бошқача эди. Бу ғалати фикр Алешанинг маҳзун ҳаёлидан лип этиб ўтди, ҳаёли эса дардли ва маънос эди шу дамларда. У бир зум акасининг орқасидан қараб тўхтаб қолди. Негадир шу тобда акаси Иваннинг қандайдир чайқалиб бораётганига эътибор берди ва агар орқадан қараса, унинг ўнг елкаси чап елкасидан пастроқ бўлиб кўринди. У илгари бунга ҳеч эътибор бермаган экан. Аммо бирдан у ҳам ўгирилиб, чопқиллаганча монастырга жўнади. Хуфтон тушиб, қош қорайган, негадир юрагига хавотир тўлди; қандайдир янгича ҳиссиётлар уни ўз оғушига олди, бироқ бунинг нималигини у тушуниб етмаганди. У дарвешлар ўрмончасига етиб борганда, шамол турди ва худди кечагидек асрий қарағайлар унинг атрофида мудҳиш шовуллай бошлади. У қадамини тезлатди, югурди. “Pater Seraphicus” – бу номни у қайдандир олган – қайдан? – ҳаёлидан йилт этиб ўтди Алешанинг<sup>1</sup>. – Иван, бечора Иван, мен энди яна қачон сени кўргайман... Мана, хилват дарвешхона, о, худойим! Ҳа, ҳа, бу ўша, бу Pater Seraphicus, у мени қутқаргай... ундан ва азал-абад!”

Кейин у ўз умри давомида бир неча маротаба хайрон бўлиб эслаб юрди, қандай қилиб у акаси Иван билан хайрлашгандан сўнг биродари Дмитрий бутунлай ёдидан кўтарилди, холбуки, ҳали эрталаб, бундан бир неча соат аввал уни албатта қидириб топаман, ҳатто бу кеча монастырга қайтмасам ҳам уни кўраман, деб кўнглига тукканди.

*(Давоми келгуси сонда)*

<sup>1</sup> Pater Seraphicus – “Фауст”нинг иккинчи қисми охириги кўриниши (“Тоғ дараси, ўрмон, қоялар, саҳролар”)да пайдо бўлувчи фариштадек нурли қария. Иван Алешанинг маънавий отаси – қария Зосимани шу ном билан атамоқда. Романнинг қоралама нусхаларида Ф.Достоевский “Фауст”нинг иккинчи қисмидан парчалар келтирган.

## ШОИРЛИК МАЪНАВИЙ САБОТ ВА САДОҚАТДИР

Туғилган она юрт, ўсиб-улғайган жамият ва ижтимоий-маданий муҳит ижодкорнинг фақат тақдирига эмас, балки унинг эстетик идроки ҳамда ижодига ҳам таъсир ўтказди. Шунингдек, у ёки бу қалам соҳиби шахсиятининг шаклланиши, ижодиётидаги ўзига хос хусусият ва фазилатлар ҳам таваллуд топган жонажон диёр билан мустаҳкам вобастадир. Ўзбекистон халқ шоири, адабиётшунос, публицист, атоқли таржимон Жамол Камол Бухоро фарзанди. У 1938 йилнинг 9 ноябрида Бухоро вилояти Шофиркон туманининг Читкарон қишлоғида дунёга келган. Бўлажак шоир уч ёшли чақалоқ экан, отасидан айрилади. Уни халқ душмани деб отувга ҳукм қилишади.

*Ўттиз беш ёшида отам отилди,  
Уч ёшли чақалоқ эдим ўшанда.  
Ўша тун ошимга заҳар қўшилди,  
Тақдир зарбасини едим ўшанда.  
Йўқ, деб қичқираман умрим борича,  
Лекин қисмат деган турмайди аяб.  
Ўттиз беш йилдирки, ҳар ярим кеча,  
Мени отишади деворга суяб...*

Тақдир бандасига шафқатсизлик ва жабр қилса, сабр ва бардошдан ўзга чора йўқ. Эрининг ҳажрида шоирнинг онаси Хожалбегим ҳам ўттиз беш ёшда вафот этади. Жамол бувиси ва тоғасининг қўлида тарбияланиб, ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, олий ўқув юртига ўқишга Бухорога боради.

*“Ўйлаб қарасам, – дейди Жамол Камол, – Бухоро педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга киришим ҳаётимда бурилиш нуқтаси бўлган. Бошда тарихчи бўлишга шайландим. Йўқ, адабиёт мени бағридан бўшатмади. Тўлқин устига тўлқин бўлиб, бостириб келаверади: антик адабиёт, ўрта асрлар адабиёти, замонавий адабиёт... Шекспир, Байрон, Бальзак, Стендал, Виктор Гюго, Лев Толстой, Михаил Шолохов – менинг севимли адибларим эди...”*

Шоир тўртинчи курсда ўқиётганда Бухорога шоира Зулфия ташриф буюради ва институтда катта учрашув бўлади. Шеърларини унгача институт газетасида чиқариб юрган Жамол Камол кичик ҳажмли илк достони “Жамила”ни ўқиб беришни шоирадан илтимос қилади.

Бу – ўз халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашган жазоирлик ватанпарвар қиз Жамила Бухерд қиссаси эди. Достон Зулфияга маъқул

бўлади ва орадан кўп ўтмай у “Ёш ленинчи” газетасида босилиб чиқади. Шеърят майдониға энди-энди қадам босаётган шоир учун бу, албатта, ижодий ғалаба эди. Шундан сўнг “Шарқ юлдузи” журналида унинг шеърлари чоп этилади. Адабий жамоатчиликка Жамол Камолни улар кенгрок танитади.

Инсон умри руҳоний оламдан борлиқ оламиға, ундан яна охираг дунёсига муборак бир сафардир. Бу моддий оламда у боқий қолмоқ учун эмас, балки ҳақиқий ватани бўлмиш малакут оламиға қайтмоқ учун туғилади. Ораликдаги йўл – синов йўли. Ўртадаги “Майдон” – қувонч ва қайғу, меҳнат ва машаққат, рост ва ёлғон, зафар ва мағлубият, бахт ва бахтсизлик майдони эрур. Хуллас, одамнинг тақдири ва ҳаёт йўли бир сафар, бир ҳижрат мазмуниға эгадир. Ҳижрат деганда кўпчиликнинг ҳаёлида буюк жудолик, сўнгсиз ҳижрон, ғам-ғусса, кўз ёши, бир сўз билан айтганда, бахтсизлик гавдаланади. Тасаввуф тилида эса ҳижрат – ёмон ва тубан феъл-атвор, чиркин сифатларни тарк айлаб, гўзал ахлоқ ва фазилатлар юртиға бориш демак. Шоирнинг ичдаги юрти – аслида ана шу юрт. Кўзга кўринмас ана шу ботиний ўлкада нафедан қалбға, қалбдан латиғликка, ундан руҳға, руҳдан Ҳаққа ҳижрат қилади. Ва бундай тилнинг эмас – дилнинг, чекланиш ва торликнинг эмас – кенглик ва сўнгсизликнинг қули, шайдоси бўлиб яшайди. Мана шунда кўнгил – оламға, олам – кўнгилға эшик очиб, сўзни илҳом, туйғуни завқ, фикрни дард бошқаради. Дардли шеър ҳамиша сирли шеър. Буюк озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулий ёзади: *“Билурменки, сен дардли яратилмишсан. Дард эса шоирликнинг сармоясидир. Шеър ёзиш учун завқ ва сафо лозимдир дема – дарддан сўзла. Чунки сўз мусобақасида ғалаба қозонадиган дарддир”*.

Жамол Камол ижодиётининг ҳам сармояси Ҳақиқат ва Хуррият дардидир. Мен унинг дил дардларига қарши боргани, энг улуғ армонларига хиёнат қилганини эслолмайман. Шунинг учун шоир шеърлятида кўпчилик қаламкашларға хос икки қиёғалик офати кўзга ташланмайди.

*Шоир сўз айтгани келар дунёға,  
Индамай, жим туриш – шоирға ўлим.  
Қайси тоққа борай, қайси дарёға  
Товушларға тўлиб кетганда кўнглим?*

Ана шу ҳолат – ахтариш, изланиш ҳолати. Ана шу ҳолатдан ажралган шоирнинг фикр манзили турғунликдирки, ундан бирор янгилик кутиб бўлмайди. Жамол Камол бундай ҳолдан ўзини асрай билган, Ҳақиқат йўлида астойдил заҳмат чеккан шоир. Унинг “Файласуф билан суҳбат”, “Сувайдо”, “Кўғирчоқлар”, “Клубатра”, “Ҳамлет”, “Хурофот”, “Шоирға”, “Отам” сингари ўнлаб шеърларида эрк ва ҳақиқат ишқи ёниб-ёлқинланади. Чунки у ҳақиқатни ҳақиқат ўлароқ севган. Юракни тасаввурдаги ҳақиқатларға эмас, ҳақиқатнинг ўзига бағишлаган.

*Ҳақиқат, мен сени севдим,  
сени хор айласа миллат.  
Қуюндек боши узра айланур  
ҳар кун қабоҳатлар...*

*Ҳақиқат, мен сени севдим,  
ўзинг Роббимсан, Оллоҳим.  
Сени дермен, сени, гар келса  
бошимга қиёматлар...*

Жамол Камол турли шеърӣй шакл ва жанрларда қалам тебратган ижодкор. Унинг дostonнависликдаги сингари ғазалнависликдаги тажрибалари ҳам алоҳида диққатга молик.

Менинг билишимча, куйга, мусикага тобе сўз – кўшиқ. Сўзга, фикрга тобе мусика эса – шеър. “Шеър – сўз билан ифодаланган мусика” деган таъриф менга жуда мақбулдир. Навоӣй, Бобур, Машраб шеърлари, энг аввало, мана шу фикрнинг тўғрилигини исботлайди. Ахир ҳар бир шеър мисраси, ҳамма нарсадан олдин мавзун, мусиқий бир жумла эмасми? Шеърда ҳижонинг сони эмас, балки унинг саси, оҳанги муҳим-ку! Мусика шеърнинг “жавҳари”дан янграб юзага чиқади ва муваффақият воситасига айланади, хоҳ аруз, хоҳ бармоқ вазнида бўлсин, қолган ҳамма иш, ҳамма нарса айни шу мусиқани таъминлашга хизмат қилмоғи зарур. Шунинг учун шеър ўқиш, шеърнинг руҳий оламига кириб мушоҳада қила билиш улуғ бир куйни сўз билан тингловчига етказа олишдек алоҳида салоҳиятдир. Хусусан, арузда битилган шеърларнинг “ноталари” ички ва ташқи оҳанг товланишлари бўладикӣ, буни билиш учун оҳангшунослик зарур, деб ўйлайман.

Эркин Воҳидовнинг арузий шеърлари атрофидаги баҳс-мунозаралар адабиёт аҳлининг ёдидан кўтарилмаган бўлиши керак. Шўро даврида Эркин Воҳидовгача ҳам арузда шеърлар ёзилган. Аммо Эркин Воҳидовнинг қасида ва ғазаллари улардан моҳиятда ва ифодада бутунлай фарқланади. Шу фарқланиш, яъни арузни янгилаш, очикроқ айтганда, “замонавийлаштириш” тамойили Жамол Камол ғазаллари ва “Қуёш чашмаси” дostonида ҳам ёркин кўзга ташланади. Шоирнинг ошиқона ғазаллари хусусида биров у дер, биров – бу. Бироқ унинг ижтимоӣй, фалсафий мазмундаги ғазалларига фикри очик ўқувчи сира-сира юза қаролмайди.

*Мен-ку менман, элга элдек,  
Суврату сийрат қани?  
Ўтса умри бир умр  
Меҳнатланиб, заҳматланиб.  
Бир тараф афғон чекарлар  
Меҳнату заҳмат билан,  
Бир тараф даврон сурашлар,  
Роҳатланиб, ширатланиб.  
Бир тараф афтодаҳолдир,  
Ҳоли кундан-кун ёмон,  
Бир тараф доврӯқ солар  
Шуҳратланиб, шавкатланиб.  
Бир замонда аҳли давлат  
Эл сотар, иймон сотар.  
Ғайрилар бирлан мудом  
Хилватланиб, улфатланиб...*

Бу байтлар Машраб тилидан битилган бўлса-да, шўро зулмидан жони ҳалқумга келиб, эзилиб ётган эл ва найрангбоз замон аҳволини шарҳлайди. Ғазал шаклидаги мана бундай ҳасрат ифодасига мен ҳеч дуч келмаганман:

*Талон бўлдинг, элим,  
Занжирга тушдинг, нотавон бўлдинг.  
Диёнатга тупурган  
Шум даюслар озми тарихда?  
Ўзингдан чиққанинг ҳам гоҳ  
Ўзингга сирмади ханжар,  
Мунофиқ тўтилар, зоглар,  
Товуслар озми тарихда?*

\* \* \*

Айрим шоирларда ҳис-туйғу жонли-ю, моҳият паст бўлади. Бошқа бирларида ҳис, фикр жойида, аммо шахсият ва маҳорат баландмас. Шунинг учун ўзи сўзидан, холи санъатидан юксалиб кетолмайди. Энг ёмони, Оллоҳ уларни руҳий изтиробдан қисган.

Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон “Кўкси куйик шоир” номли мақоласида “Жамол Камол шеърляти, энг аввало, руҳий қашшоқликка қарши бўлган ёлқинли шеърлятдир... Шоирнинг ҳар бир шеъри, жамиятга руҳ бермоқни истаган тафаккурдан, юксак мақомли илҳомдан тузилган”, – дейди.

Адабиётга олтмишинчи йилларда кириб келган адабий авлод янги ва янгиланаётган ижод жараёнида нимага куч сарфлаш ва ўқувчи нигоҳини нимага қаратишни ҳақиқатда яхши билишган. Улар буюк салафлари Чўлпон, Фитрат, Қодирийлар билан бошланган миллий руҳ ва миллий маслакни давом топтиришга ҳам йўл излашган. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфилар қатори Жамол Камол шеърляри шу жиҳатдан ҳам ёшлар кўнглига ўзгача бир таъсир ўтказган. Шоирнинг илк шеърлий тўплами “Олам кирар юрагимга” ҳақпарастлик, эрк ва исён руҳи билан менга жуда мақбул тушган. Ундаги айрим шеърлар худди мен учун – менинг мавҳум ҳолат ва исмсиз изтиробларимни акс эттирмоқ учун ёзилганга ўхшарди:

*Нега мен баъзида маъюс, безабон,  
Сизга баён этсам, дўст-ҳамдамларим.  
Мазмундорлигини пеш айлаб мудом,  
Ортимдан юради дарду ғамларим...*

Шоир саккизликлари фикр уйғотиб, мушоҳадага ундаши боис улар мени ҳамон қизиқтириб келади.

*Анави олимми? Эски таниши-ку,  
Ўзини ҳар кун бозорга солар.  
Манфаат савдоси билан машғул у,  
Манфаат сотар у, манфаат олар...*

Илм-фан таназзули, манфаат олди-сотдиси ва кўр-кўрона шахсий содиклик “малака”си билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Жамол Камолнинг нуқтаи назари бўйича, “шеър – ҳаракатдаги ҳиссиёт, ҳиссиётдаги фикр. Ёки аксинча: ҳаракатдаги фикр, фикрдаги ҳиссиёт”. Бунинг тазаҳҳурини эса истеъдод белгилайди. Истеъдоднинг асосий уч белгиси бор. Булар “Сўз туйғуси, ҳақиқат туйғуси, нафосат туйғуси. Ана шу уч туйғу бирлашган жойда чинакам шеър туғилади”. Жамол Камол шеърлари – кўпчилиги шу уч туйғу бирлиги ва мутаносиблигидан яралган. У сўзни нозик ҳис этганидек, ҳақиқат ва гўзаллик туйғусига ҳамиша содик. Шарқ мумтоз адабиёти – Жамол Камолга, энг аввало, нафосат, руҳоният манбаи ва муҳташам ижод санъатхонасидир. Руҳониятсизлик, санъат эҳтиросидан маҳрумликни у туркий ва форсий шеърятга меҳр ва ихлос туфайли ҳам бартараф айлай олган.

Шарқона руҳ, ҳол, маъно ва тасвирлар унинг шеърятда янги раанг, оҳанг ва жозиба билан шеърхон кўнглини ром этади. Шоирнинг айтарли барча шакл ва жанрдаги шеърларида ҳассослик, ёрқин бир латифлик ярқираб кўзга ташланиб туради. У Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий каби салафларга издошлик масъулиятини теран ҳис этади. Шу билан бирга у туркий ва форсий шеърят орасида янги бир муҳташам кўприк яратди. Бу кўприк орқали ўзбек китобхони Фаридиддин Аттор, Мавлоно Румий, Маҳмуд Шабустарий, Абдурахмон Жомий шеърят бўстонига сайр айлаш ва ундан баҳраманд бўлиш имконига эришди. Менинг назаримда, Аттор, Румий таржимони Жамол Камол билан унганча бўлган Жамол Камолнинг тафаккур ва маънавият дунёсида сезиларли эврилиш ва юксалиш содир бўлган. Бунинг шоирнинг кейинги йилларда яратилган асарларининг нафаси, маъно салмоғи ва ифода усуллари билан пайқаш қийинмас.

Жамол Камол собиқшўро замонида ҳам куллик, қарамлик, босқинчилик хийла-найрангларига қарши шеърлар ёзган.

Мустамлакачилик истибдоди ва сиёсатини мозий орқали фош этиш, замон муаммоларини тарих воситасида бадиий талқин қилиш олтмишинчи йиллар ва ундан кейинги давр адабиётимиз учун ўзига хос бир йўл ва усулга айланган эди. Шоир араб босқини талқинига бағишлаб ёзган “Варахша” достонида тарих “либоси”га ўраб мана нималарни айтганди:

*Олам шоҳид ҳар бир юртга босқинчи  
Эзгуликни шиор қилиб қиради.  
Бошлар узра ўйнар экан қиличи,  
Шиорини такрор этиб туради.*

*Мана бу нур дейди, пуркайди тутун,  
Мана поклик дейди, булғайди бутун.  
Мана тенглик дейди, лекин қул этар,  
Тарихингга ўтлар қўйиб, қул этар...*

*Замин кетар, давлат кетар, дил кетар,  
Ўзлик кетар, шавкат кетар, тил кетар...*

Бу тарих кўзгусида иккинчи бир машъум тарихни акслантириш жасорати эмасми? Жамол Камолни қарийб ярим асрдан буён биламан. Шунча

вақт мобайнида унинг шахсидан кўра ижодиётини, ижодиётига қараганда шахсини кўпроқ кузатганман. Бироқ на ҳаётда, на ижодда тубанлашиб риёкорлик ва ўйинчилик қилганини пайқамаганман. Буни ҳаётда, муносабат ва амалда кўрганим энг ноёб ҳодиса деб ҳисоблайман. Шоир бир шеърда ёзадики:

*Тўйми ё маърака, ҳар ҳолда йигин.  
Ёниб сўз айтарди ўртада ўғлон.  
Қўшим қўшнисига энгашиб секин,  
Шивирлаб дедик, ҳаммаси ёлгон...*

*Ошнам, сайрайверма, ҳуда-беҳуда,  
Иззатнинг сазаси қайтгай, қайтмагай,  
Одамлар шивирлаб бир-бирларига,  
Ҳаммаси ёлгон, деб яна айтмагай...*

Шундоқ бир даврга етишдикки, ёлгон ва қаллобликда босқичма-босқич илдамлаганларнинг сўз ва нутқларини тинглаб, шивирлаб эмас, баралла “ҳаммаси ёлгон” дейилса ҳам улар уялмайдиган бўлишди. Шу боис юртда эзгу фикр, олий тушунча, дахлсиз ҳақиқатларга ишонч ниҳоятда пасайиб ё турғунлашиб кетди. Кўпчиликнинг тилидаги ғайрат билан дилидагиси, орзусидаги эркинлик билан турмушдагиси бир-бирига мувофиқ келмайди. Совет давридан бери сиёсий, мафкуравий тарғиботчилик байроғини қўлдан бермай келаётганларни эса омма онгидаги ўзгариш ҳам, норозилик ҳам айтарли қизиқтирмайди. Чунки улар онг ва идрокдаги турғунлик ҳамда ялқовликдан манфаатдор. Жамол Камол сайланмасининг иккинчи китобидан публицистик мақолалар ўрин эгаллаган. Улардан бири “Фикрсизлик фожиаси” деб номланган. Бу мақолаларнинг аксариятини фикрсизлик қабоҳатини ёндириб, асрий зулматини ёритувчи машъалга қиёсласа, ғалат бўлмайди.

“XV асргача дину диёнатимизда, – дейди шоир “Сурат нимаю сийрат нима?” мақоласида, – сийратпарастлик устун бўлган. Моҳиятга қаттиқ эътибор қилишган. Мирзо Улуғбекнинг боши кесилиши билан сийратпарастликнинг ҳам боши кесилган. Суратпарастлик даври бошланган”. Бу давр ҳозиргача давом этаётир. Лекин суратпарастликнинг оқибати ҳануз жиддий мулоҳаза этилганмас.

Навоий сабоқлари хусусида кўп гапирилади. Лекин мутафаккир шоир “аҳли сурат”га подшоҳликдан “аҳли маъни”га гадоликни нега устун қўйганлиги ўйланмайди. Қанчадан-қанча ахлоқий хасталик, маънавий иллат, маданий фожиалар зоҳирпарастликдан туғилиши умуман хаёлга ҳам келтирилмайди. Авом эса моддий куч ва ҳукмронликдан ўзгасини тан олмайди. Жамол Камолнинг кўз нуруни аямай, Шекспир драмаларини таржима қилгани-ю, Ҳазрати Али девонини ўзбекчалаштиргани ҳеч бир одамни сира қизиқтирмайди, у эркинлик “юки”ни кўтаришни хоҳламайди.

Истиклолдан кейин унча кўп муддат ўтмай Ўзбекистонда ҳам шунга монанд ҳолат ва кайфият юзага келди. Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен ҳам ҳур туғулғонсен” чорлови кўнглида акс-садо уйғотган, илм ва ижод аҳли ҳам мутеликка кўниб, “оч қорним,



тинч қулоғим” қабилда кун кечиришга ўтиб олишди. Бу хавфли ҳолатга қарши овоз чиқариб сўз айтганлардан бири Жамол Камол эди. 2002 йилда ёзилган “Навоий ва биз” мақоласида у мана нима деган: “Асрлар давомида турғунликда шаклланган ўзбек менталитетининг таркибий бир қисми турғунлик психологияси. Унинг шиорларига диққат қилинг: “Ўзингни бил, ўзгани кўй”, “Ҳозирни ҳузур бил”, “Эплабди, қандини урсин”, “Давринг келди, сур, бегим”, “Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан”. Бундай зехният билан халқ қандай қилиб тараққиётга эришсин? Асрлар ўтса ҳамки, бир ерда депсиниб тураверади у. Зехният бу – халқнинг сифати демак. Токи уводаси чиққан зехниятдан қутулмас эканмиз, биримиз икки бўлишига кўзим етмайди”. Турғунлик психологияси миллатнинг ҳануз биринчи душмани бўлиб турибди. Уводаси чиққан зехният, ожиз ва биқик шуурга суяниб мақтаниш ҳануз жуда хунук, жуда ёқимсиз туюлади. Ҳамма шоиру ёзувчига ишонавермаслик керак. Улар сафида ҳақиқат туйғуси шаклланган, диёнат ҳиссига соҳиблари кўпмас. Жамол Камолнинг бир ғоявий, мафкуравий “майдон”дан иккинчисига сакраб ўтмагани, бир эътиқодни бошқасига алмаштирмаганига тан бериш керак. Кейинчалик ўзини маддоҳлик, хушомад қурбони ўлароқ ҳис қилган шоирга қарата у мана бундай сатрларни тизиши бежизмас:

*Шоирим, ўтасан сен ҳам муқаррар,  
Гарчи ардоқлисан, гарчи суюксан.  
Шижоат туйғуси билан мукамал,  
Шижоат туйғуси билан буюксан!*

*Лекин сен ҳам агар этиб номардлик,  
Сен ҳам ўз-ўзингни ўйласанг фақат.  
Демак, соб бўлибди, оламда мардлик,  
Демак, рўй берибди қора қабоҳат...*

Бу мисралар қарийб қирқ йил муқаддам битилган. Ўшандан буён қанча сувлар оқиб ўтмади. Лекин Жамол Камол шоирлик маслағи, шижоати ва эътиқодига хиёнат қилмаганидек, моддий ва нафсоний эҳтиёжлар илинжида турланиб-тусланишни ўзига раво кўрмади. Бу катта гап, шоирликнинг бош талаби ҳам – шу!

*Иброҳим ҲАҚҚУЛ,  
филология фанлари доктори,  
профессор*

DRAMA



**БЕРТОЛЬД БРЕХТ**

(1898–1956)

**СИЧУАНДАН ЧИҚҚАН  
МЕҲРИБОН**

(пьеса-парабола)

*Рус тилидан  
Жамол КАМОЛ  
таржимаси*

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

**ВАН – мешкоб  
УЧ ФАРИШТА  
ШОЙ ДА (ШЕН ДЕ)  
ЯН СУН – ишсиз учувчи  
ЯН ХОНИМ – унинг онаси  
БЕВА ШИН  
САККИЗ КИШИДАН ИБОРАТ ОИЛА  
ДУРАДГОР ЛИН ТО  
УЙ ЭГАСИ МИ ДЗЮ ХОНИМ  
ПОЛИЦИЯЧИ  
ГИЛАМФУРУШ  
УНИНГ ХОТИНИ  
ҚАРИ ФОҲИША  
ЁШ ФОҲИША  
САРТАРОШ ШУ ФУ  
БОНЗА  
ОФИЦИАНТ  
ИШСИЗ  
ПРОЛОГДАЙЎЛОВЧИ-ЎТКИНЧИЛАР**

*Воқеа ярим европалашган Сичуан марказида кечади. Ер юзида одамни одам эксплуатация қиладиган ҳамма жойлар Сичуан вилояти тимсолида умумлаштириб олинган, Сичуан ҳозир шундай жойлар сирасига крмайди.*

**ПРОЛОГ**

*Сичуан марказида бир кўча. Оқшом. Мешкоб Ван томошабинларга ўзини танитади.*

ВАН. Мен шу ерлик мешкоб – Сичуан марказида сув сотаман. Касбим оғир. Сув камайса, олисдан ташиб келишга тўғри келади. Сув камайса, чақаси оз тушади. Умуман вилоятимизда йўқчилик авжига чиққан. Ҳаммининг умиди фақат фаришталардан, ҳамма шундоқ дейди. Энди менинг севинчимни тасаввур қилаверинг, қорамол билан савдо қилувчи ошнам – у ҳар гўрда бўлади – айтдики, бир неча машхур фаришталар йўлга чиқишганмиш. Улар Сичуанга ҳали замон келиб қолишса, ажабмас. Кўкка кўтарилаётган арзу додлардан осмону фалак ҳам ташвишга тушганмиш. Мана, мен сирасига учинчи кун, айниқса, окшомлари меҳмонларга биринчи бўлиб пешвоз чиқиш учун ана шу шаҳар дарвозаси олдида турман. Бу ишни орқага суролмайман. Нега десангиз, уларни олий мартабали зотлар дарров ўраб олишади, кейин яқинлашиб бўлмайди. Ҳа, дарвоқе, уларни қандай қилиб таниб олсам экан? Бир йўла ҳаммаси келишмаса керак. Жудаям эътиборни тортмаслик учун битта-битталаб келишса керак. Манавилар фаришталарга ўхшамайди, ишдан қайтишяпти. *(Ён веридан ўтаётган ишчиларга тикилиб қарайди)* Юк ташийвериб, елкалари қапишиб кетган. Манави-чи? Қанақасига фаришта бўлсин – бармоқлари сиёҳга ботган. Наридан борса, цемент заводидан хизматчидир. Ҳаттоки, мана бу икки жаноб ҳам... *(Ёнидан иккита эркак ўтади)* чамамда, фаришта эмас. Юзлари, бировларни уриб-калтаклашга ўрганган одамлардек бешафқат, фаришталарга бировларни уриб-калтаклашнинг нима ҳожати бор! Мана, тагин учтаси! Булар – бошқа гап. Миқти гавдали, бир иш билан машғул бўлишгани ҳам маълум эмас, кавушлари чанга ботган, демак, олисдан келишяпти. Ўшалар, ўшаларнинг худди ўзи! О, оқилу донолар, амрингизга мунтазирман!

*(Тиз чўкиб, ер ўпади).*

**БИРИНЧИ ФАРИШТА** *(қувониб)*. Бизни бу ерда кутишяптими?

ВАН *(уларга сув тутиб)*. Кўпдан кутишяпти. Аммо ташрифингиздан ёлғиз хабардор – мен.

**БИРИНЧИ ФАРИШТА**. Тунаш учун бизга жой керак. Балки сен айтарсан, қаерда тунасак бўлади?

ВАН. Қаерда дейсизми? Истаган жойингизда! Бутун шаҳар изму ихтиёрингизда, оқилу донолар. Қаерни хоҳлайсиз?

*Фаришталар бир-бирларига маъноли қарашади.*

**БИРИНЧИ ФАРИШТА**. Масалан, энг яқин уйга жойлаша қолсакмикин дейман, ўғлим! Энг яқинига жойлашишга бир уннаб кўрайлик!

ВАН. Мен боёнларимиздан биттасининг уйини танлаб, бошқасидан балога қолмасам эди, деб кўрқаман.

**БИРИНЧИ ФАРИШТА**. Бас, шундоқ экан, сенга амр этамиз, энг яқинидан бошлайвер!

ВАН. Бу уйда Фо жаноблари яшайдилар! Бир дақиқа сабр... *(Югурганча уй ёнига бориб, эшикни қоқади)*

*Эшик очилади, лекин Ван рад жавоби олгани маълум бўлади. У чўчинқираб, изига қайтади.*

ВАН. Омадимиз келмади! Фо жаноблари уйда йўқ эканлар, хизматкорлар у кишининг буйруғисиз бирор иш қилишолмайди, хўжайинлари бағоят қаттиққўл! Ўзлари ҳам эшикдан кимларнинг қайтиб кетганини эшитиб, роса жаҳлга минсалар керак, шундоқ эмасми?

**ФАРИШТАЛАР** *(қулимсираб)*. Албатта.

ВАН. Яна бир дақиқа сабр! Шундоқ ён томондаги уй бева хоним Суга тегишли. У жуда хурсанд бўлади. *(уйга қараб югуради, аммо, афтидан, яна рад жавобини олади)* Мен яхшиси нариги томонга ўта қолай. Бева битта хужрам бор, у ҳам ивирсиб ётипти, дейди. Мен ҳозироқ Чен жанобларига мурожаат қиламан.

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Бизга кичик хужра ҳам бўлаверади. Айт, биз ўшани ижарага оламиз.

ВАН. Ҳатто ивирсиган, ичи тўла ғиж-ғиж ўргимчак бўлса ҳам-а?

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Зиёни йўқ! Ўргимчак бор жойда пашша бўлмайди.

УЧИНЧИ ФАРИШТА *(очиқ чехралик билан Ванга)*. Ўғлим, жаноб Ченми ёки бошқа бировнинг эшигига борақол, ростини айтсам, ўргимчакларни жиним суймайди.

*Ван қай бир эшикни қоқиб ичкари киради.*

УЙ ИЧИДАН ОВОЗ. Фаришталарингни бошимга ураманми! Шусиз ҳам ташвишим ошиб ётипти!

ВАН *(фаришталарнинг ёнига қайтиб)*. Чен жанобларининг кайфияти бузуқ, уйи тўла қариндошлар, у сизга кўринишга истиҳола қилапти, азизлар. Чамамда, бу албатта ўзаро гап, улар орасида ёмон одамлар борга ўхшайди. У ўшаларни кўриб қолишингизни истамайди шекилли. Қаҳригазабингиздан кўрқади. Ҳамма бало шунда.

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Наҳотки биз шу қадар даҳшатли бўлсак?

ВАН. Ёмонлар учун даҳшатлисиз, шундоқ эмасми? Мана, масалан ўн йилдирки Кван вилоятини сув босиб, халойиқ зарар кўради, сабабки, Худонинг қаҳрига учраган!

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Йўғ-ей? Нега энди?

ВАН. Негаки, у ерда нукул даҳрийлар яшайди.

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Бекор гап! Тўғриси, улар тўғонни тузатишмаган.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Секинроқ! *(Ванга)* Ўғлим, сен ҳали ҳам умид қиласанми?

ВАН. Шундоқ дегани қандай тилингиз боради? Яна битта уй нарига ўтсак, бас, олам гулистон, сиз учун ётоқ муҳайё. Ҳамма кўзи тўрт бўлиб сизни кутиб турипти. Фақат омад келмаяпти, холос, тушундингизми? Хўп, мен югурдим! *(Секин нари кетади ва қаёққа боришини билмай, кўча ўртасида қаққайиб туриб қолади)*

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Хўш, мен айтмабмидим?

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Барибир, фикри ожизимча, бу оддий бир тасодиф.

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Шун вилоятида тасодиф, Кванда тасодиф ва Сичуанда тасодиф. Ер юзида энди ҳеч ким Худодан кўрқмайди – сиз ана шу ҳақиқатни тан олишдан кўрқасиз. Иқрор бўлаверинг, ишингиз чипакка чиқди!

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Биз ҳали яхши кишига дуч келишимиз мумкин. Ҳар дақиқада! Дафъатан чекиниш ярамайди.

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Қарорда нима дейилган эди: инсон деб аталишга лойиқ инсонлар ерда етарли экан, дунё дунёлигича қолади. Мешкоб, янглишмасам, ана шундай инсонлардан. *(Ҳамон аросатда турган Ванга яқинлашади)*

ИККИНЧИ ФАРИШТА. У янглишди. Мешкоб ҳали бизга сув тутганида, мен бир нарсани пайкаган эдим. Мана унинг кружкаси! *(Уни биринчи фариштага кўрсатади)*

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Тагида яна тағламаси бор.

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Қаллоб!

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Майли, бу ҳисобга кирмайди, битта нотавон учраса, нима кипти? Биз ҳали инсонга муносиб ҳаёт кечиришга қодир бўлганларни албатта учратамиз. Биз уларни учратишимиз шарт! Мана, икки минг йилдирким, фарёду фиғонлар фалакнинг қулоғини коматга келтиради, шундок давом этавериши яхши эмас! Бу дунёда ҳеч кимса яхши одам бўлолмайди! Биз, ниҳоят, илоҳий фармойишларга амал қиладиган инсонларни топиб кўрсатишимиз керак.

УЧИНЧИ ФАРИШТА *(Ванга)*. Балки, бошпана топиш жудаям мушкулдир?

ВАН. Сиз учун мушкул эмас! Узр! Дарҳол топилмаганига айбдор – мен, ёмон изляпман.

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Гап, албатта, бунда эмас. *(Изига қайтади)*.

ВАН. Улар пайқаб қолишди. *(Ўткинчига)* Муҳтарам жаноб, безовта қилаётганим учун афу этасиз. Биласизми, Сичуан халқи шунча йиллардан буён ана келади, мана келади деб орзиқиб кутаётган уч қодир фаришта ниҳоят қадам ранжида этишди, улар бошпанага муҳтож. Ҳой, сабр қилинг! Ишонмасангиз, мана, ўзингиз кўринг! Бир қарасангиз, кифоя! Худо ҳақи, ёрдам қилинг! Омадингиз келипти, фойдаланиб қолинг! Бошқалар илиб кетмасидан олдин фаришталарни уйингизга таклиф қилинг, рози бўлишади.

*Ўткинчи йўлида давом этади.*

*(Бошқа бир ўткинчига мурोजаат қилади)*. Муҳтарам зот, эшитдингизми? Балки сизда бошпана бордир? Кошона бўлиши шарт эмас. Ҳамма гап – яхши ниятда.

ИККИНЧИ ЎТКИНЧИ. Фаришталаринг қанақа фаришта ўзи, пешонасига ёзиб қўйганми? Уйимдан жой бериб, балога қолиб ўтирмай тағин. *(Тамаки дўконига қиради)*.

ВАН *(югурганча, фаришталар ёнига қайтади)*. У рози бўладиганга ўхшайди. *(Ўз кружкасининг ерда ётганини кўриб, фаришталарга ҳайрон бўлиб қарайди, сўнг кружкани қўлига олиб, яна югурганича кетади)*.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Бу жилла хушхабар эмас.

ВАН *(тамаки дўконидан чиқиб келган ўткинчига)*. Хўш, бошпана берасизми?

ИККИНЧИ ЎТКИНЧИ. Уйим борлигини қаёқдан биласан, балки меҳмонхонада яшарман?

БИРИНЧИ ФАРИШТА. У барибир топа олмайди. Сичуанни ҳам рўйхатдан ўчиришга тўғри келади.

ВАН. Уч қодир фаришта! Ишонинг, сўзларим чин! Ибодатхонадаги ҳайкалларнинг худди ўзи! Агар фурсатни бой бермай, уларнинг олдига бориб, таклиф этсангиз, балки рози бўлишар.

Иккинчи ўткинчи *(қулиб)*. Сен жойлаштирмоқчи бўлган кимсалар пихини ёрган муттаҳамлар бўлса керак. *(Кетади)*.

ВАН *(унинг ортидан сўкиниб)*. Муттаҳам чайқовчи! Худодан кўркмайсанми? Бағритошлигинг учун жаҳаннам оловида ёнасан! Фа-

ришталар сендақаларга тупуришади! Шошма, ҳали пушаймон ейсан! Етти уруғингга қадар жазога дучор бўласанлар! Сендақаларни деб бутун Сичуан маломатга қолди. *(Пауза)* Энди ёлғиз Шен Де қолди, у “йўк” деёлмайди-ку. *(Чақиради)* Шен де!..

*ШЕН ДЕ юқоридаги дераза ойнасидан қарайди.*

Улар келиб қолишди, мен уларга бошпана тополмаяпман. Сен бир кечага қабул қилолмайсанми?

ШЕН ДЕ. Қабул қилолмасам керак, Ван. Мен меҳмон кутаяпман. Нахотки, сен уларга бошпана тополмадинг?

ВАН. Ҳозир бу гапнинг мавриди эмас. Бутун Сичуан – бошдан-оёқ маразлар макони.

ШЕН ДЕ. Бўлмаса-чи, у келса, мен бекиниб тураман. Шунда балки кетиб қолар. Шу етмагандай, мен билан сайр қилишни ҳам истаб қолипти.

ВАН. Биз тепага чиқиб турсакмикин-а?

ШЕН ДЕ. Фақат баланд овозда гаплашманглар. Улар билан очикчасига гаплашса бўладими?

ВАН. Худо асрасин! Улар сенинг ҳунаринг тўғрисида ҳеч нарса билмасликлари лозим. Йўк, яхшиси, биз пастда кутиб турамиз. Ҳойнаҳой, сен у билан кетиб қолмайсанми?

ШЕН ДЕ. Ишим чаток, эртагача ижара ҳақини тўламасам, мени уйдан хайдашади.

ВАН. Шундай пайтда ҳисоб-китоб қилиб ўтиришинг яхши эмас.

ШЕН ДЕ. Қайдам. Афсуски, подшомизнинг туғилган кунида ҳам қорин қурғур қулдирайверади. Ҳа, майли, уларни қабул қиламан.

*У чироқни ўчиради.*

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Афтидан, яна омадимиз юришмади.

*Фаришталар Ваннинг ёнига келишади.*

ВАН *(ортида турган фаришталарни кўриб, сесканиб тушади)*. Бошпана топилди. *(Юзидаги терларни артади)*.

ФАРИШТАЛАР. Ростми? Ундок бўлса, бора қолайлик.

ВАН. Бирпас сабр қилинг. Хужрани йиғиштириб бўлишсин.

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Бўлмаса, шу ерда кута турамиз.

ВАН. Бу ер серкатнов жой экан. Яхшиси, нариги томонга ўта қолайлик.

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Биз одамларга разм солиб қарашни яхши кўрамыз. Нафсиламрни айтганда, бу ёққа келишимиздан ҳам муддао шу.

ВАН. Тўғрику-я, лекин бу ер елвизак жой экан.

ИККИНЧИ ФАРИШТА. О, биз чиниққан одамлармиз.

ВАН. Балки сиз тунги Сичуанни томоша қилмоқчидирсиз? Жиндак сайр қилиб келмаймизми?

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Бугун биз етарлича йўл босдик. *(Кулимсираб)*. Бордию бу ердан кетишимизни истасанг, буни очик қилиб айтавер.

*Нари кетишади.*

Хўш, энди хурсандмисан?

*Улар бир уйнинг зинапоясига бориб ўлтиришади.*

ВАН*(улардан бир неча қадам нарида, ерга ўтиради, нафасини ростлаб)*. Сиз кимсасиз бир кизникида турасиз. Сичуанда у яхши одам саналади.

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Жуда соз!

ВАН(томошабинларга). Мен кружкамни олганимда улар менга ғалати қилиб қарашди. Пайқашган бўлса-я? Мен энди уларнинг кўзига қандай қарайман?

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Жуда чарчабсан.

ВАН. Ҳа, сал-пал. Югур-югурдан...

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Хўш, бу ерда одамлар ёмон яшашадими?

ВАН. Яхшилар ёмон яшашади.

БИРИНЧИ ФАРИШТА(жисддий). Сен ҳамми?

ВАН. Нима демокчисиз, мен билиб турибман. Мен яхши одам эмасман. Аммо менга ҳам осон тутманг.

*Шу орада Шен Де уйи олдида бир эркак пайдо бўлади. У бир неча бор ҳуштак чалади. Ван ҳар гал бир сесканиб тушади.*

УЧИНЧИ ФАРИШТА (Ванга секин). Назаримда, у кутмасдан кетиб қолди.

ВАН(довдираб). Ҳа, ҳа.

*(Ўрнидан туриб, кўза ва кружкасини қолдириб, майдонга қараб чопиб кетади).*

*Шу пайт қуйидаги воқеалар рўй беради: кўчада кетаётган эркак кетиб қолади, Шен Де уйдан чиқиб “Ван” деб секин чақирганча, кўчада уни излайди. Ван ҳам “Шен Де” деб секин чақиради, аммо унга ҳеч ким жавоб бермайди.*

ВАН. У мени алдади. Ижара ҳақиға пул ишлайман деб кетиб қолди, энди оқилу доноларни қаерга жойлаштиришга ҳам ҳайронман. Улар чарчаган ва кутишяпти. Мен уларнинг олдига бориб, яна “Бошпана йўқ” деб қандоқ айтаман? Ўз уйим – сув оқадиган қувур, уни уй қаторига кўшиб ҳам бўлмайди. Бунинг устига, фаришталар ўзлари қаллоблигини пайқаган бир кимсаникида туришни албатта исташмайди. Энди ўлсам ҳам, уларнинг олдига қайтиб бормайман. Вой, у ерда идишим қолди-ку. Нима қилсам экан? Йўқ, бориб, уни ололмайман. Яхшиси, шаҳардан бош олиб кетаману уларга қорамниям кўрсатмайман. нега десангиз, ўзим сажда қилиб, сиғиниб юрган зотларга ёрдам беролмадим.

*(Югурганича кетади. Унинг қораси ўчар-ўчмас, Шен Де қайтиб киради, Ванни излаб, фаришталарга кўзи тушади.)*

ШЕН ДЕ. Бу сизмисиз, оқилу донолар? Менинг исмим Шен Де. Менинг кулбамга қадам ранжида этсангиз, хурсанд бўлардим.

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Дарвоқе мешкоб қаёққа ғойиб бўлди?

ШЕН ДЕ. Чамаси, биз у билан йўлни адаштириб қўйдик.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. У сени келмайди деб ўйлаб, бизнинг олдимизга қайтиб келишга чўчиди.

УЧИНЧИ ФАРИШТА (кўза билан кружкани ердан олиб). Буларни сенга қолдирамиз. Булар ҳали унга керак бўлади.

*Шен Де бошлаб, улар уйга киришади. Саҳна қоронгулашиб, яна ёришади. Тонготарда фаришталар уйдан чиқиб келишади. Шен Де олдинга тушиб, чироқ билан уларнинг йўлини ёритади. Улар хайрлашадилар.*

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Азизам Шен Де, меҳмондорчилик учун ташаккур. Бизга фақат сен бошпана берганингни сира унутмаймиз. Мешкобга идишларини бериб, яхши одамни бизга топиб бергани учун ташаккуримизни айтиб қўй.

ШЕН ДЕ. Мен яхши одам эмасман. Очиғини айтсам, Ван сизга деб бошпана сўраганда, мен иккиландим.

**БИРИНЧИ ФАРИШТА.** Иккиланиш, агар у енгиб ўтиларкан, зиён қилмайди. Билиб қўй, сен бизга фақат тунаш учун жой бермадинг, кўпроқ нарса бердинг. Кўпчиликда, ҳаттоки биз фаришталарда ҳам – Ер юзид а яхши одамлар қолдимикин, деган шубҳа пайдо бўлди. Ана шуни аниқлаш учун йўлга чиқдик. Биз мамнуният билан яна йўлга тушамиз, негаки, битта яхши одамни учратдик. Хайр!

**ШЕН ДЕ.** Сабр қилинг, оқилу донолар, мен яхши киши эканлигимга унчаям ишонмайман. Тўғри, мен яхши одам бўлишни истардим, лекин ижара ҳақини қандай тўлайман? Иқрорман, мен тирикчилик деб ўзимни сотаман. Лекин шу йўл билан ҳам тирикчилик қилиш қийин, нега десангиз, бу йўлни тутганлар оз эмас. Бас, шунинг учун, мен ҳаммиша ҳамма нарсага тайёрман. Хўш, айтингчи, ҳамма нарсага тайёр бўлмаган ким бор? Албатта, мен катталарни иззат-ҳурмат қилиш, ёлғон сўзламаслик каби илоҳий фармойишларни жон деб бажо этардим. Бировнинг уйига кўз тикмаслик – мен учун қувонч, битта эркакка содиқ бўлиш – менга роҳат. Мен яна бошқанинг кучидан фойдаланиш, ғариблар кўнглига озор беришни ҳам истамасдим. Аммо не илож? Самовий фармойишларни бузиб ҳам, зўрға кун кўрамиз.

**БИРИНЧИ ФАРИШТА.** Булар ҳаммаси, Шен Де, яхши кишининг шубҳа-гумонлари.

**УЧИНЧИ ФАРИШТА.** Хайр, Шен Де! Мешкобга самимий салом деб қўй. У бизга дўст эди.

**ИККИНЧИ ФАРИШТА.** У бизни деб заҳмат чекди.

**УЧИНЧИ ФАРИШТА.** Бахтинг ёр бўлсин!

**БИРИНЧИ ФАРИШТА.** Энг муҳими, раҳмдил, меҳрибон бўлиб қолавер! Хайр, Шен, Де!

*Ўғирлиб, кета бошлайдилар, “хайр” маъносида бош силкийдилар.*

**ШЕН ДЕ (қўрқиб).** Аммо мен ўзимга ишонмайман, оқилу донолар! Ҳамма нарса шундоқ қиммат-қирон бўлиб турганда, қандай қилиб мен раҳмдил бўлай?

**ИККИНЧИ ФАРИШТА.** Бу ўринда, афсуски, биз ожизмиз. Иқтисод масалаларига аралаша олмаймиз.

**УЧИНЧИ ФАРИШТА.** Тўхтанглар! Жиндак сабр. Бироз маблағи бўлганда, унинг яхши одам бўлиб қолиши балки осонроқ бўларди.

**ИККИНЧИ ФАРИШТА.** Унга ҳеч нарса беролмаймиз, ҳаққимиз йўқ. Буни тепадагиларга тушунтириб бўлмайди.

**БИРИНЧИ ФАРИШТА.** Нега бўлмас экан?

*Шивирлашадилар, қизгин тортишув.*

*(Шен Дега, хижолатомуз).* Эшитишимизча, ижара ҳақи тўлашга қийналиб қолибсан. Биз жилла қашшоқ-бечоралар эмас. Бошпана ҳақи тўлашга қурбимиз етади. Мана, ол! *(Унга пул узатади.)* Фақат пул берганимиз ҳақида бировга оғиз очма. Гапни чуватиб юришади.

**ИККИНЧИ ФАРИШТА.** Чуватганда қандоқ!

**УЧИНЧИ ФАРИШТА.** Йўқ, бунга йўл бор. Биз қоидани бузмадик, бошпана учун ҳақ тўладик, холос. Қарорда бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган. Хўп, хайр!

*Фаришталар бир зумда зойиб бўлишади.*



*Кичик тамаки дўкони.*

*Дўкон ҳали яхши жихозланмаган, берк.*

ШЕН ДЕ (*томошабинларга*). Мана, фаришталарнинг кетишганига ҳам уч кун бўлди. Улар бошпана ҳақи тўлашди. Бир пайт, нима беришди экан деб бундоқ қарасам, қўлимдан минг кумуш доллардан зиёд ақча. Мен ана шу ақчага тамаки дўкони сотиб олдим. Кеча бу ёққа кўчиб ўтдим, кўп хайрли ишлар қиламан, деган ниятим бор. Масалан, шу дўконнинг собиқ эгаси Шин хоним. У кеча келиб, болалари учун гуруч сўради. Мана, у бу-гун ҳам майдонни кесиб, хурмачасини қўлтиқлаб, бу ёққа келаяпти.

*Шин киради. Улар таъзим адо билан саломлашадилар.*

Ассалому алайкум, Шин хоним.

ШИН. Ваалайкум ассалом, Шенбону. Янги уйда кайфиятингиз нечук?

ШЕН ДЕ. Дуруст. Болаларингиз бу кеча яхши ухлашдимиз?

ШИН. Бегона уй – бегона экан! Ўша чолдеворни уй дейишга ҳам тилинг бормайди. Кенжатоим ҳалитдан йўталаяпти.

ШЕН ДЕ. Бу яхши эмас.

ШИН. Сиз нима яхши эмаслигини яхши билмайсиз, негаки ўзингиз яхши яшайсиз. Аммо бу дўкончада бир нималарни татиб кўришингизга тўғри келади. Унутманг, бу ер – камбағаллар маҳалласи.

ШЕН ДЕ. Ҳа, лекин тушликда, ўзингиз айтганингиздек, цемент заводи ишчилари ҳам кириб туришади, шундоқ эмасми?

ШИН. Улардан бўлак ҳеч ким ҳеч нарса сотиб олмайди, хаттоки кўшнилари ҳам.

ШЕН ДЕ. Дўконни сотганда бу ҳақда лом-мим демагансиз.

ШИН. Етишмай тургани – шу таъна қилишингиз эди! Болаларимни уйдан маҳрум қилганингиз озмиди! Яна исқирт дўконча, камбағаллар маҳалласи деб жириллайсиз. Ноинсоф!..(*Йиғлайди*)

ШЕН ДЕ (*шоша-пиша*). Мен сизга ҳозир гуруч келтираман.

ШИН. Мен яна жиндак пул қарз сўрамоқчи эдим.

ШЕН ДЕ (*хурмачага гуруч солаётиб*). Бунинг иложи йўқ, қўлимга ҳали бир чақа ҳам тушмади.

ШИН. Менга пул керак. Бўлмаса, қандоқ яшайман? Сиз бор нарсамни олдингиз, энди тупроққа қориштирамоқчимисиз? Мен болаларимни келтириб оёғингиз остига ташлайман, қонхўр! (*Шен Денинг қўлидан хурмачани тортиб олади*).

ШЕН ДЕ. Жаҳлингиз чиқмасин, гуручни тўкасиз!

*Ўрта яшар эр-хотин ва қашшоқ кийинган бир киши киради.*

ХОТИН. Азизим Шен Де, биз омадинг келибди деб эшитдик. Корчалон хотин бўлибсан! Биласанми, жоним, бизнинг бошпанамиз йўқ. Тамаки дўконини ёпишга тўғри келди. Бир кеча сеникида тунасақ, қандоқ бўларкин, деб келаяпмиз. Жиянимни эсласанг керак-а? Мана у, биз хамиша биргамиз.

ЖИЯН (*дўконни кўздан кечириб*). Яхшигина дўконча экан!

ШИН. Булар ким бўлди?

ШЕН ДЕ. Мен қишлоқдан шаҳарга келганимда дастлаб шуларникида ижарада турганман. (*Томошабинларга*). Чўнтагимда пулим тугагач, мени

кўчага ҳайдаб чиқаришган. Улар чамамда мендан “йўқ” жавобини кутиб, чўчиб туришибди. Шўрликлар!

*Улар уйсиз, бенаво,  
Юрак-бағри эзилган.  
Уларга мадад керак,  
Қандоқ қилиб йўқ дейсан?*

(Келганларга очиқ чехра билан.) Марҳамат қилинглар! Сизларни жон деб қабул қиламан. Лекин, ростини айтсам, дўкон ортида кичик бир хужрам бор, холос.

ЭРКАК. Бизга бўлаверади. Сен ташвиш чекма. (Шен Де уларга чой қуйиб тутади). Биз халал бермаслик учун мана шу ерга жойлаша қоламиз. Назаримда, илк бор бизникида турганингни эслаб, тамаки савдосини танлабсан, шундоқ эмасми? Биз баъзи маслаҳатлар билан сенга кўмаклашсак, деймиз. Бу ерга ана шу мақсадда келдик.

ШИН (мазах қилиб). Балки энди харидорлар ҳам келишар.

ХОТИН. У бизга шаъма қиляпти шекилли?

ЭРКАК. Секинроқ! Мана, харидор ҳам келиб қолди.

*Жулдур кийимли киши киради.*

ЖУЛДУР КИЙИМЛИ. Кечирасиз. Мен ишсизман.

*Шин кулади.*

ШЕН ДЕ. Келинг, хизмат?

ИШСИЗ. Мен эртага дўконни очасиз деб эшитдим, мол ёйганда орасидан бирор чиқити чиқиб қолармикин, деб ўйладим. Ортикча сигаретингиз йўқми?

ХОТИН. Уялмай тамаки сўрайди-я! Нон сўраса ҳам гўрга эди!

ИШСИЗ. Нон қиммат. Бир-икки тортсам, бас, бошқа одамга айланаман – кўяман. Тинкам қуриди.

ШЕН ДЕ (унга сигарета тутиб). Бошқа одамга айланиш – бу жуда яхши гап. Менинг биринчи харидорим бўлинг. Қадамингиз қутлуғ бўлсин.

*Ишсиз дарҳол чекади ва йўталиб ташқарига чиқади.*

ХОТИН. Тўғри иш қилмадинг, азизим Шен Де!

ШИН. Шундоқ савдо қилсангиз, уч кун деганда хонавайрон бўласиз.

ЭРКАК. Гаров ўйнайман, унинг киссасида пули бор эди.

ШЕН ДЕ. Лекин у ҳеч вақоим йўқ деб айтди.

ЖИЯН. Алдаган бўлса-чи?

ШЕН ДЕ (жаҳли чиқиб). Алдаганини мен қаёқдан билай?

ХОТИН (бошини чайқаб). У “йўқ” деёлмайди! Сен жуда раҳмдилсан, Шен Де. Дўконни қўлдан бериб қўймайин десанг, биров бирор нима сўраганда “йўқ” деб жавоб беришга одат қил.

ЭРКАК. Бу дўкон меникимас, бир қариндошники, у мендан ҳисоб сўраб туради, деб айт. Шу гапни айтиш қийинми?

ШИН. Ўзингни олийҳиммат қилиб кўрсатишни истамасанг, қийинчилиги йўқ.

ШЕН ДЕ (кулиб). Койийверинглар! Мен ҳам шартга айнайман-да, бошпана ҳам бермайман, гуручни ҳам тортиб оламан.

ХОТИН (қўрқиб). Ҳали гуруч ҳам сеникимиди?

ШЕН ДЕ (томошабинларга).

Улар – ёмонлар,  
Улар хуш кўрмайди бирор кимсани.  
Улар бир кимсага бермас бир коса таом.  
Улар ўзларини билишар фақат,  
Бунинг-чун ким айбдор этар уларни?

*Пакана бир киши киради.*

ШИН (уни кўриб, кетишга ошиқиб). Эртагаям бирров кираман. (*Кетади*)

ПАКАНА (унинг изидан қичқириб). Тўхтанг, Шин хоним! Сизда ишим бор!

ХОТИН. Нега у ўралашади? Сенда ҳақи қолганми?

ШЕН ДЕ. Ҳақи қолмаган, лекин у – оч. Очлик билан ҳазиллашиб бўлмайди.

ПАКАНА. У туёқни шиқиллатиб, қочиб қолиш кераклигини яхши билади. Дўконнинг янги хўжайини сиз бўласизми? Токчаларга мол теришга ҳам улгурибсиз! Айтиб қўяй, токчаларни мен ясаб берганман! То ҳақини тўламас экансиз, улар меники бўлиб қолаверади! Бояги тавия ҳақимни тўламаган. (*Бошқаларга*). Мен дурадгорман.

ШЕН ДЕ. Мен дўконнинг бутун асбоб-ускунаси ҳақини тўлаганман, токчалар ҳам шунга кирмайдими?

ДУРАДГОР. Бекор гап! Ҳамма ёқда алдоқчилик! Сиз ана у Шин билан тил бириктириб олгансиз! Мен юз кумуш доллар ҳақимни талаб қиламан, уни олмас эканман, Лин То отимни бошқа қўяман.

ШЕН ДЕ. Пулим бўлмаса қаёқдан тўлайман?

ДУРАДГОР. Ундоқ бўлса, мен уларни “ким ошди” қилиб сотаман! Ҳозирок сотаман! Ё ҳақимни тўлайсиз, ё ҳозирок сотаман!

ЭРКАК (*Шен Дега шивирлаб*). Қариндош!

ШЕН ДЕ. Келаси ойгача сабр қилолмайсизми?

ДУРАДГОР (*қичқириб*). Йўқ!

ШЕН ДЕ. Жудаям бағри тош бўлманг, жаноб Лин То. Мен ҳамма билан бир йўла ҳисоб-китоб қилолмайман-ку. (*Тошошабинарга*).

*Жиндак ҳиммат бўлса, кучга куч қўйилади.*

*Мана арава от, ўтга бўйинин чўзади.*

*Кўйиб беринг –*

*Аравани яхши тортади.*

*Саратонда бир оз сабр этсангиз борми,*

*Сумбулада шарбатларга тўлар шафтоли.*

*Не бўларди агар ҳиммат бўлмаса, дунё?*

*Жиндак сабр –*

*Ҳосил бўлур буюк муддао.*

(*Дурадгорга*). Ҳиммат қилинг, жаноб Лин То!

ДУРАДГОР. Хўш, менга, менинг оиламга ким ҳиммат қилади? (*Токчалардан бирини девордан узиб, гўё уни ўзи билан олиб кетмоқчи бўлади*) Пулини тўланг, йўқса токчаларни олиб кетаман!

ХОТИН. Азизим Шен Де, шу ишни қариндошингга топшира қолсанг, нима қилади? (*дурадгорга*). Нархини ёзинг, Шен Денинг амакиваччаси тўлайди.

ДУРАДГОР. Биламиз унақа амакиваччаларни!

ЖИЯН. Нега аҳмоққа ўхшаб тиржаясан? Мен уни шахсан танийман!

ЭРКАК. Бу одам эмас, тиғи паррон!

ДУРАДГОР. Бўпти, ҳисобни унга бериб қўйишсин. (*Токчани тўнқариб, унга ўлтириб, ҳисоб ёзади*).

ХОТИН. Агар қўйиб берсанг, устингдаги қўйлагингни ҳам ечиб олади. Ҳақлими, ҳақсизми, даъволарини рад қилавер, йўқса, даъволардан бошинг чиқмай қолади. Ахлат қутисига бир бурда эт ташлаб қўйсанг, бутун маҳалла итлари ҳовлингга келиб, бир-бири билан ғажишади. Ахир, суд-маҳкама деган нега керак?

ШЕН ДЕ. У ўз ҳақини сўраяпти. Унинг оиласи бор. Пулим йўқлиги алам қилади, бўлмаса, тўлардим. Ахир, фаришталар нима дейди?

ЭРКАК. Сен бизга бошпана бердинг, шунинг ўзи етиб ортади.

*Чўлоқ эркак билан ҳомиладор аёл киради.*

ЧҲЛОҚ (*эр-хотинга*). Ийе, шу ердამисизлар! Азиз қариндошлар деганича бор! Бизни кўчага ташлаб келаверибсизлар-да, баракалла-ей!

ХОТИН (*Шен Дега, уялинқираб*). Бу менинг иним Вун ва келинимиз. (*Иккаласига*.) Гинахонликни қўйиб, мана бу бурчакка ўтинлар, қадрдонимиз Шен Дега халал бермайлик. (*Шен Дега*.) Менимча, уларни қолдиришга тўғри келади – келиннинг бўйида беш ойлик боласи бор. Ёки сен бошқача фикрдамисан?

ШЕН ДЕ. Йўқ-йўқ, марҳамат, қолаверишсин!

ХОТИН. Раҳмат айтинглар. Пиёлалар анави ерда. (*Шен Дега*.) Булар қаёққа бош суқишни билмай, тентираб юришган эди. Яхшиям дўконинг бор экан!

ШЕН ДЕ (*табассум билан чой тутиб, томошабинларга*). Яхшиям, дўконим бор экан!

*Уй эгаси Ми Дзю хоним қозғоз кўтариб киради.*

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Шен Де бону, мен уй эгаси Ми Дзю хоним бўламан. Биз бир-биримиз билан чиқишамиз деб умид қиламан. Мана, ижара ҳақида шартнома. (*Шен Де шартномани ўқийди*.) Кичик савдо дўконининг очилиши – ажойиб сана, шундоқ эмасми, жаноблар? (*Дўконни кўздан кечиради*.) Токчаларда ҳали мол сийрак, аммо зиёни йўқ, ҳаммаси вақти-соатида бўлади. Сиз, ишонаманки, бир неча тавсиянома кўрсата оласиз?

ШЕН ДЕ. Бу шунчалик зарурми?

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Ахир, мен сизни яхши танимасам...

ЭРКАК. Биз Шен Дега кафилмиз. Уни шаҳарга келганидан буён биламиз ва унинг учун ҳар дақиқа бошимиз билан жавоб беришга тайёرمىз.

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Сиз ким бўласиз?

ЭРКАК. Тамаки савдогари Ма Фу.

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Дўконингиз қаерда?

ЭРКАК. Ҳозир дўконим йўқ. Биласизми, мен уни яқинда сотдим.

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Шунақа денг? (*Шен Дега*). Бошқа ҳеч кимса сизга кафолат беролмайдими?

ХОТИН (*шивирлаб*). Амакиваччанг! Амакиваччанг!

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Мен сизни уйга қўйишим учун кимдир кафолат бериши керак. Азизим, бу жудаям эътиборли уй. Акс ҳолда, мен сиз билан шартнома тузолмайман.

ШЕН ДЕ (*секин, ерга қараб*). Менинг амакиваччам бор.

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Вой, амакиваччангиз борми? Шу ерда, шаҳардами? Бўлмаса, тўппа-тўғри унинг олдига бора қолайлик. У нима иш қилади?

ШЕН ДЕ. У бу ерда эмас, бошқа шаҳарда яшайди.

ХОТИН. У Шун шаҳрида яшайди, деб айтгандинг шекилли?

ШЕН ДЕ. Жаноб Шой Да. У Шун шаҳрида яшайди!

ЭРКАК. Ҳа, ҳа, мен уни яхши биламан. Баланд бўйли, қотмадан келган.

ЖИЯН (*дурадгорга*). Сиз ҳам, чамамда, токчалар тўғрисида Шен Де бонунинг амакиваччаси билан битишдингиз, шундоқ эмасми?

ДУРАДГОР (*тўнғиллаб*). Ҳозир унга ҳисоб ёзаяпман. Мана! (*Ҳисобни беради*) Эртага эрталаб яна келаман! (*Кетади*.)

ЖИЯН (*кўз қири билан уй эгаси хонимни таъқиб этиб, дурадгорнинг узидан қичқиради*). Хотиржам бўлинг, амакиваччаси ҳаммасини тўлайди!

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ (*Шен Дега синчковлик билан тикилиб*). Ҳа, майли! Сиз билан танишсам, хурсанд бўламан. Оқшомингиз хайрли бўлсин, бону. (*Кетади*.)

ХОТИН (*бироз жимликдан сўнг*). Энди ҳаммаси очилади! Ишонавер, у эртага эрталаб сен тўғрингда бор гапни билиб олади.

КЕЛИН (*жиянга, секин*). Бу ерда узоқ туриб бўлмайди.

*Бир чолни етаклаб, бола киради.*

БОЛА (*елкаси оша кўрсатиб*). Улар шу ерда.

ХОТИН. Салом, бобожон. (*Шен Дега*). Жудаям меҳрибон чол! Бизни деб роса ташвиш чеккан бўлса керак. Болани қаранг, кап-катта йигит бўлиб қолибди. Уч кишининг овқатини ейди азамат. Яна кимни бошлаб келдиларинг?

ЭРКАК (*ташқарига қараб*). Қиз жиянимиздан бўлак ҳеч кимни.

ХОТИН (*Шен Дега*). Ўзи ёшгина, яқинда кишлокдан келган. Сенга оғирлиги тушмаса керак? Сен бизникида турганинга уйимиз бозор эди, шундоқ эмасми? Лекин кўпайгандан кўпаявердик. Кўпайганимиз сари маишатимиз оғирлашаверди. Келинлар, энди эшикни тамбалаймиз, бўлмаса, тинчлик беришмайди. (*Эшикни қулфлайди*.)

*Ҳамма ўтиради.*

Энг муҳими – сенинг ишинга халал бермаслик. Йўкса, бу уйда қозон қайнамайди. Шундоқ тартиб жорий қиламиз: кундузи ёшлар кетади, фақат бобом, келин ва мен қоламиз. Бошқалар кундузи кўпи билан бир икки бор бош суқишади, қалай? Хўп, энди чирокни ёқиб, яхшироқ жойлашиб олинглар.

ЖИЯН (*муғомбирона кулиб*). Бугун кечаси амакивачча, даҳшатли Шой Да жаноблари бостириб келмаса, гўрга эди.

*Келин қулади.*

АКАСИ (*сигаретга қўл чўзиб*). Битта олсак, зиён қилмас!

ЭРКАК. Бемалол.

*Ҳамма сигарета олиб чекади. Ака даврада шароб тўла кўзани юргизади.*

ЖИЯН. Амакивачча тўлайди!

ЧОЛ (*Шен Дега, жиддий*). Ассалому алайкум!

*Шен Де хижолат чекиб, таъзим қилади. Унинг бир қўлида дурадгор берган ҳисоб қозози, иккинчи қўлида ижара ҳақидаги шартнома.*

ХОТИН. Бир нима куйлаб, бекани хурсанд қилмайсизларми?

ЖИЯН. Бобомиз бошласин!

Улар куйлашади.

### Тутун ҳақида қўшиқ

ЧОЛ:

*Соч-соқолим оптоқ оқармагунча,  
Ўйлардим менга чин ақл бўлса, бас.  
Энди биламанки, ҳеч қандай ақл  
Менинг оч қорнимни тўйдирди билмас.*

*Шунинг-чун дейманки: унут барини!  
Кулранг тутунга боқ, таралур қандай.  
У совуқ самога учар, бир куни  
Таралиб кетасан сен ҳам тутундай.*

ЭРКАК:

*Ҳалол меҳнат қилсанг теринг шиларлар,  
Қингир йўл танладим, лекин алъомон,  
Шунда ҳам гов бўлиб, йўлим тўсдилар,  
Энди аросатда турибман ҳайрон.*

*Шунинг-чун дейманки: унут барини!  
Кулранг тутунга боқ, таралур қандай.  
У совуқ самога учар, бир куни  
Таралиб кетасан сен ҳам тутундай.*

ҚИЗ ЖИЯН:

*Умид ёшни севар, унга вақт керак,  
Лекин чил-чил синар охир-оқибат.  
Ёшларга йўл очиқ, йўллар эшиклар  
Бизни йўқлик сари етаклар фақат.*

*Шунинг-чун дейманки: унут барини!  
Кулранг тутунга боқ, таралур қандай.  
У совуқ самога учар, бир куни  
Таралиб кетасан сен ҳам тутундай.*

ЖИЯН (акасига). Шаробни қайдан олдинг?

КЕЛИН. У бир коп тамакини гаровга қўйди.

ЭРКАК. Нима-нима? У тамаки бисотимизда сўнгги мол эди. Биз бош пана ҳақи тўлаш учун ҳам унга қўл теккизмаган эдик. Чўчка!

АКА. Хотиним совуқ қотиб ўтиргани учун мени чўчка деб атайсанми? Ўзинг ҳам ичдинг-ку! Қани, кўзани бу ёққа чўз!

Улар талашадилар. Токчалар тамакиси билан қулайди.

ШЕН ДЕ (уларга ёлвориб). О, дўконни аянглар, бузиб қўясиз! Бу – фарришталар туҳфаси! Нима истасаларинг, олинглар, лекин дўконни бузманглар!

ХОТИН (заҳарханда қилиб). Дўкон мен ўйлаганимдан кичикроқ экан. Уни холамга ва бошқаларга мақтаб ўтирибман денг. Агар улар ҳам келишса борми, нақ зиндонга айланади-қўяди.

КЕЛИН. Дўкон ойим назаримда ковоқларини солиб олдилар.

*Ташқаридан овозлар эшитилиб, эшик қоқилади.*

ҚИЧҚИРИҚЛАР. Очинглар! Биз келдик!..

ХОТИН. Хола – бу сизмисиз? Вой, энди нима қилдим?

ШЕН ДЕ. Шўрлик дўконгинам! О, менинг умидларим! Очилдингу дўконга ўхшамай қолдинг. (Томошабинларга.)

*Қутқазувчи қайиқча  
Денгизга чўкар шу он.  
Чўкаётганлар унга  
Ёпишганлар кўп ёмон...*

ҚИЧҚИРИҚЛАР (ташқаридан). Очинглар!

## КЎПРИК ОСТИДА ИНТЕРМЕДИЯ

*Дарё бўйида гужанак бўлиб мешкоб ўлтирибди.*

ВАН (теваракка аланглаб). Атроф жимжит. Мана тўрт кундирки, шу ерда яшириниб ётибман. Улар мени топиша олмайди, нега десангиз, ҳар нарсага олазарак бўлиб қарайман. Мен атай улар кетган томонга қараб югурдим. Кеча кўприқдан ўтишди, тепамда оёқ товушларини эшитдим. Ҳозир улар ҳойнаҳой узокда бўлишса керак, энди тинчиб ётаверсам ҳам бўлади. (ётиб ухлаб қолади).

*Мусиқа. Тепалик ёришиб, шаффоф тус олади, фаришталар ҳозир бўлишади.*

(Гўё ўзини ҳимоя қилмоқчидай, юзини тирсақлари билан бекитиб олади) Гапирманг, мен ҳаммасини биламан! Мен сизга бошпана беришни истайдиган бирор кимса, бирор хонадонни тополмадим! Энди сизга ҳаммаси аён, энди кетаверинглар.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Йўқ, сен топдинг. Сен кетиб қолганингда, ўша топган одаминг ёнимизга келди. У бизга бошпана берди, тинчимизни кўриқлади, кетар чоғимизда чирок тутиб, йўлимизни ёритди. Сен уни яхши одам дединг, у чиндан ҳам яхши одам бўлиб чиқди.

ВАН. У Шен Де эмасми?

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Худди ўшанинг ўзи!

ВАН. Мен кўрқоқ эса қочиб юрибман! Уни келмайди деб ўйладим. Келиши ҳам даргумон эди, негаки, ишлари чатоқ эди.

ФАРИШТАЛАР.

*Эй ожиз инсон!  
Ожиз, аммо оққўнғил инсон!  
Муҳтожлик ёнида эзгулик кўрмас,  
Хавф-хатар ёнида кўрмас қаҳрамон.  
Эй ожизлик, яхшиликка кўзларинг ботил!  
Ҳукмларинг енгил-елпи! Унинг ортидан  
Етиб келар дарҳол афсус-пушаймонларинг!*

ВАН. Мен жуда хижолатман, оқилу донолар!

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Энди сен биздан битта хизматингни аяма, пойтахтга қайтиб, Шен Дени топ, кейин бизни хабардор қил. Унинг иш-

лари ҳозир ёмон эмас. Айтишларича, у ҳозир маблағ топиб, дўкон очиб, ўз меҳрибончилигини кўрсатиш имкониятига эга бўлганмиш. Унинг ёрдамига муҳтожлигини маълум қил, зеро, инсондан меҳрибонлик талаб қилинмас экан, у узоқ вақт меҳрибон бўлиб қололмайди. Биз эса Сичуандан чиққан меҳрибонга ўхшаш инсонларни излаб кетамиз, уларни топиб, Ер юзида яхшиларга ўрин йўқ, деган турли гап-сўзларга чек қўймоқчимиз. *Фаришталар зойиб бўлишади.*

## II

*Тамаки дўкони. Ҳамма ёқда одамлар ухлаб ётишибди. Чироқ ҳамон ёниб турибди. Эшик тақиллайди.*

ХОТИН (*уйқусираб, ўрнидан туради*). Шен Де! Эшикни қоқишяпти! У қайда қолди экан?

ҚИЗ ЖИЯН. Нонуштага бирор нарса топиб келгани кетди шекилли. Жаноб амакиваччаси тўлайди.

*Хотин кулади ва оёқларини судраб, эшикка қараб юради. Ичкарига ёш йигит, унинг ортидан дурадгор киради.*

ЁШ ЙИГИТ. Мен амакиваччаси бўламан.

ХОТИН (*ҳайратланиб*). Қандай? Кимсиз?

ЁШ ЙИГИТ. Менинг исмим Шой Да.

МЕҲМОНЛАР (*бир-бирини уйғотиб*). Амакиваччаси! Вой, бу ҳазил эди-ку, унинг ҳеч қанақа амакиваччаси йўқ!

– Лекин мана биттаси келиб, мен амакиваччасиман, деяпти!

– Ғалати, шундай бемаҳалда-я!

ҚИЗ ЖИЯН. Сиз бекамизнинг амакиваччаси бўлсангиз, марҳамат қилиб, бизга нонушта тайёрланг.

ШОЙ ДА (*чироқни ўчириб*). Ҳали замон харидорлар келиб қолишади, марҳамат қилиб, тезроқ кийининглар, дўконимни очадиган вақт бўлди.

ЭРКАК. Дўконимни? Менимча, бу дўкон ошнаимиз Шен Дега тегишли эди? (*Шой Да “йўқ” деб бош чайқайди.*) Нима, бу унинг дўкони эмасми-ди?

КЕЛИН. У бизни роса лақиллатибди. Ўзи каёққа йўқолди экан?

ШОЙ ДА. У бир оз ушланиб қолди. У сизга бошқа ҳеч қандай ёрдам беролмаслигини айтиб қўйишимни сўради.

ХОТИН (*ҳанг-манг бўлиб*). Биз уни яхши одам деб ўйлаган эдик.

ЖИЯН. Бунга ишонманглар. Анавини топиш керак.

ЭРКАК. Ҳа, ҳозироқ бу ишга киришамиз. (*Буюради*). Сен, сен, сен ва сен! Чиқиб, уни ҳамма ёқдан ахтаринглар. Биз қария билан шу ерда қолиб, қалъани кўриқлаб тураимиз. Болакай шу орада бизга бирор егулик топиб келади. (*Болага*). Ҳу, бурчакдаги нон дўконини кўраяпсанми? Секин ўшанга яқинлаш-да, қўйинингни нонга тўлдириб қайт.

КЕЛИН. Бир жуфт жажжи оқ сомса олишнияма унутма!

ЭРКАК. Ҳазир бўл, дўкондор ушлаб олмасин тагин. Ҳа, полициячига ҳам йўлиқа кўрма!

*Бола бош ирғаб, ташқарига чиқади. Бошқалар тез кийина бошлайдилар.*

ШОЙ ДА. Ўғрилиқ қилиш сиз паноҳ топган жойнинг шаънига доғ туширмаса эди, деб кўркаман.



ЖИЯН. Унга эътибор қилманглар. Биз анавини тезда топамиз, шунда у манавининг таъзирини бериб қўяди!

*Жиян, ака, келин ва қиз жиян чиқишади.*

КЕЛИН (*йўл-йўлакай*). Бизга ҳам нонуштадан қолдириглар!

ШОЙ ДА (*хотиржам*). Сиз уни тополмайсиз. Жияним ҳа деб меҳмондорчилик қилолмайди. Сиз жудаям кўпсиз! Тамаки дўконини буткул эгаллаб олибсиз, ҳолбуки у Шен Де бонуга керак.

ЭРКАК. Бизнинг Шен Де бу сўзларни оғзига ҳам олмасди.

ШОЙ ДА. Балки сиз ҳақдирсиз. (*Дурадгорга*) Аммо, ҳамма бало шундаки, бу шаҳарда йўқчилик ҳаддига етган, унга бир киши бас келолмайди. Афсуски, кейинги ўн бир аср давомида, кимдур ушбу тўртликни тўқигандан буён бу ерда бирор ўзгариш юз бермаган. Мана, ўша шеър:

*– Айтингчи, деб ҳокимдан савол сўрдилар бир кун,  
Не қилса, совуқ қотмас юпунлар, айтинг, ёху?  
– О, бутун маҳалланинг устига ёпмоқ учун  
Ўн минг газ кўрпа керак, – дея жавоб берди у...*

*(Дўконни тартибга сола бошлайди)*

ДУРАДГОР. Назаримда сиз жиянингизнинг ишини саранжом этмоқчисиз, дарвоқе, унинг кичик бир қарзи бор эди – токчалар учун – шуни тўласангиз ёмон бўлмасди. Гувоҳларим ҳам бор. Юз кумуш доллар.

ШОЙ ДА (*чўнтагидан ҳисобни чиқазиб, дўстона бир оҳангда*). Сизнингча, юз кумуш доллар – жудаям кўп эмасми?

ДУРАДГОР. Йўқ, унчалик эмас. Бир тийин ҳам тушмайман. Болачақали одамман.

ШОЙ ДА (*кескин*). Нечта болангиз бор?

ДУРАДГОР. Тўртта.

ШОЙ ДА. Унда мен йигирма кумуш доллар бераман.

ЭРКАК *қулади*.

ДУРАДГОР. Нима, жинни бўлдингизми? Токчалар ёнғоқ ёғочидан ишланган!

ШОЙ ДА. Марҳамат, олинг уларни.

ДУРАДГОР. Бу нима деганингиз?

ШОЙ ДА. Улар мен учун жудаям қиммат. Марҳамат қилиб ёнғоқ ёғочидан ишланган токчаларингизни олинг бу ердан.

ХОТИН. Боплади азамат! (*У ҳам қулади*).

ДУРАДГОР (*ишонқирамай*). Мен Шен Де хонимнинг келишини талаб қиламан. У сиздан кўра инсофлироқ эди.

ШОЙ ДА. Шубҳасиз. У синди, касод бўлди.

ДУРАДГОР (*токчалардан бирини шартта қўпориб эшикка қараб юради*). Молингизни ерга ёяберинг! Мен тупурдим уларга!

ШОЙ ДА (*эркакка*). Унга ёрдамлашиб юборинг!

ЭРКАК (*токчаларни қўпориб, илжайганча, эшикка қараб юради*). Хуллас, даф бўлсин токчалар.

ДУРАДГОР. Сен ит! Менинг оилам очликдан ўлсин экан-да, а?

ШОЙ ДА. Мен сизга яна бир карра йигирма кумуш доллар таклиф этаман, нега десангиз, молимни ерга ёймоқчи эмасман.

ДУРАДГОР. Юз доллар! (*Шой Да бепарво бир қиёфада деразадан ташқарига қараб туради. Эркак яна токчаларга ёпишади*) Эшикка уриб,

синдириб қўйма, тентак! (*Алам билан*) Айтмоқчи, улар маълум ўлчамда ясалган, шу тешиқдан бошқа жойга ярамайди. Кесилган тахталар.

ШОЙ ДА. Ҳамма гап шунда-да. Шунинг учун ҳам мен сизга фақат йигирма доллар бераман, яъни кесик тахталар учун.

*Хотин севинчидан қийқириб юборади.*

ДУРАДГОР (*бирдан бўшашиб*). Ҳе, жин урсин! Ҳа, майли, токчаларни олиб, берадиганингизни беринг.

ШОЙ ДА. Йигирма кумуш доллар. (*Стол устига иккита йирик танга ташлайди. Дурадгор уларни олади.*)

ЭРКАК (*яна токчаларни жойига ташиб*). Бир кучоқ кесик тахта учун шу ҳам етади.

ДУРАДГОР. Ҳа, бир мириқиб ичишга етади! (*Кетади*)

ЭРКАК. Бунисидан қутилдингиз!

ХОТИН (*қулавериш, кўз ёшларини артиб*). “Улар ёнғоқ ёғочидан ишланган!” – “Олинг уларни!” – “Юз кумуш доллар!” – “Менинг тўрт болам бор!” – “Унда мен йигирма доллар бераман!” – “Аммо улар кесилган!” – “Ҳамма гап шунда-да!” – “Йигирма кумуш доллар!” Бу кимсалар билан ана шундоқ гаплашиш керак.

ШОЙ ДА. Ҳа. (*Жиддий*) Энди кетинглар.

ЭРКАК. Биз кетайликми?

ШОЙ ДА. Ҳа, сиз. Сиз ўғри ва текинхўрлар. Ҳозир гапни чўзмай, кетақолсангиз қутулишингиз мумкин.

ЭРКАК. Яхшиси унга жавоб бермаган маъкул. Оч қоринга кекирдакка зўр бериб бўлмайди. Бола қаёққа йўқолди экан?

ШОЙ ДА. Ҳа, бола қаёққа йўқолди? Мен сизни огоҳлантирдим: У сомса ўғирлаб, менинг дўконимга оёқ боса кўрмасин. (*Бирдан бақариб*) Кетинглар!

*Улар миқ этмай ўтираверишади.*

(*Яна тамом хотиржам овоз билан*). Ихтиёрингиз. (*Эшикка қараб юриди ва у ерда кимгадир таъзим қилади. Эшикда полициячи пайдо бўлади.*)

Сиз маҳалламиз тинчини қўриқлаётган ҳокимият кишиси бўлсангиз керак.

ПОЛИЦИЯЧИ. Худди шундоқ, жаноб...

ШОЙ ДА. Шой Да.

*Улар бир-бирларига қараб табассум қилишади.*

Бугун ҳаво ажаб илиқ.

ПОЛИЦИЯЧИ. Ҳа, бир оз иссиқроқ.

ШОЙ ДА. Дарвоқе, бир оз иссиқроқ.

ЭРКАК (*хотинга, секин*). У шундоқ гап сотиб турса, бола қайтиб келади, шунда бизни тутиб олишади. (*Шой Дага яширинча имо-ишоралар қилишига интилади*)

ШОЙ ДА (*унга нарво қилмай*). Аммо об-ҳаво ҳақида чанг-гўзонли кўчада гапириш бир бошқаю салқин хонада туриб гапириш бир бошқа.

ПОЛИЦИЯЧИ. Шубҳасиз! Бу ерда фарқ бор!

ХОТИН (*эрига*). Хавотир олма! Бола эшикда миршабни кўриб, бу ёққа кирмайди.

ШОЙ ДА. Кира қолинг. Бу ер анча салқин. Биз жияним билан дўкон очдик. Айтишга ижозат беринг, биз бошлиқлар билан яхши муносабатда бўлишга алоҳида эътибор берамиз.

ПОЛИЦИЯЧИ (*ичкарига кириб*). Сиз назокатли одамсиз, жаноб Шой Да. Дарвоқе, бу ер анча салқин экан.

ЭРКАК (*секин*). Бола ташқаридан кўриб қолмасин учун у миршабни атай бу ёққа киритди.

ШОЙ ДА. Меҳмонлар! Эшитишимча, жиянимнинг узоқ танишлари. Бу ёққа йўл усти киришибди.

*Ўзаро саломлашадилар.*

Ҳозир хайрлашмоқчи эдик.

ЭРКАК (*хириллаб*). Хўп, биз жўнадик.

ШОЙ ДА. Мен жиянимга бошпана учун миннатдорчилигингизни айтиб кўяман, кутишга фурсатлари бўлмади, дейман.

*Кўчадан шовқин ва “ўзгини ушла!” деган қичқариқлар эшитилади.*

ПОЛИЦИЯЧИ. Нима гап?

*Эшикда бола пайдо бўлади. Кўйнидан нон ва сомсалар тўкилади. Хотин унга “кет!” деб ишора қилади. Бола ўгирилиб кетмоқчи бўлади.*

Ҳой, тўхта! (*Уни тугиб қолади*) Сомсаларни қайдан олдинг?

БОЛА. Ана у ердан.

ПОЛИЦИЯЧИ. А-ҳа, ўғирладингми?

ХОТИН. Бундан бизнинг сираям хабаримиз йўқ. Боласи тушмагур ўз бошича иш қилибди. Ҳа, ер ютсин сени!

ПОЛИЦИЯЧИ. Жаноб Шой Да, нима гаплигини сиз тушунтириб беролмайсизми?

*(Шой Да индамайди)*

А-ҳа! Ҳамма мен билан маҳкамага боради.

ШОЙ ДА. Менинг дўконимда шундай воқеа рўй берганидан жуда хафаман.

ХОТИН. Боланинг кетганини у билар эди.

ШОЙ ДА. Миршаб жаноблари, ишонтириб айтаманки, мен жиноятни бекитмоқчи бўлсам, сизни бу ёққа таклиф этмас эдим.

ПОЛИЦИЯЧИ. Ўз-ўзидан равшан. Аммо Шой Да жаноблари, албатта, тушунсалар керак, бу кимсаларни қамоққа олиш – менинг бурчим.

*(Шой Да таъзим қилади.)* Қани, олдинга тушинглар, марш! (*уларни ҳайдаб чиқади*)

ЧОЛ (*остонада туриб, дўстона оҳангда*). Кўришгунча хайр!

*Шой Дадан бўлак, ҳамма кетади. У дўконни тартибга солишида давом этади. Уй эгаси хоним киради.*

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Демак, сиз унинг амакиваччаси бўласиз! Менинг уйимда одамларни қамоққа олишади – бу нима деган гап? Жиянингиз бу ерни карвонсаройга айлантирган шекилли? Кечагина кавакларда яшаб, нонвойдан нон тилаган кимсаларга қайишсанг, мана, оқибати нима бўлади. Кўриб турибсизки, мен ҳамма гапдан хабардорман.

ШОЙ ДА. Кўриб турибман. Жияним тўғрисида сизга роса тўкиб-чатишган кўринади. Уни қаровсиз, оч қолган эди, деб айблашган бўлса керак. Дарҳақиқат, у ночорликда яшар эди. Ўта бадном, яъни камбағал эди.

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. У бир...

ШОЙ ДА. Гадо эди. Келинг гапнинг пўскалласини айтақоламиз!

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. О, марҳамат, фақат кўз ёшига тоқатим йўқ! Мен унинг хулқ-атворини айтаман, даромадини эмас. Шубҳасиз даромади ҳам

баҳарнав бор эди, йўкса мана бу дўкон бўлмасди. Айрим табаррук зотлар ғамхўрлик қилишган. Бўлмаса, дўкон қаёқдан бўлиб қолди? Тақсирим, бу мўътабар уй! Бу ерда ҳақ тўлаб турувчилар шундай бир кимса билан девор-дармиён бўлиб яшашни исташмайди, ҳа! (*Пауза*) Мен бағритош эмасман, аммо бу жиҳатни ҳисобга олмасам бўлмайди.

ШОЙ ДА (*совуқ оҳангда*). Ми Дзю хоним, мен бандман. Очигини айтинг-чи, бу мўътабар уйда туриш бизга қанчага тушади?

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Жудаям совуққон одам экансиз.

ШОЙ ДА (*пештахта остидан ижара ҳақидаги шартномани олади*). Ижара ҳақи жуда баланд. Менимча, шартномани шундоқ тузиш керакки, ижара ҳақи ойма-ой тўланадиган бўлсин.

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ (*бидирлаб*). Аммо сизнинг жиянингизга ўхшаш одамлар билан бундоқ шартнома тузиб бўлмайди.

ШОЙ ДА. Хўш, нима демокчисиз?

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Демокчиманки, жиянингизга ўхшаш одамлар икки юз кумуш долларни ярим йил олдин тўлаб қўйишлари шарт.

ШОЙ ДА. Икки юз кумуш доллар! Бу – талончилик-ку! Хўш, мен уни қайдан оламан? Бу ерда катта даромадга кўз тутиб бўлмайди. Ёлғиз умид – цемент заводида қоп тикувчи аёллар, улар кўп чекишади, айтишларича, меҳнатлари жудаям оғир эмиш. Аммо иш ҳақлари оз.

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Бу ҳақда олдинроқ ўйлаш керак эди.

ШОЙ ДА. Ми Дзю хоним, жудаям бераҳм бўлманг. Ҳа, жияним уйсизларга бошпана бериб, тўғри иш қилмади. Аммо у хатосини тузатади, ишонаверинг, мен бунга кафилман. Бошқа жиҳатни ҳам ўйлаб кўринг, ўзи тубанликдан чиққан, тубанликдаги ҳаётни яхши билувчи кишидан ҳам афзалроқ ижарачи топа олармикинсиз? У ҳақингизни ўз вақтида тўлаш учун ўлиб-тирилиб ишлайди. У ҳамма ишни қилади, ҳамма нарсдан кечади, ҳамма нарсани сотади, ҳеч нарсани аямайди, бир кулдек хизмат қилади, амрингизга “лаббай” деб туради, негаки, ҳалиги эски жойига қайтиб боришни истамайди. Ахир, бундай ижарачи тиллога топилмайди.

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Икки юз кумуш долларни олдиндан тўлашни талаб қиламан, йўкса, келган жойига жўнайди.

*Полициячи киради.*

ПОЛИЦИЯЧИ. Мен халал бермасам керак, жаноб Шой Да.

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Дарҳақиқат, полиция бу дўконга айрича эътибор билан қарайди.

ПОЛИЦИЯЧИ. Ми Дзю хоним, сиз бошқача хаёлларга борманг. Жаноб Шой Да бизга яхши хизмат қилди, мен унга маҳкама номидан раҳмат айтиш учун атай келдим.

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Ҳа, бунинг менга дахли йўқ. Жаноб Шой Да, менинг таклифим жиянингизга маъқул бўлар деган умиддаман. Мен ижарачиларим билан аҳил яшашга одатланганман. Хайр, жаноблар. (*Кетади*)

ПОЛИЦИЯЧИ. Ми Дзю хоним билан ораларингда бирор англашилмовчилик борми?

ШОЙ ДА. У ижара ҳақини олдиндан тўлашни талаб қилади, жияним унинг кўзига етарлича нуфузли бўлиб кўринмаётган эмиш.

ПОЛИЦИЯЧИ. Нима, сизда пул йўқми?

*Шой Да индамайди.*

Жаноб Шой Да, сиздек киши кредитдан фойдаланиши керак, шундоқ эмасми?

ШОЙ ДА. Эҳтимол. Аммо Шен Дега ўхшаганларга ким кредит беради? ПОЛИЦИЯЧИ. Бу ерда қолиш ниятингиз йўқми?

ШОЙ ДА. Йўқ. Лекин бу ердан кетолмайман ҳам. Фалокатнинг олдини олиш учун, унга йўл-йўлакай ёрдам қўлини чўзолдим, холос. Ҳа демай, у яна ёлғиз қолади, уни нималар кутишини ўйлашга ҳам қўрқаман.

ПОЛИЦИЯЧИ. Жаноб Шой Да, ижара ҳақи масаласида қийналиб қолганингизга ачинаман. Ростини айтсам, биз бу дўконга бошда бошқача кўз билан қарардик, аммо бугунги холис хизматингиз сизнинг кимлигингизни кўрсатди, биз, ҳокимият вакиллари тартиб-интизом масаласида кимга суяниш мумкинлигини бир қарашда биламиз.

ШОЙ ДА (*алам билан*). Полициячи жаноблари, жияним айтмоқчи, фаришталар тухфаси бўлмиш бу дўконни сақлаб қолиш учун мен қонун кўтаргунча, ҳар бир чорани кўришга ҳозирман. Бироқ қаттиққўллик ва айёрлик фақат тубан кишиларга қарши қаратилганда яхши фойда беради, бу чегара оқилона тортилган. Мен ёмғирдан кутилиб, қорга учраган кишига ўхшайман. (*Бироз жим туриб*) Чекасизми?

ПОЛИЦИЯЧИ (*чўнтагига иккита сигара солиб*). Биз, ҳокимият вакиллари, сизни қўлдан бериб қўйишни истамаймиз. Аммо Ми Дзю хонимни ҳам тушуниш керак. Шен Де – ёлғон гапиришнинг нима кераги бор – ўзини бошқаларга сотиб кун кечирарди. Менга эътироз этишингиз мумкин: хўш, бошқа чораси бўлмаса, нима қилсин? Масалан, уй учун ижара ҳақини қандай тўласин? Тўғри, аммо лекин бу соҳиби эҳтиром белгиси эмас. Нега? Биринчидан, севгини сотиш расм эмас, сотилса, у сотқин севги бўлади. Иккинчидан, ақча тўлаган кимса билан эмас, ўзинг севган киши билан бирга бўлиш соҳиби эҳтиром белгиси саналади. Учунчидан, у бир ҳовуч гуручни деб эмас, севгани учун ўша киши билан бирга бўлади. Баракалла, дейсиз, аммо бўлган иш бўлиб, бўёғи синган экан, бу гаплардан не фойда? Хўш, у нима қилсин? У ярим йиллик ижара ҳақини топиши керак. Жаноб Шой Да, иқрорманки, мен бу саволга жавоб беришга ожизман. (*Қаттиқ ўйлайди*) Жаноб Шой Да! Топдим! Унга эр топинг!

*Кичик бир кампир киради.*

КАМПИР. Марҳамат қилиб, эрим учун арзонроқ, яхшироқ сигара топиб берсангиз. Эртага бир ёстикқа бош қўйганимизга роса қирқ йил тўлади, шунинг шарафига тўйча қилмоқчимиз.

ШОЙ ДА (*хушфеъллик билан*). Қирқ йил ўтибдики, ҳамон тўй экан-да!

КАМПИР. Қурбимиз етгунча! Қаршингиздаги дўкон бизники бўлади – гилам билан савдо қиламиз. Сиз билан аҳил кўшни бўламиз деган умид-даман. Бу ҳозирги замонда жуда муҳим.

ШОЙ ДА (*унга турли қутичалар таклиф этади*). Ҳа, замоннинг яхшиланишига кўзим етмай турибди.

ПОЛИЦИЯЧИ. Жаноб Шой Да, бизга капитал керак. Шундоқ экан, менинг таклифим – никоҳ.

ШОЙ ДА (*хижолат чекиб, кампирга*). Мен ўз ташвишларимга полиция жанобларини ҳам шерик қилдим.

ПОЛИЦИЯЧИ. Биз ярим йиллик ижара ҳақини тўлай олмаймиз. Бас, кичик бир капиталга турмушга чиқамиз.

ШОЙ ДА. Бу унча осон эмас.

ПОЛИЦИЯЧИ. Нега? У ёмон қиз эмас! Кичик бўлса ҳам, ўз дўкони бор! *(Кампирга)* Хўш, сиз нима дейсиз?

КАМПИР *(хайрон қолиб)*. Ҳа...

ПОЛИЦИЯЧИ. Газетага эълон берамиз.

КАМПИР *(босиқлик билан)*. Қиз рози бўлса...

ПОЛИЦИЯЧИ. Нега рози бўлмас экан? Ҳозироқ ёзамиз. Ҳимматга ҳиммат. Ҳокимият вакиллари тирикчилик тоши остида эзилган майда савдогарларга ачинмайди, деб ўйламанг. Сиз бизга кўмаклашасиз, биз эса турмуш қуриш ниятингиз борлиги ҳақида эълон ёзамиз. *(Қулиб)*. Хо-хо-хо! *(Ён дафтарчасини шартта олиб, қаламни ҳўллаб, ёза бошлайди)*

ШОЙ ДА *(секин)*. Ёмон эмас.

ПОЛИЦИЯЧИ. “Ким, яъни, кичик капиталга эга бўлган эркак... Бева бўлиши ҳам мумкин... гуллаб яшнаётган тамаки савдоси соҳибаси билан никоҳдан ўтишни истайди?” Яна кўшиб кўямиз: “Ёқимтой хусн эгасиман”. Хўш, қалай?

ШОЙ ДА. Агар сиз муболаға бўлди деб ўйламасангиз...

КАМПИР *(очиқ чеҳра билан)*. Йўғ-ей, йўғ-ей! Ахир, мен уни кўрганман.

*Полициячи дафтарчадан варақни йиртиб, Шой Дага узатади.*

ШОЙ ДА. Филдирак остига тушиб қолмаслик учун қанчалар эпчил бўлиш керак! Қанча айёрлик керак! Қанча дўст керак! *(полициячига)* Қатъий ҳаракат қилишга қарор берган бўлсам-да, ижара ҳақи масаласини қандай ҳал этишни билолмай турувдим. Мана, сиз келиб, оқилона маслаҳат билан ёрдамлашиб юбордингиз. Назаримда, нажот йўли энди кўриниб қолди.

### III

*Шаҳар боғида оқшом.*

*Жулдур кийинган ёш йигит боғ устидан баланд учиб ўтаётган самолётни кузатиб қолади. У чўнтагидан чилвир олиб, атрофга аланглайди. Сўнг баланд толга қараб юради. Шу пайт йўлда иккита фоҳиша кўринади. Бири қари, иккинчиси Шен Де дўконига жойлашган оиладан, қиз жиян.*

ЁШ ФОҲИША. Оқшоминг хайрли бўлсин, азизим. Мен билан юрмайсанми?

СУН. Борсам боравераман, азиз хонимлар. Егулик бирор нима берсаларинг, бас.

ҚАРИ ФОҲИША. Нима, жинни-пинни бўлдингми? *(Ёш фоҳишага)* Қани, юр. Бекорга вақтни ўтказмайлик. Бу ишсиз учувчи-ку.

ЁШ ФОҲИША. Боғда, афтидан, ҳеч ким қолмаган, ҳадемай, ёмғир ёғади.

ҚАРИ ФОҲИША. Қараб кўрайлик, балки бирортаси учрар.

*Улар кетишади. Сун атрофга кўз солиб, чилвирни дарахт шохига ташлайди. Лекин унга яна халал беришади. Икки фоҳиша изига қайтади. Улар йигитни кўришмайди.*

ЁШ ФОҲИША. Оҳ, сел ёғса керак.

*Йўлда Шен Де кўринади.*

ҚАРИ ФОҲИША. Қара, анави таскара келаяпти! У сени ҳам, қариндошларингни ҳам адо қилди.

ЁШ ФОҲИША. У эмас, амакиваччаси. У бизга бошпана бериб, сомсага пул тўланглар, деди. Унга қасдим йўқ.

ҚАРИ ФОҲИША. Сеники бўлмаса, меники бор! *(Баланд овозда)* Ҳа, мана, жондан азиз синглимиз хурмачасини тиллага тўлдириб келаяпти! Унга дўкони камлик қилгандай, хушторларимизни ҳам йўлдан урмоқчи.

ШЕН ДЕ. Нега менга бакраясан? Мен ҳовуз бўйидаги чойхонага бора-япман.

ЁШ ФОҲИША. Ҳамма ёқда дув-дув гап... Уч боласи бор бевага турмушга чиқармишсан!

ШЕН ДЕ. Ҳа, у билан чойхонада учрашмоқчиман.

СУН *(бетоқат)*. Қорангизни ўчиринг, шаллақилар! Шу ерда ҳам тинчлик беришмайди!

ҚАРИ ФОҲИША. Ўзинг овозингни ўчир!

*Иккала фоҳиша кетади.*

СУН *(улар изидан қичқириб)*. Қирғийлар! *(Томошабинларга)* Шундай хилват жойда ҳам ўзларига қурбон излашади, бутазорлар орасида, ёмғир остида ҳам ўз харидорларини қўлга туширмоқчи бўлишади.

ШЕН ДЕ *(жаҳли чиқиб)*. Нега уларни сўкасиз? *(Чилвирга кўзи тушиб)*. Вой!..

СУН. Нега қаққайиб қолдинг?

ШЕН ДЕ. Чилвир сизга нега керак?

СУН. Қани, жўна, йўлингдан қолма, синглим! Менда пул у ёқда турсин, чақа ҳам йўқ. Аммо бўлганда ҳам сенга харж қилмас эдим, бир кружка сув сотиб олардим.

*Ёмғир ёға бошлайди.*

ШЕН ДЕ. Чилвир нега керак? Сиз бу ишни қила кўрманг!

СУН. Сенга нима? Қани, туёғингни шиқиллат!

ШЕН ДЕ. Ёмғир ёғаяпти-ку.

СУН. Жонингдан умидинг бўлса, дарахтга яқинлашма.

ШЕН ДЕ *(ёмғир остида қаққайиб тураверади)*. Йўқ.

СУН. Жўна, дейман, бекорга овора бўласан. Барибир мендан иш чиқмайди. Бунинг устига, жуда хунуксан. Оёқларинг қийшиқ.

ШЕН ДЕ. Ёлғон.

СУН. Кўрсатма! Ҳе, жин урсин, майли, ёмғир ёғаётган экан, дарахт остига келиб тур.

ШЕН ДЕ *(секин дарахт остига келиб ўтиради)*. Нега бундай қилмоқчи бўлдингиз?

СУН. Билгинг келаяптими? Майли, айтсам, айтақолай, балки кейин тинч қўясан.

*(Бир пас жимлик)*

Сен учувчи кимлигини биласанми?

ШЕН ДЕ. Чойхонада уларни кўрганман.

СУН. Йўқ, сен уларни кўрмагансан. Балки чарм қалпоқ кийган анави эзмалар, аҳмоқларни кўргандирсан... Уларда на матор сезгиси бор, на машина туйғуси. Улар бошқарувчининг томоғини мойлаб, кутига тушиб олишган. Шунақаларга, қани, сандиғингни икки минг фунт баландликдан булутни ёриб, пастга ағдар-да, сўнг ричагни бир силтаб, уни ўнглаб ол, деб кўр-чи, нима деркин? У, бу гаплар шартномада йўқ, дейди. Самолётни худди ўз орқасидек ерга қўндирилмаган учувчи – учувчи эмас, лакма. Мен

эса – учувчиман. Ростини айтсам, дунёда энг катта аҳмоқ ҳам ўзим, чунки Пекин мактабида учигга доир жамики китобларни ўқиб чиққанман. Ёлғиз бир китобнинг битта саҳифаси қолган, унда учувчилар ортиқ керак эмас, деб ёзилган экан. Хуллас, мен энди самолётсиз учувчи, почтасиз почта учувчисиман. Ишлар шунақа, э, сен нимани ҳам тушунардинг!

ШЕН ДЕ. Ҳар ҳолда тушунаман.

СУН. Тушунмайсан, дедимми, тушунмайсан.

ШЕН ДЕ (*дам қулиб, дам йиғлаб*). Болалигимда ҳовлимизда қаноти синган бир турна бўлар эди. Меҳрибон қуш эди, шўхлик-шумлик қилсак, кўтарар, бўйнини ғоз қилиб, биз билан ёнма-ён юрар, фақат ундан ўзиб кетсак, безовта бўлиб, кичқирар эди. Аммо баҳор ва кузда қишлоғимиз устидан гала-гала бўлиб қушлар учиб ўтганда, оромини йўқотиб қўярди, мен уни яхши тушунардим.

СУН. Йиғлама.

ШЕН ДЕ. Йўқ.

СУН. Кўз ёшидан юзинг униқади.

ШЕН ДЕ. Мана, бас қилдим. (*Енги билан кўз ёшини артади*)

СУН (*дарахтга суянганча, Шен Дега ўғирилмасдан, қўлини чўзиб, қизнинг юзини силайди*). Сен эплаб юзингни ҳам артолмайсан. (*Рўмолчаси билан унинг юзини артади*).

*Бир нас жимлик.*

Бас, ўзимни осигга қўймас экансан, гапир, тилга кир.

ШЕН ДЕ. Нимани гапирай?

СУН. Нега мени сиртмоқдан қутқармоқчи бўлдинг, синглим?

ШЕН ДЕ. Мен кўрқиб кетдим, сиз, балки, оқшом шу қадар бадқовок бўлгани учун ҳам шу ишга жазм этгансиз. (*Томошабинларга*)

*Бизнинг мамлакатда  
Хўмрайган оқшомлар бўлмасин  
Ва дарё устида баланд кўприклар.  
Бағоят хавфлидир субҳу саҳарлар,  
Ғоят хатарлидир қиш фасли.  
Гап шунда-ки, арзимас нарс  
Этар камбағалнинг тоқатини тоқ.  
Шунда у ўзидан ҳаёт юкени  
Улоқтириб ташлайди мутлоқ...*

СУН. Ўзинг ҳақингда гапириб бер.

ШЕН ДЕ. Нимани гапирсам экан? Кичик дўконим бор.

СУН (*масхаралаб*). Ростдан-а? Хушторлар изидан қувмайсан, кичик дўконинг бор!

ШЕН ДЕ (*қатъий*). Дўконим бор, аммо илгари фоҳиша эдим.

СУН. Сенга дўконни фаришталар совға қилишгандир?

ШЕН ДЕ. Ҳа.

СУН. Бир куни оқшом улар ҳозир бўлишгану “Мана, ол” деб сенга пул чўзишган.

ШЕН ДЕ (*оҳиста қулиб*). Унда тонг эди.

СУН. Ҳар ҳолда сен билан суҳбатлашиб, хурсанд бўлишган, деб айтолмайман.



ШЕН ДЕ (*бироз жим туриб*). Мен ситра чалиб, бировларга таклид эта оламан. (*Иzzат-эътиборли кишининг паст, бўғиқ овози билан*) “Йўқ, нима десангиз денг, мен ҳамёнимни йўқотиб қўйдим шекилли!..” Кейин мен дўкон сотиб олдим. Шунда биринчи галда ситрани совға қилиб юбордим. Энди, дедим мен ўз-ўзимга, тош хайкалдек тура оламан, халиги ишлар, менга энди керак эмас!

*Энди бой хотинман, дедим ўзимга,  
Ёлғиз юраман ва ётаман ёлғиз.  
Мен энди йил бўйи эркак зотини  
Йўлатмайман ёнимга ҳаргиз...*

СУН. Энди бўлса, турмушга чиқаяпсан, шундоқми? Ҳовуз бўйидаги чойхонада ўтирган кимсага.

*(Шен Де индамайди)*

Сен севги ҳақида аслида нима биласан?

ШЕН ДЕ. Ҳамма нарсани.

СУН. Хўп, майли, синглим. Менга ўша ёқар эди, демоқчимисан.

ШЕН ДЕ. Йўқ.

СУН (*ўғирилмай, унинг юзини силайди*). Мана бу-чи, ёқадими?

ШЕН ДЕ. Ҳа.

СУН. Кўриб турибманки, сенга кўп нарса керак эмас. Бу қанақа шаҳар ўзи!

ШЕН ДЕ. Дўстларингиз йўқми?

СУН. Дўстларим кўп, лекин ҳамон ишсиз юрганимни сабр-тоқат билан эшитадиган биттаси ҳам йўқ. Гапирсанг, ҳаммаси оғзини очиб, кўзини чақчайтиради. Сенинг дўстинг борми?

ШЕН ДЕ (*бўшашиб*). Амакиваччам бор.

СУН. Ундан эҳтиёт бўл.

ШЕН ДЕ. У бу ерда атиги бир марта бўлди, холос. Кетди, энди сира қайтиб келмайди. Намунча ноумидсиз? Ахир, мақол бор: ноумид – шайтон.

СУН. Хўш-хўш, гапиравер. Не бўлса ҳам инсон овози-ку.

ШЕН ДЕ (*куйиб-тишиб*). Муҳтожлик нақадар авжига чиқмасин, барибир дунёда раҳмдил кишилар учрайди. Ёш бола эдим, бир гал елкамда бир боғ ўтин билан йиқилиб тушдим. Бир чол мени ўрнимдан турғизиб, кўлимга бир чақа танга берди. Кейин шуни тез-тез эслаб юрдим. Фақирлар бир бурда нонни ҳам бошқалар билан бўлишиб ейди. Одамзод ўзи нималарга қодирлигини кўз-кўз қилишни хуш кўради, аммо қодир бўлган нарсалар ичида энг афзали – меҳрибонлик эмасми? Қаҳр-ғазаб қобилият етмаган ерда юз беради. Кимда ким қўшиқ куйласа ёки машина яратса, ёки шולי экса, шубҳасиз, у раҳмдил бўлади. Сиз ҳам раҳмдилсиз.

СУН. Кўриб турибманки, сенга кўп нарса керак эмас.

ШЕН ДЕ. Вой, юзимга ёмғир томчилади.

СУН. Қани қаерига?

ШЕН ДЕ. Икки кўзим орасига.

СУН. Ўнгига яқинроқми, чапига?

ШЕН ДЕ. Чапига.

СУН. Яхши. (*Бироздан сўнг, уйқисираган овозда*) Хўш, эркаклар билан ҳисоб-китобинг битдими?

ШЕН ДЕ (*қулимсираб*). Лекин менинг оёқларим қийшиқ эмас.

СУН. Балки қийшиқ эмасдир.

ШЕН ДЕ. Сираям қийшиқ эмас.

СУН (*дарахтга хорғин суяниб*). Икки кундан буён туз тотмадим, кечадан буён ташнаман, ўзим истаган тақдирда ҳам сени севолмайман, синглим.

ШЕН ДЕ. Ёмғирнинг ёғиши қандай яхши.

*Мешкоб Ван пайдо бўлади. У куйлайди.*

## ЁМҒИР ЁҒАЁТГАНДА МЕШКОБ ҚЎШИҒИ

*Қалдироқ гумбурлаб, ёмғир қуяди,  
Мен эсам кўчада сув сотаман, сув.  
Ҳеч ким сув сўрамас, сув сотиб олмас,  
Ҳеч кимсага керак эмас у.  
Тинмай қичқираман: “Яхтдай яхоб!”  
Ҳеч ким сотиб олмайди уни.  
Ҳаттоки тушмайди сариқ чақа ҳам  
Менинг чўнтагимга шу куни.  
Сув сотиб олинлар, кўппаклар!  
Қанийди, ҳеч ёмғир ёғмаса,  
Етти йил ёғмаса, истардим шуни.  
Сув сотиб, мириқиб яшардим,  
Қатра-қатра сотардим уни.  
– Сув бер! Тезроқ сув! – деб қичқариб,  
Ўраб олишарди мени ҳар маҳал.  
Мен эсам ҳар битта харидорга  
Синчковлик билан боқардим аввал.  
Балки у тўсатдан ёқмай қолар?  
Чанқаб ўлардингиз шунда, кўппаклар!  
(Қулиб)  
Ёмғир қуйганидан қуяр, сиз эса,  
Текин сув завқини сурасиз.  
Булутларнинг улкан сийнасини  
Бир тийин бермасдан сўрасиз.  
Мен эсам қичқариб юраман ҳамон,  
“Яхтдай яхоб!” дея мақтайман уни,  
Ҳеч ким сотиб олмайди сувни...  
Сув сотиб олингиз, кўппаклар!*

*Ёмғир тинади.*

ШЕН ДЕ (*Ванни кўриб, унинг ёнига югуриб боради*). Оҳ, Ван, қайтиб келдингми-а? Идишларинг меникида.

ВАН. Уларни асраб қўйганинг учун раҳмат. Аҳволинг қалай, Шен Де?

ШЕН ДЕ. Яхши. Мен жуда жасур ва ақлли йигит билан танишиб қолдим. Ўшанга деб сендан бир кружка сув сотиб олмоқчиман.

ВАН. Бошингни орқага ташласанг, оғзинг сувга тўлади. Ана, тол баргидан томиб турибди.

ШЕН ДЕ. Лекин мен сенинг сувингдан сотиб олмоқчиман, Ван.

*Узоқдан ташиб келдинг,  
Машаққат чекдинг талай,  
Ёмғир ёғиб турганда  
Ҳеч ким сотиб олмагай.  
Аммо у менга керак  
Анави жаноб учун.  
У учувчи бир йигит,  
Демак, ҳаммадан жасур.  
У булутларни суриб,  
Бўронни тикка ёриб,  
Кўкларда парвоз этар.  
Узоқ ўлкалардаги  
Дўстларга салом элтар.*

*(Пул тўлаб, бир кружка сув билан Сун томонга югуради. Йўл-йўлакай Ванга ўгрилиб, кулиб қичқиради). У ухлаб қолди. Умидсизлик, ёмғир ва мен уни чарчатиб қўйдик.*

## ИНТЕРМЕДИЯ

*Ваннинг қўналғаси – сув оқадиган қувур. Мешкоб ухлаб ётибди. Мусиқа. Оҳанг тобора нозик тус олади. Ваннинг бошида фаришталар пайдо бўлишади.*

ВАН (қувончдан энтикиб). Мен уни кўрдим, оқилу донолар! Аввал кандоқ бўлса, ҳозир ҳам шундоқ.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Бу бизни қувонтиради.

ВАН. У бировни севиб қолибди! Менга кўрсатди. Чиндан ҳам унинг аҳволи яхши.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Эшитиб хурсанд бўлдик. Бу нарса унинг эзгуликка бўлган интилишини янада мустаҳкамлайди, деб умид қиламиз.

ВАН. О, албатта! У қўлидан келганича яхшилиқ қилади.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Хўш, у нечук яхшилиқлар қилди? Сўзлаб бер бизга, азизим Ван.

ВАН. Ҳеч кимдан яхши сўзини аямайди.

БИРИНЧИ ФАРИШТА (қизиқсиниб). Хўш-хўш?

ВАН. Чўнтагида пули бор киши унинг дўконидан тамакисиз чиқмайди.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Бу ёмон эмас. Хўш, яна?

ВАН. У саккиз жондан иборат оилага бошпана берди!

БИРИНЧИ ФАРИШТА (руҳланиб кетиб, иккинчи фариштага). Саккиз жондан иборат! Бу ҳали ҳаммаси бўлмаса керак?

ВАН. Ёмғир қуйиб турганига қарамай, у мендан бир кружка сув сотиб олди.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Булар бари майда-чуйда хайрли ишлар, вассалом. Лекин ҳар холда, тушунарли.

ВАН. Хайрли ишлар ақча талаб қилади. Кичик бир дўкондан тушадиган даромад бутун харажатни қопламайди.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Албатта, албатта! Аммо яхши боғбон бир парча ерда ҳам мўъжиза кўрсата олади.

ВАН. Шен Де мўъжиза кўрсатапти! У ҳар эрталаб гуруч таркатади, даромадининг ярмидан кўпи шунга кетади. Менга ишонаверинг, оқилу донолар.

БИРИНЧИ ФАРИШТА (*бир оз хафсаласи тир бўлиб*). Мен бир нима демадим шекилли. Бошланиши ёмон эмас.

ВАН. Замон оғир, шуни инобатга олишингизни сўрайман! У дўкончасини сақлаб қолиш учун бир гал амакиваччасини ёрдамга чақиришга ҳам мажбур бўлди.

*Топилгач шамолдан овлоқ, пана жой,  
Аёзли осмоннинг чор тарафидан  
Чўгурлашиб келди қушлар галаси.  
Бошланди жой учун талаш, шум тулки  
Туйнук очди юпқа девордан.  
Ёлғиз оёқ бўри бўлса-чи,  
Ош тўла косани ерга ағдарди...*

Хуллас, унинг ёлғиз ўзи ишни эплай олмасди. Лекин ҳамма уни, меҳрибон қиз, дейди. Ҳамма жойда уни, маҳалла фариштаси деб аташади. Унинг дўкон – эзгуликлар макони! Дурадгор Лин То нима деса, деяверсин.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Хўш, нима гап? Дурадгор Лин То уни хуш кўрмайдими?

ВАН. Э, токчалар ҳақини тугал тўлашмади деб ҳасрат қилиб юради, холос.

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Нималар деяпсан? Дурадгорга тўлашмадимми? Шен Де дўконида-я? У бунга қандоқ қилиб йўл кўйди экан?

ВАН. Чамамда, пули етишмаган.

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Йўқ, бу инсофдан эмас. Қарздормисан – қарзингни тўла! Шаънингга зарра доғ тушмасин. Қонунга аввал амал қил, кейин қонун талашсанг, ярашади.

ВАН. Бу ерда унинг ўзи эмас, амакиваччаси айбдор, оқилу донолар.

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Ундоқ бўлса, амакиваччаси энди унинг дўконига оёқ босмайди.

ВАН (*маъюс тортиб*). Тушунаман, оқилу донолар. Лекин шуни ҳам айтишим керакки, амакиваччаси ғоят эътиборли бир савдогар. Ҳатто полиция ҳам уни қадрлайди.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Биз амакивачча жанобларини эшитмай туриб, ҳукм чиқаролмаймиз. Иқрор этишим керак, савдо-сотик масалаларида дарҳол чалкашиб кетаман, балки савдогарчиликда нима маъқул, нима маъқул эмаслигини олдин аниқлаб олиш керакдир. Ох, бу жонга теккан савдогарчилик! Шу ишнинг бўлиши шартмикин ўзи? Ҳамма савдо деб ақлдан озади! Магар етти меҳрибон қирол савдогарчилик қилишганмиди? Ёки тақводор балиқ сотганмиди? Инсонга муносиб ҳалол ҳаёт кечиришга савдогарчиликнинг нима алоқаси бор?

ИККИНЧИ ФАРИШТА (*қаттиқ жаҳл ила*). Нима бўлса ҳам, бу бошқа такрорланмаслиги шарт. (*Ўгирилиб кетмоқчи бўлади*)

*Қолган иккиси ҳам кетишга шайланади.*

УЧИНЧИ ФАРИШТА (*хижолотомуз*). Қаттиқ гапирдик, узр. Биз бугун жуда чарчадик, уйқу ҳам чала бўлди. Тунаш учун бошпана! Бойлар бизга камбағаллар учун яхши тавсиялар беришади, камбағаллар эса бошпанага зор.

ФАРИШТАЛАР (*йироқлашиб, койиб боришади*). Уларнинг энг яхшиси ҳам ожиз. Хўш, бунинг нимасига хайрон қоласан? Оз!Оз! Тўғри, ҳаммаси чин юракдан, лекин фойдаси зиғирча! У ҳеч бўлмаганда...

*Уларнинг овози эшитилмай қолади.*

ВАН (*уларнинг изидан қичқириб*). Жаҳлга минаверманг, оқилу донолар!

Бошланиши учун шу ҳам оз эмас!

#### IV

*Шен Де тамаки дўкони олдида.*

*Сартарошхона, гиламфуруушлик ва Шен Денинг тамаки дўкони. Кун – душанба. Шен Де дўкони олдида саккиз жон оиланинг қолган аъзолари – чол ва келинчак, шунингдек ишсиз киши билан бева Шин кутиб туришибди.*

КЕЛИНЧАК. У бугун уйида тунамади!

ШИН. Ақл бовар қилмайди! Хайриятки, анави ёвуз амакиваччаси йўқолдию бу бизга марҳамат юзасидан гоҳ-гоҳ гуруч берадиган бўлди. Аммо бир неча кунлаб корасини кўрсатмай, аллақайларда тентираб юришга бало борми!

*Сартарошхонада шовқин кўтарилади. У ёқдан қоқилиб-суқилиб Ван чиқади, уни семиз сартарош қувиб келмоқда, қўлида соч жингалак қилувчи оғир омбур.*

ЖАНОБ ШУ ФУ. Миждозларга қўланса сувинг билан хиралик қилишни кўрсатиб кўяман сенга! Қани, кружкангни ол-да, бу ердан қорангни ўчир!

*(Ван жаноб Шу Фу қўлидан кружкани олмоқчи бўлади, лекин шу пайт сартарош унинг қўлига омбур билан уради, Ван қичқириб юборади.)*

Мана, сенга! Бундан кейин сабоқ бўлсин! (*Ҳансираб, сартарошхонага қайтади*)

ИШСИЗ КИШИ (*кружкани ердан олиб, Ванга узатади*). Ургани учун судга беришинг мумкин.

ВАН. Қўл адо бўлди.

ИШСИЗ КИШИ. Нима, синдими?

ВАН. Қимирлатолмайман.

ИШСИЗ КИШИ. Ўтир, устидан сув қуй.

*Ван ўтиради.*

ШИН. Ҳа, сенга сув теп-текин.

КЕЛИНЧАК. Соат саккиз бўлибдики, юмшоқ супургидан ҳамон дарак йўқ! Аллақайларда ялло қилиб юрибди! Шармандалик!

ШИН (*қовоғини солиб*). У бизни унутди!

*Кўчада бир хурмача гуруч кўтариб Шен Де ҳозир бўлади.*

ШЕН ДЕ (*томошабинларга*). Мен шаҳарни эрта тонгда сира

кўрмагандим. Одатда бу паллада бошимни иркит кўрпага буркаб, кани энди ҳеч уйғонмасам, деб қимирламай ётардим. Бугун мен газета сотувчи болалар, кўча асфалтини юваётган эркаклар, кишлоқдан тоза сабзавот олиб тушган деҳқонларнинг аравачалари оралаб юрдим. Суннинг маҳалласидан уйимгача узоқ йўл босдим, аммо кадам сайин қувончим оша борди. Мен севишганлар осмону фалакда учиб юришади деб эшитгандим, аммо энг яхшиси ерда, асфалтда юриш экан. Менга ишонинг, бировни севиб эрта тонгда уйғонаётган шаҳарни кўрмабсиз – дунёга келмабсиз. Шаҳар бу паллада, шоирлар айтмоқчи, уйқудан туриб, соф хавони симириб, иш асбобини қўлига олган тетик хунарманд Чолга ўхшайди. (*Кутаётганларга*) Ассалому алайкум! Мана, гуруч! (*Гуручни тарқатиб, Ванга кўзи тушади*) Салом, Ван. Мен бугун бироз бепарворокман. Йўл бўйи ҳар витрина ойнасида ўзимни кузатдим, энди ўзимга шол рўмол олмоқчиман. (*Сал туриб*) Биласанми, жудаям чиройли бўлгим келади. (*Дарҳол гиламфурушлик дўконига киради*)

ЖАНОБ ШУ ФУ (*эшикда кўриниб, томошабинларга*). Тавба, бугун Шен Дебону жудаям чиройли бўлиб кетибдими? Шу пайтгача пайқаммаганимни қаранг! Бор-йўғи уч дақиқа кўрдиму чиппа-чин ошик бўлдим – қўйдим. Ажойиб гўзал аёл! (*Ванга*) Йўқол, ярамас! (*Сартарошхонага қайтиб киради*)

Шен Де, мункиллаган эр-хотин – гиламфуруш савдогари ва унинг рафиқаси – дўкондан чиқишади. Шен Денинг қўлида шол рўмол, гилам савдогарининг қўлида кўзгу.

КАМПИР. Аломат рўмол, нархиям арзон, кичик бир тешиги бор, холос.

ШЕН ДЕ (*рўмолни кампирга тутқизиб, ўзи томоша қилади*). Яшил рўмол ҳам аломат экан.

КАМПИР (*кулимсираб*). Афсуски, у бежирим.

ШЕН ДЕ. Иложим қанча. Мен дўкондор бўлиб ҳам ўзимга тузукрок бир нарса ололмайман. Даромадан буромадим кўп.

КАМПИР. Хайр-эхсон қиласиз. Намунча? Дастлабки пайтларда бир коса гуруч ҳам – пул, шундоқ эмасми?

ШЕН ДЕ (*яроқсиз рўмолни ўзига чамалаб*). Ҳа, бўлар иш бўлди, аммо бугун мен бепарвоман. Бу ранг менга ярашадими?

КАМПИР. Буни бирорга эркак кишидан сўранг.

ШЕН ДЕ (*Чолга ўгирилиб*). Менга ярашадими?

ЧОЛ. Буни мендан сўраманг...

ШЕН ДЕ (*ўта хушфееълик билан*). Йўқ, мен сиздан сўрайман.

ЧОЛ (*хушфееълик билан*). Рўмол сизга ярашади. Фақат тескарисини ёпининг.

Шен Де пул тўлайди.

КАМПИР. Агар у сизга ёқмаса, алмаштириб олишингиз мумкин. (*Шен Дени четга тортиб*) Унинг бироз жамғармаси бордир?

ШЕН ДЕ (*кулиб*). О, йўқ.

КАМПИР. Унда ижара ҳақини қандай тўлайсиз?

ШЕН ДЕ. Ижара ҳақи? Вой, тамом унутибман!

КАМПИР. Ўзим ҳам шундоқ деб ўйловдим! Янаги душанба – ойнинг биринчи куни. Мен сиз билан гаплашиб олишим керак. Биласизми, эрим билан мен сизни яқиндан танигач, анави никоҳ ҳақидаги эълонга

ишонмай қўйдик ва сизга жилла бўлса ҳам ёрдам қўлини чўзишга қарор қилдик. Жиндак асраб қўйганимиз бор, сизга икки юз кумуш доллар қарз бера оламиз. Истасангиз, дўкондаги тамакингизни гаровга қўйинг. Ёзма кафолат бериш шарт эмас.

ШЕН ДЕ. Нахотки мендек енгилтак бир кимсага қарз бермоқчи бўлсангиз?

КАМПИР. Амакиваччангиз енгилтак киши эмас эди, ростини айтсам, биз унга қарз бермасдик, лекин сизга – бажонудил.

ЧОЛ (уларга яқинлашиб). Келишиб олдиларингми?

ШЕН ДЕ. Жаноб Фен, қанийди хотинингиз менга нималар деганини фаришталар эшитсайди. Улар меҳрибон ва бахтиёр кишиларни излаб юришибди. Сиз чамамда менга ёрдам қўлини чўзиш билан бахтиёрсиз, ахир, мен севгини деб шу ночор аҳволга тушиб қолдим.

*Чол кампир бир-бирларига кулиб қарашади.*

КАМПИР. Мана, пул. (Шен Дега конверт чўзади. Шен Де уни олиб, таъзим қилади. чол-кампир ҳам унга таъзим қилишади. Ҳар ким ўз дўконига қараб юради).

ШЕН ДЕ (Ванга, конвертни баланд кўтариб). Ярим йиллик ижара хақи тайёр. Мўъжиза эмасми? Янги шол рўмолим сенга ёқдими, Ван?

ВАН. Сен буни мен шаҳар боғида кўрган анави йигитни деб олдинг, шундоқми?

*Шен Де бош қимирлатиб тасдиқлайди.*

ШИН. Ишқий савдоларингни вайсаб ўтиргунча, бунинг қўлига бир назар солсанг бўларди!

ШЕН ДЕ (қўрқиб). Вой, қўлингга нима қилди?

ШИН. Сартарош бизнинг кўз ўнгимизда уриб, синдирди.

ШЕН ДЕ (ўз эътиборсизлигидан даҳшатга тушиб). Мен ҳеч нарса пайқабман! Ҳозирок врачга югур, йўқса, қўлинг ёғочдай қотиб, ишга ярамай қолади! Қандай фалокат! Қани, бўла қол! Тезроқ бор!

ИШСИЗ КИШИ. Унга врач эмас, судья керак. У бадавлат сартарошдан кўрган зиёни учун ҳақ талаб қилсин.

ВАН. Шундоқ қилса бўлармикин?

ШИН. Агар қўлинг чиндан ҳам синган бўлса?

ВАН. Синган шекилли. Шишганини қара! Умрбод нафақа беришади деб ўйлайсанми?

ШИН. Ҳар ҳолда, сенга гувоҳлар керак.

ВАН. Ахир, ҳамма кўрди-ку! Гувоҳлик бера оласиз. (Атрофга аланглайди. Иисиз киши, қария ва келинчак деворга суяниб, овқат ейиши билан банд, ҳеч ким бошини кўтариб унга қарамайди).

ШЕН ДЕ (Шинга). Ахир сиз кўргансиз-ку!

ШИН. Полиция билан борди-келди қилишга тоқатим йўқ.

ШЕН ДЕ (келинчакка). Унда, сиз!

КЕЛИНЧАК. Мен? Кўзим бошқа ёқда эди.

ШИН. Қанақасига кўзингиз бошқа ёқда бўлсин? Қараб турганингизни ўз кўзим билан кўрдим. Сиз кўрқаяпсиз, негаки сартарошнинг қўлида ҳокимият бор.

ШЕН ДЕ (қарияга). Ишонаманки, сиз гувоҳлик берасиз, йўқ демайсиз.

КЕЛИНЧАК. Унинг гувоҳлиги ўтмайди. У эсини йўқотиб қўйган.

ШЕН ДЕ (*ишсиз кишига*). Гап умрбод нафақа устида боради.

ИШСИЗ. Тиланчилик қилганим учун икки бор қамалиб чикқанман. Менинг гувоҳлигим унга фақат зиён келтиради.

ШЕН ДЕ (*ишонқирамай*). Хуллас, бу ерда нима воқеа бўлганини айтишга ҳеч ким ботинмайди? Бу қандай гап, куппа-кундузи уриб, бировнинг кўлини синдиришсаю, буни ҳамма кўриб жим ўтираверса? (*Ғазабланиб*)

*О, сиз, шўрликлар!  
Ҳақоратлайдилар оғайнингизни,  
Лекин сиз кўз юмиб ўтасиз!  
У шўрлик қичқирар, сиз эса  
Индамай турасиз тобакай?  
Орангизда юриб, ўзига  
Янги қурбон излар зўравон,  
Сиз эса, у мени аяйди,  
Чунки мен кўзидек ювошман, дейсиз.  
Бу не шаҳар ўзи? Бу не одамлар?  
Шаҳарга ҳақсизлик бўларкан ҳоким,  
У кўзголиб, исён этмоғи лозим.  
Агар у кўзголиб, исён этмаса,  
Ҳали тун зулмати чўкмасдан туриб,  
Кўйиб оловларда, адо бўлсин у...*

Ван, майли, кўрганлар гувоҳлик беришдан бош тортишар экан, мен ўзим кўрдим деб гувоҳлик бераман.

ШИН. Бу сохта гувоҳлик бўлади.

ВАН. Нима қилишга ҳам ҳайронман. Майли, не бўлса ҳам, бир уннаб кўраман. (*Кўлига тикилиб, ташвишланиб*). Нима дейсиз, жуда шишиб кетибдими? Назаримда, шиши бир оз қайтгандек, шундоқ эмасми?

Ишсиз (*уни юпатиб*). Йўқ, шиши сираям қайтмаган.

ВАН. Ростданми? Дарвоқе, бир оз шишинқираган. Суяги синган шекилли. Яхшиси, судьяга бора қолай. (*Кўлини эҳтиёт билан ушлаб, ундан кўз узмай, узоқлашади. Шин сартарошхонага қараб чопади*).

ИШСИЗ. У хушомад қилгани сартарошга югурди.

КЕЛИНЧАК. Биз бу дунёни ўзгартира олмаймиз.

ШЕН ДЕ (*маъюсланиб*). Мен сизларни хафа қилмоқчи эмасдим. Мен жуда кўркиб кетдим. Йўқ, хафа қилмоқчи эдим. Қани, кўзимдан йўқолинг!

*Ишсиз, келинчак ва қария қовоқ уйиб, овқат чайнаб, нари кетадилар.  
(Томошабинларга)*

*Улар энди жавоб беришмас.  
Тур, деган жойингда туришар қотиб.  
Кет! – десанг, шу замон бўлишар гойиб.  
Уларга ҳеч нима таъсир этмагай.  
Фақат овқат ҳиди димоққа урса,  
Боқишар бақрайиб, хўмрайиб.*

*Югуриб, бир қари аёл киради. Бу Суннинг онаси, Ян хоним.*

ЯН ХОНИМ (*нафаси бўғилиб*). Сиз Шен Де бонумисиз? Ўғлим менга ҳаммасини айтиб берди. Мен Суннинг онаси, Ян хонимман. Биласизми,



Ўғлим яна учадиган бўлди! Ҳозиргина Пекиндан мактуб олдик. Почта самолётлари устахонаси бошлиғидан.

ШЕН ДЕ. У яна учади денг? О, Ян хоним!

ЯН ХОНИМ. Лекин бунинг учун катта пул керак, беш юз кумуш доллар.

ШЕН ДЕ. Кўп экан. Лекин пулидан қочиб, шундоқ имкониятдан кечиб бўлмайдими-ку, шундоқ эмасми? Менинг дўконим бор.

ЯН ХОНИМ. Оҳ, сиз ёрдам бера олсангиз эди!

ШЕН ДЕ (*уни қучоқлаб*). Оҳ, мен ёрдам бера олсам эди!

ЯН ХОНИМ. Шарофатингиз билан у одам қаторига ўтарди.

ШЕН ДЕ. Кишини фойдали иш қилишгайм қўйишмайди! (*Бир оз жим туриб*). Дўконнинг даромади кам, мана бу икки юз долларни менга қарз беришди. Буни ҳозироқ олишингиз мумкин. Мен дўкондаги тамақини сотиб, қарзимни узарман. (*Унга чол-кампирдан олган пулини беради*)

ЯН ХОНИМ. О, Шен Де бону, ўғлим шу пулга жудаям муҳтож. Биласизми, уни бу ерда нима деб аташади? Ўлик учувчи деб. Бас, учмайдими, демак у ўлик учувчи.

ШЕН ДЕ. Аммо бизга яна уч юз кумуш доллар етишмайди. Ўйлаб, чорасини топиш керак, Ян хоним. (*Секин*). Мен бир кишини биламан, хоҳласа, у ёрдам бера олади. О, мен у билан гаплашишнинг истамасдим – у шу қадар бағри тош, шу қадар маккор. Аммо лекин у билан охири марта гаплашсам, нима қилади? Ахир, учувчи учиши керак! Гапнинг индаллоси шу!

*Узоқдан мотор шовқини эшитилади.*

ЯН ХОНИМ. Оҳ, сиз айтган ўша одам пул берсайди! Қаранг, эрталабки почта самолёти, Пекинга учаяпти!

ШЕН ДЕ (*қатъий*). Унга қўлингизни силкинг, Ян хоним! Учувчи бизни кўриб қолса, ажабмас! (*Ўзи шол рўмолини силкийди*) Қўлингизни силкинг, деяпман!

ЯН ХОНИМ (*қўл силкиб*). Сиз уни танийсизми?

ШЕН ДЕ. Йўқ. энди учадиганини танийман. Умидсизликка тушган жаноб Ян учақолсин энди! Майли, ҳеч бўлмаса, бизнинг устимиздан, жамийки кулфатларимиз устидан баланд кўтарилиб, парвоз этсин! (*Томошабинларга*)

*Ян Сун, қалбим соҳиби, булутлар билан  
Бўронларга тушиб басма бас,  
Осмон оша –  
Дўстлик мактубларини  
Олис ўлкалардаги дўстларга элтар.*

### Парда олдида интермедия

*Шен Де қўлида Шой Данинг ниқоби ва кийимлари билан киради, куйлайди.*

*Фаршталар ва яхши кишиларнинг ожизлиги ҳақида қўшиқ*

*Бизнинг мамлакатда  
Яхшининг яхшилик қилиши мушуқ.*

У исботлай олур яхшилигини  
Зўравонлар мададига суяниб фақат.  
Яхшилар нотафон, малаклар ожиз,  
Нега малакларда крейсерлар йўқ?  
Танклар, самолётлар, замбараклар йўқ?  
Йўқса, ёмонларни йўқотиб буткул,  
Яхшилар авайлаб-асралганда-чи,  
Ҳам бизга, ҳам малакларга бўларди яхши.

(Шой Данинг кийимларини кийиб, унинг юриши билан бир-икки қадам ташлаб)

Бизнинг мамлакатда  
Яхши бўлиб қолиши ҳам мушукул:  
Нон етмаса, хўрандалар кўтарар зовур.  
О, малаклар тайин этган қонунлар бари  
Фақирларни фақирликдан қутқара олмас.  
Нега бизнинг бозорларга малаклар келмас, –  
Тўкин-сочин қилиб бунда ҳамма нарсани,  
Табассум айламас, нон еб, мусаллас ичган  
Одамларни, бундан кейин бир-бирингиз-ла  
Аҳил-иноқ бўлинг, дея далолат этмас?

(Шой Данинг ниқобини кийиб, унинг овози билан куйлаида давом этади)

Қошиқни косага тамом етказмоқ учун  
Бағритошлик керак.  
Шунга суянади буткул империялар.  
Ўн икки гадони абгор этмасдан туриб,  
Ўн учинчи гадога эҳсон берилмас.  
Нега уни айтишмайди ариши аълода,  
Яхшиларга яхши кун йўқ ушбу дунёда?  
Нечук замбараклар бериб, биз яхшиларга:  
“Ўт очинг!” деб амру фармон этмас малаклар?  
Қачонгача тоқат қилиб туришар улар?

## V

### Тамаки дўкони

Шой Да пештахта олдига газета ўқиб ўтирибди. У бетиним вайсаб, дўконни супуриб-сидираётган Шиннинг сўзларига парво қилмайди.

ШИН. Агар миш-мишлар тарқаб қолса борми, дўкончам синди, дея-веринг. Менга ишонинг, мен билиб гапираман. Шен Денинг Сарик кўчаллик анави Ян Сун билан нима ишлар қилиб юрганини бир текшириб кўрсангиз бўларди. Унутмангки, қаршингизда яшовчи сартарош, ўн икки уйи, ёлғиз биргина қари хотини бўлган жаноб Шу Фу оймқизни жудаям ёқтириб қолганини шахсан менга айтди. У ҳатто қизнинг мулк-маблағи

не аҳволда эканини ҳам суриштирибди. Хўш, бу сизга чин муҳаббат белгиси эмасми? *(Тайин жавоб ололмагач, челақни кўтариб чиқади)*

СУННИНГ ОВОЗИ *(ташқаридан)*. Бу Шен Де бонунинг дўконими?  
ШИННИНГ ОВОЗИ. Ҳа. Аммо бугун дўконда амакиваччаси ўтирибди.

*Шой Да Шен Дега ўхшаб, енгил қадамлар билан кўзгуга интилиб, сочларини тузатмоқчи бўлади, аммо хатосини пайқаб қолади. У ўзича кулиб, ўрнига қайтади. Кетма-кет – Ян Сун ва Шин пайдо бўлади. Шин унинг ёнидан ўтиб, ичкарига киради.*

СУН. Мен Ян Сунман.

*Шой Да таъзим қилади.*

Шен Де шу ердами?

ШОЙ ДА. У бу ерда йўк.

СУН. Бизнинг муносабатларимиз сизга маълум бўлса керак. *(Дўконни кўздан кечириб)*. Вой-бўй, ҳақиқий магазин-ку! Мен эсам уни бир оз муболаға қилди, деб ўйлабман. *(Турли қутичалар, чинни тувакчаларга ҳавас билан тикилиб)*. Оғайни! Мен яна учаман! *(Сигара олади)*.

*Шой Да унга гугурт ёқиб, тутади.*

Фикрингиз қалай, биз бу дўкондан яна уч юз кумуш доллар ундира олармикинми?

ШОЙ ДА. Сўрашга ижозат этинг: сиз дўконни ҳозироқ сотмоқчимисиз?

СУН. Ахир бизга нақд уч юз доллар етишмаяпти-ку, шундоқ эмасми?

*Шой Да бош силкиб тасдиқлайди.*

Шен Де марҳамат қилиб, дарҳол икки юз доллар берди. Аммо яна уч юз керак, ўшасиз ишим юришмайди.

ШОЙ ДА. Менимча, у сизга ваъда берганда бир оз шошқалоқлик қилган. У дўкондан айрилиб қолиши мумкин. Шошқалоқлик – шамол, у иморатни ҳам йиқитади, деган мақол бор.

СУН. Менга ҳозироқ пул керак, кейин кеч бўлади. У танги киз, бировга бир нарса керак бўлиб қолса ўйлаб-нетиб ўтирмайди, шартга беради. Бу – эрқақлар орасидаги ўзаро гап: шу пайтгача у “йўк” демаган.

ШОЙ ДА. Шунақа денг?

СУН. Ҳа, шунақа танги у.

ШОЙ ДА. Билсам бўладими, беш юз кумуш доллар сизга нега керак бўлиб қолди?

СУН. Марҳамат. Сезиб турибман, мени пайпаслаб кўраяпсиз. Пекиндаги самолёт устахонаси бошлиғи, мактабдош дўстим беш юз кумуш доллар эвазига мени ишга жойламоқчи.

ШОЙ ДА. Бу жудаям кўп эмасми?

СУН. Йўк. У катта оиланинг бошлиғи, шунинг учун ҳам, ўз хизматини астойдил бажарадиган бир учувчининг хатосини топиб, ишдан ҳайдамоқчи. Тушундингизми? Ҳа, айтмоқчи, бу ўзаро гап. Шен Де эшитмасин.

ШОЙ ДА. Хўп. Лекин устахона бошлиғи янаги ойда сизнинг ўзингизни ҳам сотиб қўймасмикин?

СУН. Бошқаларни сотса ҳам, мени сотмайди. Мен хатога йўл қўймайман. Мен узоқ вақт ишсиз юрдим.

ШОЙ ДА *(боши билан тасдиқлаб)*. Оч ит аравагани уйига тезроқ тартади, денг. *(бир мuddат Сунга тикилиб туради)* Қалтис иш. Жаноб Ян Сун, сиз жиянимдан шаҳардаги кичик дўкони ва барча дўстларидан воз

кечиб, ўз тақдирини кўлингизга топширишни талаб қилаяпсиз. Назаримда, Шен Дега уйланмоқчисиз, шундоқми?

СУН. Ҳа, мен бунга тайёрман.

ШОЙ ДА. Шундоқ экан, дўконни бир неча кумуш долларга сотиб юборишга қандоқ кўзингиз қияди? Шошилиб сотган киши ҳамиша арзон сотади. Кўлингиздаги икки юз кумуш доллар бинонинг ярим йиллик ижара ҳақини қоплаган бўлурди. Сизни тамаки савдосининг истиқболи кизиқтирмайдими?

СУН. Мени-я? Учувчи Ян Сун қаққайиб, пештахта ортида турсинми? “Муҳтарам афандим, аччиқ сигарадан берайми ёки юмшоқроғиданми?”: йўқ, Ян Сунларга бундай ишлар ярашмайди.

ШОЙ ДА. Сўрашга ижозат этинг, учиш яхши ишми ўзи?

СУН (*чўнтагидан хат олиб*). Муҳтарам зот, мен ҳар ойда икки юз эллик кумуш доллар оламан! Мана, кўриб қўйинг – Пекиннинг почта маркаси ва муҳри.

ШОЙ ДА. Икки юз эллик кумуш доллар? Катта пул.

СУН. Сиз мени текинга учади, деб ўйлабмидингиз?

ШОЙ ДА. Кўриниб турибди, яхши жой экан! Жаноб Ян Сун, жияним учувчи бўлиб жойлашишда сизга ёрдам беришимни сўради, ахир, учувчилик – жону дилингиз. Мен жиянимни тушунаман, у ўз қалбининг амрини адо этаркан, бунга ҳеч эътирозим йўқ. У муҳаббат лаззатини татиб кўришга батамом ҳақли. Мен бу ердаги ҳамма нарсани пулга чақишга тайёрман. Мана, уй эгаси Ми Дзю хоним келаяпти, фурсатдан фойдаланиб, савдо-сотик хусусида у билан кенгашиб оламан.

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ (*қиради*). Салом, жаноб Шой Да. Бир кундан кейин ижара ҳақини тўлаш муддати тугашидан хабарингиз бордир?

ШОЙ ДА. Ми Дзю хоним, шароит тақозосига кўра, жияним энди тамаки савдоси билан шуғулланмаса керак. У турмушга чиқаяпти, бўлажак куёв (*Ян Сунни таништиради*) уни ўзи билан Пекинга олиб кетмоқчи. Тамакига харидор топилса, дўконни сотмоқчиман.

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Хўш, қанча сўрайсиз?

СУН. Нақ уч юз.

ШОЙ ДА (*шошиб*). Йўқ, беш юз!

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ (*Сунга*). Сизга ёрдам беролсам керак. (*Шой Дага*) Тамакингиз баҳоси қанча эди?

ШОЙ ДА. Жияним унга минг кумуш доллар тўлаган, бор-йўғи озгина тамаки сотилди, холос.

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Минг кумуш доллар! Албатта, уни лақиллатишган! Гапнинг пўскалласи: агар эртадан кейин жўнайдиган бўлсаларинг, мен бутун дўкон учун уч юз кумуш доллар тўлайман.

СУН. Қўлни беринг! Нима дейсан, бобой?

ШОЙ ДА. Оз!

СУН. Етади!

ШОЙ ДА. Менга энг камида беш юз керак.

СУН. Нега?

ШОЙ ДА. Куёв билан гаплашиб олишимга ижозат этинг. (*Сунни бир четга бошлайди*) Дўкондаги бор тамаки сизга топширилган икки юз доллар учун чол-кампирга гаровга қўйилган.

СУН (*бўшашиб*). Бу ҳақда тилхат борми?

ШОЙ ДА. Йўк.

СУН (*бир нас жим туриб, уй бекаси хонимга*). Биз уч юзга розимиз.

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Дўкон қарз билан боғлиқ шартномалардан озодмикин, шуни ҳам билишим керак.

СУН. Жавоб беринг.

ШОЙ ДА. Озод.

СУН. Биз уч юз долларни қачон оламиз?

УЙ БЕКАСИ ХОНИМ. Эртадан кейин, унгача яна ўйлаб кўришингиз мумкин. Бир ой сабр қилсангиз, кўпроқ оласиз. Мен уч юз бераяпман, сабабки, сизга ёрдамлашмоқчиман. Ахир, гап ёш келин-куёвнинг бахти устида кетаяпти. (*Кетади*)

СУН (*унинг узидан қичқириб*). Розимиз! Қутичалар, тувакчалар, халтачалар – ҳаммасига уч юз, тамом-вассалом! (*Шой Дага*) Бириси кунгача бошқа кишига қимматроқ сотиб бўлмасмикин? Унда биз анави икки юзни ҳам қайтарардик.

ШОЙ ДА. Шундай қисқа муддат ичида-я? Биз Ми Дзю таклиф этганидан бир доллар ҳам ортиқ сотолмаймиз. Икки кишига етгулик йўл харажати ва дастлабки кунларда рўзғор қилиш учун пулингиз борми?

СУН. Бор.

ШОЙ ДА. Қанча?

СУН. Мен ўғирлаб бўлса ҳам топаман.

ШОЙ ДА. Ох, ҳали уни топиш керак денг?

СУН. Ғашимга тегаверма, бобой. Мен нима қилиб бўлса ҳам, Пекинга етиб оламан.

ШОЙ ДА. Аммо икки кишига ҳам пул керак.

СУН. Икки кишига? Шен Де шу ерда қолади. Биринчи кунлар, очиғини айтсам, у менга даҳмаза бўлади.

ШОЙ ДА. Тушунаман.

СУН. Нега менга тешик ёғдонга тикилгандек тикилиб қолдингиз? Киши кўрпасига қараб оёқ узатади.

ШОЙ ДА. Айтингчи, жияним бу ерда қайси маблағ ҳисобига яшайди?

СУН. Сиз ёрдамлашасиз, шундоқ эмасми?

ШОЙ ДА. Албатта.

### Пауза

Жаноб Ян Сун, менга ҳалиги икки юз кумуш долларни қайтаринг, Пекинга бир жуфт билет олиб, келтириб кўрсатмас экансиз, пул шу ерда туради.

СУН. Менга қара, қайин оға, бу ишга аралашма, деб сенга айтганман.

ШОЙ ДА. Шен Де бону...

СУН. Буни менга қўйиб беринг.

ШОЙ ДА... балки дўконни сотишга унамас, агар у...

СУН. Барибир рози бўлади.

ШОЙ ДА. Мен рози бўлмасам-чи?

СУН. Эй, муҳтарам зот!

ШОЙ ДА. Ахир у ҳам одам, унинг ҳам ақл-идроки бор, буни унутдингиз шекилли.

СУН (*хушчақчақлик билан*). Хотинлар ҳақида, уларнинг ақл-идроки ҳақида нималарни тўқишмайди, эшитиб, хайрон қоласан киши! Сиз ҳеч маҳал муҳаббат қудрати, шахвоний хирс ҳақида эшитганмисиз? Сиз

унинг аклига умид боғлайсизми? Унда ақл йўқ. У шўрликни умр бўйи хўрлашган! Елкасига қўлимни қўйиб: “Қани, юр мен билан!” – десам, бас, шу ондаёқ қулоғида ибодатхона қўнғироғи жаранглаб, ўз тукқан она-сини ҳам таниёлмай қолади.

ШОЙ ДА (*қийналиб*). Жаноб Ян Сун!

СУН. Жаноб... Ҳа, отингиз нимаиди?

ШОЙ ДА. Жияним сизга содиқ экан, бунинг сабаби...

СУН. Сабаби – менинг кучоғим унга хуш ёқади. Ҳа, буни яхшилаб эслаб олинг! (*Қутидан битта сигара олади, кейин иккита сигара олиб, чўнтагига солади, ниҳоят, қутиси билан кўтариб, қўлтиқлаб олади*). Тўй масаласи ҳал, тўйга қуруқ қўл билан келмайсан. Ёки у, ёки сен нақд уч юз келтирасан, ёки у, ёки сен! (*Кетади*)

ШИН (*ичкари хужра эшигидан бошини чиқазиб*). Вой, лаънати-ей! Бечора қизнинг бошини айлантириб олганини бутун Сарик кўча билади.

ШОЙ ДА (*қичқириб*). Дўкон адо бўлди! У севмайди! Бу ҳалокат! Ўлим! (“*Дўкон адо бўлди!*” *деб хонанинг у бошидан бу бошига югуради. Кейин Шиннинг қаршисида тўхтаб, унга мурожаат этади*). Шин, сиз ахлатхонада ўсгансиз, мен ҳам. Наҳот, биз енгилтак кишилар бўлсак? Йўқ! Зарур бўлса, қўлимиздан қаттиққўллик келмас эканми? Йўқ! Мен ёқангиздан бўғиб, то ўзингиз мендан ўғирлаб олган тангани тупуриб ташламас экансиз, сизни тўхтовсиз силкитиб туришга ҳозирман. Сиз буни биласиз. Замон оғир, бу шаҳар – жаҳаннам, биз силлиқ деворга тирмашиб, тепага интиламиз. Бир пайт ногаҳон қай биримизга фалокат – севги фалокати ёпирилади. Қарабсизки, ҳамма нарса тугабди. Жиндак заифликка йўл қўйсангиз, бас, адо бўлдим, деяверинг. Бу заифликлар, ҳаммадан олдин, бу муҳаббат савдосидан қутулишнинг иложи бормикин? У инсон учун азоб-уқубат! У жудаям қиммат! Лекин, айтинг-чи, бир умр сергак – хушёр бўлиб туриб бўлармикин? Бу қанақа дунё ўзи?

*Аввал ўтиб, кейин бўғадилар,  
Ишқ оҳи фарёдга айланур шу он.  
Оҳ, нега қузғунлар унда чарх урар?  
Унда учрашувга ошиқар жувон!*

ШИН. Яхсиси, мен сартарошни бошлаб кела қолай. Бир гаплашиб кўринг. У – ор-номусли киши. Сартарош – жиянингизга жуда муносиб кўёв. (*Жавобни ҳам қутмай, югурганча чиқади*).

Шой Да яна безовталаниб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди, жаноб Шу Фу, унинг изидан Шин киради, у Шу Фунинг ишорати билан зойиб бўлади.

ШОЙ ДА (*унга пешвоз чиқиб*). Афандим, эшитдимки, менинг жиянимни ёқтирар эмишсиз. Одоб-андишани бир чеккага йиғиштириб қўйиб, очик гапиришга ижозат беринг, негаки Шен Де бонуга ҳозир катта хавф-хатар таҳдид солиб турибди.

ЖАНОБ ШУ ФУ. О!

ШОЙ ДА. Боягина ўз дўконига эга бўлган жияним энди гадо-мосуво. Жаноб Шу Фу, дўкон адо бўлди.

ЖАНОБ ШУ ФУ. Жаноб Шой Да, мен Шен Де хонимнинг хусни малоҳати унинг дўконигаги бойликларда эмас, балки меҳрибон қалбидадир деб ўйлайман. Унинг номиёқ кимлигини айтиб турибди, уни “маҳалла фариштаси” деб аташади!

ШОЙ ДА. Афандим, меҳрибонлик бугун жиянимга икки юз кумуш долларга тушди. Бунга чек қўйиш фурсати етди.

ЖАНОБ ШУ ФУ. Бошқа, юмшоқроқ бир мулоҳазани ўртага ташлашга ижозат беринг. Ўша меҳрибонликни қўйиб беришнинг ҳозир айна фурсати. Яхшилик қилиш – Шен Де бонунинг касби. У бор-йўғи тўрт кишини боқади – мен ҳар эрталаб жуда мутаассир бўлиб, буни кузатаман. Нега энди у тўрт юз кишини боқмас экан? Эшитишимча, у бир неча уйсизларга бошпана бериш ҳақида бош қотириб юрганмиш. Менинг кушхона ортидаги уйларим бўм-бўш, ҳувуллаб ётибди. Уларни Шен Де бону ихтиёрига бераман ва ҳоказо, ва ҳоказо. Жаноб Шой Да, умид қилсам бўладими, кейинги кунларда менинг бошимга келган бу фикрлар Шен Де бонуни қизиқтирармикин?

ШОЙ ДА. Жаноб Шу Фу, бундай олижаноб фикрларни у жон деб эшитади.

*Полициячи билан Ван киради. Жаноб Шу Фу ўғирилиб, тоқчаларни диққат билан кўздан кечира бошлайди.*

ВАН. Шен Де шу ердами?

ШОЙ ДА. Йўқ.

ВАН. Мен мешкоб Ван бўламан. Сиз жаноб Шой Да бўлсангиз керак?

ШОЙ ДА. Худди шундай. Салом, Ван.

ВАН. Биз Шен Де билан дўстмиз.

ШОЙ ДА. Биламан, сиз унинг кадрдон дўстларидан бирисиз.

ВАН (*полициячига*). Кўрдингизми? (*Шой Дага*) Мен қўлим масаласида келган эдим.

ПОЛИЦИЯЧИ. Қўли синган, бу энди бор гап.

ШОЙ ДА (*тез*). Айтмоқчи, қўлингизни бойлаб олишингиз керак. (*Хонадан шол рўмол чиқазиб, уни Ванга тутлади*)

ВАН. Бу янги шол рўмол-ку.

ШОЙ ДА. Бу рўмол энди унга керак эмас.

ВАН. Шен Де буни кимгадир ёқиш учун сотиб олган эди.

ШОЙ ДА. Маълум бўлдики, энди бунга эҳтиёж йўқ.

ВАН (*қўлини шол рўмол билан бойлаб*). У менинг ягона гувоҳим.

ПОЛИЦИЯЧИ. Сартарош Шу Фу омбур билан мешкобни урганини жиянингиз кўрган эмиш. Шу гапдан хабарингиз борми?

ШОЙ ДА. Мен шуни биламанки, бу кичик ҳодиса содир бўлганда жияним бу ерда бўлмаган.

ВАН. Бу – англашилмовчилик! Шен Де келсин, ҳаммаси равшан бўлади. Шен Де ҳаммасини тасдиқлайди. У қаерда?

ШОЙ ДА (*жиддий*). Жаноб Ван, сиз ўзингизни жиянимнинг дўсти деб атайсиз. Худди шу тобда унинг ташвишлари бошидан ошиб ётибди. Дуч келган ҳар кимса уни сиқиб, сувини ичган. Келажакда бундай ишларга у йўл қўёлмайди. Мен ишонаманки, унинг сохта гувоҳликка ўтиб, бор бисотидан айрилиб қолишини сиз истамайсиз.

ВАН (*довдираб*). Мен, ахир унинг маслаҳати билан судьяга бордим.

ШОЙ ДА. Қўлни даволаш судьянинг иши эканми?

ПОЛИЦИЯЧИ. Йўқ. Унинг иши етказилган зиённи қоплашга сартарошни мажбур этиш.

*Жаноб Шу Фу ўғирилиб қарайди.*

ШОЙ ДА. Жаноб Ван, дўстларнинг баҳсига мен аралашмайман, бу – менинг қоидам. (*Шу Фуга таъзим қилади*)

*Шу Фу ҳам унга таъзим қилади.*

ВАН (*рўмолни ечиб, уни узатиб, маъюс қиёфада*). Тушунарли.

ПОЛИЦИЯЧИ. Мен энди кетсам бўлар, сен шундоқ обрўли кишини шилмоқчи бўлдинг. Менга қара, йигит, бундан кейин кадамингга эҳтиёт бўл. Жаноб Шу Фу шафқат этмаса, тухмат қилганинг учун қамаласан. Энди бор, жўна!

*Полициячи билан Ван кетадилар.*

ШОЙ ДА. Хафа бўлманг.

ЖАНОБ ШУ ФУ. Зиёни йўқ. (*Шоша пиша*) Манави “кимгадир” (*рўмолни кўрсатиб*) билан боғлиқ иш энди ўтиб бўлдими? Батамом тугадими?

ШОЙ ДА. Тугади. Уни фош қилишди. Тўғри, жароҳатнинг битиши учун фурсат керак.

ЖАНОБ ШУ ФУ. Албатта бу инobatга олинади.

ШОЙ ДА. Ҳали яраси янги.

ЖАНОБ ШУ ФУ. У қишлоққа жўнайди.

ШОЙ ДА. Бир неча ҳафтага. Аммо бу масалани у ишончли бир киши билан олдиндан маслаҳатлашиб олишни истайди.

ЖАНОБ ШУ ФУ. Камтарин, аммо яхши ресторанда, камтарин дастурхон атрофида.

ШОЙ ДА. Хилватда. жиянимни тезроқ хабардор қилай. У ақлли қиз, тушунади. У ўзи фаришталар эҳсони деб биладиган дўкони учун ташвиш чекиб юрибди. Бир пас кутинг, мен ҳозир... (*Ичкари хужрага киради*)

ШИН (*бошини чиқазиб*). Табрикласа бўладими?

ЖАНОБ ШУ ФУ. Бўлади, Шин хоним, Шен Де боқимандаларига бугуноқ хабар қилинг, мен кушхона ортидаги уйимдан уларга бошпана бераман. (*Шин боши билан тасдиқлайди, ишонқирамай, кулади. Ўрнидан туриб, томошабинларга*) Хўш, мен қалай эканман, хонимлар ва жаноблар? Бундан ошириб бўлармикин? Мендек фидойи, мендек назокатли, мендек оқилу доно қайда бор? Камтарин дастурхон! Одатда, шундай деганда, алланечук дағал ва номуносиб фикрлар мияга келади! О, йўқ, бирор ножўя иш рўй бермайди. Ҳаттоки туздонни оламан, деб қўлим қўлига тегиб ҳам кетмайди. Фақат фикр алмашув, вассалом. Столни беагаган гуллар, оқ хризантемалар орасида икки жон бир-бирини топади. (*Шуни дафтарчасига ёзиб қўяди*) Йўқ, бу ерда оғир аҳволдан истеъфода этиш, юз берган янглиш – хатодан фойдаланиш йўқ. Деярли унсиз – сўзсиз ғамхўрлик ва ёрдам таклиф этилади. Ҳамма нарса ёлғиз кўз қараши билан тушунтирилади. Ҳа, кўз қарашида гап кўп!

ШИН. Ҳамма нарса истаганингиздек бўлди, жаноб Шу Фу!

ЖАНОБ ШУ ФУ. О, нимасини айтасиз! Ҳа, энди ўзгаришлар бўлади. Анави кимса истеъфога чикди, дўконга бўлган даъволар ҳам ўз кучини йўкотади. Шаҳардаги энг ифбатли қизнинг шаънига доғ туширмоқчи бўлганлар энди мен билан ҳисоблашади. Сиз анави Ян Сун деганини танийсизми?

ШИН. У энг ифлос, энг ялқов...

ЖАНОБ ШУ ФУ. У – ҳеч нарса. У йўқ. У энди яшамайди.

*Сун киради.*

СУН. Бу ерда нималар бўлаяпти?

ШИН. Жаноб Шу Фу, хўп десангиз, мен жаноб Шой Дани чақира қолай. У дўконда бегоналарнинг қаққайиб туришини истамаса керак.



ЖАНОБ ШУ ФУ. Шен Де бону билан жаноб Шой Да муҳим бир масала устида гаплашишяпти, уларга халал бериб бўлмайди.

СУН. У шу ердами? Қандай қилиб? Унинг бу ёққа кирганини кўрмадим-ку! У қандай гап экан? Мен эшитишим керак!

ЖАНОБ ШУ ФУ (*унинг йўлини тўсиб*). Кутиб туришингизга тўғри келади, афандим. Ким билан гаплашаётганини сезиб турибман. Маълумотингиз учун айтиб қўяйки, биз Шен Де бону билан унаштирилганимизни эълон этмоқчимиз.

СУН. Нима – нима?

ШИН. Нега хайрон бўласиз?

*Сун ичкари хонага кирмоқчи бўлиб, сартарош билан талашади, шу пайт Шен Де чиқиб келади.*

ЖАНОБ ШУ ФУ. Маъзур тутасиз, азизим Шен Де. Балки ўзингиз тусунтириб берарсиз?

СУН. Шен Де! Нима гап? Жинни бўлдингми?

ШЕН ДЕ (*ҳаяжонланиб*). Сун, амакиваччам ва жаноб Шу Фунинг битишувига кўра, мен жаноб Шу Фунинг маҳалламиздаги одамларга ёрдам бериш режалари билан танишмоқчиман.

*Пауза*

Амакиваччам бизнинг муносабатларимизни хуш кўрмайди.

СУН. Сен рози бўлдингми?

ШЕН ДЕ. Ҳа.

*Пауза*

СУН. Улар мени ёмон одам деб айтишдими? (*Шен Де индамайди*) Эҳтимол, шундайдирман, Шен Де. Шунинг учун ҳам сен менга кераксан. Мен – пасткаш бир одамман. Пулсиз, тарбиясиз. Аммо мен қараб турмайман. Улар бахтингга завол бўлишади, Шен Де. (*Унга яқинлашиб, наст овоз билан*) Унга бир қара! Кўзларинг қаёқда? (*Кўлини унинг елкасига қўяди*) Бечора оху! Улар сени қаёққа бошлашяпти? Ҳисоб-китобли никоҳга! Мен бўлмасам, улар сени кушхонага ҳам судрашади. Қани, айтчи, мен келмасам, улар билан кетарминг?

ШЕН ДЕ. Ҳа.

СУН. Ўзинг севмаган киши билан-а?

ШЕН ДЕ. Ҳа.

СУН. Сен ҳаммасини унутдингми? Ёмғир ёғиб турганини?

ШЕН ДЕ. Йўқ.

СУН. Мени сиртмоқдан қандай кутқарганинг, сув сотиб олиб берганинг, менинг яна учишим учун пул ваъда қилганингни унутдингми?

ШЕН ДЕ (*қалтираб*). Мендан нима истайсан?

СУН. Мен билан кетишингни истайман.

ШЕН ДЕ. Жаноб Шу Фу, мени кечиринг, мен Сун билан кетаман.

СУН. Кўраяпсизми, биз бир-биримизни севамиз, сиз буни тушуна олармикинсиз? (*Уни эшикка бошлайди*). Дўконнинг калити қани? (*Калитни қизнинг чўнтагидан олиб, Шинга узатади*) Супуриб бўлгач, буни остона устига қўйиб қўйинг. Кетдик, Шен Де.

ЖАНОБ ШУ ФУ. Бу зўравонлик! (*Саҳнанинг ичкарисига қараб қичқиради*). Жаноб Шой Да!

СУН. Айт, бу ерда бақирмасин!

ШЕН ДЕ. Кечирасиз, амакиваччамни чақирманг, жаноб Шу Фу. Биланман, у менинг ишимга рози бўлмайди. Лекин, сезиб турибманки, у ҳақ эмас. (Томошабинларга)

*Мен ўз севган кишим билан кетмоқ истайман,  
Бу қанчага тушаркин, деб ҳисобламайман.  
Ўйлашни ҳам истамайман – тўғри қилдимми?  
Билишни ҳам истамайман – севарми мени?  
Мен ўз севган кишим билан кетмоқ истайман.*

СУН. Мана шундоқ.  
Шен Де ва Сун кетадилар.

## ПАРДА ОЛДИДА ИНТЕРМЕДИЯ

*Шен Де тўй либосида, никоҳдан ўтишга бораяпти, у томошабинларга мурожаат қилади.*

ШЕН ДЕ. Ҳозиргина даҳшатли дақиқани бошдан кечирдим. Уйдан хурсанд бўлиб, шўх-шодон орзуларга тўлиб чиқарканман, мени кўчада кампир – гиламфуришнинг хотини тўхтатди. У қалтираб, эрининг менга берган пули учун ташвиш чекавериб, касал бўлиб қолганини айтди. Пулни ҳозироқ қайтариб берсангиз, яхши бўларди, деди. Мен албатта ваъда қилдим. У тинчиб, кўзида ёш билан менга бахт тилади, узр сўраб, амакиваччамга ҳам, ҳаттоки Сунга ҳам ишонмаслигини айтди. Мен шундай аросатда қолдимки, кампир кетиши билан, оёқларим бўшашиб, ўтириб қолдим. Ана шу аросат ичра мен яна ўзимни Ян Суннинг кучоғига отдим. Унинг овози, эркалалари мени эритди. Унинг Шой Дага айтган барча дағал сўзлари Шен Денинг эсини киритмади. Унинг кўксига бош қўйиб, фаришталар менинг ўз ўзимга ҳам меҳрибон бўлишимни истаган эди деб ўйладим.

*Гар бошқалар ҳалок бўлмасин, десанг,  
Ўзингни ҳам ҳалок айлама.  
Гар бошқалар бахтга ёр бўлсин, десанг,  
Ўзингни ҳам бахтиёр айла...*

Қандоқ қилиб мен меҳрибон чол-кампирни унутиб қўйибман? Сун худди довулга ўхшаб, менинг дўконимни, унга қўшиб бутун дўстларимни Пекинга қараб учирди. Аммо у ёмон одам эмас ва мени севади. Эркакнинг эркакка айтган сўзи – ҳали ҳеч гапмас. Бундай пайтларда у улуғ, қудратли ва, албатта, қаттиққўл бўлиб кўринишга интилади. Мен чол-кампирнинг аҳволи танг, солиқ тўлаша олмайди, десам, бас, у ҳамма гапни тушунади. У цемент заводига ишчи бўлиб киради, жиноий йўл билан учувчи бўлмайди. Ҳа, учиш – унинг жону дили. Лекин унинг қалбида эзгу туйғулар уйғотишга кучим етармикин? Никоҳдан ўтишга бораяпман – юрагим тўла кувонч ва кўркув. (Тез кетади)

(Давоми келгуси сонда)



## **ЛИОН ИЗМАЙЛОВ**

(1940 йилда туғилган)

### **ҲАЖВИЯЛАР**

*Рус тилидан  
Ҳабиб СИДДИҚ  
таржимаси*

*Рус сатираси устаси, ёзувчи, шоир, телебошловчи. Илк ҳажвиялари 1969 йили “Литературная газета”да эълон қилинган. Бугунда Л.Измайлов қаламига мансуб ҳангомалар Е.Петросян, Я.Арлазоров, Е.Шифрин, В.Винокур сингари таниқли қизиқчилар томонидан саҳнада ижро этилмоқда. Л.Измайловнинг ўзи ҳам 1979 йилдан бери саҳнада ҳажвиялар ўқийди.*

### **ЎЙИНДАН ЎТ ЧИҚДИ**

**Б**у аҳмоқона ҳазилларнинг менга нима кераги бор? Бу юмор менга нимага керак? Ким мендан ҳазиллашишни сўраяпти, бошимга ғалва ортиришни ким илтимос қиялпти?

Шереметьево аэропортида ким менинг тилимни қичитди, деб сўраш керак. Божхона олдида хотинимга дедим: “Қулоқ сол, гранаталар<sup>1</sup> жомадонимга сиғмаяпти, бир жуфтини сен олволақол”. Ахир мен улар эшитсин учун айтдим, улар эшитишди ҳам.

Икки соат ҳаммани титратишди, айниқса мени. Милиция, хавфсизлик хизмати. Рейсни олти соатга кечиктиришди. Мен уларга жанговар гранаталарни эмас, мевани назарда тутганлигимни қанча тушунтиришга уринмай фойдаси бўлмади... Дум-думалок, лимонга ўхшаш мева-ку ахир... Тфу, сенга! Уни ейишади. Барча пасталарни сиқиб чиқаришга мажбур қилишди. Яримга олиб кетаётгандим – кўзимни олдида текшириш учун ичишди. Итга ҳам беришди. У кейин вангиллаб кўшиғини бошлади, йиғлади.

Ўйловчилар буларнинг ҳаммаси мен туфайли эканлигини билишгач, каминани ўн минг метр баландликдан, самолёт бортидан улоқтиришга ҳаракат қилишди. Ахир мен ҳазиллашдим! Кимдир кулса ҳам кошки эди.

Энди аэропортда жим кетаман, оғзимниям очмайман, ўзимни карсоқовдек тутаман.

Шу менга керакмиди?

---

<sup>1</sup> Рус тилида “гранат”(“анор”) ва “граната” сўзлари бир-бирига ўхшаш. (Таржимон изоҳлари.)

Бу ёқда, ишхонамизда эса йиғилиш бўлди. Холдингмизнинг президенти келди. Корхонамиз жамоаси билан учрашди. Директоримиз билан президиумга чиқишди. Улар курсиларга ўтиришаётганда мен ҳам уларнинг ёнида бўлишимга тўғри келди. Директоримиз ўтираётганда, чидаб турдим, холдинг президенти ўтираётганда эса ортиқ чидолмаслигимни ҳис қилдим, китмирлигим тутди. У ҳаммага “Ўтиринглар”, деди ва ўзи ҳам курсига чўка бошлади. Ўзимни тутолмадим, курсини олиб қўйдим. Президент йиқилаётиб, стол ёпқичини ушлаб тортганди, сув идиш ва стакан бошига тушиб, жаранглаб кетди. Ҳамма кулиб юборди. У менга пастдан, ёнбошлаб ётган ҳолда қараб:

– Нима, сиз жиннимисиз? – деб сўради.

– Нима, билиняптими? – дедим.

– Бир қарашдаёқ, – дейди.

Хўш, мени ким мажбур қилди? Асосийси, ўзимизникилар билишади, ҳеч ким олдимдаги стулга ўтирмайди, бу эса, қаердан бундай ақлли чиқиб қолди?

Мен ишдан ҳайдаса керак деб ўйловдим.

– Йўқ, – дейди, – ишдан бўшатмайман, ундай қилсам ҳазилни тушунмас экан, дейишлари мумкин.

Бир гал футболда ўтиргандим. Атроф худди отхонадагидек, яъни, ҳамма ёқда МХСК ишқибозлари. Ўйиннинг энг қизиқ пайтида “Спартак” – чемпион, деб бақиримиз шартмиди?

Айтсам ишонмайсиз, атроф бирдан сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Ҳаммаси гўё қотиб қолишди, яъни бутун стадион бақир-чақир, менинг атрофимда эса ўлик сукунат!

Ичимда иккигача санадим ва шартга полга ётдим. Худди шу дамда улар менга ташланишди. Ҳаммаси! Бирдан! Устимда шунақа уюм пайдо бўла бошлади-ки... Мен ўриндиқлар остидан силжиб жуфтакни ростладим, у ерда милиция яна ярим соат ола таёғи билан дағдаға қилди.

Ўзингиз айтинг, шу менга керакмиди? Бунинг устига ўзим “Локомотив”нинг ишқибозиман.

Энди қаранг, икки йигит билан қурилишда ўтирибмиз, ичяпмиз. Шиша бор, бодринг, помидор. Олдимизда ўра, ичида цемент, тўғри курук цемент. У тарафдан бир эркак келди.

– Мактабга қандай борсам бўлади? – деди.

Мен аҳмоққа, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, шу керакмиди?.. Ҳатто шу атрофда мактаб борлигини билмасдим.

– Бу ёққа кел, ҳозир тушунтирамиз, кўрсатамиз қаёққа боришни, – дедим.

У олдинга икки қадам босди ва цемент ўрага гурсиллаб тушди. У ёқдан туриб бақирди, ҳақорат қилди. Биз ичиб бўлдик, газакни еб тугатдик ҳамки у ҳамон бақирарди. Энди кетмоқчи бўлганимизда... Биз уни ўрадан бунчалик тез чиқади деб ўйламагандик. Қарасак, биз томонга нимадир келяпти, ҳамма ёғи кулранг. Мен-ку биз уч кишимиз қочиб қоламиз деб ўйлагандим. Йўқ, қочолмадик. Ўша киши учовимизниям ўрага отди. У цемент ўрага фақат менигина ташламаганига хурсанд бўлдим.

Биз кейин унинг бир ўзи ўрадан қандай қилиб бунчалик тез чиққанлиги ҳақида ўйладик. Биз уч киши бўлсак ҳам эрталабгача қолиб кетдик.

Эҳтимол, йигитлар ярим кечаси мен билан можаро қилиб, мактабни қаердалигини кўрсатишни талаб қилганликлари учун қолиб кетгандирмиз.

Майли, давом этамиз. Танишим Серёжага “Эшит, уйингга кўнғироқ қилдим, гўшакни қандайдир эркак олди ва сеникидан бошқача овозда жавоб қайтарди” деб айтишни менга нима кераги бор эди?

Мен шунчаки ҳазиллашувдим, у бўлса уйига телефон қилиб ўтирмай бирдан бостириб борди ва кўнғироқниям босмай ичкарига кирди. Ваннахонада майкали эркакка дуч келди. Уни ўлдириб қўяй деди. Ахир, хотини худди шу вақтда чилангар чакиришини мен қаердан билибман. У ваннахонада сув жўмрагини тузатаётган эди. Ана шундан кейин икки ойгача ҳеч нарса тузатмай ётди. Танишим Серёжа ҳам икки ойча ишламади, қанча тергов остида юрган бўлса, шунча ишламади.

Менга бу ҳазил нимага керак эди?

Ўтган йили кун бўйи ҳар соатда нотаниш эркакка кўнғироқ қилиш ва “Станислав Сигизмундовични мумкинми?” деб сўрашнинг менга нима кераги бор эди?

Кечга бориб у бутунлай ваҳшийлашди. Гўшакка “Бу ерда Станислав ҳам, Сигизмундович ҳам йўқ! Милицияга шикоят қиламан!” деб бақирди.

Тунги ўн иккида эса унга охириги марта кўнғироқ қилдим ва дедим:

“Кечирасиз, Станислав Сигизмундовичман. Айтингчи, менга ҳеч ким кўнғироқ қилмадимми?”

Мен ўзим, онам, катта бувим ва бошқа қариндошларим ҳақида қандай сўзларни эшитганимни тасаввур қиласизми? Унинг юзини тасаввур қиласизми?

Энди, ярим йилга телефонимни узиб қўйишганда менинг юзимни тасаввур қилинг.

Билмадим, кимгадир ҳазил яшаш учун ёрдам беради, аммо менга эмас. Хотиним билан дўстларимизникига меҳмонга бордик. Аёли уйда экан,



эри ҳали ишдан қайтмабди. Мен ўйланиб қолдим.

– Келинглр, – дедим, – у билан ҳазиллашамиз. Хотиним ошхонага беркинади, мен трусикда гўё сенинг ўйнашингдек шкафга беркинаман. У келади, сен кўрқиб кетгандек дейсан: “Эҳ! Келдингми? Мен бунчалик эрта келишингни кутмагандим”. Бу гаплардан кейин шкафда ғимирлаб кўяман. У шкафда бегона одам борлигини пайқайди. Ташланади, эшикни очади, шунда мен унга “Ҳазил! Дўстим!” дейман. Роса кулги бўлади-да.

Худди шунақа килдик. Эр келди, хотин кўрқиб кетди, келишилган гапни айтди, мен ғимирлаб қўйдим. У шкафга ташланди, эшикни очди, у ер эса қоронғи, яримьяланғоч эркак турибди, мен гапириб улгурмадим, башарамга қараб тепди! Шунда хотиним ошхонадан чикди. “Э-э, ҳали гуруҳ бўлиб келибсизлар-да!” деб бақирди ва яна тепди, бу гал пешонамга.

Эҳтимол, ким учундир кулгили бўлгандир, аммо мен учун эмас. Хотинларимиз-ку кулиб ичаклари узилай деди, мен бўлса оғриқдан инградим.

Бунақа ҳазилдан фақат зарар етади, холос.

Сочида дам олдик, мен хотиним билан, Володя эса жазмани билан. Пляжда ўтирибмиз, яхши ўтирибмиз, кабоб еяпмиз, вино ичяпмиз, аммо нимадир етишмайди. Қандайдир зерикарли. Пляж радиоузелига бориб бошловчи билан келишиб қайтдим, ўтирибмиз, ичяпмиз.

Кўккисдан эълон эшитилди: “Диққат! Жаноб Владимир Стаценко, хотинингиз, қайнонанингиз ва болаларингиз келишди ва сизни излашяпти”.

Қиз қотиб қолди, Володя бошини ушлади ва яримьяланғоч ҳолда аэропорт томон интилди. Аввал мен унинг ортидан чопдим ва бақирдим: “Ҳазиллашдим, бу ҳазил!”. Кейин у мени қувлади, ўлдирмоқчи бўлди. Шунинг учун эртаси куни хотини ва қайнонаси ҳақиқатдан ҳам келганда у сира эътибор бермади, яна ҳазиллашишяпти, деб ўйлади. Жанжал, ажрашиш. Аммо кейин ҳаммаси жой-жойига тушди. Володянинг жазманини чўктириб юборишларига оз қолди. Мен иккита тишимдан айрилдим. Стаценко ҳозиргача бахтли яшяпти, аммо мени кўришним, эшитишним истамайди.

Аммо ҳазил боис юракдан ёзилдик-да.

Ҳа, мана бу ҳолат-чи? Менга таниш артист бор, Петров. Биз дўстларимиз билан ресторанга бордик. Мен, албатта, олдиндан тайёргарлик кўрдим, бир пародиячидан маттни суҳандон овози билан тасмага ёзиб беришни сўрадим. Ресторанда ўтирибмиз, газак қияпмиз, радиода мусиқа янграб турибди. Бирдан суҳандон эълон қилаётганини эшитдик: “Россия федерацияси Президентининг фармониға биноан Петров Сергей Афанасьевич ва яна фалончи-фалончиларға халқ артисти унвони берилади”.

Бизнинг Сергей Афанасьевич ирғиб туриб, кичқирди:

– Эшитдингларми?! Бу мен ҳақимда! Эшитдингларми?

Биз дедик:

– Эшитдик, қар эмасмиз-ку! Бунни ювиш керак. Халқ артисти беришди. У бўлса хизмат кўрсатган ҳам эмасди.

Ҳаяжонланди, бақирди:

– Шампан виноси ҳаммага! Икра... коньяк ҳам.

Биз саккиз киши эдик.

Эрталабгача маишат қилдик. У ҳамма учун тўлади.

Эртасига мен таътилға чиқдим ва Анталияға жўнаб кетдим. Эҳ, у роса

жириллади. Ҳамма дўстларига пулни қайтаришни талаб қилди. Уйимнинг атрофида бир ойча қоровуллик қилди, мени қўққисдан машинада уриб юборишни хоҳлади. Яхшиямки, икки ойдан кейин унга ҳақиқатдан ҳам хизмат кўрсатган унвони берилди.

Мен унга қўнғироқ қилдим. “Ювамизми?” деб сўрадим ва шартга гўшакни қўйдим, биламанки у ҳали олдинги ўйин учун ҳам ҳамма билан ҳисоблашолгани йўқ.

Буларнинг бари нимага керак? Нима учун мен дўстим Славикнинг туғилган кунида унга ўтган йилги лотерея чиптасини совға қилдим?

Эртасига у хушёр тортган ва чиптани ҳозирги лотерея ютуқлар жадвали бўйича текширган. Энди тасаввур қила олармикинсиз, ўша чипта бўйича Славик уч миллион сўм ютган.

Аввал у гангиб қолди, кейин кун бўйи тўйиб ичди. Иккинчи куни хотинига деди:

– Мен лотереяга уч миллион сўм ютдим, нарсаларингни йиғиштир.

– Нима, чет элга кетамизми?

– Йўқ, нарсаларингни йиғиштир ва онангникига жўна.

Учинчи куни Славик ишхонасига келди, бошлиғининг жирканч башарасига тупурди ва ишдан бўшади.

Тўртинчи куни у газета ва лотерея чиптаси билан ютуқни олиш учун борди, у ерда унга бу чипта бўйича камзулнинг енгини, тешиқкулчанинги тешигини ва ўлган эшакнинг қулоғини олиши мумкинлигини айтишди.

Бешинчи куни мен вақтида келиб қолиб унинг бўйнидан сиртмоқни олдим, шундан кейин эса у ўша сиртмоққа менинги бошимни тикишга уриниб кўрди.

Жуда қизиқ ҳазил бўлди-да. Мана шунақа гаплар.

## МУЛОҚОТ ҚУРИЛМАСИ

Бир аёл эрини дафн этиши керак эди. Маҳкамага келди ва тобутга буюртма берди. Ҳаммасини келишди – ўлчамлари, материали, энди пул тўлашга ҳозирланаётганда сотувчи унга деди:

– Мулоқот қурилмаси-чи, қўямизми?

– Қанақа қурилма?

– Бизда энди янги хизмат тури бор – тобутга марҳум учун мулоқот қурилмаси ўрнатяпмиз.

– У ким билан мулоқот қилади?

– Сиз билан.

– Мен билан, қандай?

– Шундай. Сиз буёқда, юқорида. У у ёқда, пастда. Унда микрофон ва узатувчи қурилма, сизда – қабул қилгич. Агар у сизга нимадир демоқчи бўлса, тугмачани босади ва гапиради.

– Ахир у тугмачани қандай босади?

– Қўли билан.

– Ахир унинг қўли ишламайди-ку.

– Демак, унда иккинчи қўли билан.

– Нима, унда иккинчиси ишлайдими?

– Бўлмасам-чи? Гаплашишни истаса, тугмачани босади, нима хохласа, сизга айтади.

– У нимани хоҳлайди?

– Нимани бўларди? Сиз билан гаплашгиси келади.

– Нима ҳақида гаплашгиси?

– Нима ҳақида бўларди? Унда битта мавзу бор.

– Қанақа мавзу?

– Ҳа, тириклигини, соғ-саломатлигини айтади. Тепага чиқаришни сўрайди.

– Қандай қилиб тепага чиқаришни сўрайди, ахир у ўлик бўлса?

– Ҳа, ўлик бўлса сўрамайди, агар тирик бўлса-чи?

– Қандай тирик бўлади?

– Шундай. Ўтган йили биттасини дафн этишувди, кўмишни ҳам бошлашувди, у ичкаридан қопқокни тешиб чиқди ва ҳаммани ҳақорат қила кетди.

– Ие, нимага ҳақорат қилади?

– Чунки ҳали кайфи яхши тарқаманган экан.

– Нима, уни тиригича дафн этишмоқчи бўлишганми?

– Ҳа-да. Унинг ўлгудек маст бўлганини билишмаган-да. Шунчалик бўкиб ичганки, юрак тўхтаб қолган. Ҳамма уни ўлди, деб ўйлаган, у эса ҳамма тириклардан ҳам тирикроқ бўлган. Яхшиям ўз вақтида уйғонган. Агар кўмиб бўлишгандами, тамом эди. Агар унда мулокот қурилмаси бўлганда, у ёқдан ҳам бемалол...

– “Бошоғрик” қилишни сўрармиди?

– “Бошоғрик”нинг нима алоқаси бор? У ёқда туриб ҳаммани ҳақорат қиларди, тезроқ чиқаринглар, тирикман, ҳали ҳаммасини ичиб бўлганим йўқ, дерди.

– Лекин менинг эрим ичмасди.

– Нима қипти? Ана, ярим йил аввал биттасини дафн қилишувди. Қабрга қўйилган янги гулчамбар устига бир пиёниста ётиб туш кўрибди. Тушида кимдир бақирармиш: “Эҳ, онангни эмгурлар, нимага хонада чироқни ўчиришди?” Пиёниста уйғонсаям қичқириқ давом этармиш: “Чироқни ёқинглар, бўлмаса ҳаммангнинг пачағингни чиқараман!”. Пиёниста қоровулга борибди. Ишчиларни чақириб, қовлаб чиқаришса кўмилган кимса тип-тирик экан! Летарлик уйқуга<sup>1</sup> кетганмиш. Агар пиёниста шу қабрга ётмаганда, тамом, бир одам нобуд бўларди. Агар унда мулокот қурилмаси бўлганда, у уйғонарди-да, тугмачани босиб, хотинига дерди: “Нюра, мени чиқариб олиш вақти келди!”.

– Ва Нюре ҳам омонатини топширарди.

– Агар қурилмага буюртма берган бўлса топширмасди. У бу хабарни кутган бўларди. Қани энди, қурилмага буюрма берамизми ёки шу ҳолича қолдирамизми?

– Қимматми?

– Агар бир томонлама бўлса, юз доллар. Агар ҳам у ёққа, ҳам бу ёққа бўлса икки юз.

– Ҳам у ёққа, ҳам бу ёққаси нима учун?

– У сиздан ниманидир сўрайди, сиз жавоб берасиз.

– У нимани сўрайди?

<sup>1</sup> Летаргия – узоқ ухлаш касаллиги.



– У нимани сўрашни мен қаердан биламан? Эҳтимол об-ҳаво қандайлигини ёки “Спартак”нинг қандай ўйнаганини сўра.

– У ёқда унга “Спартак” нимага керак? У фақат бир нарсани – мени чиқариб оласизларми, йўқми, деб сўраши мумкин.

– Демак, у сўрайди, сиз жавобига ҳеч нарса демайсиз, у чиқариб олишадими, йўқми, билолмайди.

– У ёқда, қоронғида мулоқот қурилмасини қандай топади?

– Мана бу ўринли савол. У уйғонади, атроф эса қоп-қоронғи, шунинг учун ҳам яна бир янги хизмат тури – тобутни ёритишни таклиф этаман. У уйғонади, у ер ёруғ, худди кундузгидек ва қурилмада ёзилган: “Мулоқот қурилмаси. Тугмачани босинг”. Ҳаммаси юз евро.

– Ҳа, уни қовлаб олишгунча икки соат ўтади.

– Камида. Бу аниқ.

– Нима, у икки соат оч ўтирадими?

– Мана бу тўғри савол. Шунинг учун бизда янги хизмат тури бор – тобутга енгил озиқ-овқатлар ҳам кўямиз. Чала дудланган батон, бир жуфт апельсин, ҳар хил консервалар. Очкич ҳам бор. Санчки, пичоқча. Одам ўзини қулай ҳис қилсин-да. Буям юз евро холос.

– Нимадир етишмаяпти.

– Ҳа, унга китоб керак. Охирги газеталар. Мана, нима етишмаяпти. Ахир у охирги уч кунги газеталарни ўқигани йўқ-ку.


– Бу ҳам юз евроми?

– Йўғ-э, бу текин. Таннархи бўйича. У ерга ўзларингиз китоб ва газеталарни соласизлар.

– Ҳа, майли.

Аёл уч юз доллар тўлади ва ўзини марҳум олдидаги бурчини бажарган ҳис қилиб кетди.

Сотувчи эса пулни санар экан, ичаги узилгудай узоқ кулди.



**НАИМ КАРИМОВ**

ЎзФА академиги

## **XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ЖАҲОН АДАБИЁТИ КОНТЕКСТИДА**

Ҳар бир миллий адабиёт қайси тилда ва қайси жуғрофий минтақада яратилган бўлмасин, жаҳон адабиётининг таркибий қисми ҳисобланади. Фақат бундай шарафга эришиш учун бу адабиёт шаклланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтган, бошқа миллий адабиётлар билан ижодий алоқада ҳаракат этаётган бўлиши лозим.

Мумтоз ўзбек адабиёти узоқ асрлардан бери Шарқ адабиётининг таркибий қисми бўлиб келган. Жаҳон адабиётини Шарқ адабиётисиз – буюк форс шоирлари Абулқосим Фирдавсий, Муслиҳиддин Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Умар Ҳайём ва буюк ўзбек шоирлари Алишер Навоий, Лутфий, Бобур, Машрабларсиз тасаввур этиш мумкин бўлмаганидек, шу адабиёт бағрида туғилиб улғайган янги ўзбек адабиётисиз ҳам тасаввур этиш қийин.

XX аср бошларида жаҳид адабиёти сифатида майдонга келган янги ўзбек адабиёти юз йилдан зиёдрок тарихи мобайнида шундай улғу шоир ва ёзувчиларни етиштириб бердики, уларнинг асарлари ва эришган ижодий ютуқлари нафақат янги ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиёти тараққиётига ҳам ҳисса бўлиб қўшилган, десак муболаға қилмаган бўламиз. Лекин биз “жаҳон адабиёти” деганимизда, асосан Европа ва Америка халқлари адабиётини назарда тутиб келамиз. Ҳолбуки, “жаҳон адабиёти” тушунчаси, бу адабиётлардан ташқари, Осиё, Африка ва собиқ СССР халқлари адабиётларини ҳам ўз қамровига олади.

Янги ўзбек адабиёти тарихи: жаҳид адабиёти (1900–1919), пролетар адабиёти (1919–1933), социалистик реализм адабиёти (1934–1960), мустақиллик арафаси адабиёти (1961–1990) ва мустақиллик адабиёти (1991 йилдан ҳозиргача) даврларидан ташкил топган. Янги ўзбек адабиёти тарихининг пролетар ва социалистик реализм адабиётлари даврини инобатга олмаганда, ўзбек адабиёти ўз тарихининг бошқа барча даврларида жаҳон адабиёти билан узвий алоқада ва шу адабиётнинг магистрал тараққиёт йўлидан борди. Ҳатто социалистик реализм методи ҳукмронлик қилган йилларда ҳам Ойбек, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор сингари истеъдодли ўзбек ёзувчилари шу методнинг таъсир доирасидан батамом чиқиб кета олмаган бўлсалар-да, бадиий юксак асарларни яратдилар. **Янги миллий адабиётимиз хазинасида коммунистик мафкурадан холи, умуминсоний адабий, маданий ва маънавий кадриятларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилувчи асарлар оз эмас.**

Шу нарса ажойибки, янги ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири Абдулла Қодирий илк ўзбек романини яратиш учун Шарқ носирларининг адабий-бадий аъналарини ўрганиш билан бирга, Журжи Зайдон орқали Фарб романнавислик мактаби вакили Вальтер Скоттнинг ижодий тажрибасидан ҳам самарали фойдаланди. Чўлпон “Ўткан кунлар” билан туғилган ўзбек романнавислик мактабига жаҳон романнавислигининг энг яхши аъналарини дадил олиб кирди. Беҳбудий, Фитрат ва Ҳамза эса ўзбек фольклори таъсирида туғилган халқ театри заминидан Европа театри ва драматургияси тамойиллари устуворлик қилган профессионал ўзбек театри ва драматургиясига пойдевор қўйдилар.

Янги ўзбек адабиётининг вужудга келишида жаҳон адабиёти ва шу адабиётнинг бир қисми – рус адабиётининг таъсири катта бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Агар жаҳид маърифатпарварлик адабиётининг майдонга келишида француз маърифатпарварлик ҳаракати ва адабиёти билвосита таъсир кўрсатган бўлса, 1917 йилдаги инқилобий ўзгаришлардан сўнг янги ўзбек адабиёти 50 – 60-йилларга қадар рус адабиётида ишлаб чиқилган моделлар асосида шаклланди ва ривожланиб борди. Пролетар адабиёти модели ёш ўзбек шоир ва ёзувчиларнинг завод ва фабрикалардан – ишчилар синфи орасидан чиқишини тақозо этди. Ғайратий сингари ёш истеъдодли шоирлар завод ва фабрикаларда ишлаб, “пролетар шоири” “ёрлиғи”ни олишга мажбур бўлдилар. Кейин уларга В.В.Маяковский ва рус комсомол шоирларининг шеър ва дostonлари “адабий” модель вазифасини ўтади. 1934 йилда бўлиб ўтган совет ёзувчиларининг I съездида социалистик реализм ягона ижодий метод сифатида қабул қилинган, ёзувчилар эркин ижод қилиш ҳуқуқидан тамомила маҳрум бўлдилар. Тушунарлики, шундай адабий-тарихий шароитда жаҳон адабиёти намуналари билан баҳслаша оладиган асарларни яратиш амри маҳол эди.

Ўтган асрнинг 50-йилларида зулм ва ёвузлик даҳоси Сталиннинг ўлими, шахсга сиғиниш даври фожиали оқибатларининг ошкор бўлиши, совет мамлакатига янги ҳаёт шабадаларининг кириб кела бошлаши билан ёзувчиларимизда муайян даражада эркин нафас олиш ва ижод қилиш имконияти туғилди. Адабиётимизга 50-йилларда Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиров авлоди, 60-йилларда эса Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов авлоди чакмоқдек чакнаб кириб келди. **Шу даврдан бошлаб ўзбек адабиёти билан жаҳон адабиёти ўртасидаги масофа йил сайин қисқара бошлади.**

Ҳинд халқининг дохийларидан бири Жавоҳарлаъл Неру: “Мен ўз мамлакатим дарвозасини бошқа барча маданиятларга очиб қўйган эдим, энди барча мамлакатларнинг дарвозалари менинг мамлакатим маданияти учун очилиб туришини истайман”, – деган эди. Ёзувчиларимиз ўша даврда бизнинг мамлакатимиз дарвозаси бошқа маданиятлар учун очила бошлаганидан сархуш бўлган, лекин шу дарвозалар бизнинг адабиётимиз учун ҳам очик бўлиши мумкинлигини хаёлларига ҳам келтира олмаган эдилар.

Тўғри, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Садриддин Айний ва Ойбекнинг, кейинчалик эса Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров ва бошқа ёзувчиларнинг асарлари ҳам Европа ва Осиё халқлари тилларига таржима қилиниб, шу халқларнинг ҳам маданий мулкига айлана бошлади. **Демак, бу ёзувчиларнинг асарлари жаҳон адабиёти андозаларига мувофиқ келадиган асарлар, уларнинг ўзлари ҳам ҳозирги жаҳон адабиёти намояналари билан тенглаша оладиган ижодкорлар деб топилди.**

Ўзбек адабиёти яқин-яқингача “совет адабиёти” деган кўп миллатли адабиётнинг бир қисми сифатида яшаб келган бўлса, ҳозир жаҳон адабиётининг том маънода таркибий қисмидир. “Жаҳон адабиёти”нинг “совет адабиёти”дан фарқи, аввало, шундаки, “совет адабиёти”дан фарқли ўлароқ, “жаҳон адабиёти” оиласига мансуб адабиётлар тасвир объекти, қаҳрамонлари, тили ва услубининг миллий ўзига хослигини тўла сақлаб қолганлиги ҳамда “ғоявийлик, партиявийлик ва замонавийлик” кишанларидан халос бўлганлиги билан ажралади ва қадрланади.

Шарқ – шоирлар ватани. Шарқнинг ажралмас қисми Ўзбекистон ҳам шоирлар ватани. Жаҳид шеърияти булоғидан отилиб чиққан 30-йиллар шеърияти шундай гўзал асарлар билан жилваланиб, ифор таратиб турадики, бу асарларнинг муаллифлари – Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Усмон Носир сингари шоирларни жаҳон шеъриятининг шу даврда яшаган хоҳлаган намоюдаси билан қиёсланг, ўзбек шоирларининг улардан кам эмаслигини кўриб қувонасиз. Афсуски, соцреализм ва унинг посбонлари шундай шеърият булоғини қуритиш учун барча чораларни кўрдилар. Лекин, 60-йилларда ижтимоий-маданий пўртананинг кўтарилиши билан Миртемир ва Зулфия ижодида янгилашиб жараёни бошланди, Асқад Мухтор интеллектуал-фалсафий шеъриятнинг дарғаси сифатида отилиб чиқди; Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Ўткир Ҳошимов бошчилигида янги авлод парвоз қилди; бир оз ўтгач, Хоразм Хайёми – Матназар Абдулҳакимнинг ижод булоғи очилди. Хуллас, **60 – 80-йилларда ўзбек шеърияти янги тараққиёт босқичига кўтарилиб, жаҳон шеърияти хазинасини бойита оладиган асарларни яратди.** Афсуски, биз бу асарларни собиқ иттифоқ ва жаҳон китобхонларининг ҳам бадий мулкига айлантириш учун Наум Гребнев, Яков Козловский сингари шеърий таржима титанларини топа олмадик. Ҳатто топиш лозимлигини ҳам хаёл қилмадик.

Бу тилга олинган давр шеърияти поэтик мундарижасининг ранг-баранглиги, туйғу ва кечинмаларнинг шаффофлиги ва жўшқинлиги, шеърий тил, услуб ва композициясининг баркамоллиги билан ажралади. **Бу шеъриятнинг мавжларидан нафақат Навоий ва Бобур, Пушкин ва Гейне, балки Расул Ҳамзатов шеъриятининг ҳам нафаси уфуриб туради.**

Сир эмас, адабиёт ва маданият оламида пайдо бўлаётган янгиликлар даставвал шеъриятнинг чинни косасида акс-садо беради. Суронли, инқилобсевар XX аср нафақат бошқа айрим миллий шеъриятлар, балки ўзбек шеъриятига ҳам янги поэтик ғоялар ва шаклларни олиб кирди. Янги аср бошларида классик аруз вазнининг ўз мавқеини бармоқ, ҳатто сочма вазнларига бера бошлагани нафақат янги тарихий давр талаби, балки бошқа миллий адабиётлар таъсирининг ҳам натижасидир. Ана шу “тарихий давр талаби” ва “бошқа миллий адабиётлар таъсири” йиллар ва даврлар ўтгани сайин янада кучайди. Ниҳоят, XX асрнинг иккинчи ярмида Европа адабиётларида авж олган модернизм кўринишлари дастлаб ўзбек шеъриятига, кейин насрига ҳам шиддат билан кириб келди. Бинобарин, биз XX аср ўзбек шеърияти тўғрисида баҳс юритганимизда, ўзбек модерн шеъриятининг ҳам мавжудлигини унутмаслигимиз керак. Ўзбек модерн шеърияти Европа халқларининг модерн шеъриятидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади: **Агар Европа халқлари шеъриятидаги модернизм ўқтин-ўқтин абсурд адабиёт унсурлари билан уйғунлашиб турса, ўзбек модерн шеърияти, биринчидан, халқ ҳаётидан бу қадар**

олислашишни ўзига эп кўрмайди. Иккинчидан, ўзбек модерн шеърляри замирида муайян кайфиятни, маънони, поэтик мақсадни ифодалаш истаги ётади. Учунчидан, айрим модерн шоирлар ҳатто ўз шеърларида реалистик адабиёт унсурларидан ҳам маълум даражада фойдаланмоқдалар. Фахриёр, Турсун Али, Фарида Афрўз, Хосият Рустамованинг шу йўналишдаги шеърлари ўзбек модерн шеърлярининг энг яхши намуналари ҳисобланади.

**XX аср ўзбек адабиётининг катта ютуқларидан бири шуки, шу даврда бадиий наср миллий адабиётимизнинг муҳим қисми сифатида шаклланди ва катта таракқиёт йўлини босиб ўтди.** А.Қодирий 20-йилларнинг ўрталарида икки йирик асари билан ўзбек адабиётида роман жанрига асос солди ва ўзбек романчилик мактабининг асосий тамойилларини белгилаб берди. Чўлпон янги тарихий-адабий даврда рус ва жаҳон романчилик мактабининг энг яхши тажрибаларини ўрганмай ва улардан самарали фойдаланмай туриб, ўзбек романнавислик мактабини ривожлантириш мумкин эмаслигини биринчи бўлиб сизди. **Чўлпон тугалланмай қолган “Кеча ва кундуз” романининг биринчи китоби билан ўзбек романчилик мактабини инглиз, француз, рус романчилик мактаблари эгаллаган довонга олиб чиқди.**

1937 йилнинг даҳшатли кунларида бу икки адибнинг “халқ душмани” сифатида айбланиб отиб ташланиши, асарларининг эса тақиқланиши билан ўзбек романчилик мактабига нуқта қўйилиши мумкин эди. Лекин шоир Ойбек ҳаётининг шу қалтис йилларида ўзбек адабиёти олдидаги, устозларининг ёрқин хотираси олдидаги масъулиятини чуқур ҳис қилиб, роман жанрига қўл урди. У илк насрий асари – “Қўтлуғ қон” романида мустамлакачилик шароитида яшаган ўзбек жамиятининг ичак-чавоқларини очиб ташлади, моддий қадриятлар фетишланишган бир замонда одабийлик, меҳр ва муҳаббат, қариндош-уруғчилик сингари маънавий қадриятларнинг хор бўлиши муқаррарлигини ёрқин образлар ёрдамида кўрсатиб берди.

Шу даврда айрим ўзбек ёзувчилари Н.В.Гоголь, А.П.Чехов, А.М.Горький сингари рус ёзувчилари анъаналарини давом эттириб, ўзбек халқи ўтмишининг “кирли томонлари”ни ёритишга ғайрат билан киришган бўлсалар, Ойбек ўтмишда яшаган мунаввар сиймолар ҳаётини ўрганишга аҳд қилиб, “Навоий” романини яратди. Янглишмасам, шу давргача рус ва жаҳон адабиётида Ю.Тиньяновнинг Пушкин ҳақидаги романидан бошқа улғу шоирлар ҳаётига бағишланган ўзга асар яратилмаган эди. Ойбек “катта наср”да илк бор Навоий сиймосини гавдалантирибгина қолмай, ўзбек жамиятининг XV асрдаги, Хусайн Бойқаро давридаги ҳаётини бутун мураккабликлари ва зиддиятлари билан ҳаққоний ёритиб берди.

Роман қаҳрамонлари орасида Хўжа Афзал деган Навоийнинг дўсти ҳам бўлган. Ҳиротда яшаган бу шоир дўстидан хабар олиш учун Астрободга бориб, Навоий билан учрашади. Ойбек шу воқеани тасвирлаб, бундай ёзади:

*“Хўжа Афзал Навоий пойтахтни тарк қилгандан сўнг рўй берган воқеаларни бир-бир айта бошлади. Подшоҳ айш-ишратга, фисқ-фужурга бўлган тамойилини авжга миндирган. Бурчак-бурчакда, кавак-кавакда илондай тўлганиб, юракларига йиғилган қора ғазабни қандай бўшатишининг эвини топмаган ҳар хил фитначилар бирдан бош кўтарганлар. Девонда ва бутун маҳкамаларда хиёнат, ришват зўрайган. Давлат жоловини қўлга олган Мажидиддин бутун яхшиликларга аждаҳодай олов ва заҳар туркамоқда. У ўзини подшоҳнинг ноибни ҳисоблайди. Навоийнинг дўстлари,*

яқинларигина эмас, ҳатто унинг шоирлигини мақтаганлар, адолатига тан берувчилар, хайрихоҳлик кўрсатувчилар ҳам Маждиддиннинг омонсиз гурзиси остида қолганлар. Маждиддин хазинага маблағ тўплаш ниқоби остида халқни талаб, яланғочламоқда. Бош вазирга ҳамқур бўлган баъзи беклар ва ҳар хил амалдорлар бир ёрлик билан катта ерлар олиб, тантанали зиёфатларда, мажлисларда ҳафталаб майхўрлик қиладилар, қимор ўйнайдилар. Бундай қабих, ҳаром уяларга қизларни келтириб, уларни фисқ-фужурнинг сассиқ тутуни билан бўғадилар...

Навоий Хўжа Афзалнинг бу мунгли ҳикоясини тинглаб, “ватан кайғуси” да ёна бошлайди. Ойбек давом этиб ёзади:

– Дўстим, – деди бошини кўтариб шоир, – сиз деган алам-ангиз манзараларни мен қулоққа чатилган баъзи бир хабарларга суяниб тахминан тасаввур қилар эдим. Лекин **давлат одамларининг разолат балчигига бу қадар ботиб кетишларини хаёлимга келтирмасдим** (таъкид бизники – Н.К.)... Биз бу аҳволга ҳеч қачон томошабин бўлиб турмаймиз. Юртнинг қоронғу кечасида ақл машъалини яна баланд кўтарурмиз.

– Бирон манфаати тегармикин? – умидсизларча деди Хўжа Афзал.

– Тўғри, баъзи махлуқлар нурдан зулматни ортиқ билурлар. Масалан, кўршапалак учун ҳаёт тун кириши билан бошланур. Афсуски, жаҳоннинг ҳусни ва кўрки бўлган инсонлар орасида замонамизда шундай зиё душманлари кўпдир. Ақлнинг тантанаси уларни, кучли сел ер юзидаги ахлатларни сурганидек, ҳаётнинг майдонидан адамга судрайди. Бинобарин, биз қаерда бўлмайлик, мисоли темирчимиз. Зулмнинг кишанларини ақлнинг ўтхонасида эритиб, ундан ҳаёт учун керакли асбоблар ясармиз. Дўстим, маҳкам эътиқод керак.”<sup>1</sup>

Навоий Астрободга ҳоким этиб юборилгандан сўнг Ҳиротда рўй берган нохуш воқеалар ҳамма замонлар ва ҳамма мамлакатларда ҳам бўлган. Шундай ёки шунга ўхшаш воқеалар ҳозир ҳам дунёнинг турли жойларида тинимсиз рўй бериб турибди. Маждиддинлар даврида Ҳирот ва Ҳирот аҳолисининг оғир аҳволда қолганини эшитган Навоий Хўжа Афзални бир оз юпатиш ва бадбахтликларга чек қўйиш истагида юқоридаги сўзларни айтадики, бу сўзларда аниқ хатти-ҳаракатдан кўра, баландпарвозлик унсури йўқ эмас. Лекин шу ҳол роман поэтикасининг ўзига хослиги билан боғлиқ бўлгани учун биз Навоий сўзларидан унинг гуманист шоир ва давлат арбоби сифатидаги образини ёритувчи нурларни кўрамиз. Умуман, **Ойбек романининг шу ва шунга ўхшаш лавҳаларида Навоийга хос адолатпарварлик ва ҳақиқатпарварлик шу қадар баланд пардада талқин этилганки, Ғарб адабиётига хос бўлмаган, хатто ёт бўлган бу хусусият ўзбек адабиётининг миллий адабиёт сифатидаги ўзига хослигини англайтиб туради.**

Ойбекнинг “Навоий” романида кўзга ташланган патетика ва дидактизм унсурлари тарихий мавзудаги сахна асарлари поэтикасида ҳам кўзга ташланади.

Шайхзода “Мирзо Улуғбек” трагедиясида илм-фаннинг халқ ва жамият ҳаётидаги ролини Улуғбекнинг қуйидаги нутқи орқали ифодалаб, бундай ёзган:

<sup>1</sup> Ойбек. Мукамал асарлар тўплами, VI жилд. Навоий (роман). – Т., 1976. – Б. 284-285.

## “Улуғбек

...Фан мияга кирган жойда, билинг, муҳаққақ,  
 На шайтонга ўрин бордир ва на фолбинга.  
 Дақиқ фанлар таништирар бизга дунёни.  
 Коинотга очиб берар эс деразасин,  
 Олиб ташлар ниқобларин сирлар юзидан:  
 Замон ўтар, ваҳшат битар, ёмонлик кетар,  
 Ўзгаради дунёмизда динлар, миллатлар,  
 Ўзгаради миллатларда тиллар, одатлар.  
 Аммо фаннинг шавкатиға чўкмайди губор.  
 Яна шуни унутмангки, илму маърифат  
 Худованднинг даргоҳидан бизга иноят.  
 У олимнинг шуурида омонат, холос.  
 Уни фисқу фужур учун қўлламоқ гуноҳ,  
 Яхшиликка, тараққийга хизмат этган у,  
 Мен сизларга айтадиган насиҳатим шу”.<sup>1</sup>

Улуғбекнинг шу нутқи ҳам бир оз патетика ва дидактизмдан холи эмас. Аммо бунини асар мавзуи ва Улуғбекнинг талабалар билан учрашув вақтидаги вазият тақозо этмоқда. Бу сатрлардан Шекспир қахрамонларининг нафаси келаётганини сезиш қийин эмас. Умуман, **ўзбек драматургиясида, хусусан Шайхзода трагедияларида Шекспир театри анъаналари устуворлик қилади.**

Ойбек ва Шайхзоданинг мазкур асарларидаги Навоий ва Улуғбекни безовта қилган масалалар фақат ўзбек халқи тарихининг Навоий ва Улуғбек яшаган даври учунгина эмас, балки инсоният тарихининг қарийб барча давлари учун ҳам хос муаммолар, орзулар ва армонлардир. Сирасини айтганда, бу масалалар “Илиада” ва “Одиссея” сингари юнон эпослари, Шекспир, Гёте ва Шиллер сингари жаҳон адабиёти мумтоз намояндаларининг асарлари саҳифаларидан ҳам ўт сочиб туради.

XX асрнинг иккинчи ярмида рус ва жаҳон шеърлятида шундай сўз усталари пайдо бўлдиларки, асарлари инсон ва инсоният ҳаётининг долзарб ва муҳим масалаларини кўтарганлиги ва шеърлий шаклининг пухталиги билан шеърлят мухлисларини мафтун этди. Шундай шоирлардан бири Расул Ҳамзатовдир. Унинг сири ўз шеърларида Шарқ шеърляти ва авар халқ оғзаки ижоди анъаналаридан самарали фойдаланишида бўлса, ажаб эмас. Е.Евтушенко, Р.Рождественский, А.Вознесенскийлар бошлаб берган янги рус шеърляти жабрдийда XX асрнинг оғрикли масалаларини, соцреализмга ёт бўлган ҳаёт ҳақиқатини ёрқин ифодалагани билан, айниқса, шуҳрат қозонди. Ўзбек шеърлятининг энг яхши намуналари эса ҳамшиша лирик “мен”нинг ўзига хослиги, лирик қахрамон руҳий оламининг бойлиги билан шеърлят шайдоларининг муҳаббатини қозониб келган. Асқад Мухтор шу анъанавий лирик қахрамон образини мутлақо ўзгача талқин қилиш мумкинлигини асослаб берди. Унинг лирик қахрамони ўзини-ўзи таҳлил қилади ва шу таҳлили жараёнида парадоксал хулосаларга келади. Шоир шу билангина кифояланмай, ўзбек шеърлятидаги қофиянинг темир конун-қоидаларини чилпарчин қилиб бузиб ташлайди. Лекин натижада янги, “асқадона” шеър шакли, шеър тизими майдонга келади.

Асқад Мухтор “Ҳавас қилмайман” шеърлятида *сабр* деган ўзбек халқига хос фазилатни бадий таҳлил қилади:

<sup>1</sup> Шайхзода М. Асарлар. Олти жилдлик. 3-жилд. Пьеса. – Т., 1972. – Б. 185.





**ва Мурод Муҳаммад Дўст авлодларининг шаклланшида муҳим аҳамиятга молик бўлди. Лекин, адабиётимиз бахтига, бу ёзувчилар буюк устозлари соясида қолиб кетмадилар.**

Ойбек ва Миркарим Осимдан кейинги ўзбек романапислиги тўғрисида сўз борганда Асқад Мухторнинг “Чинор”, “Бухоронинг жин кўчалари”, Шухратнинг “Олтин зангламас”, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, “Диёнат”, “Адолат манзили” ва тугалланмай қолган “Осий банда”, Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” ва “Авлодлар довоғи”, Учқун Назаровнинг “Чаён йили”, Ўткир Хошимовнинг “Икки эшик ораси” ва “Тушда кечган умрлар”, Омон Мухторнинг “Тўрт томон қибла”, Тоғай Муроднинг “Отандан қолган далалар”, Эркин Аъзамнинг “Шовқин”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф”, Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лолазор”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат”, Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” сингари романларини тилга олмаслик асло мумкин эмас. Ўйлаймизки, бу асарлар XX аср охири – XXI аср бошларидаги жаҳон адабиётининг энг яхши намуналари билан бемалол рақобатлаша олади. Бизнинг бундай фикрга келишимизнинг сабаби Эркин Аъзам қаламига мансуб романнинг инглиз ва француз тилларига таржима қилиниши ва шу тилли китобхонлар томонидан самимий кутиб олиниши, хорижда Исажон Султон ва Улуғбек Ҳамдам асарларига бўлган талабнинг ўсиб бораётганидир.

Ўзбек ёзувчилари қисса жанрида ҳам самарали ишларни амалга ошириб, “Муқаддас” (О.Ёқубов), “Эрк” (П.Қодиров), “Дунёнинг ишлари” (Ў.Хошимов), “Пуанкаре” (А.Йўлдошев), “Куза” (Х.Дўстмуҳаммад), “Уруш одамлари” (Назар Эшонкул) сингари 30 дан зиёд ажойиб асарларни яратдилар.

Ҳозирги ўзбек насрининг роман ва қисса жанрлари тўғрисида баҳс борар экан, Абдулла Қодирий ва Чўлпон бошлаб берган реалистик ҳикоя жанрида эришилган ютуқларни ҳам четлаб ўтиш инсофдан эмас. Асқад Мухтор, Шукур Холмирозев, Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Олим Отахон, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон сингари ёзувчилар ўзбек миллий ҳикоясини шу даражада юксакка кўтардилар ва кўтармоқдаларки, **уларнинг сара асарларини Ж.Лондон, О’Генри, А.Чехов ижоди муҳлислари ҳукмига бемалол тавсия қилишимиз мумкин.**

Ўзбекистонда “Жаҳон адабиёти” журналининг ташкил этилганига 20 йилдан ошди. Журнал шу давр мобайнида Европа ва Осиё, Америка ва Австралиядagi миллий адабиётларнинг энг яхши асарларини ўзбек тилига таржима қилиш билан бирга ҳозирги ўзбек адабиётининг энг салмоқли, бошқа тилларга таржима қилиниши мумкин бўлган намуналарини ҳам эълон қилиб бормоқда. Умид қиламизки, бу икки томонлама жараён ўзбек адабиётининг янги адабий мактаблар ва янги ёзувчиларнинг ижодий тажрибалар билан янада бойиши, ривожланиши ва интеграция жараёнига қўшилишида муҳим роль ўйнайди. Бу жараёнга тортилган ҳар бир адабиёт унга ўзининг миллий ўзига хослиги билан кириб келиши ва шундай асарлари билангина жаҳон адабиёти бағридан ўрин олиши мумкин.



## ҲАКИМ САТТОРИЙ

*Иван Сергеевич Тургенов таваллудининг 200 йиллигига*

### ТУРГЕНЕВ ТУРТКИСИ

**Фикр тошни ёрар.**

*Ҳикматли сўз.*

**Публицистика поэзия эмас,  
бирок у поэзиядан баланд бўла олади.**

*И. С. Тургенев*

Тургеневни юзаки таниганлар уни овчи-ёзувчи деб билишади. Бу бежиз эмас. Аввало, ов, шоҳона шикор (царская охота) рус киборлари жамиятида алоҳида урфга айланганини таъкидлаш керак. Фақат Тургенев ёки Некрасов сингари адиблар эмас, ҳар қандай рус кишиси овга чиқишни, она табиат билан учрашишни хумор қилганлар, ов, шикорбозлик улар ҳаётини (ҳатто, нурсиз ҳаётини) безаб турган машғулот бўлган. Тургеневнинг турмуш тарзида эса бу ҳол ҳар жихатдан унинг қиёфасини белгилашда муҳим чизги бўлиб қолди. У шу заминнинг фарзанди сифатида табиат гўзаллигини, унинг сир-синоатларини ва она табиат фалсафаси (донишмандлиги)ни ов воситасида кашф этди, ов туфайли оддий одамлар ҳаётига жуда яқинлашди, ер юзида қушлар, ҳайвонлар ва одамзод вобасталигида тирикликнинг моҳиятини теранроқ ҳис этди. Ов унинг учун ўзига хос дорулфунун, ҳатто ундан ҳам юксакроқ мавқе касб этди. Буюк ёзувчининг арсенали (ҳазинаси)да ана шундай ёмби ҳам бор эди. Унинг асарларидаги латофат, тиниқ ва равон ифода, қаҳрамонларининг қалб гўзалликлари ов кўмагида табиатдан олинган тоза унсурлар, шунинг учун ҳам улар бетакрор ва фақат Тургеневга хос.

Табиатга ошуфталик ҳали унинг гўдаклик пайтиданоқ руҳига сингиган эди. Маълумки, Тургеневнинг она томонидан бобоси Пётрнинг акаси Иван Лутовинов яхшигина маълумот олган, бир неча тилларни билган, бой шахсий кутубхона ташкил қилган. Уйланмай ўтган бу одам ҳарбий хизматни ҳам эрта тарк этиб, бутун кучи, меҳрини боғбонликка бағишлаган, қишлоғида улкан боғ барпо қилганди. Қаровсиз қир бағрида кўкка бўй чўзиб турган арғувон, болут, эман, заранг, шумтол сингари улкан дарахтлар пойида майин шивирлаб турадиган арча, қарағай, қора қарағай сингари нинабарглилардан иборат фусункор боғ бутун ҳудуднинг кўрки эди. Уларнинг боғбони бор ғайратини, санъатини сарфлаб, шундай парваришлаган эдики, боғ чинакам мўъжизага ўхшар, ҳар қандай лоқайд одамни ҳам бепарво қолдирмасди.

Ёзувчининг болалиги ана шу яшил олам бағрида кечди, йиллар ўтиб, дарахтлар яна ҳам улғайган, уларнинг шохи осмон билан бўйлашиб, киши

калбига ўзгача сурур ва юксаклик бахш этарди. Арғувонларнинг қораси узоқ-узоқлардан ҳам кўзга ташланиб турарди. Бир йил баҳорда улкан арчалардан бири бўрондан қулаб тушди ва унинг тарвақайлаган шохлари болалар учун сеvimли арғимчоққа айланди. Яна боғ ва дарахтлар, улар қуршовида кезиб юрувчи алвасти-жинлар билан боғлиқ ваҳимали ҳикоялар болалар ўй-фикрини мавҳум ёқларга олиб кетар, мурғак хаёлларида олийжаноблик, мардлик, ёвузлик манзараларини жонлантириб, тасаввурларини кенгайтирар, ёмонликка нафрат, эзгуликка муҳаббат ҳисларини тарбияларди. Одам ҳаёти давомида кўплаб яхши-ёмон хотираларга эга бўлади, иссиқ-совуқни кечиради, аммо болалик эсдаликлари тошга ўйилгандек ўчмас бўлиб қолади. Тургеневнинг табиатга яқинлиги, асарларида бу сирли оламни эҳтирос ва эҳтиром билан тасвирлаши ҳам болалик хотиралари билан боғлиқ бўлса, не ажаб!

Улғайгач, елкасида ов халтаси, қўлида ўқланган милтиқ, ёнида сергак този ит билан номаълум пучмоқлар сари иштиёқ билан йўл олар экан, бу муҳитда ўзини асло бегона ҳисобламас, адашиб кетишдан, йўл топа олмай қолишдан заррача чўчимас – ўзини ҳеч ҳам бегона ҳисобламас, аксинча, бир кадрдониникига меҳмондорчиликка бораётгандек, болалиги билан хилватда учрашишга кетаётгандек қувноқ кайфият билан йўлга чиқарди. Гарчи бу кезинишлар унга чексиз завқ берса-да, ўқ бўшатиб, навбатдаги ўлжасини садоқатли тозисидан қабул қилиб, халтасига жойлаганда ўзгача хузур ҳис этса-да, асосийси – бу машғулотлар оддий халқ оламига сафар, улар турмуш тарзи, ўй-хаёллари, феъл-атвори билан танишиш эди. Бундай юзма-юз келишлардан оддий рус кишисининг қалбини яна ҳам теранроқ англар, уларнинг тўпорилиги, соддалиги, самимияти дворянда қизғин меҳр уйғотардики, бу ҳисни бошқачароқ бир шароитда туйиш мумкин бўлмасди.

Тургенев овга чиққанда кўпинча ўзи билан мулкларида хизмат қилиб юрган, ўзига ёққан очикқўнгил, меҳрибон кишиларни бирга олиб кетарди. Уларни гапга солиб, ҳикояларини қизиқиш билан тинглар, жониворларнинг товушларини адашмай ажрата олишлари, ўсимликларнинг ҳолатига қараб, об-ҳавонинг қандай келишини бехато айтиб беришлари, турли ирим-сиримлар билан овнинг бароридан башорат қилишлари сингари халқона қилиқларидан ўзгача донишмандлик сезар, буларнинг барчаси оддий одамларга меҳрини, ҳурматини алангалатарди. Бир сафар ўзи билан Афанасийни олиб кетди. Тарқалиб ов қилишди, тушлик яқинлашгач эса ҳамроҳини излаб топди. Егуликлар унинг халтасида эди.

Катта ҳаётий мактаб ҳисобланган шикор Тургенев ижодининг ўқ илдизи, илгарига ҳаракатлантирадиган олдинги гилдирагига айланди. Кейинчалик “Овчининг мактублари” дея номланган ва муттасил тўлдириб борилган тўпламдаги ҳар бир иншо ёзувчи сифатида унинг ижодий манифести бўлиб қолди. Кейинчалик уларнинг мағзи романларга асос бўлди, тадқиқотларга мавзу берди, ижодий шамойилининг тамал тоши мақомини касб этди. Юксалиш пиллапояларини забт этиб, баланд рутбаларга эришганда ҳам у дастлаб “Овчининг мактублари” муаллифи сифатида тилга олинди, эътироф этилди, эъзозланди.

Муаллиф ўз кечинмаларини қоғозга туширар экан, гарчи уни ҳамма севиб ўқишини, машҳур бўлиб кетишини истаса-да, асарининг тақдирини аниқ башорат қила олмайди. Бу борада аксарият тескари ҳолатлар ҳам

воқе бўлади, яъни ўқ мўлжалга тегмайди. Баъзан эса кутилмаган жойдан (балки бу Яратганнинг иноятидир) муваффақият жамол кўрсатади. “Овчининг мактублари”, аниқроғи, унинг биринчи очерки “Хорь ва Калинин” билан шундай ҳолат юз берди. “Хорь ва Калинин” янгиланган “Современник” журналининг 1847 йилги январь сонидида чоп этилган. Унга одатдаги, ҳатто ундан ҳам куйироқ савиядаги нарса деб қарашган, майда ҳарфларда, хўжалик, агрономия ва бошқа иккинчи даражали мақолалар ичида кўзга ташланмайдиган жойда эълон қилинган. Унча-бунча одам бир қарашда илғаб олиши қийин бўлган бу битикни ўқувчилар нафақат пайқадилар, балки унга журналнинг биринчи рақамли маҳсулоти сифатида қарадилар, у ҳамманинг тилига тушди, кутилмаганда катта муваффақият қозонди. Бунинг сири нимада эди?

\* \* \*

“Хорь ва Калинин”да рус ҳаётига хос бўлган шундай воқеалар ҳикоя қилинади: у Орлов (ёзувчининг ота юрти) ва Калуга (она юрти) одамларининг феъл-атворини таққослашдан бошланади. Шу қиёсда ватанининг бутун қиёфаси икки қирғоқда икки хил манзара ва умумий яхлитликда намоён бўлгандек. Орлов ҳар жихатдан ночор: одамлари ношуд, ўрмони сийрак, уйлари пастак. Калугаликлар эса баланд бўйли, ўзига тўқ, ишбилармон, ҳовлилари дарвозали, ов қилиш ҳам ёқимли. Орловда эса дарахтлар қуриб бораяпти, ботқоқлик. Овчи сифатида ёзувчи калугалик майда помешчик Полутикин билан танишиб қолади ва у кўрғонига бошлаб боришдан олдин ўз мужикларидан Хорнинг кўрасига таклиф қилади. Хорь йигирма беш йил олдин унинг мулкидаги ботқоқликни оброк<sup>1</sup> тўлаш шарти билан олган ва шу кунларда уddaбуронлиги, ишчанлиги билан бойиб кетиб, бинойидек яшаётган эди. “У ақлли мужик”, дейди хўжайин. Хорь билан учрашганда у овчида яхши таассурот қолдиради. “Унинг қиёфаси менга Сукротни эслатди” деб ёзади Тургенев. Бошқа бир сафар эса Калининнинг кўрасига дуч келади ва уникида уч-тўрт кун туриб қолади. Бу икки мужик ўзаро ҳамкор, бир-бири билан борди-келди қилиб турадиган оғайнилар эди. Сухбатлар асносида ўрмон чечакларидек беғубор бу икки одамнинг ички дунёсига теран назар ташлаган ёзувчи уларда миллатининг кўплаб нодир фазилатларини пайқайди, бу чизгиларни асарида муфассал қайд этади. Иложи борича ўзини уларга тенг тутиб муомала қилади (ахир у кимсан Европани кезиб чиққан, нуфузли университетда таҳсил олган, бунинг устига катта ер эгаси эди-ку), ишончини қозонади. Шу туфайли уларнинг сухбатлари кўр олади. Молхонага туташиб кетган сомонхонада тунашни ихтиёр этади, кечаси билан хўкизларнинг бўкириши, чўчкаларнинг хуриллашидан қулоқлари батанг бўлиб чиқади, бироқ кадрдон замин бўйи ва ҳарорати уфуриб турган намчил сомонлар ичидаги уйку унга ўта лаззатли туюлади. Улар жуда киришиб кетишгач, мужикларнинг ички оламини кашф этиб, уларни қиёсан тасвирлайди: “Хорь очикқўнгил, амалиётчи, калласи бошқарув ишларида моҳир, тежамкор киши; Калинин, аксинча, орзу билан яшайдиганлар тоифасидан, хаёлпараст, эҳтиросли...”. Бир-бирининг бутунлай акси бўлган бу зотларни ўнлаб ўлчовларда қиёслаган ёзувчи гўё рус кишиси қалбининг

<sup>1</sup> Оброк – қадимги русда деҳқонлардан олинадиган моддий солиқ тури (Муҳаррир).

уфқларини икки ораликда чизиб кўрсатгандек бўлади. Хорь ҳақида гапириб, “Мен биринчи марта оддий, ақлли рус мужигининг жонли суҳбатини эшитдим”, деб ёзади ва ундан кўп нарса ўрганганини эътироф этади.

Уларнинг турмуш тарзи (ўрим пайти шаҳардан чалғи олиб келиб сотадиганлар билан олди-бердилари, газмол савдогарларига муносабатлари), маиший ҳаётлари, оилавий муносабатлари, қизиқишлари юзасидан кузатишларини батафсил, меҳр билан ақс эттиради. Бу манзаралар билан танишиб, унинг замирида урфга айланган ҳаёт зайлини инкишоф этиб, тоифалар (масалан, помешчик Полутикин ва мужиклар) ўртасида айирмачилик йўқлигини, фақат қарор топган тартиблар бўйича бир томон ўзини ҳукмдор, иккинчи томон эса тобе деб ҳисоблашини тушуниб олади. Мияга қуюлиб қолган бу ақидани ўзгартириш эса осон эмас. Овчи Хорга “Бутунлай эркин бўлишни истамайсанми?”, дея савол беради. Бунга жавобан мутеликни севиб қолган одам “Нима керак менга эркинлик? Унда соқолимни олдиришимга тўғри келади. Хожамиз ҳам ёмон одам эмас”, деб жавоб беради.

Тургеневнинг мазкур очеркига ўқувчиларнинг қизиқиш сабабларини дастлабкилардан бўлиб Белинский очиб беришга жажд қилди: “Хорь ва Калинин”дек кичкина ҳикоянинг бундай муваффақият қозониши, – деб ёзади танқидчи, – тасодиф эмас: унда муаллиф халқ ҳаётига шундай томондан ёндашганки, ҳозиргача ҳеч ким бу эшиқдан кирмаган эди”.

Тургенев яратган икки характер: амалиётчи Хорь ва хаёлпараст Калинин халқ ҳаётининг бадиий талқинида “Коперник бурилиши” (олимни Ғарбда геоцентрик эмас, гелиоцентрик назариянинг асосчиси деб билишади)ни юзага келтирди, деб ёзади рус адабиётининг тадқиқотчилари. Бу икки мужикнинг ёркин қиёфаси қаршисида ҳозиргача эъзозлаб, умид кўзи тикилиб келинаётган синф вакили – помешчик Полутикин хира тортиб қолади. Гўё миллат келажагининг куртаклари кашф қилинган, бу – оддий халқ эканлиги бадиий тасдиқланган эди. Тургеневнинг ўзи ҳам очеркида миллий ифтихорни ҳис қилгандек бўлиб, “Хорь билан суҳбатларимдан кейин шу нарсага қатъий ишондимки, буни ҳатто ўқувчилар ҳам кутмасликлари, хаёлларига келтирмаслиги мумкин, Буюк Пётр ўз юксаклиги билан айнан рус кишиси эди ва шунинг учун ҳам русларга хос ислохотларни амалга оширди. Рус кишисигина ўз кучи ва қудратига шундай ишонади”, деб ёзган экан.

\* \* \*

Ижодий муваффақиятдан илҳомланган Тургенев шу руҳдаги ҳикояларини давом эттирди. Уларда бош образ сифатида талқин этилган овчи тилидан бир-биридан қизиқ ва жозибадор воқеалар баён қилинади. Услубнинг самимийлиги, одмилиги ўқувчини ўзига жалб этса, уларда тасвирланган халқ ҳаётининг калейдоскопдек манзараси фикр қилишга, ўйлашга ундайди. Айниқса, жамиятда янги бир тўлқин пайдо бўлган, илғор андазаларга тақлидан, муқобил йўллар изланаётган даврда бундай мутолаанинг самараси чуқур ижтимоий мазмун касб этмасдан қолмасди. Жамият ҳушёр тортиб, энг муҳими, энди қоқ тартиблар (масалан, крепостнойчилик) билан яшаб бўлмаслигини кўпчилик тушуниб, мамлакат

ҳаётидаги қора доғлар тобора аниқроқ кўзга ташланиб қолаётган паллада янги соғилган сутдек ҳовурли ва ҳароратли оддий халқ ҳаётининг бадиий манзаралари нуқтаи-назарларга, ижтимоий қарашларга кескин таъсир қилаётган эди. Айни шу паллаларда умумиллат эътиборига “Ким айбдор?” (А.И.Герцен), “Нима қилмоқ керак?” (Н.Г.Чернишевский) деган саволларнинг қўйилиши ҳам тасодифий ёки ноўрин эмас эди.

Тургенев эса яна ҳам иштиёққа тўлиб, қаламини чархлаётган, энди ҳикояларида ўз эстетик мезонларидан келиб чиқиб, кулочни кенгроқ ёзаётган – асарларига янги-янги бадиий унсурлар киритиб, уларни тобора бойитаётган эди. Ёзганларида шавқ билан жонажон рус ўрмони тасвири-ни куюқ бўёқларда ифодалаб, адабиётда сўз рассомлигига эришаётган, дарахтларни, ерни, дарёларни гапиртириб, бадиий имкониятлар чегарасини кенгайтираётган эди. Бунақаси ҳали миллий адабиётда учрамаганди. Тургенев халқ ҳаётида шундай умуммиллий маънони топдики, кейинчалик уни Лев Толстой роман-эпопеянинг бадиий тағзаминига айлантирди, дейди олимлар. Толстой даҳосида порлаган машъала дастлаб Тургенев ижодида учкун сифатида намоён бўлганди. Рус илмий-ижодий жамоатчилиги (турли йўналишдаги журналлар, сиёсий тўғараклар, маърифий жамиятлар, фахрийлар уюшмалари ва бошқа кўплаб жамоат ташкилотлари) бу ҳолни ўз пайтида пайқаган эдилар ва Тургенев умуммиллий зиёлилар даврасининг эътиборидаги одамга айланди. Унинг ижоди эса она табиат тасвири билан ҳамоҳанг чуқур ижтимоий теранликка эришиб, ўзига хос тарикат касб этиб борди. Бу ҳолни “Овчининг мактублари”га кирган “Ермолай ва тегирмончининг хотини”, “Бежин ўтлоғи”, “Бурмистр”, “Қуйчилар”, “Икки помешчик”, “Учрашув” сингари ўша аср рус ҳаётининг қуйма манзаралари моҳирона акс эттирилган лавҳаларда кўриш мумкин. Уларнинг ҳар бир сатрида ватанга меҳр, халққа ҳурмат руҳи уфуриб туради.

Хуржун орқалаган, гоҳ дилкаш ҳамроҳи билан, гоҳ ёлғиз овчи ўрмонларни кезади, бу сайрларида ўзини она қучоғида эркаланаётгандек сезади. Сафарлари давомида турли манзараларни кузатади, феъл-атвори, ички олами бир-бирига ўхшамаган, аммо умумий манзара – ягона рус миллатини тўлдириб турадиган одамларни учратади, улар билан дилдан суҳбатлашади, оддий, беғубор, тиник ҳаёт тарзларидан таъсирланиб, уларни иштиёқ билан қоғозга туширади.

“Овчининг мактублари”да турли ёш, касб, тақдир эгалари бўлган кўплаб юртдошлар ҳаёти қаламга олинган. Улар ёзувчи шахсан таниган, турли даражада мулоқотда бўлган кишилар. Бири қўшниси, бошқаси ҳақида бировдан эшитиб, кейин топган, улар савдогарлар, кучерлар, ер эгалари, уруш иштирокчилари – ким бўлмасин, ёзувчининг қалами уларнинг фақат ўзигагина хос қирраларини топа олади ва бетакрор тимсолларини чизади. Шунингдек, улар умумрус халқига, миллатига хос сифатларни намойиш этадилар. Бир нарсани тан олиш керак: бир қарашда чанг босган, унча-бунчада назарга илинавермайдиган, ҳар кун кўравериш кўз пишиб кетган, қолаверса, жонга тегиб бўлган нурсиз халқ ҳаётини бунчалик меҳр, иштиёқ билан тасвирлаш, яна улкан сомон ғарами ичида яширинган нинани – халқ ҳаётининг оҳанрабосини топиш учун ёзувчи кучни қаердан олди экан? Агар жонли ҳаётнинг ҳар бир лавҳаси такрорланмас ва қайтарилмас эканлигини тан олсак, чиндан ҳам бу ҳаётдан кўплаб

хикматларни кашф этиш мумкин. Ёзувчиман, деб ўзини маълум қилган хар бир кишида шундай мақсад, уни рўёбга чиқариш учун иштиёқ борми?

Илмий-адабий давраларда ўз вақтида “Овчининг мактублари” долзарблиги, янгилиги (шунгача бўлган рус адабиётини дворянлар ҳаётининг сийқа манзараси, деб аташ мумкин), тоза ҳавони димиққан миллий бадииятга олиб кирганлиги билан тан олинган бўлса-да, унга эътирозлар ҳам бўлган. Жумладан, унинг хориж тилларига таржимаси билан танишган И. Гейзе (немис), Мельхиор де Вогюэ (француз), шунингдек, П. Анненков (Россия) ва бошқа танқидчилар асарда ҳаёт ҳақиқати бадиий ҳақиқат даражасига кўтарилмаган, ҳолатлар, образлар талқинида такрорлар бор, айниқса, асар тузилиши пароканда, яхлитлик таъминланмаган, ҳикояларда композиция заиф (хусусан, воқеаларнинг ечими йўқ) сингари муносабатларни ҳам билдиришган. Буларда ҳам жон бор, масалан, ҳикоялар исталган нуқтада тўхтатиб қўйилади, иштирокчиларнинг кейинги тақдири ҳақида бошқа гап бўлмайди. Барибир илм – илм, ҳаёт – ҳаёт экан, “Овчининг мактублари” жамиятнинг барча табақалари ҳаётига кириб борди, уларнинг меҳрини қозонди. Яхши, тан олинган нарсанинг баъзан нуқсони ҳам фазилат саналганидек, бу асар улкан хазинага эга бўлган рус адабиётида ўзига хос мавқе касб эта олди (балки унинг бахти “биринчи” лигидадир). Умуммиллий ижтимоий фикрнинг шаклланишида ва юксалишида дастлабки уйғониш қўнғироғини чалганлардан бири – жонли халқ ҳаётининг ёрқин ифодаси сифатида йўналишни тўғри белгилаб олишга кўмаклашгани билан ҳам бу тўплам тарихий ва кадрли бўлиб қолган.

\* \* \*

Тургеневнинг Полина Виардога муҳаббати ҳам бошқаларга ўхшамаган бир дoston эди. Агар қарс икки қўлдан чиқишини ҳисобга олсак, бу муносабатда у тарафнинг ҳам хайрихоҳлиги кўп рол ўйнаган. Полинанинг Луи Виардо билан никоҳини бахтли деб бўлмасди. Ёшдаги фарқ уларни ажратиб турарди. Луи хотинини севарди, уни тўғри тушуниб, баъзи қилиқлари учун рашкнинг майда тазйиқлари билан азобламасди, унинг эркинлигидан хижолат бўлмасди. Ҳатто Жорж Санд уни тунги қалпоққа ўхшатганди. Полина эрини катта ҳаётга олиб чиққан устоз ва ҳомий сифатида кадрлар ва севарди. Албатта, буюк туйғу – севгининг буюк сирлари ҳам мавжудлигини ҳисобга олсак, уларнинг муносабатларида буюк ҳамкорликни ҳам кўриш мумкин. Полина Тургеневнинг қистови ва кўмагида рус тилини ўрганди, русча романсларни куйлади. Ҳатто Тургенев асарларини ўқиб, у билан ижодий мулоқотга киришадиган бўлди. “Руслар менга бир жихатдан қуллуқ қилишлари керак, – деб ёзади у бир оз кеккайиб, – Тургенев ёзишда тўхтамайди, унинг бирон сатри ҳам менинг назаримдан ўтмасдан уларга етиб бормаган”. Луи эса рус ёзувчиси таклифи билан Пушкиннинг “Капитан қизи” повестини ва бошқа асарларни француз тилига таржима қилди. Бу юмуш катта аҳамиятга эга эди. Францияда ўша йилларга келиб ҳам Пушкинни яхши билишмас, Гоголни эса танишмасди. Таржималар орқали жонли рус адабиёти француз ва бошқа Европа халқлари маданий ҳаётига кириб борди, улардаги бепи-

санд кайфиятни ўзгартириб, русларга эътибор ва ҳурмат билан қарашни юзага келтирди. Шунингдек, Луи Аригон Тургенев тавсия қилган маълумотлар асосида Россиядаги ижтимоий ҳаёт ҳақида мақолалар ёзди. Бу саъй-ҳаракатлар миллий маданият тараққиётида сезиларли қадамлар эди.

Тургеневнинг Полинага бўлган муносабати унинг кўплаб асарларида, масалан, “Ортиқча одамнинг кундалиги”, “Ёзишмалар” қиссалари, умуман, бутун ижодида у ёки бу даражада акс этган. Шуниси борки, йиллар ўтган сари бу муносабатлар эскириб, хира тортиб эмас, балки янги-янги кирралари билан бойиб, ёшариб, нурафшонлашиб борган. Охирида Тургенев бутунлай “қул” ҳолига тушган, гарчи бошқа аёллар атрофида пайдо бўлса-да, Полинадан ажрала олмаган. “Унинг сўзи мен учун қонун” деб тан олган ўзи. Дўстлари эса “Агар унга бир мамлакатда шох бўлиб, давру даврон сурасанми ёки Полинага хизматкор бўлиб, Африкага кетасанми, деб сўрасалар, у иккинчисини танларди”, дея эътироф этишган. Унга танқидий муносабатда бўлган ва камчиликларидан кулиб юрган Толстой ҳам “Мен унинг шунчалар сева олишига ишонмагандим”, дея тан берган экан. Тургеневнинг Виардолар оиласи билан муносабати кўнгилдагидек бўлган. “Тақдир менга ўз оилам бўлишини насиб этмади, – деб ёзади у, – мен бегона, французлар оиласига боғланиб қолдим ва уларнинг қаторига қўшилдим. Аллақачон улар мени бу жамоанинг одами деб ҳисоблашади. Бу жойда менга ёзувчи деб эмас, оддий одам сифатида қарашади. Улар билан бўлиш менга ёқимли ва ўнғай”, дея эътироф этади. Уларнинг болаларини ўз қизидан кўра яхшироқ кўрарди. Бу оила учун кўлидан келадиган ҳар қандай хизматга шай турган. Бутун Европада танилган ёзувчи, катта-катта давраларда эътироф этилган шахс курорт шаҳарларнинг бирида Виардолар учун қулай вилла излаб мулозимлардек тентирагани ҳам шундан. Умуман, бундай муносабатларни тадқиқотчилар турли хил баҳолайдилар. Баъзилар улар ўртасидаги муносабат соф ҳурматга асосланган эди, жумладан, моддий аҳвол ҳеч қандай мавқе касб этмаган, дейишса, бошқалари Полинанинг фалон ўғли Тургеневнинг фарзанди бўлган, дейишади. Албатта, Ғарб ахлоқи, оилада мутлақ эркинликка интилиш муҳитида бирор нарса дейиш қийин. Тургеневнинг ўзи эса Полонский билан суҳбатида Полина Виардо афсунгар эканлигини шипшитган экан. Дўсти Анненков “У аёл қалбини буйсундира олмаслик ва уни бошқара билмаслик туйғуси билан азоб чекди”, деган экан. Эҳтимол, ўзига ортиқча ишонган ва қатъиятли ёзувчи хонанданинг қалбини бутунлай забт этишни мақсад қилган, мағрур аёл эса бунга йўл қўймагандир, шунинг билан бирга “ширин лукмалар” ташлаб, ошиғини қўйиб ҳам юбормагандир. Мавҳум ва мураккаб синоат!

Ўғлининг ажнабий аёлга илакишиб қолганини сезган онаси Варвара Петровна тезда ундан воз кечишни талаб қилади, лекин ҳар қандай тазйиқлар “қўл-оёғи боғланган” йигитга таъсир қилмасди. Бир сафар у Полинанинг Москвадаги концертига тушади. Оналик меҳрини жиловлай олмай, “Лаънати лўли яхши куйлади”, дейди. Одамларни қандай йўлга солишни билган помешчик аёл шундан кейин харажатларга маблағни қайтарилади, оқибатда, Тургеневда концертга тушиш, ижара ҳақи тўлаш, ҳатто тушлик қилиш оғир бўлиб қолади.

Варвара Петровна уч ўғлидан бутун умидини шу Иванга тиккан эди. Касалманд туғилган кенжаси болалигида нобуд бўлиб кетади. Тўнғичи



Николайнинг умри хизматда ўтади, ёғли ишнинг бошини тутмай, она-нинг қўлтиғидан чиқмайди. Боз устига оксочи Анна Шварц билан дон олишиб юргани маълум бўлади. Улар қочиб кетиб, яширинча никоҳдан ўтади. Изидан эшикоғаси Федор Лобанов жўнатилади. Варвара Петровна Петербургга бориб, гап нимадалигини билиб келган Лобановни ҳам, Николайни ҳам қаттиқ жазога гирифтор қилади. Николай паст табақа аёл билан никоҳдан ўтганлиги учун меросдан маҳрум қилинади, Лобанов эса ёмон хабар билан келгани туфайли, ишдан ҳайдалиб, чекка қишлоққа ахлоқ тузатиш ишига сургун қилинади.

Она ўртанчасининг ютуқларидан ҳозирча мамнун эди. Берлинда таҳсил олганида пулни аямади, у йил ўтиб, қишлоққа қайтганида тантанали кутиб олиш байрами ташкил қилди. Одамлар шу кунлари жаҳлдор хотиннинг хушфеъл, сахий бўлиб қолганини сезганлар. У Иван Сергеевичнинг ҳар томонлама чўғини оладиган катта шахс бўлишини истар, қадам олишларини синчиклаб кузатиб, муносабатини кескин билдириб турарди. Унинг ижодий уринишларига шубҳа билан қарар, бу машғулотдан бирор наф чиқаришига ишонмасди. “Менимча, котиб билан ёзувчи бир хил касб эгаси, – дерди у, – иккаласи ҳам пул топиш учун қоғоз қоралайди. Иван, дворянин қалам қитирлатиб ўтирмаслиги, аксинча, мансабга эришиб, мўмай даромад қилиши, яхши яшаши лозим. Ўзинг Пушкин бўла олмаслигингни тан олаяпсан, ҳозир ким китоб ўқийди? Ҳаётга жиддий қара, бир вазифанинг бошини тут, кейин уйлан, Тургеневлар сулоласини давом эттир”. Ўғил Берлиндан хатларига шеърларини қўшиб жўнатарди, бу онанинг энсасини қотирарди. “Сендан қаерларда бўлдинг, кимларни кўрдинг – шулар ҳақида хабар кутиб турсам, бирданига шеърлар. Саёз, яна қофияси жойида эмас. Мен Пушкиннинг дастхатини севаман. Сен Федосья холани эслатасан. Нотани олади-да, ўзича скрипкани ғийқиллатиб ўтиради, шу билан чалгандек бўлади”. Кейин мана бундай хатлар ҳам кела бошлайди: “Оҳ, қандай гўзал шеърлар жўнатибсан. Тўғри, мен баъзиларини тушунмадим, бироқ Оллоҳ сени ёрлақасин. Бундай ёзиш...” “Параша” поэмасини ўқигач эса “Шубҳасиз, сенда иқтидор бор”, дея тан олади.

Қобик ичида етилган мағиз ўз борлигини инкор этганидек – қобикни ёриб, дунёга чиққанидек, турли муҳит ва шароитларда ўсган, тарбияланган она ва ўғил ўртасида ихтилофлар ҳам бўлиши табиий эди. Хусусан, онанинг қўл остидаги крепостнойларга муносабати Иван Сергеевичга ёқмас, ҳақли норозилигига сабаб бўларди. Қолаверса, эркинликни ёқлаган инсонпарвар сифатида жонли ҳаётда деҳқонларнинг мазлум аҳволини ўз кўзи билан кўриб, бу лавҳаларни дунёкараши билан таққослар, унга рус мужигининг озодлиги миллатни қутқаришнинг ягона йўли бўлиб туюларди. Шу туфайли у крепостной тартибларнинг ашаддий душманига айланди ва илғор рус зиёлилари сафида туриб, бу тартибларнинг бекор қилинишига катта ҳисса қўшди.

\* \* \*

Петербург университетининг талабаси 1834 йилнинг қишида қишлоғига келиб биладик, болалигида бирга ўйнаб катта бўлган деҳқон қиз Лушани онаси Айиқ лақабли помешчик хотинга сотиб юборибди.

Ўғил онасига савдони бекор қилиш, Лушани қайтариб олиш талабини кўяди. Ҳар қанча ёлворишлар кор қилмайди. Шунда ўсмир биринчи марта онасига ўз характерини намоиш этади: Лушани қайтариб келиб, унга кўриқчилар тайинлайди. Бундан ғазабланган Айиқ ҳокимиятга “ёш барин” деҳқонларни исёнга чорляпти, деб шикоят қилади. Спасска уезд полициясининг бошлиғи қуролланган икки мулозими билан етиб келади. Тургенев ўқланган милтиқ билан ҳайқирганча уларга пешвоз чиқади, бунақасини кутмаган тартиб соқчилари бошларини оғритиб ўтиришни лозим кўрмай, жўнаб қолишади. “Мценск уездининг ёш помешчиги Иван Тургеневнинг тўполони” юзасидан жиноий иш кўзғалади, бу узоқ йиллар, то крепостной ҳуқуқ бекор қилингунча давом этади. Варвара Петровна барибир катта пул эвазига Лушани қайтариб олади.

Тадқиқотчилар Тургеневда аёлларга эътибор, ҳурмат оила муҳотида шаклланганини таъкидлайдилар. Аввало ўша йилларда рус жамияти ўз маданияти, инсонпарварлигини айнан шу нуқтада намоиш этишни бошлаган эди. Бу руҳ Франция ва бошқа Европа мамлакатларидан ўтганди, деса ҳам хато бўлмайди. Шу орқали ҳам рус дворянлари ўзларини ҳеч кимдан кам эмасликларини кўрсатмоқчи бўлишардими? Бадиий адабиётга, умуман, санъатга яқин бўлган Тургенев учун эса бу ҳол шахсият билан боғлиқ эди. Яна Европанинг энг муҳташам маданий марказларида бўлиш, уларда тантанали кибор давраларида иштирок этиш, ўзи ҳам эътибор қозониб, арзирли кавалерга айлангани ҳам унинг юқори маданият мезонини ушлашга ундарди. Қолаверса, ота-онаси ўртасидаги моддий томондан тўла таъминланган, бироқ тунд, севги-муҳаббатдан йироқ оила шароитидан нимадир истаган, тополмаган ва ўша излаганига аёллар билан муносабатларда эришгандир.

Жамиятда етарли мавқе қозонган, аммо йилларнинг шафқатсиз тазйиқи остида сочига оқ, юзига ажин тушиб, ошиқлари сафи камайиб бораверган ва, ниҳоят, ёлғизланиб қолган мадамлар, маркизалар ҳали сўнмаган ҳаёт завқи, қониқмаган кўнгил истаги билан навқирон ёшликка интилишар, ёш йигитчаларни “ов”лашар, энди муносабатлар мазмуни ўзгариб, улар тарбиячи, ҳомий, онахон сифатида саҳнада ҳаракат қилардилар. Ҳар қандай таъмадан йироқ, бирор манфаатни кўзда тутмаган бу алоқалар кўнгилда яшаётган гўзаллик соғинчини қондиришга йўналтирилган бўлар, навқирон кавалерлар билан суҳбатлар адабиёт, мусиқа, тарих, умуман, маданият масалалари хусусида кечарди. Яхши таҳсил олинганининг маҳсули – кенг маълумот, аристократлар давраларида урф бўлаётган энг нафосатли одатлардан хабардорлик, шахсий маданият ва бошқа омиллар ёш муҳибларни салобатли устозларига боғлаб кўяр, бундан икки тараф ҳам баравар хузур қилишарди. Жаҳон адабиётининг йирик вакилларидан бири Оноре де Бальзакка нисбат берилган “Бальзак ёши” деган ибора унинг яшаган йилларини эмас, балки “лаби дўрдайган, тиши сарғайган, айиқ келбат паҳлавон йигит”га раҳнамолик қилган, ижодининг юзага чиқишида ҳомийлик кўрсатган, ҳаётининг тўғри изга тушиб кетишини таъминлаган марҳаматли хонимларга нисбатан пайдо бўлганди. Улар Лаура ё маркиза де Берни ёки де Абрантес бўладими, исм-шарифлари Зюльма Карро ёхуд Марселина Деборд-Вальморри, саргузаштлари бир неча жилдга сиғмайдиган герцогиня Анриетти Мари де Кастри бўладими,

хонимлар бўйи баравар қарзга ботган, суткасига ўн беш соат қимирламай ишлаш қудратига эга бўлган ёзувчи ҳар қанча ҳаракат қилмасин, бу гирдобга тушиб қолган ҳамда фарқ бўлиши аниқ бўлган йилларда унга марҳамат қўлларини чўзганлар, уни ҳалокатдан сақлаб қолиб, жаҳон адабиётига юз жилдлаб романлар ва бошқа бадиий адабиёт намуналарини ҳадя этганлар. Улар ҳақидаги миш-мишлар унутилди ёки арзимас ахборотга айланиб, ҳеч қандай аҳамият касб этмай қолди, бироқ эҳтирослар қонда ёққан аланга туфайли туғилган асарлар инсониятнинг бебаҳо маданий мулкига айланди. Бундай китоблар ҳамон ўқувчиларни ўзига мафтун этиб келмоқда. Уларда акс этган аёл қалбининг гўзаллиги неча юз йиллардирки, такрорланмас жозиба касб этиб, одамларни ҳайратга солиб келаяпти.

Тургенев ана шундай эстетик тамойиллар қарор топган дунёнинг ёзувчиси эди. Унинг шахсиятидаги бир неча қирралар: оила муҳити, онасининг тимсолидаги аёлларга хос туганмас қудрат, нафосатга ошуфталик, хотиралар, юқори давраларга яқинлик, қадимий маданият унсурлари билан ошнолик, ҳаётида Полина Виардо сингари сирли хилқатнинг мавжудлиги уни бу тилсимли ва ваҳимали оламга яқинлаштирган, борлигини тебратиб ўтган ҳаётини воқеалар таъсири остида вулқондек илҳом забти шиддатида бир зарб билан гўзал севги қиссаларини қоғозга тушириб ташлайверган эди. Унинг асарлари ўзи кўрган, билган кишилар ҳаёти асосида яратилган. Улар фотосурат сингари муҳрланмаган, балки моҳир устанинг диди билан қайта сайқалланган.

Албатта, онасининг хизматкори, шартнома билан ишлайдиган чевар Авдотья Ермолаевна Иванова билан юз берган очиқ осмонда чакнаган момақалдиқдек воқеа унинг тасавурида беиз кетмаган. Қизнинг шипиллаб қадам олишлари, саволларга тортиниб жавоб беришлари, яна ақлилиги, камтарлиги 23 ёшли баринни бепарво қолдирмайди ва уни севиб қолади. Кундан-кунга қиз майин табассуми, ёқимли овози билан севимлироқ бўлиб бораверади. Бундай эътиборга жавобан жами рус қизларида бўлганидек, Авдотья бутун борлигини ўзига қаратилган муҳаббатга бағишлайди. Бу хонадонда сир ётмас эди. Варвара Петровна ишқий саргузаштларни эшитиб, жуда дарғазаб бўлади, ҳатто бир зум хушини йўқотади. Бошқа бир вазиятда бўлганда бу майда нарсага эътибор ҳам бермасди, бироқ шу ўғлидан умиди катта эди-да. Зум ўтмай қизни ҳибсга олиб, ертўлага қамайдилар. Ўғилни эса ердан олиб, кўкка солиб, роса таъзирини беради. Айбдор ўз гуноҳини бўйнига олади, ҳатто унга уйланишини маълум қилади. Бу онани баттар ғазаблантиради. Ўзига келгач эса биринчи навбатда қизни мулкдан ҳайдаш, уни Москвага жўнатиш қарорини эълон қилади. Москвада Авдотья фарзанд кўради. Авлодини бошқа кишилар қўлида сиғинди бўлишини истамаган Варвара Петровна қизалоқ набирани олиб келтиради. Полинета кейинчалик отасининг хоҳиши билан Полина деган исмга эга бўлади (сабаби аниқ), Парижда Полина Виардолар оиласида тарбияланади, Тургеневнинг ягона зурриёди сифатида улғаяди.

Кейинчалик катта сиёсий арбоб сифатида Россия озодлик кураши тарихида қолган Михаил Бакунин билан Тургенев жуда эрта танишган, бу яқинлик бир-бирларининг дунёқарашлари шаклланишида муҳим рол ўйнаган эди. У билан Берлинда яна учрашади, таътилга кетаётганида Бакунин Тургеневдан Премухинодаги мулкларига бориб, туғишганларига ўз саломини етказишни сўрайди. Қишлоқда у хилватда яшаётган малакка дуч келади. Ўзидан уч ёш катта бўлган Татьяна Бакунина кўрган кишини бепарво қолдирмайдиган малоҳатга эга эди. У меҳмонни меҳрибонлик билан кутиб олади, уни зериктирмасликка интилади. У немис фалсафаси оламида яшар, Новеллис, Рихтердан ёддан цитаталар келтирарди. Тургенев яхши танийдиган Беттини Арним ҳақида ҳаяжон билан сўзлайди. Тургенев ҳам қиз олдида паст тушмаслик учун билганларини эҳтирос билан ҳикоя қилади, Пушкин, Лермонтов, Кольцов ва ўзининг шеърларидан ўқийди. Яхши маълумотли ва тажрибали қиз (бир вақтлар уни Белинский ҳам севишга улгурган экан) Тургеневнинг туғма шоир эканини тезда илғайди. Сухбатларининг учинчи кунни ёлғиз қолганларида Татьяна “Сиз Худо томонидан эъзозланган илоҳий, мўъжизалар яратишга қодир зотсиз. Сизнинг тийнатиғизда Унинг улуғлиги, марҳаматининг белгиларини кўраяпманки, сиз буюк, қудратли, эркин ва ардоқли киши бўлиб етишасиз”, дейди. Қишлоқ кизининг беғубор қалбидан чиққан бу эътирофлар Тургеневни осонгина мафтун этади. Премухинодан жўнаб кетишида Татьяна уни севиб қолганини тан олади. Эҳтимол, бу томондан ҳам шунга яраша жавоб бўлгандир. Тезда жўнатилган хатга вафот этган опасидан хотира бўлиб қолган хоч кўшиб юборилган ва унда “Менинг биринчи муҳаббатим Исо Масих эди, охиргиси эса Сиз бўласиз”, деган сўзлар дарж этилган эди. Шундан кейин Берлинга хатларнинг кети узилмади. Иван Сергеевич эса қишлоқ кизнинг қарашларида қандайдир чекланганлик унсурларини сезган, гарчи унинг туйғуларини қадрласада, илк таассуротлар хира тортиб борарди. Татьяна билан бўлиб ўтган гап-сўзлардан шуни ҳис этдики, одамлар ўртасидаги бир томонлама драматик муносабатлар, улар қанчалик оҳанрабо ва жозибали бўлмасин, иқтидорли кишилар учун ҳақиқий ҳаётдан узоқлашишга, борликни унутишга мажбур қиладиган афъюн сингари таъсир қилар экан. Жўр бўлиб қуйланмаган бу кўшиқ ўз-ўзидан поёнига етди.

Толстойлар оиласига яқин бўлган Тургенев Мария Толстаяни анча олдиндан биларди. У аъмолини излаб, юртларни кезиб юрганда Мария турмуш йўриғини тутган, эрга чиқиб, оилавий ҳаётини бошлаб юборган эди. Аммо ўз туйғуларини қадрлаган ва ҳурмат қилган Тургенев бу гўзал, билимдон ва оқила аёлни эътибори доирасидан ташқарида қолдира олмас эди. Покровскогега келишларининг асосий сабаби Лев Николаевич билан адабий сухбатлар бўлса-да, бироқ мафтункор Марияни кўриш, унинг сўзларини эшитиш истаги ҳам бўларди. Бунга аёл ҳам ҳис қилар, ҳатто турмушидан кўра Иван Сергеевичнинг муносабатларини қадрлар эди. Бир сафар яқин дугонасига: “Дастрўмолим кўлимдан тушиб кетганда Иван Сергеевич уни ердан олиб, лабларига босди”, деган экан. Аммо тақдир ҳукми ўқилган, бирга яшаш насиб этмаган. Ана шундай рухий тазйиқ остида Мария Николаевна тарки дунё қилиб, монастиргга боради,

умрини зоҳидликда ўтказди. Йиллар ўтиб, Тургенев бу дунёни бадар этганида Мария Николаевна Тургеневнинг фотосуратини кўрсатиб, “Агар у ҳаётда бу даражада бир сўзли бўлмаганида ва Полина Виардони бунчалик қизгин севмаганида, мен у билан бахтли бўлардим, монастирга ҳам келмасдим. Биз Ярагганнинг иродаси билан қовуша олмадик. У бебаҳо одам эди, уни тез-тез эслайман”, деб ўз надоматини изҳор қилган экан.

“Одам бахтини йўлда (сафарда) топади”, дейишади. Бу жиҳатдан Иван Сергеевичга барака кулиб боққанди. Унинг бутун Европа бўйлаб кезишларида кимлар ҳамроҳ бўлмасди? Биринчи марта Берлинга жўнаганида давлат арбоби ва таниқли шоир П. Вяземский ҳамда машҳур адиб Ф. Тютчев оиласи билан кетганди. Кепада рўй берган ёнғин ўсмир Иванни жуда кўрkitган, жони ҳалқумига келиб, “Онанинг ёлғиз ўғлини қутқаринглар, эвазига 10 минг рубль бераман”, деб дод солганди. Ҳайтовур, қурбонлар бўлган ўша фалокатда у омон қолувди. Муҳожирликда юрган кезлари хорижда яшаган, бироқ рус умуммиллий маданиятида ёрқин из қолдирган Фроловлар, Ховринлар, Хомяковлар, Орловлар оилалари билан танишди, уларнинг севимли кишиларига айланди. Сиёсий қарашлари туфайли она юртини тарк этган ва ҳар бир куртакда эртанинг шамойилини излаётган бу зиёлилар ўз миллатларига мансуб ҳар қандай иқтидор эгасини кадрлашар, унга имкон даражасида кўмак берар эдилар. Ватан соғинчи билан яшаётган мусофирлар даврасида ўзининг эҳтиросли қарашлари билан кўзга ташланиб қолган Тургенев уларга гоҳ Онегинни, гоҳ Печоринни, ҳатто гоҳида Хлестаковни эслатарди. Ўша давраларда унинг собит дунёқараши шаклланди.

1856 йил майида Лев Толстой билан суҳбатларини тугатиб, Спасска кетиш арафасида ўзига хос шахсиятга эга бўлган, ўта диндор ва зоҳидона ҳаёт тарзини танлаган Елизавета Егоровна Ламберт билан учрашиб ва суҳбатлашиб қолди. Унинг танишуви хорижий паспорт ташвиши билан юрган кезларида рўй берди: Қрим уруши тугаган, чет элга чиқиб, қизининг ва Виардоларнинг омонлигидан хабарлашиб келиш имконияти пайдо бўлганди. Шунда юкори олийнасаб давраларга мансуб бўлган бу аёл тимсолида қутилмаганда ўзига хайрихоҳ ва ақлли, яқинлари бошига ташвиш тушганда кўмагини аямайдиган, бировга яхшилик қилишга шошадиган жонҳалак дўстни топгандек бўлди. Аёлнинг қотиб улгурган ўз турмуш тарзи бор, аллақачон унинг тартибларига қатъий амал қиларди. “Шуниси маъқулга ўхшайдики, биз кўп учрашмаслигимиз лозим, – деб ёзди Ламберт Тургеневга, – яхшиси, тез-тез хатлар алмашиб турайлик; менимча, юзма-юз суҳбатларда қуруқ олди-қочди гап кўпаяди – мен эса бошқачароқ одамлар билан руҳий яқинликка бормоқчиман”. Спасска келгач, Тургеневни зиддиятли туйғулар исқанжага олди – наҳот шундай малоҳатли аёл билан қовушиш имкондан хориж; баъзан уларни Елизавета Егоровна билан хат орқали баҳам кўрарди: “Эҳ, графиня, бахт истаги – агар ибодатда ҳам бахт бўлмаса – қандай бемаза туйғу! Умид қиламан ва ишонаманки, ҳаммаси тинчиб кетади, ботинимдаги ёзувчи, умуман санъаткор учун зарур бўлган ўзига хос осудалик ва эътиборни таъминлайман”. Шундан сўнг овни ҳам йиғиштириб қўйиб, кўпроқ китоб ўқишга машғул бўлади... Кейинчалик ҳаётининг драматик дамларида ўз кечинмаларини баён этиб, хатлар ёзиб туради, баъзи масалаларда маслаҳатлашади.

Баронесса Юлия Петровна Врёвская ўз шахсияти ва аянчли тақдири билан Тургеневда ўчмас таассурот қолдиради. У билан Карлсбадда 1873 йилда танишган эди. Ёзувчидан 23 ёш кичик бўлган Юлианинг эри генерал Вревский урушда ҳалок бўлган, у турмуш ўртоғининг хотирасини унута олмай, рухий қийноқда яшар эди. Тургеневнинг қистови билан Юлия Петровна Спасска ташриф буюради ва беш кун меҳмон бўлади. “Сиз билан хайрлаша туриб, – деб ёзади изидан унга йўллаган хатда Иван Сергеевич, – илтифотингиз учун зарур даражада миннатдорлик билдира олмаганимни сездим. Ташрифингиз менинг қалбимда мангу яшайди. Сезаяпманки, менинг ҳаётим шу кундан бошлаб бир нур билан музайян бўлди. Орамизда пайдо бўлган дўстликни бир умр қадрлайман ва бундан кейин Сизнинг тақдирингиз менинг эътиборимда бўлади”. Баронесса негадир бундай эҳтиросларга бепарво қарар, унинг совуққонлиги эса ёзувчида янги ҳисларни алангалатарди. Хатларида “Агар сизнинг аёл асрингиз бошланиб, менинг эр фаслим тугаётганидан кўнглингиз хижолат бўлаётган эса, орамизда бир-биримизни боғлаб турадиган дўстлик ришталари узилмасин”, дея ундан воз кеча олмаслигини изҳор этарди. Аёл эса бошқачароқ жавоб қайтаради: у Болгарияда давом этаётган урушга ихтиёрий равишда шафқат ҳамшираси бўлиб йўл олади. Унинг бу қарорини Тургенев киноя билан эътироф этади. “Агар омон қайтсам, бирга яшаймиз”, деб далда беради Юлия. Аслида у мангу айрилиқни ихтиёр қилган эди.

Шундан сўнг Болгариядан хатлар келиб турди. Тургенев уларни кўзига суртиб ўқирди. Айнан Юлия Петровна унга Некрасов оғир бетоб эканини, унинг санокли кунлари қолганини маълум қилганди. Қисқа фурсат адабий ҳамкорлик қилиб, бирданига душманлашиб қолган Тургенев гиналарни ўртадан кўтариш учун шоирни кўргани боради. У жуда ночор аҳволда эди, Тургеневни кўриб, нимадир дейди (сўзларини тушуниб бўлмайди), қонсиз юзига икки томчи сарғиш кўз ёши думалаб тушади. Мажолсиз қўлларини Тургенев томон чўзади. “Бизни ўлим яраштирди”, деб ёзади Тургенев кейинчалик. 1878 йил бошидан Болгариядан хатлар келиши тўхтаб қолади. Тахмин қилинган фожеа рўй берганди: куршовда қолган полк билан тиббиёт бўлинмаси ҳам янчиб ташланган, жумладан, Юлия Верёвская ҳам ҳалок бўлганди. Бу хабарни Иван Сергеевич аччиқ изтироб билан кутиб олади, Юлия йўллаган ўнтача хатни бебаҳо бойликдек бир умр асраб юради.

Тургеневнинг таржимаи ҳолини ёзган биографлари ёзувчининг сўнгги севгилиси сифатида актриса (яна актриса!) Мария Гавриловна Савинани қайд этишган. Иван Сергеевичнинг истеъдоди бутун Европада тан олинади, Англиядаги Оксфорд университетининг доктори аталади. Ниҳоят, сукутда бўлган рус жамоатчилиги Тургенев шарафига тадбирлар ташкил қилади. Москва ва Петербург университетларида тантанали учрашувлар бўлиб ўтади, драматик асарлари саҳналаштирилади. Ана шу мулоқотларда “Қишлоқда бир ой” пьесасида Верочка ролини ўйнаган ёқимтой актриса унинг меҳрини қозонади. “Менинг нотавон, қари юрагимни навқирон аёл қалбининг сеҳри бутунлай қамраб олди – эркаловчи нигоҳлар жодуси билан унинг аллақачон тусини йўқотган ранглари яна жилвалана бошлади”, деб ёзади у. 1879 йил 24 апрелда Москвадан Савинага шундай хат ёзади: “Сиз йўллаган икки хатдаги меҳр менга шун-

дай сеҳр ато этдики, энди ўзимни сиздан айро яшай олишимга ишонмай колдим...”. Уни Москвага таклиф қилади, Савина рад этади. 16 майда гастролга кетаётган актриса билан Мценскдан Орёлгача поездда бир неча соатни бирга ўтказди. Шу дамлар унинг Мария Савинага бўлган муҳаббатининг энг юқори нуктаси бўлиб қолади. Кейин аёлга бир неча ўтли ишқий мактублар йўллайди.

1881 йил ёзида Спасскка Григорович, Лев Толстой, Полонский меҳмон бўлиб келган, даврада Савинанинг пайдо бўлиши кутилаётган, унинг ташрифига атайлаб Москвадан янги пианино келтиришган эди. Эркаклар жамоаси гўзал ва оқила аёлсиз ўзларини ғариб сезишарди. Бу гал Савина мамнуният билан ташриф буюрди ва беш кун меҳмон бўлди. Даврага ўзгача файз кирди. Оқшом чокларининг бирида, ботаётган куёшнинг заррин нурлари дарахт баргларида жилваланаётган чоғ балконда Тургенев Савинага “Ғолиб севги кўшиғи” қиссасидан парчалар ўқиб берарди. Асарнинг сеҳри аёлни ўз оғушига тортади, унинг нигоҳларида учкунлар пайдо бўлади. Бу шуълаларни кўрмасанг ҳам у вужудни куйдириб ўтарди. Истеъдоди учун ёзувчи олий мукофотга сазовор бўлади: Савинанинг ўтли лабларидан бўса олади. Бу бўсадан унинг Спасскдаги уйи болконида вужудидан ўт чиқиб кетишига оз қолганини Тургенев бир умр эслаб юради. Унинг куёши ботаётган пайтларда севги ана шу хилда видо сўзларини айтади...

\* \* \*

Кўриниб қоладикки, Тургенев ҳаётида аёллар фақат гўзаллиги, ақли билан эмас, шахсияти билан ҳам намоён бўлишади. Бири эр-хотинлик муносабатларига хиёнат қилишни хоҳламай, монастирга кетишни авло билади, бошқаси бевақт ажралиб қолган эрининг хотирасини унута олмай, унинг тирик руҳини жангтоҳлардан излайди ёки ўзгаси умр шомиди тўкилиб бораётган вужудга аланга ёқиб, унинг сўнгги нафасигача ҳарорат ато этади... Буларнинг ҳаммаси ёзувчининг кўрганлари – ҳаёт синоатлари, аёл оламининг олмос қирралари эди. Ана шундай мўъжизага дуч келган санъаткор бу дунёга игна тешигидан мўралади, унинг асрорларини инкишоф этишга ҳаракат қилди ва бунга эришди ҳам. Тургеневнинг кечинмалари шунчаки кўнгилхушлик ёки енгилтаклик – эхтирослар билан ўйнашиш шарҳи эмас, балки ҳаётнинг айнан ўзидир. Зеро, ана шу ўзанда тирикликнинг не бир синоатлари воқе бўлмайди? Гоҳида ўзини ўзи ҳам тушунмайдиган аёл дарё ичида туриб чанқайди, саҳрода яшаб эса борлигини денгиздагидек ҳис қилади. Энг кўп жабр кўрсатган, ёмонлик қилган кишисини меҳри оғушида ардоқлайди, севган одамини эса мислсиз қийноқларга дуч қилади – у ўз орбитасидан чиқиб кетмасин. Баъзан уни мусиқа асбобига ўхшатишади, ёқимли куй чалиш учун созанда, албатта, моҳир созанда бўлиш лозим.

Тарозининг икки палласи – ҳар куни ҳаёт эркак– аёл вобасталигида ўтади. Улар бир-бирларига оилада, иш жойида, маиший ҳаётда, кўча-кўйда дуч келадилар. Ана шу учрашув лаҳзаларида кайфиятга, дунёқарашга, тақдирга таъсир қиладиган нимадир юқади, худди бўёқдек из колдиради, уни бирдан ўчириб ташлаб бўлмайди, барибир ўрни қолади. Арбоблар,

миллиардерлар, ҳарбийлар, олимлар, умуман, турли касб ва кифадаги кишилар бу сеҳр тузоғига тушиб қолишлари мумкин, шунда улар кечираётган ва шарҳ этиб бўлмайдиган интим туйғулар кўринмас куч бўлиб, ўлжасини бошқаради. Таассуротлар эса ўчмас. Агар ҳислар жунбушга келса, бир инсон ҳаётини бошқа ўзанга солиб юбора олади. Ё барбод қилади, ё мақсадга муяссар этади. “Спартак” кинофильмида шундай лавҳа бор: гладиаторлар эртага жангга чиқадиган оқшом уларнинг хонасига сулув аёллар киритиб юборилади (бу ҳам ўша замон ахлоқининг бир кўриниши бўлса керак). Валенсия Спартакдан имдод кутади. У эса жим. Ниҳоят, аёл тилга қиради: “Тегинмайсанми?” Эркак жавоб беради: “Мен ҳайвон эмасман!” Бу ўқтам иқрор аёл ҳамиятини кўзгайди, унинг борлиғидаги ғурур уйғонади ва жавоб беради: “Мен ҳам”. Аёлнинг бу эътирофи эркакни ҳушёр торттиради, у одамдек яшаш мақомини танлайди. Аёл муҳаббати унинг қонидаги ғурур, мардлик туйғуларини алангалатади. Валенсиянинг гўзаллигидан илҳомланиб, қулларни оёққа турдиради, уйғонган эрк темир панжараларни синдириб, озодликка интилади...

Жамият маънавиятини аёл маънавияти белгилайди, деган гап бекорга айтилмаган. Шунинг учун улардан жамият бир умр қарздор, шунинг учун улар билан ҳурмат кўрсатиб, эҳтиёт бўлиб, қолаверса, кўрқиб муомала қилинади. Жамиятнинг даражаси аёлга бўлган муносабат билан ўлчанади, дейишлари шундан. Тургенев иқтидори ва ҳаёт тажрибаси билан бу оламга назар ташлади, ундан теран ҳикмат топа олди. Тургенев асарлари аёлдек нодир хилқатни тушуниш ва қадрлашда ёрдам беради. Бинобарин, боқий ва мафтункор бу мавзу ижодининг гултожи бўлиб қолди. У чинакамига аёл қалбининг муҳандиси эди.

Севги саргузаштлари... Уларнинг ҳаммасини қомусий луғат сингари батафсил қайд этиб бўлармикан? Инсоният онгли ҳаётида қанчалаб қалам соҳибларининг истеъдоди уни кашф этишга йўналтирилди – уларнинг ёзганлари, чамаси, ҳали дарёдан томчи бўлса керак. Бу уммоннинг чекчегараси йўқ, бўлмади ҳам. Ана шу уммонда сузиб юрган қайиқларгина элас-элас кўзга ташланади, холос. Шу сузғичларнинг бири Иван Сергеевич Тургеневга тегишли эди. Унинг ижоди давомида яратган “Илк севги”, “Ася”, “Фауст”, “Чўл қироли Лир”, “Баҳор тошқинлари”, “Клара Миллич”, “Ғолиб севги кўшиғи” сингари ўнлаб қиссалари олийжаноб туйғу – севги-муҳаббатнинг турли оҳанглари акс эттиришга бағишланган. Қиссаларнинг қахрамонлари русларда кўп учрайдиган Ася, Вера, Анна, Наталья, Валерия ёки мағрибона қоришиқ Эллис, Сусанна, Евлампия, Элеонора, Метридия, Платонида исмлари билан ёки бошқачароқ аталадими, ҳаммасида севилган аёл қалбининг ботиний ва сирли жозибаси ифодаланган.

\* \* \*

Тургенев рус адабиётига кўплаб янгиликлар олиб кирди. Бу новаторликни таъминлаган бир қанча омиллар мавжуд. Аввало, унинг жаҳон адабиёти дурдоналари билан яқиндан танишлиги бунга йўл очган. Шунингдек, у Италияда, Францияда, Англияда бўлиб, инсоният бадиий тафаккури яратган дурдоналар: меъморий ёдгорликлар, нодир суратлар,



музыка асарлари билан ошно бўлишга улгурган эди. Шунингдек, унинг ана шундай юксак эстетик қимматга эга бўлган хазиналарни яратаётган ва яратган ижодкорлар билан жонли мулоқотлари, адабий ҳамкорлиги истеъдодининг бутун борлиги ила намоён бўлишини таъминлади. У Гюго, Флобер, Золя, Жорж Санд, Мопассан, Мериме, Диккенс, Теккерей сингари ҳар бири бир рухий олам яратган буюк ёзувчиларнинг яқин дўсти ва ҳамкори эди. Ўз миллати маънавиятида, ижтимоий фикр ривожига ўчмас из қолдирган Н.Станкевич, П.Панаев, К.Аксаков, П.Плетнев, Д.Писарев сингари ўнлаб том маънодаги миллий зиёлиларнинг маслақдоши, маслаҳатчиси эди. Шунингдек, иншомиз давомида ўзаро борди-келдиларига батафсилроқ тўхталган рус миллий маданиятининг таниқли намояндалари билан муносабатлар ҳам Тургенев фаолиятини ва, умуман, ўша давр ижтимоий муҳитини атрофлича тасаввур қилиш имконини беради, тасаввурлар эса тўла маънода бу плеяданинг қанчалик ўрни салмоқли бўлганини тасдиқлайди. Улар ўзларининг у ёки бу даражадаги маънавий жасоратлари билан рус халқига буюклик мақомини тухфа этган улуғ зотлардир.

Усларни фақат космик ракеталари, сувости кемалари, баллиестик қуроллари борлиги учунгина эмас, балки мислсиз ижтимоий тафаккур эгалари бўлганликлари учун ҳам дунё тан олади. Аслида ҳам миллатнинг юксалиши фақат маънавият орқали эканлигини тараққиёт тажрибаси тасдиқлаб турибди. Не бахтки, Тургенев ва унинг салафлари умргузаронлик қилган йиллар бу борадаги тадрижи, юксалиши билан ажралиб туради. И.С.Тургенев ана шу маъраканинг нафақат иштирокчиси, балки унинг юксалишида сезиларли из қолдирган йирик вакиллари билан бирига айланди. Йиллар оша у янги уфқларни забт этишдан тўхтамади, ижоди ҳам мавзу, ҳам жанрлар бўйича бойиб борди. Ҳаёт манзараларини кенгроқ масштабда акс этиришга киришиб, романлар ёза бошлагани шу тадрижий улғайишнинг ҳосиласи эди.

У яшаган асрнинг 50-йилларига келиб ижтимоий ҳаётда янгича руҳ пайдо бўлди. Тор давраларда келажак ҳақидаги суҳбатлар, тортишувлар ҳеч нарсани англамай қолди. Қуруқ ваъзхонликлар ўтмишга айланиб улгурди, энди гапдан амалга ўтиш фурсати етишганини жамиятдаги қатламлар ўртасида юзага келган ажримлар ва янгиланишлар талаб қилаётган эди. Ана шундай тарихий паллада Тургенев биринчи романи устида иш бошлади. Дастлаб уни “Нодир нусха” (“Гениальная натура”) деб номлади. Асарда ҳозиргача қарор топган тартиблар асосида шаклланган, бироқ ривожланиш эпкинини ҳис қилиб, янги йўл излаётган қаҳрамон тимсоли ва унинг атрофида кечаётган кураш, интилиш жараёни акс этиши лозим эди. Роман воқеалари автобиографик руҳда бўлиб, Дмитрий Рудин дастлаб Покорский (Станкевичнинг прототиби) тўғарагида фалсафадан сабоқ олади, кейин таҳсилни Берлин университетида давом эттиради. Асарда жуда кўп замондошларнинг қиёфаси бадиий тарзда мужассамлаштирилган эди. Роман устида ишлаш жараёнида унинг дастлабки номи муаллифни қаноатлантирмайди ва барча воқеалар Рудин атрофида кечаётганини назарга олиб, асарни ҳам “Рудин” деб атайди. Роман “Современник” журналининг 1856 йил январь-февраль сонларида босилгач, адабий жамоатчилик унга диққат билан муносабатда бўлади. Асарнинг долзарблигини таъкидлаган ҳолда бош қаҳрамоннинг Дон Кихот сингари

ҳаракатларини маъқулламайдилар, унинг исён пайти баррикададан отилиб чиқиб, ҳалок бўлишини мақсадсиз яшаган одамнинг ҳаракати сифатида қоралайдилар. Асарнинг кульминациясини ташкил қилиши лозим бўлган Рудиннинг Натальяга муҳаббатида қаҳрамоннинг бутун борлиғи намоён бўлмайди. Унда қўлланган “Овчининг мактублари”га хос услуб ўзини оқламаган эди.

\* \* \*

Биринчи романи эълон қилингандан кейин Тургенев ҳаётида кўплаб ўзгаришлар содир бўлди. Аввало, Толстой билан яқиндан танишди, бир-бирларининг уйларида меҳмон бўлдилар. Парижда, ундан кейин Лондонда яшади. Франциядаги илҳомбахш Бжувель, Куртавнель шаҳарларидаги ижодхонасида иштиёқ билан қалам тебратди. Шу йилларда яратган “Ася” қиссаси Некрасовнинг чуқур эътирофига сазовор бўлди. Демак, ижодий салоҳияти анча юксалди. Бу натижа унинг “Дворянлар уяси” романида ўз изини қолдирди. Уни хорижда тугатиб, 1858 йил охирларида Петербургга йўл олди.

Анненков Некрасов, Дружинин, Писемский, Гончаров ва Панаевнинг даврасида асарни овоз чиқариб ўқийди. Тургеневнинг ўзи ўқиши мумкин эмас, у ўтқир бронхит билан оғриган эди (врач унга ҳатто гаплашишни ҳам тақиқлаганди). Роман қарсақлар билан кутиб олинади. Ҳеч қандай эътирозсиз “Современник” журналининг кейинги йил биринчи сониди эълон қилинади. Романни ўқиб чиққанлар унинг муваффақиятини эътироф этишди, баҳо эса кутилганидан ҳам юқори бўлди. Салтиков-Шчедрин Анненковга ёзган хатида кўпдан бери бундай ҳайратланмаганини қайд этади. Писарев “Дворянлар уяси”ни Тургенев асарлари ичида энг пишиқ ва мукамали деб атайди, уни “Евгений Онегин”, “Замонамиз қаҳрамони”, “Ўлик жонлар” билан бир қаторга қўяди.

Роман жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинган йиллар Россия ҳаётида бир тўлқин поёнига етиб, янги кўтарилишлар кутилаётган эди: ижтимоий вазият таранглашган, афкор омма ҳаёт рад этган қарашлардан воз кечиб, янги тамойиллар излаётган эди. Жамиятнинг асосий илғор кучларини бирлаштирган инқилобчи-демократлар ва либераллар бирга ҳаракат қилаётган, гарчи ихтилофлар кўзга ташланаётган бўлса-да, ажралиш рўй бермаганди. Бироқ ўз кузатишлари асосида бу бўлинишни сезган Тургенев мазкур ҳолатдан безовта эди (чунки беихтиёр қарама-қарши икки фронт юзага келаётганди) ва оқибатидан ташвишланарди. Яна ёзувчи шунини тушуниб етган эдики, дворянлик тартиблари ўзининг поёнига етиб бораётган, ҳаёт уларни инкор этган, дворянлар тарих сахнасида сўнгги кунларини кечираётган эдилар. Ана шундай шароитда XV асрларда шаклланган, Иван Грозний, Пётр I, Екатерина II томонидан имтиёзларга эга бўлиб мавқе қозонган қатлам вакиллари жамиятни бошқарувчи куч вазифасини бажара оладиларми? Крепостной деҳқонлар олдидидаги айбларини юва оладиларми? Хўш, шундай шароитда етакчилик ролини ким ўйнайди? Роман воқеалари ана шу саволлар атрофида айланади. Бу асар Тургеневнинг бош қаҳрамонни дворянлар орасидан излаган охириги уриниши бўлиб қолди. Унинг умидлари оқланмаган, энди жамиятни

бошқарадиган янги кучларни излаш лозимлигини асар орқали бадиий инкишоф этди.

Романнинг бош қахрамони Лаврецкий ўзида либерал дворянларнинг энг яхши фазилатларини мужассамлаштирган. Асарда фақат битта унинг ўзи ҳаракат қилмайди, балки орқасида бутун дворянлар авлоди турибди. Ёзувчи Лаврецкийлар “уяси”га разм солар экан, уларнинг турмуш тарзини жонли лавҳаларда акс эттиради. Бу ҳаёт умуман заминдан узилган, атрофда кечаётган воқеаларга бепарво, “дунёни сув босса ҳам майли, менинг кулбам омон қолса бўлди” қабилидаги бокибеғам кишилар. Улар Ғарбга кўр-кўрона таклид қиладилар, Лаврецкийнинг отаси бошида галломан, кейин англоман эди, ҳамма масалада Россиядан нафратланади, уни бўшлиқ, ҳар қандай эксперимент ўтказса бўладиган майдон, деб билади. Уларнинг ҳаммаси крепостной дехқонларга тубан назар билан қарайдилар, уларни одам ўрнида кўрмайдилар. Муаллиф бош қахрамон тимсолида кўплаб автобиографик унсурларни кўрсатган: болалик хотиралари, оилада шафқатсиз тарбия усули, ўғилнинг отага муносабати. Лаврецкий ички дунёсини чуқурак очиш мақсадида унинг Лиза Калитинага бўлган севги кечинмаларидан фойдаланади. У хориждан юртига қайтар экан, ўзида ватанпарварлик туйғуларини чуқур ҳис қиладди, шу маконда қолишни, хотинидан ажралиб, Лиза билан янги ҳаёт бошлашни хоҳлайди. Бошқа муҳитда тарбияланган қиз Лаврецкийнинг ички кечинмаларини қабул қила олмайди, ҳаммасидан воз кечиб, монастыргга кетади. Романнинг сўнггида қариб бўлган эски дворян ёш авлодни катта йўлга кузатиб қолади.

“Дворянлар уяси”дан кейин Тургеневнинг адабий давраларда обрўси ошиб кетади. Ҳаваскор қаламкашлар қўлёзмаларини топшириб, ундан маслаҳат кутардилар, бир лаҳза учрашишни орзу қилардилар. Турли табақалар эса у билан яқинлашиш, ўз сафларига кўшиб олишга интилишарди. Бироқ Тургенев бундай илтифотларга парво қилмайди. Романнинг юқори давраларда яхши кутиб олинмаганини билиб, турмушнинг янги қирраларини, улғайиб бораётган ижтимоий фикр кўламани кўрсатишга бел боғлайди ва янги асар устида бош қотиради. 1859 йил баҳорида Спасскдан Елезавета Ламбертга шундай ёзади: “Ҳозир мен янги қиссамнинг режасини тузиш билан бандман. Бу жуда чарчатадиган юмуш, боз устига у ҳеч қандай кўринарли из қолдирмайди – диванга чўзиласан ёки хона бўйлаб тентирайсан, бошингда бирор характер ёки вазият тафсилоти айланади. Қарайсан, уч, тўрт соат ўтиб кетибди, ҳар қалай иш бир оз жилибди. Очиғини айтганда, бизнинг ҳунаримизда хузур-ҳаловат кам – аслида ҳам шундай. Ҳамма – ҳатто артистлар, ҳатто бойлар юз терини артиб яшаши лозим. Ким терламаса, унинг ўзига ёмон: юраги ё касал, ё тошқотган бўлади”. Ноябрьда И. Аксаковга ёзган хатида янги қиссасида шахс “хайрли ишлар учун онгли-қахрамонларча ҳаракат қилиши”ни маълум қиладди.

Янги роман устида ишлаш баробарида ўз адабий қахрамонларининг бадиий табиатини, муаллифнинг ижтимоий позициясини тушунишда асқотадиган “Ҳамлет ва Дон Кихот” сарлавҳали публицистик мақола ёзади. Маълумки, одамзот фикр оқими икки ўзанда оқар экан, бир қирғоқда ўта хаёлпарастлар, қарши тарафда эса амалиётчилар бўлиши тайин. Гарчи бир ёқда нукул Ҳамлетлар, нари томонда фақат Дон Кихотлар тўпланиб

олмаган бўлса-да, борлиққа шу хилда қараш аҳволни тўлароқ тасаввур қилишни таъминлайди. Қайсидир даражада улар инсоний қарашларнинг руҳини ўзларида мужассамлаштирганлар. Гамлетда ичкарига разм солиш тамойили фожиа даражасида намоён бўлган; Дон Кихотда эса завқу шавқ шунчалик меъёрдан ошиб кетганки, оқибатда, бу кулгига сабаб бўлади. Ҳамлетда асосийси – ақл, Дон Кихотда – эрк. Ана шу ажралишда Тургенев инсон ҳаётининг фожиасини кўради: “Ҳаракат учун эрк керак ва ҳаракат учун яна ақл керак, аммо ақл ва эркни ажратиб қўядилар ва кун ўтган сари улар орасидаги оралик узайиб бормоқда”. Тургенев Гамлет тимсолида “ортиқча одам”ларни, дворянларни кўради. Дон Кихот эса жамоат арбоблари янги авлодининг тимсоли. Уларни “демократлар” ҳам деб атайдилар. Ўз тахминига ишониб, онгли қаҳрамонларни дворянлардан бошқа майда тоифадаги зиёлилардан (уларни “*разночинецлар*” деб аташган) чиқишини кутади.

\* \* \*

Жамоат арбобининг феъл-атвори, табиати, онгли қаҳрамоннинг кучли ва заиф томонлари 1860 йил “Русский вестник” журналида эълон қилинган “**Арафа**” романида тўла ифодасини топган. “Арафа” – Россияда янги ижтимоий муносабатлар кучаяётгани, деҳқонларни озод қилиш ҳаракатини олға бостирадиган онгли қаҳрамон сабрсизлик билан кутилаётгани ҳақидаги роман. Шу билан бирга асарда одамзотнинг туганмай диган надоматлари, ижтимоий камолот учун доимий интилишлари, инсон шахсини “бепарво табиат” бағрига ирғитиб юборадиган бепарво қарашларга қарши мангу ҳайқирғи бадий инкишоф этилади. Унинг бош қаҳрамони Елена Стахова катта йўл айрилишида турган Россиянинг тимсолига ўхшайди. Унга тарихчи Берсенева, расом Шубин, хизматчи Курнатовский, болгар революционер Дмитрий Инсаров “оғиз солади”. Танлов рамзий маъно касб этади: Россиянинг келажаги учун ким кўпроқ асқатоди: фан ва санъат кишиларими, давлат хизматчисими ёки қаҳрамонлик қилишга шай шахсми? Албатта, Елена инқилоб кайфиятига эга Инсаровни танлайди.

Асар эълон қилинган, у жамоатчилик орасида турлича муносабатларга сабаб бўлди. Айниқса, Н. Добролюбовнинг “Ҳақиқий кун қачон келади?” мақоласи жуда қизиқиш билан кутиб олинди. Тафаккур майдонига ёниб кириб келган Добролюбов радикал қарашдаги ёшлар авлодига мансуб эди. Улар келажакка ўз назарлари билан боқишар, уни “эски уйни ёқиб юбориб, ўрнини текислаб ташлаш ва янги иморат қуриш” тарзида тасаввур қилардилар. Бундай кескинлик мунозараларга сабаб бўлган, бу қарашга ғарбчилар ва славянпарастларнинг ўз муносабатлари мавжуд эди. Добролюбов мақоласида Тургенев истеъдодига юксак баҳо бериб, янги романига аёвсиз муносабат (хусусан, бош қаҳрамоннинг муҳожир шахс бўлишига) билдирган эди. Бу ҳол Тургеневга ёқмайди, уни Некрасов журналида эълон қилаётганини эшитиб, қаршилик кўрсатади, босмасликни талаб қилади. Масалани “Ё мени дейсан, ё Добролюбовни!” тарзида кескин қўяди... Мақола эълон қилинган, у жамоатчиликда кучли таассурот уйғотади. Гарчи мақола миллий ижтимоий фикр тараккиётида

ўчмас из қолдирган бўлса-да, Тургеневга қаттиқ таъсир қилади. Муаллифни “-лайбов” деган сирли ном билан мақолаларида масхара қилади. Адабиёт жамғармасининг бир йиғилишида Чернишевскийга оғир кино билан: “Ҳа, Николай Гаврилович, сиз илонсиз, шукрки, оддий илон, Добролюбов эса кўзойнакли илон!”, деган экан. Ҳолбуки, ундан ёшроқ бўлган бу йигитлар Тургенев асарларининг ишқибози, ижодининг муҳлиси эди. Добролюбов унинг “Ортиқча одамнинг кундалиги” асарини бетимсол дурдона деб атаган, Чернишевский унга ёзган хатларининг бирида “Сизни хафа қилиш, бу – бизнинг адабиётимизни хафа қилиш. Сиз қандайдир Островский ёки Толстой эмассиз, сиз бизнинг шаънимизсиз”, деб ёзган эди. Бу сафар эса “орадан қора мушук ўтиб қолди”. Нима дейсиз, жараён...

\* \* \*

Кўп ўтмай, Россия тарихида муҳим воқеа содир бўлади: крепостной ҳуқуқ бекор қилинади. Бу халқаро ҳамжамиятнинг мамлакатга муносабатини ўзгартириб юборади, ички муҳитда ҳам жиддий янгиланишлар содир бўла бошлайди. Ана шундай драматик шароитда жамиятнинг юрак уришларини бадиий акс эттириш хизматида астойдил бел боғлаган Иван Сергеевич Тургенев янги романини эълон қилади. “Арафа” асарининг қахрамонлари охирида изсиз йўқоладилар – ёзувчининг воқеаларга эстетик муносабати шундай муҳрланади. Айтиш мумкинки, ўша қахрамонлар янги бир қиёфада “Русский вестник” журналининг 1862 йил февраль сонидида эълон қилинган “Оталар ва болалар” романида пайдо бўладилар. Асарнинг асосий образи Евгений Базаров тимсолида муаллиф ўзи яхши билган ва маълум муносабат билдирган Добролюбов, Чернишевский, Писарев шахсиятидаги нигилистик қарашларни бадиий инкишоф этган. У ижтимоий муҳитдаги янгиланишлар таъсирида пайдо бўлган ёшлар вақили. Улар учун хос ҳолат – ўзидан олдинги ҳар нарсага шубҳа билан қараш ёки тан олмаслик – нигилизм. Ана шундай қараш асоратидан жамиятда кераксиз шахслар – “ортиқча одамлар” пайдо бўлган ва шу икки тоифа ўртасида кўзга ташланмас кураш кетади. Бу муҳорабага ёзувчининг муносабати романнинг финалида аниқ бўлади: жамиятга беписанд қараган, унинг ички эволюцион тараққиётини тан олмаган ва шу туфайли катта авлодни менсимаган Базаров табиат қонунларини ҳам писанд қилмайди. Касалликларнинг юқумли бўлишини назарга илмай, терламага чалинади ва шу дард билан дунёни тарк этади. Унинг сўнги кунлари, умрининг охириги лаҳзаларидаги кечинмалари бетимсол маҳорат соҳиби Тургенев қалами билан шундай таъсирли ифодаланганки, уларни ўқиб, тирикликнинг бутун келбатини қайта тасаввур қилса бўлади.

“Оталар ва болалар” романи орқали ёзувчи авлодлар ўртасидаги азалий боғлиқлик қанчалик кучли экан, тараққиёт шунча бардавом бўлишини тасдиқлаб кўрсатди. Бу нуқтаи назари билан ўтмишга “ўт қўйиш” васвасасига мубтало бўлган инкилобчиларга қаттиқ зарба берди. Умуман, у ҳар қандай зўравонликка қарши эди. Романларида бош қахрамон сифатида танлаган шахсларининг руҳий нотоблиги, уларнинг ўзини маҳв этиши орқали инкилоб ақли расо одамларнинг иши эмаслигини тасдиқламоқчи

бўлганди. “Оталар ва болалар” да акс эттирилган “ортикча одамлар” тим-соли эса Тургенев яратган ва унинг дунё адабиёти аҳолиси сафига қўшган кашфиёти, янги образлар эди. “Ортикча одамлар” тузумлар ўзгариши билан элакнинг устида пайдо бўлаверди, уларга муносабат эса Тургенев ақидалари билан ёндашиш тўғри эканлигини қайта-қайта такрорлаб турибди. Ҳатто жамиятни ағдар-тўнтар қилиб, ижтимоий тараққиётни янги базисга ўтказган инкилобчилар ҳам етмиш йил ўтиб, бу ғоя нотўғри эканлигини тан олдилар ва инсониятдан кечирим сўрадилар.

Кейинги йиллар Тургенев шу пайтгача кечирган умрининг тарозига қўйилган дамлари бўлди. У кутган, умид қилган, васф этган кадриятлар ҳаёт синовларига дуч келиб, сараги саракка, пучаги пучакка ажрала бошлади. Ёзувчи олға сурган кўплаб ғоялар амалиётда тасдиғини топмай, унинг ёлғизланиб қолган пайтлари ҳам бўлди. Полина Виардо билан муносабатларида эҳтирослар ўрнини ақл эгаллай бошлади. Барибир ички туғёнларини енгишга қодир эмас, иккинчи томондан эса ватан меҳри унда жунбушга келаётган, ёзувчими, актёрми – ким бўлмасин, ҳар қандай инсон ўз юртида азиз эканлиги ҳақидаги қадимий ақиданинг исботини кўраётган, қўнимсизлик уни безовта қилаётган, чарчатган эди. Лев Толстой билан муносабатларини йўлга қўйиб олган бўлса-да, Герцен билан аразлашиб қолди (унинг “Колокол” да эълон қилган бир мақоласи унга жуда ёқмаганди). Револьюционер Бакунинни ҳам моддий, ҳам маънавий томондан кўлаб-қувватлаб, сиёсий муҳитга аралашди. Россияда кечаётган ўзгаришларга фаол муносабатда бўлиб, эркинлик олган деҳқонлар ҳаётини янги асосларда йўлга қўйиш юзасидан ўз фикрларини изҳор қилди, шу мавзуда махсус рисола ҳам яратади. У демократик тамойилларга асосланган жамоа (община) тарафдори эди. Қарашларини ифодалаб, Париждан император Александр 11 га хат ёзди, шундан кейин уни Сенатга таклиф қилиб, турли сиёсий оқимларга муносабати билан қизиқишди. Петербургда адабий давралардан ўзини олиб қочди, бу жаноблар унга “тинимсиз шовқин чиқарадиган ичи бўш пақилдоқлар”ни эслатди...

\* \* \*

Ана шундай мубҳам кайфиятда 1865 йил “Тутун” романини ёзишга киришди. У “Русский Вестник”нинг 1867 йил март сонидан эълон қилинди. Чуқур изтироб ва милтиллаб турган умид шуъласидан иборат бу романда Тургеневнинг олдинги асарларидан фаркли ўлароқ сюжетни ўз атрофида тутиб турадиган бош қаҳрамон йўқ эди. Етакчи персонаж Литвиновда Рудин, Лаврецкий, Инсаров ёки Базаровга хос журъат, жамоат арбоблигига даъвогарлик кайфияти етишмасди. У Россиянинг чекка бир жойида тинчгина деҳқончилик билан шуғулланиб юради. Хорижга агрономия соҳасидаги кўникмаларини ошириш учун келган. Шу ерда рус эмиграцияси вакиллари билан танишади, уларнинг турмуш тарзини кузатади. У билан Потугин бирга, унинг тилидан гўё ёзувчи ўз фикрларини баён қилгандек бўлади. Баден-бадендаги муҳожирлар ҳаёти тутун ичида қолгандек, унда яшовчилар йўлини йўқотган, эртанги кундан умиди йўқ, тутун тарқашини кутиб яшайдилар. Ниҳоят, романда Тургенев асарларига хос бўлган кучли ва ҳаётбахш севги туйғусига эга, мақсади йўлида ўзини

курбон қилишга ҳам тайёр аёл образи ҳам йўқ. Ирина истеъфога чиққан ва қувғин қилинган генералларнинг даврасида бузилиб бўлган, йўлини йўқотган хотин. Унинг иродаси интиҳо топган, шу муҳитдан чиқиб кета олмайди.

Жамоатчилик асарни танқидий баҳолади. Революцион-демократлар инқилобий кайфиятдаги муҳожирларга сатирик муносабатга эътироз билдирдилар. Либералларга юқори табақанинг танқид қилиниши ёқмади. Бошқалар Потугиннинг Россияга туҳмат қилиб, Ғарбни ёқлаган монологларини қабул қила билмадилар. Қисқаси, асар шуҳрат қозона олмади, кўплар Тургенев истеъдодининг сўниб бораётганини башорат қилди.

Орадан ўн йил ўтиб эълон қилинган “Кўрик” романи (“Вестник Европы”, 1877 й., №2) кескин воқеалар гирдобиди ўтган йилларнинг ҳосиласи эди. Унга агрономнинг “Кўрикни омон билан юза ҳайдамайдилар, плуг билан чуқур ағдарадилар” деган сўзлари эпиграф қилиб олинган. Унинг бош қаҳрамони Нежданов революционер, келажак орзуси билан яшайди, романтик хаёллар суради, севгилиси Марианнага эртанги куннинг ёруғ дамлари ҳақида тўлиб-тошиб сўзлайди. Марианна ҳам севимли кишининг мақсади рўёбга чиқиши йўлида курбон бўлишга рози. Аммо орзулари амалга ошмаётганини кўрган Нежданов руҳий қийноқда қолади, ўзини ҳақиқий севгига лойиқ эмас деб ҳисоблайди. Унинг фожеаси фақат халқни яхши билмаслигида эмас, балки сиёсий саводи йўқ мужиклар унинг ҳаракатларини тушунишмайди. У келиб чиқиши билан оддий халқдан йироқ бўлганидан ҳам ғоялари анча ҳавойи эди. Романтик ошиқларнинг ҳаёти фожеали тугайди.

Келажак тимсоли Соломин образида мужассамлашган. У ҳар томондан ақл билан иш тутадиган, севгида ҳам мустаҳкам, ўз касбининг устаси, эртанги кунни аниқ тасаввур қилади. Бундай шахслар у пайтда йўқ, бу муаллифнинг орзуси эди холос. Шунинг учун Соломин образи схематик чиқиб қолганини тадқиқотчилар ўз вақтида кўрсатиб ўтадилар. Соломин инқилобчиларнинг ҳавойи гаплари устидан кулади, уларни ғоявий чалғиган кишилар деб билади ва ўзи ҳам революцияга ишонмайди. У Россия озодлик ҳаракатининг учинчи оқимига мансуб. Тургенев Соломин тимсолида унинг мулоҳазалари орқали ўз позициясини ифодалагандек бўлади. У 1848 йилги Франция революцияси амалга оширилганда қандай аҳвол рўй берганининг жонли гувоҳи эди. Париж кўчаларида отишма туфайли нобуд бўлган юзлаб одамларнинг жасадларини, бегуноҳ тўкилган қонларни ўз кўзи билан кўрган эди. Бундай мислсиз фожеага олиб келган ҳаракат билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини тушуниб етганди. Айниқса, маърифатсиз оломон инқилобни амалга ошира олмаслигига имони комил бўлганди.

\* \* \*

“Инсонни ўлдириш мумкин, аммо енгиб бўлмайди” (Хэмингуэй) деган гап бор. Худди шунга бақамти “Инсонни тарбиялаш мумкин, лекин уни бошқариб бўлмайди” қабилидаги фикр ҳам тўғрига ўхшайди. Масалан, бировнинг белига арқон солиб судраб ҳамма жойга олиб борса бўлади, аммо унинг калласидаги хаёли ўзича қолади – унга тазйиқ қилиб

бўлмайди. Ёки одамни нақ жаннатнинг ўртасига ўтқазиб қўйиш мумкин-дир, лекин унинг фикри мазкур ҳолни идрок этмаса, бундай рўшноликнинг қадрини билмайди. Ҳатто ўзига шундай фаровонлик бахш этган зотга қўл ҳам кўтаради. Инқилоб аввало онгда, тушунчада рўй бериши лозим. Тургенев бу тарихий ҳақиқатни ўз пайтида тушуниб етганди. Кейинги ҳаёт тажрибаларидан жамиятда зиёлиларгина жиддий ўзгаришлар қила оладилар, деган хулосага келди.

Ижодининг сўнгги палласида Тургенев ҳақиқий реформатор-революционер образи бош қаҳрамон бўлган эпик асар яратиш фикри борлигини бот-бот такрорлаган бўлса-да, бироқ бунга вақт етмайди... Ҳаётда рўй бераётган туб ўзгаришларни кўриб, уларга ўз муносабатларини билдиришни ёзувчилик, фарзандлик бурчи деб билган тафаккур эгалари имкони борича ижтимоий фикрга таъсир қилиш, уни эзгулик сари йўллашга интиладилар. Бу санъатнинг умуминсоний мезонидир. Зеро, ижтимоий фикр йўриғи узоқ йиллар суратини белгилаб беради. Санъат ҳам ижтимоий онг кўринишларидан бири сифатида бу жараёнга фаол, ҳатто ҳал қилувчи таъсир қилиш қудратига эга.

Файласуфлар инсон тақдири фикр орқали ҳал бўлишини таъкидлаганлар. Фикр – ташқи таассуротлар олий нерв тизимида қўзғалган хуруж, у миёда пайдо бўлган тимсол – гап (сўз) орқали моддийлашади. Бу шунчаки маълум қилиш – фикрлар уммонига янги бир томчи ташлаш. У агар амал олмаса, изсиз йўқ бўлиб кетади, агар амал олса, одатга айланади. Одамларни кўпинча одатлари билан хотирада тиклайдилар. Демак, одат шахсиятни тасдиқлайди. Шахсда мужассам яхши-ёмон хислатлар унинг тақдирини белгилайди. Бинобарин, фикр, фикрга эга бўлиш одамни шахс сифатида ўрнини тайинлайди.

Аммо муаммо шундаки, аввало, жамиятнинг барча аъзолари ёруғ фикрга эга бўлмайдилар, қолаверса, кўпларнинг ўз фикри, шахсий фикри бўлмайди. Шахсий фикр – атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларга алоҳида бир шахснинг ё ижобий, ё салбий муносабати (*шу ўринда индивид – одам Шахс сифатида намоён бўлади*). Истисно тариқасида таъкидлаш жоизки, ҳамма одам ҳам Шахс сифатида намоён бўлавермайди, яъни фикрга эга бўлавермайди. Келишган қад-қомату кўркем либослар ҳали Шахс (демак, инсон) дегани эмас. Фақат ўз қарашига (фикрига) эга инсонгина ижтимоий субъект ҳисобланади. Афсуски, савлатидан от хуркадиган, лекин “ичи бўм-бўш” индивидлар кўплаб учрайди. Улар халқда “фикри йўқ, тайини йўқ, фикрсиз одамлар” деб юритилади. Фикрсизлик жамият учун лоқайдликдан ҳам ёмон, хавфли иллат. Ҳатто лоқайд одамда ҳам фикр бор – у ҳамма нарсага бепарво. Унинг бепарволиги – муносабати, демак, фикри. Фикрсиз одамда эса умуман тайин йўқ, у шамол қайси томондан эсса, мажнунтолдек шу тарафга оғиб тураверади.

Тургенев романларини ўқиган киши ундаги турли тоифа одамларнинг ранг-баранг фикрлари билан танишиб, мазза қилади. Улар ким бўлмасин, фикри тиник, ёрқин шахслар. Тўғри, улар билан чиқишмаслик, қабул қила олмаслик мумкин-дир, аммо етарлича фалсафий малака ҳосил қилган, ҳамма нуқтанинг моҳиятига чуқур назар солиш иқтидорига эга бўлган моҳир санъаткор фикрлар камалаги билан даврининг бетимсол фалсафий суратини чизган.



Шу қаққашоннинг йирик вакили ҳаётига бир қур назар ташлаб, она тилимиздаги адабиёт бўстони кўз олдимизда гавдалантирсак, қоришиқ манзаралар ҳосил бўлади. Бошиданок кейинги юз йилликларда бизнинг биронта шоир ёки ёзувчимиз умумжаҳон миқёсида эътироф этилмаганини, дунёда энг кўп севиб ўқиладиган китоблар рўйхатига биронта асаримиз кирманганини тан олиб қўймоқ масаланинг залворини тасаввур қилишда асқотади. Бу ҳолнинг ўз сабаблари бор, бироқ ўзбек тилидаги адабиёт энг мафқуралашган адабиётлардан бири сифатида ўзига хос салмоққа эга эканлигини ҳам таъкидлаш ортиқчалик қилмайди.

Қолиплар қарашларни ҳам тизгинлаб ташлаган пайтлар орқада қолди. Энди вазиятга хушёр нигоҳ билан қараш, бутун жараёни танқидий назардан ўтказиш фойдадан холи бўлмайди. Маҳаллийчилик, гуруҳбозлик асъаса-ю дабдабаларини қўйиб турайлик, асарга соф муносабат ҳам кўнгилдагидек эмас. Жараёни кўз олдимизда келтирайлик. Аввало, бизда ёзилган асар мамнуният билан эмас, ранж-алам билан қабул қилинади (худди қашшоқ оилада яна бир чақалоқ туғилгандек). Биринчи муносабатларданок қўллаб-қувватлаш, майда-чуйда юмушларда кўмаклашиш кайфияти эмас, рад этиш, йўққа чиқариш, “ўлдириш” нияти сезилиб қолади. Шу маънода ҳар бир сўздан хато топиш, ҳар бир сатрдан ишқал излаш бошланади. Маслаҳатлар ардоқлаш, қайта ишлашга рағбат оҳангида эмас, бошни ғурра қиладиган, “Сенга ким қўйибди?” қабилидаги беписандлик, “Китоб ёзмай қўлинг синсин, сенингсиз ҳам ташвишлар тўлиб ётибди”, дегандек ҳақоратомуз тарзда бўлади. Шу хилдаги иддао билан қабул қилиб олингач, асарнинг қўлёзмаси билан замонамизнинг Тургеневлари, Добролюбовлари танишиб чиқади. Сезасанки, қўлёзма ҳатто жиддий ўқилмаган (бунга имкон ҳам йўқ). Ҳар доимдагидек “чўқилад” – назарга илинган бир абзац ёки қизиқроқ эпизод хатм қилинган, холос. Ҳолбуки, ёзувчи айтмоқчи бўлган гап бир сатрда, ҳатто бир сўзда яширинган бўлиши мумкин. Ҳамма гап – олимликнинг моҳияти ўша ёмбини топиб, уни инкишоф этишда. Юзакигина ёзилган “такриз”дан нима олиб бўлади – ғалвирда сув тутиб бўлмайди-ку.

Ана шунга ўхшаш муносабатлар миллий адабиётни мажруҳ ҳолга келтириб қўяди, бу эса маҳдудликка олиб келади. Шунда юз йиллар олдин яратилган мумтоз асарлар юзга парда қилинади. Ҳолбуки, ҳамон мактаб келинаётган намуналар жаҳон адабиёти дурдоналари қаршисида мактаб ўқувчиси ёзган иншодек бўлиб қолади. “Гений” (Теодор Драйзер), “Бальзак” (Стефан Цвейг) сингари асарларнинг тилимизга таржима қилиниши миллий адабиётимиз ривожига маҳаллий мезонлардаги ўнлаб классикадан самарали таъсир этиши мумкин. Масалага аниқ ёндашиш керак-да.

Тургенев замонида бадиий адабиётга ижтимоий онг шакллари билан бири сифатида қаралган. Ижтимоий фикр ривожига унинг ўрнига катта аҳамият берилган. Қолаверса, у давр ижод оламида “Шоир бўлмаслигинг мумкин, гражданин бўлишинг шарт” деган эстетик тамойил қатъий амал қилган. Ёзувчининг кучига қанчалик мураккаб, тушунарсиз ёзганига қараб эмас, мураккаб масалаларни қанчалик содда, халқона тушунтириб бера олгани, давр муаммоларини нечоғлик акс эттира билгани, халқ, миллат қалбига яқинлиги, замондошлар дунёқарашига қай даражада таъсир

қилганига қараб баҳо берилган. Бадий адабиётнинг аъмолига аслида ҳам шу ёзилган-да. У кўнгилхушлик орқали жамият фуқароларини эркинлик сари етаклай олса, жонли ҳаётда борлиги билинади, катта бозорда маҳсулот сифатида сотилади ва сотиб олинади... Тургенев ва замондошлари асарларининг “харидоргирлиги” ҳам шунда эди.

Қутилганидек, XIX асрнинг охирида Россияда кескин вазият юзага келади. Фикр эски ақидалар қобиғини ёриб, ўзига йўл излайди. Афсуски, унинг жиловли агрессив кишилар қўлида эди. “Эски уйни ёндириб юбориш”ни истаганлар 1881 йил 1 мартда император Александр II жонига қасд қиладилар. Мамлакатда тўполон бошланади, барча эркин фикр тарафдорлари қувғин қилинади. Жумладан, тахтга чиққан Александр III Тургеневнинг ҳам Россиядан чиқиб кетишини талаб қиладди. Унинг сўнгги кунлари Парижда, Виардолар оиласида кечади. Бу миллатнинг буюк бир вакили учун оғир фожеа эди. Тақдир...

Ҳар бир тақдир – бир сабоқ. Инсон умри эса бир-бирига ўхшамаган, қайтарилмас мўъжиза. Манзил сари кетаётган йўловчи ўнгу сўлига аланглаб қараб борганидек, ана шу ўхшашсиз сафарда ўхшаш нуқталарни ахтарамиз, ҳеч қуриса манзилни юлдузларга қараб белгилаймиз. Шунга ўхшаш ҳис билан китоб муқоваларида кўриб юрадиганим соқолли чехраси самимий, қарашлари маҳзун бир инсон ҳаёт баённомасига дуч келиб қолдим. Ҳаммаси фараҳли кунларнинг бирида Чилонзордаги Фарҳод бозори биқинида жойлашган эски китоблар дўконига киришимдан бошланди. Жавонда чанг босиб, “ЖЗЛ” сериясида нашр этилган Юрий Лебедевнинг “Тургенев” китоби турарди. Ёзувчининг кенжа замондоши Лев Толстойнинг ижодини миллий китобхонлар ўртасида оммалаштириш мақсадида бир оз саъй-ҳаракат қилганим учун ўша муҳитни тўлароқ тасаввур қилиш ниятида китобни бир сих қабоб нарҳида сотиб олдим.

Мутолаа жараёнида шундай бир туртки олдимки, кўз олдимда бошқа бир дунё намоён бўлди. У воқеаларни бугунги кунларимизни безаб турган манзаралар билан солиштирдим. Қандайдир мулоҳазалар туғилди. Очиғи, миллий адабиётимиз таҳлилига бағишланган шу савиядаги тадқиқот-асар ҳаёлимга келавермади. Китобдан олган таассуротим таъсирида уни ашаддий бир китобхонга тавсия қилдим, у танишиб чиққач, ҳафсаласи пир бўлиб, “Эски гаплар экан”, деди. Бир ёзувчига шундай китоб бор экан, десам, “Уларни талабаликда қалпоқ қилиб кийиб қўйгани”ни маълум қилди-ю, бироқ Тургеневнинг исм-шарифини ҳам эслай олмади. Менинг назаримда эса китоб алоҳида эъзозга арзирди. Филология фанлар доктори, профессор Ю.В.Лебедев қаламига мансуб, филология фанлари доктори Н.Н.Скатов тақриз қилган бу асар далилларга бойлиги, таҳлилнинг чуқурлиги, тарихий-фалсафий мушоҳадалар, мафтункор услуби билан китобхонда чуқур таассурот қолдирди. Таассуротларим эса эшитганларимдан ўн ҳисса, юз ҳисса бойроқ эди. Иштиёқ билан уларни қоғозга туширишга жад қилдим, шу баҳонада мулоҳазаларимни изҳор этишга ҳам журъат этдим.



## **ВИКТОРИЯ ТОКАРЕВА**

(1937 йилда туғилган)

## **БЎЛМАГАН НАРСА ҲАҚИДА ҲИКОЯ**

Ҳикоя

*Рус тилидан  
Шахло АҲРОРОВА  
таржимаси*

*Рус ёзувчиси, драматург. “Учар арғимчоқ”, “Ҳеч қизиғи йўқ”, “Коррида”, “Нимасини айтасиз”, “Сиғинмагил осмон деб...” каби ҳикоя ва қиссалар муаллифи. Унинг сценарийлари асосида “Омадли жентльменлар” ва “Мимино” сингарии фильмлар суратга олинган.*

**Н**ихоят, шундай кун келдики, отаси болакай Димани етаклаб хайвонот кўзлари олиб борди ва унга йўлбарсни кўрсатди. Йўлбарснинг кўзлари яшил ва қорачиғи бўйламасига жойлашган, қора терили тумшуғи атрофида қора ранг ҳалқа, бошининг икки ёнбошидаги диккайиб турган кулоқлари тенг ёнли учбурчакка ўхшарди.

– Дада, – деди Дима, улар қафасдан узоқлашишгач, – шу йўлбарс меники бўлишини хоҳлайман.

Отаси эса ўз хаёли билан кетарди.

– Да-да... – торткилади уни Дима.

– Нима дейсан? Нима? – дағаллик билан сўради отаси.

Агар Дима каттароқ бўлганда эди, бундай вазиятда иш юзасидан гаплашиш самара бермаслигини тушунган бўларди. Аммо Дима бор-йўғи олти ёшда эди ва шунинг учун ҳам у истагини баён этди:

– Мен йўлбарс бизнинг уйда, мен билан яшашини хоҳлайман.

– Уйда фақат кучуклар ва мушуклар яшайди, – жавоб берди отаси. – Йўлбарслар эса одамлар билан яшамайди.

Ва орадан йигирма йил ўтди. Дима шошилинич ёрдам марказида шифокор бўлиб ишларди. Одамлар оғир ҳолатга тушганларида Димани уйга чақиришар ва унинг ташрифидан жуда хурсанд бўлишарди. Уларнинг ахволи яхшиланиб, Дима кетгач эса уни мутлақо унутишарди. Аслида одамзот табиатан шунақа бўлади.

Диманинг иши ижодий эмас, бир маромда эди. У билан тўқнаш келган одамлар ҳам бир хил эди. Агар одамнинг бир ери оғриси, у шифокор билан фақат шу мавзуда гаплашади, бошқа нарсанинг унга қизиғи бўлмайди.

Биз гапириб бермоқчи бўлган кунда Димани ичи оғриётган мижоз аёл чакирган эди.

– Айнан қаерингиз оғрияпти? – аниқлик киритмоқчи бўлди Дима.

– Ичим оғрияпти, – жавоб берди бемор.

Дима эса унинг ичида ҳеч қандай касалликни аниқлай олмади, аёл жуда хафа бўлди ва тиббиётга, умуман, Димага нисбатан ҳам муносабатини ўзига хос тарзда ифода этди. Албатта, Дима унга эътироз билдира оларди, аммо уларга бемор билан тортишиш тақиқланган. У ўзининг кичик қора сумкасини йиғиштирди ва чиқиб кетди. Аммо сочилмаган ғазаби ич-этини пармалади ва эшикка йўналаркан, фақат битта сўзни айтди:

– От.

Диманинг Ляля исмли маъшуқаси бор эди. Ляля сартарошхонада ишлар ва ҳар икки ҳафтада унинг соч ранги ўзгариб турарди. У гоҳ қора, гоҳ зарғалдоқ, гоҳ хаворанг тусга кирарди.

Дима навбатчиликдан қайтиб, сартарошхона деразаси ёнида тўхтади. Ойна бутун бир девор билан баробар, у ерда, ойнанинг ортида эса одамлар худди аквариумдаги каби секин ҳаракатланишарди. Буларнинг ҳаммаси секинлаштирилган кадрни эслатар, Ляля эркатоё боланинг тантиқ юзи сингари қиёфаси билан Бриджит Бардога икки томчи сувдай ўхшарди.

Биз сизга гапириб бермоқчи бўлган кунда Ляля ҳар галгидек кўчага чиқди ва Димага лоқайдлик билан боқиб, ўзига гапиргандай деди:

– Бошқа шапка сотволишинг керакмикан...

Бу ҳурматсизлик эди.

Дима уйига қайтди, уйда эса ундан сўрашди:

– Финларнинг кир ювиш машинасини олдингми?

– Йўқ.

– Нега?

– Дўконга бордим, “йўқ”, дейишди.

– Нега Замскийларга “бор” дейишди?

– Билмасам.

– Мен эса биламан, – деди Диманинг онаси. – Болалигингда ҳамма қатори оддий безориликни ҳам эпполмасдинг, энди эса ҳатто танбаллар каби оддий орзу қилиш ҳам қўлингдан келмайди. Сенда ҳеч нарса йўқ ва ҳеч қачон бўлмайди ҳам.

Сўзининг давомида онаси қўшиб қўйдики, Димани бўйнига арқон боғлаб ишлатиш қулайроқ экан, чунки ундаги бу ўзига хослик – туғма, отасидан мерос бўлиб ўтган эмиш.

Дима чучварахонага борди ва юқоридаги сўзларнинг алами билан роса ичди. Агар унинг кайфияти яхши бўлса, ичгандан сўнг яна ошар, ёмон бўлса багтар тушиб кетарди.

Ҳозирги аҳволи эса ҳатто багтардан ҳам ёмон эди. Дима қовоғи осилганча мрамор столга, аниқроғи, шу стол атрофида турган янги танишларига қаради. Улардан бири кенг гардишли қалпоқ кийиб олган, иккинчисининг эса кўзга ташланадиган ҳеч қандай белгиси йўқ эди.

– Сен кўпроқ нимани хоҳлардинг? – сўради белгиси йўғи қалпоқ кийганидан. – Орзунг нима?

– Менинг орзуйим – узоқ яшаш ва касал бўлмаслик.  
– Менинг орзуйим эса – артист Филиппов каби машҳур бўлиш.  
– Нега?  
– Кўчада кетаётганимда одамлар тўхтаб, “Ана, Охрименко кетяпти”, дейишлари учун. Мен Филипповга хат жўнатдим. Жавобини кутяпман.  
– Сийқаси чиққан орзу, – суҳбатга суқилди Дима.  
– Сизники қанақа? – мулозамат билан сўради Охрименко ва бармоқлари билан лабининг четини артди.

Дима ўйланиб қолди ва деди:

– Мен уйимда йўлбарс яшабини хоҳлайман.  
– Уйда кучук ва мушуклар яшашади, – деди мулоҳаза билан қалпоқлиси.  
– Тушунаман, – астойдил уни қувватлади Дима ва чуқур нафас олди. – Мен бевақт дунёга келганман. Ортиқча одамман. Фожиали шахс. Энгельс айтган: “Фожиа нима? Фожиа – истакнинг чекланган имконият билан тўқнашуви”.

Ҳеч ким танимайдиган Охрименко Димага қараб ачиниб кетди ва деди:

– Сиз ҳайвонот боғига бориб кўринг. Балки у ерда ортиқча йўлбарс бордир...

Ва Дима ҳайвонот боғига борди. Охирги марта у бу ерга йигирма йил олдин, отаси билан келганди. Қафаслар ёнидан ўтаркан, бу ерга катта бўлиб қолган болалар келмаслиги керак, деб ўйлади.

Илгари, йигирма йил аввал Дима фақат бургутни кўрганди. Ҳозир у бургутни қафасда кўрди. Қафаснинг тепа қисми очиқ ва бургутнинг боши узра осмон кўриниб турарди. Аммо бургут учиб кетолмасди, чунки унинг қанотлари қирқилганди. У хўжалик ашёлари дўконида сотиладиган ёғоч ҳайкалча атрофида бироз айланиб, сўнг кенг тўнғак устига кемтик қанотларини осилтирганча ўтириб оларди.

Йўлбарс эса ўз қафасида ёнбошлаган кўйи, панжаларини чўзганча ухлаб ётарди. Нафас олганда қорни кўтарилиб тушарди, балки шу дамда у тушида кенгликларни кўраётгандир.

Дима шундай йиртқич ҳайвон кенгликларнинг сирини яширганча унинг хонасида кўндалангига узала тушиб ётишини тасаввур қилди ва кўнглида алланечук жасорат туйди. Унинг учун қолган нарсалар аҳамиятсиз эди гўё.

Ҳайвонот боғи маъмурияти сайроқи қушлар билан битта бинода жойлашган эди. Афтидан, ҳайвонот боғида ҳам турар жой билан боғлиқ муаммо борга ўхшайди.

Директор столдаги қоғозлар устида энгашиб қандайдир, кўринишидан зерикарли нарсаларни ўқиб ўтирарди. Чунки Дима кириши билан унинг кўнгли очилиб кетди ва протез каби бенуқсон ва ҳаворангга мойил тишларини кўрсатганча кулиб қарши олди.

– Салом, яхшимисиз? – назокат билан сўрашди Дима.

– Менга қандай хизмат бор? – шундай назокат билан сўради директор.

– Айтинг-чи, мабодо сизда, – Дима “мабодо” сўзига урғу берди, – ортиқча йўлбарс йўқми?

– Нима?

– Йўлбарс...

– Сиз қайси ташкилотдансиз?

– Мен ташкилотдан эмасман. Ўзим учун келдим.

– Сизга йўлбарс нима учун керак?

- Шунчаки.
- Ҳатто қарға ҳам шунчаки қағилламайди, – унга ишонмади директор.
- Ҳар ҳолда у сизга нима учундир керак...
- Йўлбарс уйимда яшашини истайман.
- У сизни еб қўйиши мумкинлигидан кўркмайсизми?
- Мен уни қўлга ўргатаман.
- Нима учун? Оқибати нима бўлади?

Директор Димага замонавий ёшларнинг вакилига қарагандай қараб турди ва эҳтимол бу ёшлар қатталар билмайдиган ниманидир билишар, деб ўйлади. Аммо Дима ҳеч нарса билмасди.

– Охир оқибат ҳаммада бир хил, – деди Дима. У буни шифокор сифатида биларди. – Бу ҳақда бош қотиришнинг нима кераги бор?

Директор илжайиб турган лаб-лунжини йиғиштириб олди ва тишларини яширди.

– Бизда ортикча йўлбарс йўқ, – деди у. – Бўлиши ҳам мумкин эмас. Ахир бу қимматбаҳо жонивор.

– Мен сотиб оламан, – ваъда берди Дима.

– Бу сизнинг имкониятингиз доирасида эмас, – тушунтирди ҳайвонот боғи директори.

Дима эшик томон бир қараб олди-да, сўнг директорнинг қулоғига шивирлаб нимадир деди. У фин кир ювиш машинаси сотадиган жойда орттирган тажрибасини қўллаганди.

– Ростданам бизда йўлбарс йўқ, – очикчасига тан олди директор. – Сиз циркдаги ҳайвон ўргатувчига боринг, балки уларда бордир...

Ҳайвон ўргатувчи Димага эшик очди ва унинг масаласини эшитгач, уйга киритмади. У Димани савдойи ёки восвос деган хулосага келди. У битта шунақасини биларди – ўша савдойи жуда киришимли эди ва суҳбатдошининг пальтосидаги тугма тешигидан калит шодасини ўтказарди. Хайрлашаётганда эса яна ўтказарди, фақат энди тескари томонга. У гўё суҳбат бошида ҳамсуҳбатининг қулфини очар ва суҳбат тугагач уни ёпиб қўярди. Шунақа восвос эди у.

Ҳайвон ўргатувчи Димадан ўзини узоқроқ олиб, унга қизиқсиниб қаради. Диманинг қўлида калитлар шодаси йўқ эди, у ҳайвон ўргатувчининг қаршисида қарам капалагининг қанотига ўхшаш оқиш ва тик киприкларини пирпиратганча, қуролсиз турарди.

– Сиз мени калака қилмаяпсизми? – сўради эҳтиёткорлик билан ҳайвон ўргатувчи.

Гоҳида унинг ёнига одамлар айнан шу мақсадда келишарди. Бундай одамларнинг назарида ҳайвон ўргатувчи йўлбарсни бичиб қўйган-у, бу йўлбарслар уй мушугидан фақат қиёфаси билан фарқ қилади.

– Мен сизни калака қилмаяпман, – деди Дима жиддий оҳангда.

– Сиз уни қўлга ўргатмоқчимисиз?

– Йўқ. Ҳеч нарса қилмоқчи эмасман.

– Унда йўлбарс сизга нима учун керак?

– Орзу...

– Ғалати орзу, – таажжубланди ҳайвон ўргатувчи.

– Ҳар кимнинг ўз орзуси бор.

– Сиз қаерда ишлайсиз?

– Шифокорман.

– Жарроҳми?

– Йўқ, терапевт.

– Айтинг-чи, нима учун уйқудан турганимда қовоғим остида халта ҳосил бўлади? – жонланди ҳайвон ўргатувчи.

– Сабаби ҳар хил бўлиши мумкин, – деди Дима. – Балки юракдан, балки буйракдан...

– Ҳа, тушунарли, – ҳайвон ўргатувчи Димага энди ишонч билан ёндашди ва ўйланиб қолди. Инсонларни даволаб, йўлбарс ҳақида орзу қилувчи одам ҳақида ўйлади. Ҳайвон ўргатувчи эса ҳеч қачон буни орзу қилмаганди. У бутун умр қайнонасида ажраб чиқиб, алоҳида яшашни ва унинг кўзидан узоқ бўлишни орзу қиларди.

– Менда сиз учун йўлбарс йўқ, – деди ҳайвон ўргатувчи ўзига келиб. – Бори ўзимга етмаяпти.

– Менга фақат биттагина керак, – ўтинди Дима.

– Ўнта эмас, фақат битта кераклигини тушунаман. Лекин у сиздан кўра менга кўпроқ керак. Сиз учун орзу, мен учун эса у меҳнат қуроли.

– Нима қилсам бўлади?

– Билмадим, – деди ҳайвон ўргатувчи калласини қашлаганча. – “Табиат бурчаги”га бориб кўринг-чи, балки у ерда бордир...

“Бурчак”даги раҳбарларнинг ҳеч бири жойида эмас экан. Директор хонасида телефонда секин овозда сўзлашганча, котиба қиз ўтирарди. Дима киргач, у телефондаги суҳбатини тўхтатди ва Дима тарафга эътибор ва мулоимлик билан боқди. Унинг сурма тортилган кўзлари жуда чиройли эди.

– Салом, – деди Дима.

– Салом, – жавоб берди қиз жилмайганча, фақат Димага эмас, суҳбатдошига мурожаат қилди.

– Сизда йўлбарс йўқми? – сўради Дима. У қизнинг ажабланишини ва ундан қайси ташкилотдан эканлигини-ю, йўлбарс унга нима учун кераклигини сўрашини кутганди. Аммо қиз ажабланмади ҳам, ҳеч нарса сўрамади ҳам. Тиззасига гўшакни қўйганча, мулоимлик билан жавоб берди:

– Бизда қуёнлар, каптарлар ва ёнот бор. Аквариум ҳам бор, аммо йўлбарс йўқ.

Қиз гўшакни тиззасидан олиб кўзларини ерга тикканча яна секин сўзлаша бошлади.

– Хайр, – деди Дима.

Қиз ердан кўзини узиб, жилмайганча бош силтаб қўйди, аммо Димага эмас суҳбатдошига.

Дима кўчада кетиб борар экан, одамларга мутахассислиги нуқтаи-назаридан қараб ташхис қўярди. Йўлда унга иккита гипертоник ва рахит аломати бўлган, ҳали ёшига тўлмаган бола учради.

Уйда арзимаган сабаб туфайли телефонда Ляля билан тортишди ва ҳеч бир сабабсиз онаси билан уришиб қолди. Отаси эса диванда ўтириб газета ўқирди. Уни кўпроқ дунёнинг тақдири қизиқтирарди.

Уйда қиларга иш йўқ эди ва Дима қўшниси Регинаникига ўтди. Регина пастки қаватда, ёлғиз яшарди. У икки марта эрга теккан ва икки марта ҳам муносабатлар муваффақиятсиз яқун топганди: Регина эрларга бутун қалбини, ёшлигини, пулини тикди, аммо улар миннатдорчилик эвазига Регинадан ҳеч бир ортиқ жойи йўқ аёлларга кетишди ва ҳеч нарса тикишмади.

Регина эшик очиб, бурнини рўмолчаси билан беркитганча, Димага бошдан-оёқ зимдан разм солиб чикди.

– Ҳа, бу сенми? – деди у хафсаласи пир бўлиб. – Кир, фақат гапирма. Мен ишлашим керак.

Дима диванга ўтириб, Регинани кузатди. Регина бировнинг кўлёмасини варақларкан, – у мусахҳих бўлиб ишларди, – унинг фланел халати остидан кураклари ҳаракати сезилиб турарди.

Хона тоза ва шинам, Регинанинг қомати эса тик ва гўзал, аммо афсуски, бу ёқимтойлик ва гўзалликдан ҳеч ким фойдаланмаётганди.

– Кайфият расво, – гўдранди Дима.

Регина сукут сақлаганча кейинги бетни очди.

– Инсоннинг миясида битта тугмача бўлса яхши эди: шундай боссанг-у, унутгинг келган нарсани ўчириб юборсанг... – Дима йўлбарс ҳақида унутишни истаётганди.

– Қулоқ сол, – ўгирилди Регина, унинг юзида жонланиш акс этди. – Менинг белим зирқираб оғрияпти. Нега экан-а?

– Билмадим, – куруқкина жавоб берди Дима. Эртадан кечгача касаллик ҳақида эшитиш унинг жонига текканди. Ҳамма ундан ёрдам кутади, аммо ҳеч ким унга ёрдамлашишни истамайди.

– Билмайман, – қайтарди у. – Балки буйракдир, балки радикулит.

– Нега билмайсан? – хайрон бўлди Регина. – Сен шифокорсан-ку...

– Пешобни текшириб кўриш керак, – деди Дима ва уйига қайтди.

Мияда ҳақиқатан ҳам тугмача бўлмаса ҳам, телепатия бор. Одам бир нарса ҳақида тинмай ўйлар экан, унинг миясидан тўрт тарафга тўлқинлар тарқайди. Бу тўлқинлар аввал хонани тўлдиради, унга сиғмай қолгач, деразадан оқиб чиқади. Деразадан улар тепага ва атрофга тарқалишади, натижада антеннага бориб урилишади. Бунақанги антенналар уйнинг тепасида кўп, худди чизилган одамчалар таёқ-кўлчаларини кўтариб туришганга ўхшайди. Бундай одамчалар ҳамиша қўлларини очиб туришади ва дунёдаги ҳамма нарса – сўзлар, мусиқалар, фикрларни қабул қилишади. Улар дунёдаги ҳамма нарсани қабул қилиб олишади ва приёмниклар орқали уйлардаги одамларга тарқатишади. Мусиқа ва сўзларни албатта, эшитса бўлади, фикрларни эса йўқ. Фикрлар эшитилмайди, улар ҳис этилади. Агар бир одам жуда ҳам қаттиқ хафа бўлса, бошқа бир одам, у ҳатто дунёнинг нариги четида бўлса ҳам ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ, кайфияти бузилади.

Дима диванда ётиб, йўлбарс ҳақида ўйларди, унинг боши атрофида эса кўзга кўринмас биотоклар гардиш ҳосил қилишди. Худди шу вақтда телефон жиринглаб қолди. Диманинг мактабдош ўртоғи, ҳозирда геолог Вася телефон қилаётганди. Вася саломлашгач, яқинда Усурия тайгасидан қайтиб келгани, у ердан қадимги мамонтнинг қовурғасини топгани, қовурғадан ташқари, қизига йўлбарс боласини совға қилиб келтиргани ҳақида сўзлаб берди. Хотини эса, негадир узил-кесил бундай совғани рад этибди ва йўлбарс боласини ё давлатга, ёки бирор одамга бериб юборишини талаб қилаётган эмиш.

Ва орзу амалга ошди!

Охрименконинг орзуси амалга ошмади, умуман тўқсон тўққиз фоиз одамнинг орзуси амалга ошмайди, Диманики эса амалга ошди! Ва унинг хонасига йирик бошли йўлбарс боласи келиб жойлашди. Унинг кўзлари



яшил ва қорачиғи бўйламасига жойлашган, қора терили тумшуғи атрофида қора ранг ҳалқа, бошида диккайиб турган қулоқлари тенг ёнли учбурчакка ўхшарди.

Дима бахт ва чексиз завқни ҳис этиши лозим эди, аммо негадир у ёрқин завқу-шавқни ҳис этмади. Шунчаки, у биринчи марта орзунинг рўёбга чиқишини бошдан ўтказди ва бу хайрат, сокинлик ва ҳаловат тарзида намоён бўлишини билиб олди.

Дима пастга тушди ва Регинанинг эшиги қўнғироғини босди. Регина эшик очиб, бурнини рўмолчаси билан беркитганча, Димага бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

– Ҳа, бу сенми? – деди у хафсаласи пир бўлиб.

Дима индамай пиджагининг “Старка” ароғи чиқиб турган ички қўнтагини кўрсатди. Регина ўгирилиб хонанинг тўрига қараб юрди, Дима пиджагига бурканиб, унинг ортидан эргашди.

Регина сервантдан рюмка ва тақсимча олди.

– Нима муносабат билан? – сўради у ва қанақадир ҳапдорини ичди. Регинанинг аллергияси бор эди, шунинг учун ароқни фақат доридан сўнг ичарди.

– Орзу учун, – таклиф қилди Дима.

– Йўқ, бунинг учун ичмайман, – рад этди Регина.

– Аммо орзусиз яшаб бўлмайди.

– Орзу қилавер, – деди аёл. – Мен сенга ҳеч нарса деяётганим йўқ.

Регина ичди ва рўмолчасига бурнини қоқди. Унинг юзи рангпар эди. У бировларнинг қўлёмасини ўқийвериш жуда чарчаганди.

Дима ҳам ичди ва кайфияти кўтарилди.

Агар инсон хурсанд бўлса, у меҳрибонроқ бўлиб қолади ва бошқаларга бахт истайди. Дима ўзи таниган ва танимаганларнинг ҳаммасига бахт тилади. У бу бахтни ўзининг чарм жомадончасида олиб юриб, уни тез ёрдамга чақирган ҳар бир хонадонга улашишни истади.

Дима уйига қайтди. Йўлбарс боласи уйнинг ўртасида панжаларини узатганча ухлаб ётарди. Унинг қоринчаси нафаси маромида кўтарилиб тушарди, учбурчак қулоқчалари титраб кўяр, афтидан у Уссурия ўрмонларини туш кўраётганди. Дима бир муддат унга тикилиб турди, сўнг дераза ёнига бориб, пардани очди.

Д е р а з а  
ортида худ-



ди ҳар хил чироклар илинган янги йил арчасига ўхшаб деразалари турфа рангга бўялган уйлар турарди. Улардан пастда эса ғира-ширада базўр кўриниб турган омборлар бор эди.

Дима дераза раҳига суянганча, ҳали ёш экани ва ҳаётининг катта қисми олдиндалиги, бу ҳаёт турли ҳодисалар ва учрашувларга бой эканлиги ҳақида ўйлади. Ўша якшанба ҳаётидаги энг бахтли якшанба эди.

Бу бахтли куннинг якунини эса онаси бузди. Оналар шунақа, улар ҳаммадан бошқача севадилар, худди шунингдай, табингни тирриқ ҳам қила оладилар, бу ҳам ҳаммадан бошқача.

– Дима! – унинг қатъий овозини эшитиб Дима ўгирилган эди, онаси бармоғи билан унга бурчакни кўрсатди.

Дима нигоҳини бурчакка қаратди ва йўлбарсчанинг ёнида ғалати шаклдаги кўлмакка кўзи тушди.

– Арт! – буюрди онаси ва бармоғини туширди.

Бу ҳолат Диманинг бугунги кайфиятига сира мос тушмасди. Масалан, бу воқеа кинода бўлганида, режиссёр келиб мана шу эпизодни лентадан қирқиб ташлаган бўларди. Аммо Дима қирқиб ташлолмайди, шунинг учун индамай ванна томон йўл олди. Ваннадаги иситиш қувури устида айримлари эски иштондан ва яна айримлари яроқсиз қоплардан қилинган пол латталар осилиб турарди.

У латтани кўлмак устига ташлаб, устига оёғини қўйди ва ўзидан нарибери суриб арта бошлади. Диманинг рўпарасидаги уй деразасидан қараган одам уни твист рақсига тушаяпти, деб ўйлаган бўларди.

Ўзининг “твист”ини яқунлагач, Дима латтани икки бармоғининг учи билан ушлаб ваннага олиб борди ва иситиш қувурининг ёнига ташлади.

Шу билан бу эпизод ўчирилди, аммо хонага кўшниси кириб келди:

– Хайрли кеч!

– Салом, – сўрашди Дима. У қўлини сочикқа артди.

– Менинг латтамдан фойдаланишингизга қаршилигим йўқ, албатта, – деди у. – Аммо уни ишлатгандан сўнг ювиб тозалаш ва қаердан олган бўлсангиз, ўша жойига илиб қўйиш керак.

Ҳа, мантиқ бор эди бу гапда. Дима ювиниш хонасига қайтди ва латтани қувур ёнидан олиб, совуқ сув тагига ташлади. Сувда латта тўқ кўнғир рангга кирди. Дима қўли билан юваётиб, унинг аллақандай ёпишқоқ ва айни пайтда сирпанчик эканини ҳис этди.

– Совун билан ювинг, – маслаҳат берди Димага нима қилишни ўргатиш учун ортидан кузатиб борган кўшниси.

Дима совунни олиб латтага куч билан ишқалади, латтада сарғимтир совун изи пайдо бўлди. Сув мана шу издан оқа бошлади, Диманинг қўлига аллақандай қум ва майда тошлар илашди.

– Иссиқ сув билан, – бошқариб турди уни кўшниси.

Дима иссиқ сувни очди ва унинг қўли иссиққина бўлди, совун ҳам кўпирди, сув эса пўртанага ўхшаб оқа бошлади. Энди ванна тўқ кўнғир тусга кирди, латта эса рангини топди.

Бу жараён Димани хайрон қолдирди ва айни дамда уни хурсанд қилди. У кўшнисига миннатдорчилик билан қараб, латтани ташлагиси келмади ва тўртбурчак совун тухумсимон шаклга кирмагунча юваверди.

Дима ухлашга ётиш учун тараддуд кўрар экан, эшикдан бошқа бир аёл кўшни мўралади. Ечинган эркакни кўриб, ичкарига кирмасликка қарор

қилди ва пешонасинигина ичкарига киритди, холос. Бу қўшни бир вақтлар сочини олти ойлик жингалак қилдирганди, аммо олти ой аллақачон ўтган ва сочлар ёйилиб, ҳозир таралган юннга ўхшаб қолганди.

Қўшни аёл овозини кўтармасдан ва айнаи дамда туширмасдан ҳам, кеч бўлганига қарамасдан, Дима унинг совуни билан кир ювганини, боз устига ортидан ваннани тозаламаганини, ҳаммадан кутса ҳам буни айнан Димадан кутмаганини айтиб, шикоят қилди.

Якшанбадан кейин душанба, душанбадан кейин сешанба, сешанбадан кейин эса чоршанбанинг келиши тайин. Чоршанба – ҳафтанинг ўртаси, бу якшанбага яқин дегани ва ишлаётган одамнинг бундан кайфияти кўтарилади.

Дима учун бу ҳафта бошқача бўлди. Якшанбадан сўнг яна душанба келди. Душанбадан кейин – яна душанба ва бутун умри тўлиқ душанбаларга айланди.

Унинг орзулари йўлбарс боласи тимсолида тунлари миёвлаб чиқар ва Диманинг каравотига сакрарди. Уни килоси икки сўм турадиган гўшт билан боқиш лозим эди. Тўғри, йўлбарсчага асосан суякларни ташлашарди, аммо суяклар ҳам гўшт билан бирга сотиларди ва шунинг учун уларнинг нархи бир эди.

Қўшнилар турар жойни бошқариш идорасига арз қилишди ва милиционер ҳамда қоровулни бошлаб келишди.

Маъшуқаси Ляля рухий жихатдан соғлом одамлар уйига йўлбарс етаклаб келмасликларини айтди. Ляля бу уйга келмай қўйди – у энди йўлбарсдан ҳам, Димадан ҳам кўрка бошлаганди.

Яқин ва узоқ танишлар елка қисиб, беўхшов кулиб қўйишди. Улар бу ердагиларга нисбатан ўзларида афзалликларни ҳис қилаётганликлари кўриниб турарди.

Онаси телевизорни ўчирмай қўйди – у чироқсиз ўтиришдан кўрқарди. Оқшомлар бу оилада зерикарли ўта бошлади ва онаси ана шу бўшаб қолган вақтни отасига гиналаб ўтказадиган одат чиқарди. Отаси эса аввалгидай, жим ўтириб, газета варақласа-да, илгаригидек диққат билан ўқимасди. У стулда оёғини йиғиб олиб, тиззаларини энгагига тираганча ўтирар, вақти-вақти билан полга ва атрофга кўз югуртириб қўярди.

Бу вақтда эса ҳеч нарсадан беҳабар йўлбарс боласи улғайиб борарди. Унинг асосий хусусиятлари эҳтимол ичида яшириндир, аммо ташқаридан ҳеч нарса билинмасди. Йўлбарс боласи худди мушук каби Диманинг стетоскопини<sup>1</sup> юмалатганича, бурчакдан бурчакка сакраб юрарди. Бу машғулот жонига текканида эса, орқа оёқларида туриб, олдинги панжалари билан диваннинг қоплама жилдини йиртарди. У келажак учун тирноқларини чархлар эди.

Онасининг бундан ниҳоятда жаҳли чиқарди, аммо ноилож, йўлбарс боласини тергаб бўлармиди. Аммо жим ҳам тура олмасди, онанинг ҳамма даккиларини йўлбарсчанинг ўрнига Дима эшитарди.

Дима онасидан гап эшитаркан, хайвонот боғи директорининг юзини ва унинг саволларини эслади, онасининг сўзларидаги, шунингдек, Васянинг хотини ҳаракатларидаги мантиқ бир хил эканини ҳис этди.

Бу ҳадик туғдирди. Ҳадик ҳам касалликка ўхшайди. Уни ҳам худди ҳамма касалликлар каби аниқлаштириб, вақтида даволаш керак, шунда

<sup>1</sup> Стетоскоп – юрак уришини ва ўпкани эшитадиган асбоб (*Изоҳлар таржимонники*).

у асоратсиз ўтади. Аммо Дима ҳадигини эътиборсиз қолдирди, оқибатда бу “қасаллик” икки ой уни кемирди ва охири асоратини қолдирди. Илгари Дима уни фақат кўкрак остида ва одатда тунда ҳис этарди. Энди эса у тунда ҳам, кунда ҳам ҳис эта бошлади. Нафақат кўкрак остида, балки юрагида, миясида, ҳатто оғзида ҳам ҳис этаётганди. Ейдиган таомини аввал ҳар томондан кўриб чиқар, ҳатто хидлаб кўрар ва шундан сўнггина оғзига соларди.

Ҳаётининг энг муҳим жабҳаларида ҳадикнинг иштирокини ҳис этаркан, Дима гўшакни олди ва собиқ мактабдош дўсти, ҳозирда эса геолог Васяга қўнғироқ қилди. Дима у билан назокат ила саломлашди ва мабодо йўлбарсни қайтариб олмайсанми, деб сўради. Дима, худди олганидагидек, йўлбарс эвазига ҳеч нарса сўрамасликни ваъда қилди.

Вася саломлашди ва совғасини ҳеч қачон қайтариб олмаслигини, шунингдек, Дима каби орзу қиладиган бирортасини ҳам тавсия қилолмаслигини айтди.

– Ҳайвонот боғига мурожаат қилиб кўр, – маслаҳат берди у. – У ерда сенга яхшигина пул тўлашади ва ҳатто қўлингни ўпишади.

Дима ҳайвонот боғига борди, аммо унинг қўлини ҳеч ким ўпмади.

– Бизга керак эмас, – деди ҳайвонот боғи директори. – Бизда унга кафас йўқ.

У Димага эътиборсизлик билан қаради, шу боис директор уни таниган ёки танимаганлигини Дима англолмади.

– Мен сизнинг олдингизга илгари ҳам келгандим, – назокат билан эслатди Дима.

– Ёдимда, – деди директор ҳам хушмуомалалик билан.

У Димани эслаганди, фақат буни намоён қилмаганди, холос. Бир вақтлар, ҳали тишлари бутун бўлганда, директорнинг бошидан ҳам худди шунга ўхшаган воқеа ўтганди: у уйланиш ҳақида жуда ҳам орзу қилганди, орзусига эришгач эса, бундай қилиш шарт эмас эканлигини англаганди.

– Ахир сиз уни қимматбаҳо жонивор, дегандингиз, – эслатди Дима.

– Албатта, қимматбаҳо, – қувватлади директор. – Шу боис биз унга яшаш учун қулайлик яратишимиз керак. Аммо бизда бунинг имкони йўқ. Ахир тушунасиз-ку, турар жой масаласи – ҳозир долзарб муаммо.

Директор жим бўлди ва Диманинг кетишини кутди.

– Хайр, – деди Дима.

– Саломат бўлинг, – хайрлашди директор. – Биласиз-ку, ҳайвонлар кўп, ҳайвонот боғи эса, битта. Циркка бориб кўринг, балки уларга керакдир.

Ҳайвон ўргатувчининг хонасига гулқоғоз ўрнига турли афиша ва эълонлар ёпиштирилганди. Стол тепасида қаламда чизилган катта портрет осифлик ва унда ҳайвон ўргатувчининг ён томондан фавқулудда кўркам қиёфаси акс этганди.

Гўзаллик – сантиметрларда. Афтидан, рассом мана шу жиҳатни ҳисобга олганди. У ҳақиқийсидан кўзни ярим сантиметр каттароқ, бурунни ярим сантиметр калтароқ қилиб чизганди. Муҳими, сантиметрларнинг умумий йиғиндиси ўзгармай қолганди.

– Сиз мени калака қилмаяпсизми? – сўради эҳтиёткорлик билан ҳайвон ўргатувчи Диманинг гапларини эшитгач. Уни калака қилишларини ёқтирмасди.

Дима индамади. У стулда яхши оилада тарбия топган ўсмирга ўхшаб озғин ва хомуш бўлиб ўтирар эди.

– Қизиқ, – ажабланди ҳайвон ўргатувчи. – Ахир ўзингиз орзу қилгандингиз...

– Ҳа, аммо... – ва Дима ҳамма “аммо”ларни санай бошлади.

– Мен ҳам гўштни икки сўмдан сотиб оламан, – деди ҳайвон ўргатувчи.

– Сизнинг йўлбарсларингизни давлат боқади, – эслатди Дима. – Бунинг фарқи бор.

Бу ҳақиқатан ҳам бир хил нарса эмас эди.

– Тўғри, – деди ҳайвон ўргатувчи. – Лекин сизнинг йўлбарсингиз режада йўқ. У сметага киритилмаган.

– Ахир сиз уни “қимматбаҳо жонивор”, дегандингиз.

– Бўлмасам-чи... – деди паришонхотирлик билан деразадан қаради. Худди инсон касалликлари Диманинг жонига теккани каби, йўлбарслар ҳам унинг ҳиқилдоғига келганди.

Эшик очилиб, ёши ўтган ва лаби устидаги туклари ўсиб кетган аёл кириб келди.

– Саломлашинг, – шошиб шивирлади ҳайвон ўргатувчи.

– Салом, – деди Дима итоаткорлик билан.

Аёл индамади ва кибр ила эшикни қарс этиб ёпиб чиқиб кетди. Дима ҳайвон ўргатувчига савол назари билан қаради.

– Кўрдингми? – сўради у аллақандай маҳзун киёфада.

– Кўрдим, – тасдиқлади Дима.

– Бутун умр шундай...

Дима одоб юзасидан индамади. У ҳайвон ўргатувчи нима ҳақида гапирётганини тушунмади, аниқроғи, бу уни қизиқтирмасди. Ҳайвон ўргатувчини эса, айнаи дамда йўлбарслар қизиқтирмасди. Йўлбарслар, худди одамларга ўхшаб турфа, шу билан бирга бир хил мавжудот эдилар. Умуман олганда, йўлбарсларнинг кўпроқ ёки камроқ бўлишининг фарқи йўқ эди унга.

– Табиат бурчагига бориб кўринг-чи, – маслаҳат берди ҳайвон ўргатувчи.

– Эҳтимол уларга йўлбарс керакдир.

– Йўқ, бизга йўлбарс керакмас, – деди котиба қиз.

У битта катта дафтардан иккинчи катта дафтарга ниманидир кўчириш билан банд эди. Унинг юзи қизарган, кўзлари бўялмаган, киприги шу қадар рангсиз эди-ки, худди ковоқлари яланғочдай туюларди.

– Бизга болалар келади. Бу хавфли.

– Ахир бу қимматбаҳо жонивор-ку, – уқтирмақчи бўлди Дима.

– Биз қимматбаҳо жониворни ушлаб туrolмаймиз.

– Директор қаерда? – сўради Дима.

– У йўқ.

– Қаерда у?

– Қаерда, қаерда... Йўқ, тамом. У сизга нимага керак?

– Гаплашиш учун.

– Нимани гаплашасиз? Мен сизга ҳаммасини тушунтирдим.

Димага кўпол муомала қилишса, у ҳайиқарди ва мана шу ҳайиқиш ту-файли ўзи ҳам кўполлашарди.

– Йўқ, тамом эмас.

– Ғалати одам экансиз, – таажжубланди котибә. – Аввал сизга йўлбарс керак, кейин эса керак эмас. Нима, қиладиган ишингиз йўқми? Бошимни котирманг.

У кичкина қутини сурди ва у ердан учинчи катта дафтарни олди. Кўринишидан, Диманинг муаммоси унинг муаммолари олдида сариқ чақа билан баробар эди.

– Нега турибсиз? – сўради қиз.

– Нима қилай? – елка қисди Дима. – Ахир уни ҳайдаб юборолмайман-ку...

– Ҳайдаб нима қиласиз? Уни ветеринарга олиб боринг. Йўлбарсга ухлатувчи укол қилишади, тамом-вассалом.

Одамнинг бошига иш тушса, уни севган ва унга ишонадиган кишининг олдига югуради. Дима Лялянинг олдига югуриб кетди.

Қизнинг елкасига ёйилган сочлари бу гал сариқ рангда эди. Агар ҳозир унинг ёнига Бриджит Бардони кўйса, уларнинг қай бири Бриджит Бардо-ю, қай бири Ляля эканлигини ажратиб бўлмасди.

Кун баҳорий, кўприкнинг ярми қуруқ ва ёруғ, соя қисми эса нам ва қоронғи эди.

Дима ёруғ тарафда турарди. Сув қувури ёнида қуёшга юз тутганча тураркан, ўзида шундай чарчокни ҳис этдики, гўё у оғир жомадон кўтариб, бутун шаҳарни пиёда кесиб ўтгандай эди.

– Сени тушунаман, – деди Ляля Диманинг озгин ёноғини кафти билан силаб. Ҳа, қиз уни тушунарди ва ачинарди. У ҳақиқий аёл эди. – Орзуингни ўзгартир.

– Ахир бу хиёнат! – хитоб қилди Дима худди ибодат қилишга чоғлангандай, уч бармоғини букиб.

– Нега энди хиёнат? – ажабланди Ляля. – Рўёбга чиққан орзу энди орзу эмас.

– Агар мен йўлбарсни асраб қолмасам, билмадим, буни сенга қандай тушунтирсам экан, ҳаётимнинг энг муҳим қисмини йўкотаман.

– Агар сен уни асрасанг-у, у улғайиб, сени паққос туширса, бир қисмини эмас, бутун ҳаётингни йўкотасан.

Лялянинг кафтлари Димага совуқ ва дағал туюлди. Дима унинг кафтини юзидан олди ва қаддини кўтарди. Юзига ҳам, елкасига ҳам шамол урилди.

Ветеринария шифохонаси инсонлар даволанадиган поликлиникадан фарқ қилмас экан. Шунинг учун Дима ўзини ўрганган жойига келгандек ҳис этди.

У гардеробда пальтосини ечди ва “Маълумотхона” деб ёзилган дарча ёнига келди.

– Сиз биринчи мартами? – сўрашди у ердагилар.

– Биринчи марта, – жавоб берди Дима. – Ва охирги марта.

– Буниси бизни қизиқтирмайди, – уқтиришди маълумотхонадагилар. – Рўйхатга олиш бўлимига боринг, у ерда сизга варақа очишади.

Дима икки қадам ўннга юрди ва ёндаги дарчадан бошини сукди.

– Лақаби? – сўради қайд этувчи қиз. Бу ерда қисқа ва лўнда гапиришар экан. Фақат асосий масала ҳақида.

– Кимники? – тушунмади Дима.

– Кимники, деб ўйлайсиз? Сизники эмас, ҳар ҳолда...

Дима қовоғини уйди.

- Йўлбарс, – деди у.
- Мушукми?
- Йўлбарс, – такрорлади Дима.
- Мен итми, мушукми, деб сўраяпман.
- Мушуклар оиласига мансуб, – мавхум жавоб берди Дима. Қайд этувчи қиз нигоҳини Димага қадади, сўнг елкасини қисиб қўйди-да, варақага нималарнидир ёза бошлади.
- Фамилия?
- Кимники?
- Кимники, деб ўйлайсиз? Мушукники эмас, ҳар ҳолда.
- Коростишевский.
- Йўлбарс Коростишевский, – ўзича такрорлади қайд этувчи қиз ва Димага талон узатди.

Йўлакда бир неча хоналар бор эди. Одамлар ўриндикларда ўтириб, кутишарди.

Дима ҳам оч жигар ранг бўёқ билан бўялган ўриндикқа ўтирди ва ўз навбатини кута бошлади. Ундан олдин тиззасига катта хўжалик сумкасини қўйиб семиз аёл ўтирар эди. Сумкадан итнинг хризантемага ўхшаш, оппоқ ва бароқ тумшуғи кўриниб турарди.

- Сиз уни ухлатиб қўймоқчимисиз? – сўради эҳтиёткорлик билан Дима.
  - Э, Худо олсин сизни! – чўчиб тушди аёл ва Димадан нарироқ сурилди.
- Бизнинг асабларимиз чарчаган. Шунинг учун Б-прим уколини оляпмиз.

Навбат жуда секин ўтарди ва Дима навбати чўзилаётганидан хурсанд эди. У пойабзалининг товон қисмига қаради ва хаёлан бугунги кунни тезроқ тугашини-ю, эртанги куннинг тезроқ келишини орзу қила бошлади. Чунки бугунги кунни тезроқ унутган бўларди.

Ветеринар Диманинг бошидан ўтганларни диққат билан тинглади, аммо тинглаётганида негадир нигоҳларини Димага қаратмай, рецептга саккиз рақамга ўхшаш шаклларни чизиб ўтирди.

- Биз ўз зиммамизга бундай масъулиятни ололмаймиз, – деди ветеринар.
- Ахир бу мушук эмас, йўлбарс. Жуда катта пул туради.
- Мен шунчаки бераман, – ўтинди Дима. – Текинга олинг, уни.
  - Бизга текини керакмас, – ветеринар саккиз рақамга ўхшаш шаклларни чизишни тўхтатди. – Бизга текинга ҳам керакмас.

Дима уйига қайтганда, йўлбарс жойида йўқ эди.

- Билмаймиз, – дейишди ота-онаси.
- Билмаймиз, – дейишди қўшнилари ҳам.

Дима уй ва атрофдаги майдонни, умумий фойдаланиш жойларини айланиб чиқди, аммо йўлбарс ҳеч қаерда йўқ эди.

- Қочиб кетган бўлса керак, – дейишди қўшнилари. – Тайга ўрмонларига...
- Ёввойилар яхшилиқни билишмайди, – дейишди ота-онаси.

Дима узоқ вақт ётолмади, ва ниҳоят ётди-ю, аммо ухлолмади. У кутиб ётди: гўё ҳозир эшикнинг қўнғироғи жиринглайди-ю, у бориб очган заҳоти, ичкарига йўлбарс боласини киритворишади.

Дима эшикка қараб, кулоқ тутиб ётаркан, миясида қайсидир эшитган қўшиғидаги бир ибора айлана бошлади. У мана шу иборадан ҳам, диққатчиликдан ҳам халос бўлолмади. Ва ҳеч ким йўлбарс боласини олиб келиб, эшик тирқишидан киритиб юбормади. Эҳтимол, у ҳақиқатан ҳам тайгага қочиб кетгандир.

Орадан бир ҳафта ўтди. Дима илгаригидай тез ёрдам марказида ишлайверди ва энди ўз ишида катта бир мантиқ кўра бошлади. Унинг ёнига севгилиси Ляля ҳам келиб турди ва суҳбатлашди. Чунки, Диманинг ғалати бўлса ҳам, аниқ ва ўйланган мақсади бор эди.

Ота-онаси ҳам анави Замскийга ўхшаб олғир ва муттаҳам бўлгандан кўра, Димага ўхшаб лапашанг бўлган яхши, деб ҳисоблай бошлашди.

Қўшнилари ҳам хушмуолмала бўлиб қолишди. Одамлар ўзларидан бошқачароқ яшайдиганларни сира ёқтиришмайди одатда.

Ҳаммаси аввалгидан кўра яхши кечаётганди. Дима анча тўлишиб, ўзига келиб қолди ва унинг хонасида йўлбарс яшаган ўша вақтларни унута бошлади. Аммо бир куни, тунги сменадан қайтгач, ётиб туш кўрди. Тушига йўлбарс боласи кирди: йўлбарснинг кўзлари яшил ва қорачиғи бўйламасига жойлашган, қора терили тумшуғи атрофида қора ранг ҳалқа, бошида диккайиб турган кулоқлари тенг ёнли учбурчакка ўхшарди.

Дима уйғонди. Боши ғувиллар, унда пахта чайнагандай ғалати ҳиссиёт кечарди. Кўча ҳали қоронғи эди ва Дима ҳозир оқшом ёки тонг эканини ажратолмади. Кейин эса қандайдир белгиларга кўра оқшом эканлигини билиб олди ва кийиниб кўчага чиқди.

Дима чучварахонага кирди ва ўзи ҳам кутмаган ҳолда ичди. Агар унинг кайфияти яхши бўлса, ичгандан сўнг янада хурсанд бўларди. Мабодо авзойи бузукроқ бўлса, ичгач, аҳволи баттар оғирлашарди. Ҳозир унга аҳволи баттарлашгандай туюлди, демак ичгунга қадар ҳам кайфияти ёмон бўлган.

Дима мрамор столчага хўмрайиб қаради ва эски танишлари – Охрименко ва унинг кенг гардишли қалпоқ кийган шериги ўртасидаги суҳбатга аралашди.

– Хўш, Филиппов сенга хат жўнатдимми? – сўради Дима Охрименкодан.

– Йўқ, ҳали жўнатмади. Сен-чи, ўзингга йўлбарс олдингми? – сўради Охрименко ҳам Димадан.

Дима унга боқаркан, бирдан ўйлаб қолди: агар ҳозир орзусининг ўзи ундан қочиб кетганига иқроор бўлса, у бошқа ҳеч кимга дардини айтолмайди. Умуман, у орзу нималигини билмайдиган зерикарли одамга ўхшаб қолади.

– Мен бевақт туғилганман, – ёзғирди Дима ва худди чўқинмоқчи бўлгандай, бармоқларини бука бошлади. – Ортиқча одамман. Фожиали шахс. Энгельс айтган: “Фожа нима? Фожа – истакнинг чекланган имконият билан тўқнашуви”.

Ҳеч ким танимайдиган Охрименко Димага ачиниб қаради, аммо ҳеч нарса демади. Чунки унинг ўзи ҳам шундай аҳволда эди.







## ВРУБЕЛЬ ВА ДЕМОН

XIX аср охири – XX аср бошида рус бадий маданиятининг ривожланишида замонавийликка, янгиликка интилиш билан бирга ўтмишга қизиқиш ҳам шу давр ижодкорлари, хусусан, рассомлари ижодида кузатилади. Михаил Александрович Врубель асарларида моҳир ҳайкалтарош каби бўрттириб, мозаика каби майдалаб рангларни ўз ўрнига тўғри жойлашти-

ра олган, замонасида ўзига хос из қолдирган йирик рассомлардан бири эди. Врубель санъат ҳақидаги қарашларини гапирганида, – қалбни оддийлик билан маҳобатли, улуғвор образлар учун уйғотиш керак, – деганди.

Тадқиқотчилар Врубель ижодида нафақат кубизм, балки XX аср бошларида ривожланган авангардни, яна баъзилари рус символизми ва модернизмининг бошланишини ҳам кўриш мумкин, дея таъкидлашган.

М.А.Врубель 1856 йилда ҳарбий-юрист оиласида туғилган. 1880 йилда Петербург университетининг ҳуқуқшунослик куллиётини тамомлаганидан сўнг Петербург Бадий Академиясига ўқишга киради. 1884 йилда Киевда қадимдан мавжуд бўлган Кирилл черкови фрескаларининг таъмирида иштирок этади. Мана шу таассуротлари унинг кейинги ижодида, Киевдаги Владимирский жомеси учун акварелда ишланган “Якшанба”, “Қабр устидаги нола”, “Исонинг туғилиши”, “Фаришта қадил ва шам билан” каби эскизларида намоён бўлади. Гарчи бу эскизлар қоғоздан черков деворларига кўчмаган бўлса-да, ўзининг мазмундорлиги, моҳирона ишланганлиги билан санъат ихлосмандлари олдида уларнинг баҳоси пасаймади. Диний мифологик мавзудаги асарларга мурожаат қилиш рассомга бутун борликни кўра олишни, гуманистик анъаналарга ўзгача ёндошишни ўргатди.

Врубель ижодида маҳобатли рангтасвирга бўлган алоҳида муҳаббат умр бўйи сўнмади, бироқ бундай катта ҳажмли буюртмалар ҳар доим ҳам бўлавермагани учун шу даврнинг аксарият рассомлари бундай асарларини безакдорлик билан чуқур фалсафий мазмунга алоҳида урғу бериб яратишга уринишарди.

Буюк шоир М.Ю.Лермонтовнинг “Демон” поэмасига бир қанча туркумли асарлар ишлади. Айтиш мумкинки, ушбу поэма номи билан боғлиқ асарлар рассомнинг ақлий салоҳияти билан бирга руҳий қувватини ҳам белгилади ва ижодий автобиографиясининг асосига айланиб кетгандек бўлди. Чунки шу даврга қадар христиан мифологиясидаги шайтон – демон доим рассомлар томонидан қўрқинчли махлуқ мисоли ифодаланиб келинган эди. Врубелнинг демони ёлғизликдан, кучсизлигидан қаттиқ қайғуга ботган, ғамгин йигит қиёфасида ишланди.

Врубелнинг фикрича, қадимда Демон тимсолида шайтон ёки иблис эмас, айнан инсоннинг руҳи, ундаги ёвузлик гавдалантирилган ва шундай қабул қилинган. У ҳам ўз асарида айнан мана шуни ифодалади.

“Ўтирган ҳолатдаги Демон” маҳобатли асарининг биринчи варианты 1890 йилда яратилди. Унда рассомнинг маҳобатли рангтасвирнинг кенг имкониятларига асосланган ечими дастгоҳли рангтасвирда ҳам ўзига хос талқин этилади.

“Демоннинг боши” асарида эса оппоқ қор қопланган катта очиқ яланглик фониди қора жингалак соч, қорамағиз, хиёл ерга эгилган юз, ёрилган лаблар, ёвузликдан ёниб турган нотинч қалб акс этган кўзлар ишланган. Асар кичик ҳажмда, акварелда ишланганига қарамай, айтиш мумкинки, йирик ҳажмдаги “Ўтирган ҳолатдаги Демон” асаридан образнинг тўлақонли руҳий жиҳатдан бойитилганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Кичик ҳажмдаги оддий қоғозга ишланган “Тамара ва Демон” асарида эса чинакам маҳобатни ҳис этиш мумкин. Чунки бу асарда рассом Демоннинг: – “Илк яратилган куним билан қасам ичаман” – дея руҳланиб қасам ичган вақтини тасвирлаган.

Врубель поэмадаги Тамара образини ҳам “Тобутдаги Тамара”, “Тамаранинг ракси”, “Йиғлаётган Тамара” каби асарларида турли хил ракурсларда тасвирлади, бироқ улар Демон қадар машҳур бўла олмади.

Демон образини рассом турли хил ҳолат ва кўринишларда ишлади. Уларнинг ҳар бирида ўзига хос унинг айтмоқчи бўлган фикри, мақсади мужассамлашган эди. Образга бу қадар ҳиссий ёндошиш ва кенг, батафсил баён этиш поэмада тасвирланганидан кам эмасди. Айнан шу образ орқали Врубель жуда катта шуҳратга эришди. Унинг туркум “Демон”ларини кўришга ҳамма ишқибоз бўлди.

Чунки тасвирий санъат тарихида иблис, шайтон образига бу қадар чуқур ёндошув, яна уни ёш йигит кўринишида, қалбидаги тундлик ва ёвузликнинг йилтиллаб туришини кўрсатиб бера олиш ҳали кузатилмаган эди. Рассом айни мана шу образни яратилиш йўлида янгиликка интилганлигини, инсон танасини худди ҳайкалтарош мисоли бўрттириб, мозаика каби майда рангларни ўз ўрнида тахлаб қўя олганлигини санъатшунослар кўп бора эътироф этишган.

Демон образи иштирокидаги асарлар шодасида энди фақат “Врубелнинг краскаси”, “Врубелча ноодатий пластик форма топиш” каби иборалар тез-тез ишлатила бошланди. Рассом бу билан чегараланиб қолмай, ижодини халқ ижодиёти, фольклор билан боғлади. Рус халқ қаҳрамонлари бўлган “Микула Селянинович”, “Малика Греза” каби катта ҳажмдаги паннолари 1896 йилда Нижний Новгородда бўлиб ўтган Бутун Россия кўргазмасида “Санъат дунёси” гуруҳи ижодкорларининг илк кўргазмасидаги намоёйишидан сўнг унинг ижоди кенг оммага маълум бўлди. Шундан сўнг Врубель ижодида янги парвоз ва катта бурилишлар юз берди.

Рассом ўзининг маҳоратини сценографияда ҳам кўрсата бошлади. 1898 йили Москвада опера театрида буюртма асосида “Лея кўшиғи” деб номланган спектакль учун ажойиб декорация ишлайди. Ушбу декорация ёниб кетган бўлса-да, бугунга қадар эскизлари сақланиб қолган. Шунингдек, композитор Н.А.Римский-Корсаковнинг “Шох Салтан ҳақида эртақ” (1900), “Боғча”(1897), “Қорқиз”(1899) опералари учун эскизлар, костюмлар яратади.

1895 йилда “Кармен” операси учун ишлаган декорациясига ундан биров вақт аввал яратган “Фолбин” номли асар эскизи асос бўлиб хизмат қилади. Унда ёш, қорамағиз аёлнинг нақшли гиламлар фонида қўлидаги карталарга қараб аянчли тақдир ҳақида фол кўриб тургани тасвирланган. Юз ифодасида картада кўраётган тақдирнинг аянчли эканлиги шу қадар ишончли тасвирлаганки, томошабин беихтиёр ишонади. Рассом дастгоҳли рангтасвирда ишлаган композицияларидан маҳобатли панноларида ҳам унумли фойдаланади. “Кармен” операси беағида ҳам Фолбин образини ўз ўрнида маҳорат билан қўллаган.

XIX аср охири – XX аср бошида Москва гуллаб-яшнаётган эди: одамлар ўз сармоясига эга бўлиб, улар ўзлари учун катта, ҳашамдор уйлар курдиришарди. Врубелъ ана шундай уйлардан А.В.Морозова, Е.Д.Дункер, К.Д.Арцибушева ва бошқаларнинг уйлари интерьерлари ва экстерьерлари учун мифологик “Париса суди”, “Тонг” аллегорик триптихи, “Тушки пайт”, “Окшом” ҳамда “Фауст” каби кўплаб композициялар ишлайди. Ушбу композициялар ичида “Фауст ва Мефистофель парвози” номли фантастик намоён муваффақиятли ва ғоят қизиқарли чиққан. Рассом ушбу асариди ҳам маҳобатлилиги ва улғворлик билан бирга образларнинг ички оламини кўпроқ очиб беришга эътибор қаратган.

М.А.Врубелъ ижодкор сифатида рангтасвирнинг деярли барча жанрларида баракали ижод қила олган. “С.И.Мамонтов портрети” (1897), “В.Я.Брюсов портрети” (1906) асарларига у “моноқахрамон”га мурожаат каби жонли ва кенг дунёқараш билан ёндашади. В.Я.Брюсов ўз портретини худди ойнага қараб турган ўзимни кўргандекман, дея таърифлаб, фикрини шундай яқунлайди: – “Бу портретдан кейин бошқаси менга асло керакмас. Мен ярим ҳазил бўлса ҳам Врубелъ ишлаган портретга ўхшашга ҳаракат қиламан, дея доим ўзимга таъкидлайман”.

Рассом ҳаётининг сўнгги йилларида рухий касаллар шифохонасида даъволанади. Ўз касбини сеувчи рассом у ерда ҳам тинмай расм чизаверади. Жумладан, ўзи ётган хонадаги барча жиҳозларни алоҳида-алоҳида санъат асари сифатида ишлайди. “Чанок”, “Дур” (1904), “Кровать”, “Кресло” (1905) каби асарларнинг ҳар бири мукамал ишланган натюрмортлар эди.

Хасталик даврида у “Пайғамбар боши” номли асар яратади. Бу асардаги портрет қиёфасида рассомнинг ўз юз чизикларини кўриш мумкин эди.

Михаил Александрович Врубелъ рус рангтасвирида ўз йўналишига, ўз ранги, ўз чизикларига эга ва ҳар бир асари орқали томошабинга айтмоқчи бўлган фикрлари мавжуд бўлган рассом эди. У умрининг сўнгига қадар ёшлик даврларидаёқ ўзини мафтун этган ва унга илҳом бағишлаган черков фрескаларидагидек “Олти қанотли Серафим”, “Азроил” каби диний сюжетлар акс этган асарлар яратишдан асло тўхтамади.

*Инобат ИМОНҚУЛОВА,  
санъатшунос*

## ЖАҲОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҚИСҚАЧА ҚОМУСИ

**“БАТРАХОМИОМАХИЯ”** – Ҳомернинг “Илиада” достонига пародия шаклида ёзилган қадимги юнон поэмаси. Поэма гекзаметрда ёзилган бўлиб, унинг муаллифи кимлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Қадимда уни Ҳомернинг ўзи ёзган деб қаралган бўлса, Плутархдан қолган манбаларда эса бу пародиянинг муаллифи эллин даври шоири Пигрет бўлиши мумкин, деган тахминлар кўрсатилади. “Батрахомиомахия”да “Илиада” достонидаги қахрамонлик урушлари каламушлар ва бақалар уруши шаклида пародия қилинади. Бақалар шоҳи Вздоломорд ва каламуш Крохобор етакчи поэманинг образлари бўлиб, охир-оқибатда Зевс юборган қисқичбақалар ёрдамида бақалар ғалаба қозонади. “Батрахомиомахия”ни кейинчалик Европада кенг тарқалган бурлеска адабиётининг илк намунаси дейиш мумкин. Ушбу антик адабиёт намунаси бизнинг давргача тўлиқ ҳолда етиб келган ва дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

**БАЙОПИК** – (биографик фильм) кинематографик тур, яъни, машҳур шахслар, тарихий сиймолар ҳаётига бағишлаб суратга олинадиган бадиий фильм тури. Атама инглизча “biographical picture” жумласидан келиб чиққан. Биографик моҳиятан фильм ҳужжатли ва бадиий фильмнинг ўрталигида юзага келадиган, бадиий жиҳатдан бойитилган прототип характери, ҳаётига оид аниқ фактларга асосланади ва ҳамма жанр хусусиятларини ўзида қамраб олади. XX аср рус кино санъатида биографик фильмнинг ривожланиши бевосита даврнинг ижтимоий-сиёсий муҳити билан боғлиқ бўлиб, асосан куч-қудрат соҳиблари, тарихий ҳукмдорлар ҳаётини фильм қилишга катта куч сарфланган. “Пётр I”, “Донишманд Ярослав”, “Александр Невский”, “Суворов”, “Адмирал Ушаков”, “Чапаев” каби фильмлар бунинг ёрқин мисолидир. Рус режиссёрлари Пушкин, Лев Толстой, Петр Чайковский, Андрей Рублев каби улғу ижодкорлар ҳаёти асосида биографик фильмлар яратиб, мазкур йўналишда юқори натижаларга эришган. Америка кинематографчиларида 1960 йилдан кейин биографик фильмга жиддий қизиқиш бошлаган. Ўзбек кино санъати тарихида ҳам “Алишер Навоий” (1947 йил. Режиссёр К.Ёрматов), “Ибн Сино” (1954 йил. Режиссёр К.Ёрматов), “Фурқат” (1959 йил. Режиссёр Й.Аъзамов), “Оловли йўллар” (1977-1984 йиллар. Режиссёр Ш.Аббосов), “Беруний” (1974 йил. Режиссёр Ш.Аббосов) каби биографик фильмлар суратга олинган.

**БЕРНАРДО БЕРТОЛУЧЧИ** – атоқли итальян кинорежиссёри, сценарийнавис, “Оскар” мукофоти совриндори. 1941 йилда Италиянинг Парма шаҳрида таваллуд топган, 2018 йилда Римда вафот этган. Бертолуччи кинематография соҳасига 1960 йилда кириб келади. У машҳур итальян кинорежиссёрлари Пьер Позолини, Жан-Люк Годарларнинг издоши сифатида эътироф этилади. “Муҳаббат ва нафрат”, “Париждаги сўнги танго”, “Конформист”, “Ой”, “Қувноқ инсоннинг фожиаси”, “Сўнги

император”, “Орзумандлар”, “Мен ва сен” ва бошқа ўттизга яқин фильмлари билан дунёга танилган. Унинг фильмларида фрейдизм таълимотининг асоси – инсон руҳияти ва физиологик ҳолати таҳлил этилади.

**“БОРИС ГОДУНОВ”** – улуғ рус шоири Александр Пушкиннинг 1925 йилда ёзилган драматик қиссаси. Маълумотларга кўра, 1824 йил Пушкин хизмат вазифасидан озод этилиб, Михайловское қишлоғи (Псков)га сургунга юборилади. Иккинчи марта тазйиққа учраган шоир қисқа муддатли руҳий эзилишдан сўнг мутолаага берилиб, Николай Карамзиннинг “Россия давлати тарихи” кўп томлик асарини ўқиш чоғида ушбу асарни ёзади. Асар трагедия жанрида бўлиб, унда XVI аср рус салтанати тарихининг бир фожиавий даври, шоҳ Борис Годунов буйруғи билан шаҳзода Дмитрийнинг қатл этилиши фожиаси тасвирланади. Пьеса ёзилгандан сўнг, “сахнабоп эмас” деган қарашлар ва мавжуд цензура туфайли узоқ йиллар сахналаштирилмаган. Пьесада бош қаҳрамон халқ бўлиб, Борис Годунов тимсолида тахт васвасаси ифода этилади. Асарнинг тўлиқ варианты 1931 йилда нашр қилинган ва 1870 йилда илк бор қисқартирилган ҳолатда Александр театри артистлари томонидан Маринский театрида сахналаштирилган. Кейинчалик Россиядаги деярли барча театрларда “Борис Годунов” асосида спектакллар яратилган. Ҳозирги кунга ушбу трагедиянинг ўттиздан ортиқ сахнавий, ўндан ортиқ экран талқинлари, теле ва радиопостановкалари мавжуд.

**БУНИН МУКОФОТИ** – улуғ рус ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори Иван Бунин хотирасига бағишлаб, 2005 йилда жорий таъсис этилган адабий мукофот. Москва гуманитар университетининг ректори Игорь Ильинский ушбу мукофот кенгашининг раҳбари ҳисобланади. Мукофот ҳар йили адиб туғилган кун – 22 октябрда тантанали равишда маҳаллий ёзувчиларга топширилади. Бугунги кунга қадар саксондан ортиқ адиблар Бунин мукофотига сазовор бўлган. Вадим Месяц, Борис Екимов, Николай Конусов, Афанасий Мамедов, Сергей Соловьёвлар мукофотнинг илк совриндорларидир. Таниқли ёзувчи, шоир ва драматург Темур Зулфиқоров 2017 йилда ушбу мукофот билан тақдирланди.

**БУКОЛИКА** – адабиёт, театр, мусиқа ва тасвирий санъатга оид бадиий жанр. Буколик адабиёт қадимги юнон-сицилия халқ кўшиқлари асосида шаклланган бўлиб, унинг жанр сифатида шаклланиши қадимги юнон шоири Феокрит ижоди билан боғланади. Буколиканинг ўзига хос хусусияти шуки унда оддий қишлоқ одамларининг турмуш тарзи ва чўпонлар ҳаётини тасвирланади. Буколик адабиёт идиллия, постараль, эклога каби ички турларга бўлинади. Мосх, Бион, Вергилий, Кальпурний, Немесиан сингари қадимги юнон ва римлик йирик шоирлар буколик поэзиянинг ривожига катта ҳисса қўшган. 17 асрда етакчилик қилган классицизм ғояси Европа адабиётида ёрқин акс этиб, буколика поэзия ҳам қайта жонланади. Хусусан, француз шоирлари Антуанетта Дезульер, Жак Делиля, швецариялик Соломон Гесснер, рус шоирларидан Сумароков, Княжнин, Панаевлар ижодида буколик поэзия давом этади.

*Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА*  
тайёрлади



## РЕЗЮМЕ

●● В этом году исполняется 200 лет со дня рождения известного русского писателя Ивана Сергеевича Тургенева. В эссе Хакима Сатторий «Влечение Тургенева» говорится о среде, в которой вырос писатель, о его творческом стиле и идее его произведений.

●● В романе португальского писателя Луиша де Стау Монтейру «Мужчины не плачут» рассказывается о различных жизненных ситуациях и о сложных взаимоотношениях членов одной семьи.

●● Поэт Юлдош Эшбек подготовил подборку стихов из турецкой поэзии.

●● В статье профессора Ибрагима Хаккулова «Поэзия - это духовный дар и вера» рассказывается о многогранном творчестве народного писателя Узбекистана Джамола Камола. В номере также публикуется начало пьесы немецкого драматурга Бертольта Брехта «Добрый человек из Сычуани» в переводе Джамола Камола.

●● Классическая китайская поэзия отличается своей компактностью, остротой в мышлении, оригинальностью различных образов и метафор. В этом номере журнала можно ознакомиться с подборкой стихов в переводе поэта Турсун Али.



# RESUME



..● This year is the 200<sup>th</sup> anniversary of the birth of well-known Russian writer Ivan Sergeevich Turgenev. Hakim Sattoriy in his research article named “A Stimulus by Turgenev” writes about conditions in which the author grew, aspects of his literary style, main ideas and creative impulses of his works, systems of images and methods he used.

..● Human spirit is a very difficult thing. He analyses the world and events in social life differently. His attitude to a family and upbringing is different too. Someone falls into depression because of difficult situations, conflicts and hardships, but another thinks them usual and gets over without any crisis. Well-known Portuguese writer Luis de Stau Monteyro in his novel “A Man Who Likes Raisins” describes such situations and its different results.

..● The poems which describe ideas, styles, poetical and creative methods of Turkish poetry of the XX century were translated into Uzbek by talented poet Yuldosh Eshbek.

..● This month we celebrate the 80<sup>th</sup> anniversary of People’s Poet of Uzbekistan, well-known translator Jamol Kamol. Doctor of philology, professor Ibrohim Haqqul in his article “Poetry Is Spiritual Bravery and Fidelity” wrote about leitmotif of Jamol Kamol’s works and his place in modern Uzbek literature and literary translation. A part of the play “Kind Man from Sichuan” by well-known German playwright Bertold Brecht translated by Jamol Kamol is presented in this issue.

..● Classical Chinese poetry is notable for compact forms, exactness in idea and description, originality of different images. Well-known poet Tursun Ali researched Chinese poetry in III-XIII centuries and made an original collection.

---

---

# Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: Д.РАЖАБОВ  
Техник муҳаррир: О.СОБИР ўғли  
Мусахҳих: Ш.НИЁЗМЕТОВА  
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.  
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.  
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда  
ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

**Таҳририят манзили:**

100011, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий  
боғ ҳудудида жойлашган Адиллар хиёбони.  
Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.  
Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)  
E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 10.12.2018 й. Бичими 70x108<sup>1/16</sup>. Офсет қоғози.  
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.  
Адади 1855 нусха. 360 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.  
“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида териблиб, “Sharq” НМАКда чоп этилди.

**Босмаҳона манзили:**

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2018 й.